

ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ

ЭЙ УМРИ АЗИЗ

1-китоб



Файбуллоҳ ас-Салом

АСАРЛАР

*Эй умфи азиҳ
Биринчи китоб*



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИНИНГ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 1997



Таҳрир ҳайъати:

Алишер АЗИЗХУЖАЕВ, Пулат НОСИРОВ, Нажмиддин КОМИЛОВ, Башрулло МУҲИТДИНОВ, Фатхулла ЭРГАШЕВ, Бахтиёр ЭРКАЕВ, Муҳаммаджон ИМОМНАЗАРОВ, Ҳамдам СОДИКОВ, Абдумалик ЕҚУБОВ.

Тақризчи:

Филология фаглари иомзоди, доцент Сайди УМИРОВ

Ғайбуллоҳ Ас-Салом.
Асарлар. 1-китоб. Эй, умри азиз. — Т.: Шарқ, 1996.—256 б.

Ўз2

© «Шарқ» нашрият-матбаа
концернининг Бош таҳририяти,
1996.

МУҚАДДИМА

Марҳаматли ўқувчим. Ҳар гал ўзимнинг навбатдағи, янги китобимни ёзиш утун қулимга қалам олар эканман, қалбимни ҳаяжон чулғайди. Куз ўнгимда Сизнинг, азиз китобхон, қиёғангиз намоён булади. Нима дер экансиз, мени қандай қабул қиласкансиз, деб ўйлайман. Чунки, муаллиф мақомида, қилган меҳнатимнинг, инчунин, муайян маънода илмий ҳам ижодкор тадқиқотчи сифатида, ўзимнинг ҳам обрӯ-эътиборим, инуғузим ва тақдирим Сизга боғлиқ. Мени ўқир экансиз, агар қўлингиздаги китобим хусусида ўзингизнинг алданмаганингизга иқорор бўлсангиз, мутолаага сарфлаган вақтингизга рози бўлинг. Мен ҳам чеккан заҳматларимга мингдан-минг розиман. Бино-барин, мен учун энг холис ҳакам — Сиз. Ўзингиз биласиз, камина бир умр таржима назарияси ва амалиёти, таржимонлар тайёрлаш ташвишлари билан шугулланиб келган мутахассисман. Касб-корим, ихтисосим: таржимашунос ва дорилғунун мударриси, мураббийлик.

Кейинги ун йил мобайнида, ўзимнинг асосий хунаримга содик қолганим ҳолда, менда бадиий ва публицистик ижодга ҳам қизгин иштиёқ, майл пайдо бўлди. Овознигор (радио), ойинаи жаҳон (телевидение)да чиқишларим, шеър ёзиш, матбуот саҳифаларида уз бадиаларим, ахлоқ-одоб, маънавият баҳсларидағи мақолаларим билан иштирок этишим кўпроқ кузга ташланмоқда. Ўзимнинг асосий касб-кор соҳаларим: таржимашунослик, адабиётшунослик, тилшунослик, лугатшунослик, қомусшунослик, услубиёт, қиёсий-қоллипловчи тарҳ (типовология)дан ташқари, ҳалқ табобати, сехршунослик (экстрасенсорика), мусиқа, табииётшунослик (экология), диншунослик муаммолари билан ҳам шугуллана бошладим. Унда-бунда турфа мавзулардаги асарларни таржима қилишга ҳам тўғри келади. Кунглингиздан кечаетган андишани, азизлар,

эшитиб турибман: бир киши учун бундай қамров, хилма-хиллик қўплик қўлмасмикан?

Билмадим. Кўплик қиласдими, камлик қиласдими. Биламанки, қай жабҳага кўл урмайин, ўз насибамни чала қолдиримасликка, нон-тузимни ҳалоллашга ҳаракат қилганман. Ёзган ишларимни ҳар бир соҳанинг таникли олимлари назаридан утказганиман.

Аммо гаразим узимнинг қомусий билагон киши эканимни писандга қилиш эмас. Асло. Фақат айтмоқчиманки, менга нуқул таржимавий тадқиқотларим, соғи назарий изланишларимгина эмас, шу билан баробар адабий-публицистик бисотим ҳам бирдай қадрли. Бинобарин, Асарларим мажмуасини тайин этганда уларнинг мундарижга тарафдан ранг-баранг булишига алоҳида дикқат қилдим. Шунинг учун ундан кўп йиллик назарий ишларим, мураккаб таҳсил жараёснинг ортирган тажрибаларим билан баробар, айрим бадиалар, ибратли воқеий қиссалар, мактублар, янги ҳикмат ва фикр-мушоҳадалар, панд-насиҳатлар, хотира-лар, мавзу тақозоси билан баъзи бир шеър ва кичик таржималар ҳам урин олади. Бу эса, менинг назаримда, ҳар бир жиёлдининг бир қадар мороқ билан сиғил ўқилишига кўмаклашади деб мўлжалладим. Шояд турили ихтисосдаги ўқувчиларим каминадан ўзларига кесракли нарсаларни топсалар. Эҳтимол, бундай тадбири тажриба нашриётимиз амалийтида илк топқири тадбиқ этилаётгандир. Начора. Биз, ҳаддан ташқари сипойилашиб кетсан муаллифлар ҳам, ўз ўқувчиларимизга, уларнинг дидлари, талаб ва интилишларига пешвоз чиқишимиз кесрак-ку, ахир. Баайни шундайки, дастурхонга бир хил хўрак тортилганидан кўра, анвои нознеъматлар бўлгани яхши. Бундан ташқари, мажмуудан турли даврларда ёзган илмий рисола, дарслик, кўлланияма ва мақолаларим урин олар экан, уларда менинг ёш, иктидор, малака, ҳатто ҳаёт ҳамда тақдир тақозоси билан боғлиқ руҳий ҳолатларим, услубий тафовутлар ҳам акс этмай иложи йўқ. Бошқача булиши ҳам мумкин эмас. Зеро, 50-60-йиллардаги нашрларим билан 80-90-йилларда чоп эттирган китобларимни бир хил қимматга эга деб бўлмайди. Бу табиий. Гарчи китобларимни ҳозирги мавқсимдан туриб нашрга ҳозирласам-да, улар орасида муайян фарқлар кўзга ташланшини наинки номатлуб, бильякс, мақсадга мувоғиқ деб биламан.

Зукко ўқувчим. Сизга илинаётган ва Сиз учун

тайёрлаётганим үзига хос ушбу куллиётим моҳият эътибори билан менинг тақроримгина эмас, балки давомим, бинобарин, ҳаётимдир. Унда бутун борлигиму йўқлигим уз ифодасини топса ажаб эмас. Шу билан камина камтарин Сизнинг олийҳиммат назарингизда имтиҳондан ўтган бўламан. Ҳозирга қадар мен Сиз муҳибларимни имтиҳон қилиб келдим. Энди навбат — Сизга. Сунгги гаразим. Бундай катта нашр ҳар хил жиҳдий-ножиддий нуқсоnlар, хато ва майда қусурлардан бутунлай холи бўлиши амри маҳол. Маъзур тутгайсиз, азизлар. Сизнинг холисона танқидий фикр ва мулоҳазаларингиз, таклиф ва истакларингиздан умидворман. Навбатдаги китобларни чоп этишга тайёрланганда уларни ҳисобга олишга ҳаракат қиласман. Мажмуани ниҳоясига етказишида узимга Аллоҳ таолодан куч-қувват, пича омад, Сизларга эса, мсҳрибонларим, сабр-тоқат тилаб қоламан.

ҮЙЛАЙМАН, ДЕМАК БОРМАН

1-фасл

МЕНГА ИШОНМАНГИЗ, ОДАМЛАР ЯШАШИМ КЕРАК. ҮЗИМ УЧУНГИНА ЭМЛС

Жанобингиз Гайбуллох ас-Салом минг түккиз юз үттиз иккинчи йил, яъни күй йилида собиқ Бухоро амирлиги сарҳадида, ҳозирги Навоий вилоятининг Хатирчи беклигига таваллуд топғанман. Кичик бир тағсилот. Тугуруқхонада эмас, Сув дарвоза гузаршинг Соғунгарлик түпнда, уйда энага (бизнингча — момо) қулида тутылғанман. У вақтларда, ҳозиргидай, давлат тугуруқхоналари бўлмаган. Бас, ҳар хил мислат, турфа ирқ ҳуд бошқа соғлом-носоглом кишиларнинг бутана, қоришик сутини ичиш каминага насиб этмаган. Ота-она багрида усиб-улгайдим. Ургу-қабилачилик шажарасида отам тарафидан — мангитлар сулоласига, она жамоамиз йўригидан эса арабларга мансубман.

Раҳматлик дадам мулла Тожи, айтишларича, катта хонадонимизга шундок девор-дармиён бўлган авлиё Гадой Селзин бобомга ворис эканилар. Падаримиз эл-улус орасида «мулла Тожи» деган ном билан машхур эдиilar. Эски мактабда таҳсил кўрган, уқимишли ва муътабар зот бўлганлари бонис. Лекин дадамиз «миллатчи», «халқ душмани», «қулоқ» булишдан бир умр чўчиб яшадилар. «Зинҳор мулла эмасман, ҳой мусулмонлар, одамлар ўзиға менга шундай лақаб қўйган», дер эдиilar нуқул. «Мулла Тожи дегани бу ном эмас, лақаб, бизда, узбекчиликда таомил шундай», «узбекчилик жонга бало, ахир» деганилари-деган эди. Билса ҳазил, билмаса чин маъносида. Энди менга туриб туриб алам қиласди. Айтсанг — гап, айтмасанг — дард. Ҳеч бир қисси йўқ ажаб телба замон! Олим ёки фозил бўлгандан кўра, жоҳил тўпори бўлиш чандон афзал ҳисобланган. Э-э... Нимасини айтасиз.

*То ҳушвақт эмиш ушбу замонда гумроҳ.
Хуш кўрмас эмисш ақлу хирадни дунё.
Кел, ақлу хирадни ол бошимдин, эй дўст,
Шоядки замона биз сари боқса қиё.*

(Собир Термизий)

Яна бир тафсилот. Еху!.. Таваллуд топганим сана — минг тўққиз юз ўттиз икки ҳам, олтмиш ёшим тўлган минг тўққиз юз тўқсон иккинчи йил ҳам — қилдай қимматчилик даврига тўгри келди. Начора, тақдир. Лекин мен тақдир-қисматдан норози эмасман. Зеро, ҳар икки сана ҳам жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчи ҳолатта утиш даври. Буни шундай қиёс қилса булади, менимча. Каминадан гоҳо: — Йил фаслларидан қай бирини ёқтирасиз? — деб сўрашади. — Баҳор, өз, куз ёки қишиними? Мен... қишин яхши куришимни айтаман. Тонг қоладилар: — Нечук?! Е мижозингиз совуқми? — дейишади. Сўнгра мен мижозим иссиқлиги, гап бошқа ёқда эканини тушунтира бошлайман. Инчунин: ёз-ку яхши, шуниси борки, ёздан кейин қиши келади-да! Шундайми? Ҳа, қиши совуқ, қаҳратон, илло, ортидан чараклаган баҳор билан ёз келади. Демак, қиши қўйнида баҳор яширинган булади. Бунда ёргуғ умид билан яшайди киши. Ҳуш, қай бири афзал?

Худди шунингдек, ҳозир утиш, янтиланиш, покла-ниш даврининг мащаққатлари билан умргузаронлик қиласяпмиз. Аммо келажак — ойдин. Бинобарин, Мустақилик заҳматларини ҳам мен роҳат деб биламан. Арабларда, дарвоҷе, шундай мақол бор: Улуғ мақсад олдида турганингда меҳнатни роҳат бил. Умидворман-ким, Худо хоҳласа, мана етмиш ёшлигимни бағрим тўлиб, орзу-армонларим күшойиш булиб, чарогон, маъмур бир замонда қаршиласам. Ана шундай ёргуғ орзу-ниятлар билан яшаяпман.

Ўз ожизликлариму барча қусурларим билан ўзимдан домангир бўлсан, яхши инсоний сифатларим билан (агар улар менда бўлсан!..) ота-онам, оиласам, мактабим, устозларим ва дўстларимга бурчдорман. Ўз ҳаёт йўлимни мушоҳада қиласа эканман, муаллим ва мураббий, устоз ва ҳомийларимнинг жонли қиёфалари, худди кино тасмасидай, бирма-бир кўз ўнгимдан ўта бошлайди...

Минг тўққиз юз қирқ олтинчи йил, қавс (ноябр) ойи. Бир куни ўйимизга беҳосдан эгнига ҳарбий шинел кийган, хушбичим бир киши кириб келди. Бу, шоир, Хатирчи тумани рўзномасининг муҳаррири ва адабиёт муаллими Урин Камолий эди, билсак. Биз бир умрга у билан ажралмас ака-ука, устоз-шогирд булиб қолдик. Назаримда, Урин акам менинг қиёфамда — ўзини, қонли жанг майдонларида йўқотган ёшлигини топган бўлса керак. Ёдимда, у мен бола-

кайга бир сураттеги, яни фото аппарат тортиқ қылган эди. Үша йылдан бошлаб менинг ҳаётимда тубдан узгариш юз берди. Караптага, устоз-шогирдчилик нақадар хосиятли бир нарса экан! Аввалига ватан, мактаб, муҳаббат (оббо!) ва дохий Сталин ҳақида ибтидои шеърлар машқ қила бошладим. (Биринчи шеърим узимиздинг «Пахтакор» рузномасида босилиб чиққанини эслайман.) Домла Кудрат Майдиев таъсирида мусиқага қизиқиб, гижжак чалишни үргандим. Шоҳмот үйиннида тоң маҳалигача машқ қылган кунларим кўп булган. Үша йиллари бутун Хатирчи тумани шоҳмот «жинниси» эди, дессан муболага бўлмайди. Тил үргандим. Риёзиёт үлмига раҳматлик Фойиз Содиқов муҳаббат уйғотди. Таъбир жонз бўлса, «ишдан» буш вақтларимда мактабимиздаги шўх-шан қизларга тегажоқлик қилишга ҳам вақт топиларди.

Садаганг кетай, ёшлигим-бебошлигим! Мудҳиш урушдан кейинги юпун йиллар бўлса-да, у кунларинг гашти бир бошқача эди мен учун. У ҳидлар бошқа, у таъмлар узгача, у тушлар учқур, одамларниңг үй-фикрларию, нигоҳлари дейсизми, равиш-рафтторлари ҳам исчукдир тароватли ва файзли эди-да.

Ҳаммасидан муҳими, үша қирқ олтичи йили илк дафъя Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» рўмонини уқиб чиқдим. Үрин акам бу китобни менга яширин ҳолатда, эски газетга ураб келтириб берган эди. Үшандан кейин менда адабиётта фавқулодда рагбат ва сунмас бир муҳаббат томир ота бошлади. Бошқа томондан, ҳафсалам пир бўлди. Негаки, Жулқунбойдан кейин мен бошқа узбек адибларининг кўкларга кутариб мақталган асарларини ҳам, аксарият, қўлга олгим келмай қолди. Қодирий мен беғубории ўзига бусбуғун мафтун этганди. Бааини сеҳрланиб қолгандим. Ўз миллий моҳиятим, ўтмишим, инсоний Қадриятимга бенихоя меҳрим ошиб кетганди. Үшандан бошлаб одамларга тамомийла бошқача назар билан қарайдиган бўлиб қолдим. Гӯй мен «мен» эмас эдим...

Водариг, үша кезлари афсонавор, хушнуд онлар кетидан мусибатли бир воқса содир бўлди. Кимдир НКВДга хабар қилиб, «коммунист Үрин Камолов мактаб болаларига халқ душмани Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» асарини зимдан уқитиб, уларнинг тарбиясини бузмоқда» деган маънода чакув ўюнтирибди. Үрин акам салкам ярим аср илгари, үша мудҳиш бир муҳитда ҳам Қодирийнинг ҳеч қандай

«халқ душмани» эмаслиги, «Утган кунлар» эса узбек милий рўмончилигининг шоҳ асари эканлигини дадил айтига олган!

Орадан роса қирқ уч йил утар, минг тўққиз юз саксон тўққизга келиб, ўша утган кунларимни, ўз мозиймни, буюк Абдулла Қодирий билан Урин Камолийларни эсларканман, «Қодирийнома» деган үзига хос бир достон қоралаган бўламан...

«ҚОДИРИЙНОМА»ГА ДЕБОЧА

(манзума-достондан парча)

Ўйлагандা унинг тақдирин
Юраклар тош қотар.
Абдулло Қодирий!
Учмас мажруҳ дилимдан
Еди.
Эй Парвардигор,
Ожиздир идроку билик
Уни уйласам.
Бу не кўргуллик!
Ҳаста виждонимиз унсиз фарёди.
Узимдан бораман бадар
Чексизлик қадар,
Кур қисматнинг танну тор
Кўчаларидан...
Лек лолман,
Қазову қадарнинг билолмам
Сирин.
Изн берингиз,
Адлу инсоф
Ҳазрат олийлари,
Аслида,
Сўзлаганди менга уни соф
Ёшлигимнинг Урин
Камолийлари.
Бир қиссаки, куволашиб,
Алвон тонглар бўзарив отар,
Бир қиссаки, ҳар фаслида
Чаппар уриб, чарақлаб сайёralар,
Сунтица чуволашиб,
Хоргин Қўёш саргайиб ботар...
Бу қиссадан
Қизаради қонли мозийнинг

*Яқин үтмиши, уфки.
Минг йиллар бўлмиш бизда
Кул бозори йўқ бўлганига,
Эвоҳ, куллик яшар ҳамон қонимда,
Наинки қон,
Вужудимда, устихонимда
Дил озори қолди менинг
Онг-шуурим,
Жисму жонимда —
Куллик яшар,
Жаҳолат кутурар, тонар.
Яна юз йиллар утар
Ўтган кунлар ортидан қувиб,
Қанча-қанча Қуёшлар чиқиб,
Кунлар ботар...
Аммо, аё Гайбулло,
Ҳамон қоламан доғда —
Уша-уша мубҳам муаммо:
Одамлар...
Одамлар...
Караҳт ва сангу саҳт,
Ғафлат уйқусида ётарлар
Ҳам бир-бирин аёвсиз,
Пинҳона ё рўй-рост
Сотарлар...*

Қирқ еттингчи йилнинг айни асад (июл) ойлари. Еттини тутатиб саккизга ўтганман. Абдулла Қодирий мутолаасидан сунг яна шундай бир зур сўзучи ва гузал асар қидириб, узбек адабиётидан хорижий адабиётларга чинқа бошладим. Қўлимга биринчи илнинган китоб фаранг адаби Виктор Ҳугонинг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» рўмони бўлди. Олти юз саҳифалик бу залворли асарни урис тилида мутолаа қилишга тутиндим. Ён-всримизда ўрис мардум яшмайди. Ёппасига — ўзимизницилар. Урисчага тишшим ўтмайди. Тағин келиб-келиб, дабдурустдан Ҳуто мутолаасига киринибман денг! Ушандა ўзимга ўзим бутун умримга татигулик бир сабоқ бердим, десам бўлади. Айтишади-ку сидқидилдан йигласант, сўқир куздан ёш келар, деб. Баланд, кенг, салқин меҳмонхонамизга бир ўзим кириб оламан-да, худди Куръони Каримни ёдлаётган қори сингари, Ҳуто «Ибодатхонаси»ни баланд овозда ўқийман. Қулоқни қоматга келтирадиган қилиб. Қалдироқ овозим акс садо бериб, жаранглаб

кетади. Бироқ, эсизки, ҳар бир жумладаги үн бешта сұздан атиғи бир яримтасини элас-элас фаҳмлайман, холос. Матнни қанчалик ихлос билан қироат қылмайин, уни тушунмаганингдан кейин завқ ололмайсан, рагбат сұнади. Аммо дастлаб шундай бұлса-да (дарвоқе, мазкур рўмоннинг бош қисмлари; қарийб ярмига-ча ёш ўспириң учун зерикарли!..), бора-бора сўзни-сузга, жумлани-жумлаға, маънони-маънога, фаҳмни-фаросатта улаб, асар воқеаларини идрок этишим саҳифадан-саҳифага ортиб боради. Рўмон интиҳосига яқинлашганим сайин унга ошуфтгайи бекарор булиб қолдим. Хуллас, икки ой таътил давомида китобни шаррос ўқиб чиқдим. Махсус дафттар очиб, унга билмаган, нотаниш сўзларни ёзиб бордим. Шундай қилиб, умримда илк бор фаранг адаби Виктор Хugo ўзининг «Париж маъбудасининг ибодатхонаси» рўмони билан мен узбекка... рус тилидан гоят гузал сабоқ берганы эди.

Тўққизинчи синфни туттатганимда (бу қирқ тўққизинчи йил саратони булади) рус тили муаллимаси Филипп қизи Валентина Ткаченко менга Антон Павлович Чеховнинг бир жилдлик танланган асарларини тухфа этди. Самимий дастхат билан. Хозиргача умримдинг уч йили кам ярим асрини баайни Чехов домла билан бирга ҳамнафас булиб утказдим. У менинг куз ўнгимда ва онг-шууримда тамом бошқа бир гўзалик оламини яратди. Чехов адабий эзмаликнинг ашаддий душмани эди.

Ундан кейинги йилларда магриб ва машриқ адабий үлкаларига гузарим тушди... Хужа Аҳмад Яссавий ва Робиндранат Токур, Алишер Навоий ва Вилиям Шекспир, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Оноре де Балзак, Бобораҳим Машраб ва Лев Толстой ҳамда булақ юзлаб жаҳон адабиёти саркардаларининг маънавий обидаларини зиёрат қиласман.

Шу тариқа, узим сезмаган ҳолда, дилимда эзгу бир фикр уйғонди. Қанийди, жаҳон адабиёти дурданаларини тўқис ҳолда узбек тилида курсам, деган.

Жаҳон адабий ҳаракатининг дарғазаси, ҳалқлар ва қитъалар, замонлар ва тиллар, турли-туман адабу удабо, анъаналар ва турфа миллий маданиятларни бир-бирига чамбарчас боғловчи олтин кўпприк, бу, таржима. Оддий бир ҳақиқатни туйқусдан тушуниб етгандай бўлдимки, таржима санъатисиз ҳалқлар бир-бirlари учун соқов булиб қоладилар, бир-бирларини ту-

шуна олмайдилар. Билсам, тор миллий қобиқдан чи-қиб, умуминсоний, улкан жаҳоний миқеc, салоҳият ва ташвишлар билан яшаш, халқимизни том маънода закий ва маърифатли қилишининг калити мана шу таржимада экан. Зеро, тил бир миллат кишиларини бирбири билан боғласа, турли миллатларининг узаро муомала ҳамда ҳамкорлик воситаси, «тили» — таржимадир. Шу маънода таржима санъати чинакам мӯъжиза, бу мӯъжизадан мӯъжиза яратиш санъати, таржимонлар эса мӯъжизакорлардир.

Аслида, менинг шундай хулосага келишим, уз замондош ва ватандошларим билан бирга бу соҳанинг назарий пойдеворини яратишими, узига хос, беназир узбек назарий таржимачилиги мактабига асос солиним жуда оддий бир нарса: мактаб-мадраса ва дорул-фунунда дарс берган муаллимлар, домлалар, устозларининг масиҳий нафаси, холис нияти, маслаҳати, хайри-хоҳлиги ва кумагидан бошланди.

Агар мендан:

— Ёзган китобларинг орасида энг яхшиси қайси?
— деб сурасалар, шундай жавоб берган булардим:

— Ҳар бир асарим уз даврининг маҳсули. Бинобарин, эҳтимол, уларнинг ҳар бири ўзича яхши ёки ўзича ёмондир. Лекин! Лекин!! Мен ўзимнинг энг яхши китобимни ҳали чиқазган эмасман. Ўзимнинг салкам қирқ йиллик (бу бир йигитнинг ёши деган сўз!), ҳа, қирқ йиллик меҳнатим, ортирган тажрибам, кузатишларим, адашишларим, иккяланишларим ва кащфиётларим самараси бўлган минг саҳифалик салмоқдор «Таржимашунослик» номли дарслигимни кўзим тириклигида куришни истайман. Мабодо, Ҳудо кўрсатмасин, уни кўрлмасам, бу дунёдан кўзим очиқ кетади...

Ҳаётда ҳар хил кайфиятлар кечади кишининг қалбидан. Ҳазин туйгулар, оғир кечинмалар, ногаҳон бетоблик таъсирида бир гал ёзганим бор:

*Биламан, буёғимдан ўғим яқин,
Биламан, иш келган қисти қафасга,
Умр илниб қолган нафасга,
Пичоқقا тор келиб қолган қии.*

Илтижо қиласман, азиз одамлар: бу гапларимга ишонманг, ишонманг. Ишонсангиз, мени хароб қиласиз. Аслида, ҳозиргача кечган бутун онгли ҳаётим, заҳматим, изтиробларим, насиб этса, бундан кейинги

катта илмий ва ижодий ишларимга бамисоли бир дебоча булади, холос. Салмоқдор миллий қомусий нашр, күп жылдлы туркийзабон лугат, таржима дарслиги, күп тишли мағрибу машриқ девони (антология), бир шेърий мажмуа ва Қуръони Карим таржималари таҳлилига багишланган тадқиқот яратиш орзусида ёнаман...

Бунинг учун яшашим ксрак.

МУСТАҚИЛЛИК ФАЛСАФАСИДАН БИР ШИНГИЛ

Мустақииллик тафаккуримин, номустақииллик иддааларими, билмадим. Мен умуман инсон хилқатига хос ахлоқий фазилатлар ёки фожеалар ҳақида гапириш жоиз деб биламан. Зоро, уша-уша гап: «Мұхаббат үзи күп эски нарса, ҳар бир юрак, ани өнгарта» (Абдулла Тұқай). Ҳа, одам боласини, мұргак қалбни бадбинник ва нафрят билан фақат үлдириш, майиб ва ногирон қилиб қүйиш мүмкін. Уни инсон қилиб тарбиялаш учун эса фақат мұхаббат ва некбинник керак. Бинобарин, ҳозирғи хийла оғир иқтисодий шароитда уша «күп эски нарса» — маънавий-ахлоқий қадриятларни сақлаб қолиши, ҳар бир қалбда уларни янгидан үндериши интихойи мұхим иш. Шу қадар мұхимки, бундан-да савоб, бундан-да кечиктириб бұлмайдиган, бундан-да долзарб бошқа бирон вазифани айта олмайман.

Келинг, мавсумий ва угқынчи ташвишлар билан қоврилиб ётмасдан, ҳазрати Одам сафиуллоҳ замонларидан бошлаб то чоризм асорати, буёги 17-йилдан кейинги уша машғұм узилишгача тұлқинсимон бир тарзда мавжланиб, қарор топиб келген маънавий жавхар, нондай азиз миллий ва диний қадриятларимиз ҳақида гаплашайтын.

Айтинг-айтинг, гишт қолипдан күчмасин. Фалокат шунда бұлдықи, биз ҳамма нарсани ёппасига «син-фийлаштириб» ва «ғирқалаштириб» юбордик. Ҳар бир янги сиёсий әхтироста ёки қарийб ҳар бир беш йилликка мос келдиган (ёки мос келмайдиган) ахлоқий тамойиллар ҳақида тинмай жаврадик. Одамзд мислсиз «тажриба майдонига» айланди. Ягона инсон тимсоли чунонам майдалашиб ва чучмаллашиб кетдик... Инсонни инсон қыладиган, таъбир жоиз бұлса, баний одамни ғиরтқыч ҳайвондан жудо этган белгиларни унута бошладик. Дүнёнинг қоқ үртасидан қизил чизиқ тордик: улар ва биз. Баайни: шурровий ва

Гайри шүровий кишилар пайдо булди. Зүр беріб уларни — үзимизга, үзимизни — уларга қарши қүйдик. Дунё икки қарама-қарши құтбға булинди. Ягона башарият парчаланиб кетди. Гүс уларда ҳамма нарса — ёмон, бизда ҳамма нарса — яхши. Эмиш, уларда одам одамға — бүри, бизда одам одамға — дуст. Энді билсак, бу дағыларда жиндай маҳобат бор экан. Шу зайл машъум синфийлик «назарияси» дунёни салкам ҳалокат өқасига келтириб қүйді.

Айтишларича, бозор иқтисоди биз учун қисмат. Жаҳон бозорида эса «гардкам!» деб майдонға тушасиз: ёютасиз, ө касод буласиз. Жараённинг бир моромда кетиши қийин. Бойлар боййиди, қашшоқлар қашшоқлашади. Тоабад! Хоҳтайсизми, хоҳламайсизми, шундай. Менга қолса, бойлар бойигандан боййиверсні, агар бу ялпі маъмурчилікка олиб келса. Аммо қашшоқлар қашшоқлашмаса-да! Қанийди, Аллоҳ таоло бизнинг ганийларимизга, моддий бойлукларга қушиб, шунга яраша адл-инсоф, сахиілік, тұгрилік, шафқат түйігүларини ҳам индиңса. Инчунин, ҳар бир мамлакаттинг иқтисодий салоҳияти унда қанча бой-бадавлат, үзінгә түқ, нуғузли кишилар борлығы билан белгилана-ди. Қашшоқлар соннинг ортиб бориши билан әмас...

Таассуфкі, моддий ва маънавий неъматлар ҳаммә вақт ҳам бир-бирига қойим келавермайды. «Пулим бору ақлым йүқ. Ақлым бору пулим йүқ» дегандай...

Қозықалон афандыдан сұрабди:

— Қани, хұжа Насрилдин, айтинг-чи, шу турушимда менге қанча баҳо бсрған бұлар әдінгиз?

— Минг танға!

— Лаббай?! Эгнимдаги манови биргина зарбоф тұним минг танға турадиу... — деб истеҳзо қилибди қозықалон.

— Тақсир, менам шунни ҳисобға олиб баҳо беряп-ман-да, — дсбди Насрилдин афанди.

Бир мутафаккір айтган экан: түлде шундай сұзлар боркім, улар үзлары ифода этағттан айни нарса ёки ҳодисанинг үзидан ҳам тотлироқ. «Одамшаванда», «одамохун», «заковатли» деймиз. Олийжаноб инсонларға нисбатан «шафқатли», «маърифатли», «марҳаматли», «эътиқодли» сиғатларини құллаймиз. Булар гав-хар доналадаидай қимматли, тансық. Мазкур тушунчаларнинг магзи түқ, салмоги ва қадры сарбаланд.

Баъзан дардлы үйлар чулғаб олади мени. Эй Худойим, деб хитоб қиласман үзимга-үзим, ишқилю биз-

нинг ҳамма ишга улгурадиган корчалонларимиз ўзларини ўнгу сўлига қарамай улгуржи бозорга соларкан, фойда ортидан кувиб, инсофони, инсоний қадр-қимматни нукул пул билан улчайдиган булиб кетиши ма-сайди! Шундай хавф бор ва бу таҳликали. Ҳозирданоқ ана шу иллатнинг аломатлари кўриниб қолди. Аммо ўндай бўлмаслиги керак: ҳамма нарса синса-синсин, одамгарчилик, нафсоният, орият, иймон-эътиқод ка-сад бўлмасин. Йўқотилган ҳар қандай нарсанинг урни тўлади, бой берилган маънавий қадриятларнинг урнини ҳеч қандай бойлик, зар-зевар, дуру гавҳар билан қоплаб бўлмайди.

Бозор иқтисоди шароитида бизга энг зарури шаф-қат. Зоро, инсон ўзида шафқат туйгусини қанчалик тарбия қила олганни қадар инсон. Шафқатсизлик бу разилликдир. Эсизки, раҳмдиллик, мурувват ва сахо-ватпешаликда ҳам, зикналигу ҳасад, хусумат ва шаф-қатсизликда ҳам одам боласининг олдига тушадиган бошقا бирон тирик хилқатни топиш қийин.

Шафқатли ҳамда марҳаматли одам ҳалим бўлади. Қиёфасида маъсумлик балқиб туради. Юз-кўз ифодаси мулойим, алфозию шеваси ёқимтой, ҳаракатлари назо-катли, бесзор. Шундай зотлардан иккиси: эшон Қут-биддин Муҳиддин билан Фузайил маҳсум Ислом ўғли-нинг хотираларини сира унугтолмайман. Нега айнан ҳозир уларни эслаб қолдим? Йўқ, эсламадим, мен ҳамиша бул икки ҳазратнинг ёди билан яшайман. Фа-қат тириклигида эмас, каминага шундай туйиладики, вафот этиб кетганларидан кейин ҳам бул валломат инсонларнинг фикру ёди, маънавий қиёфаси мен билан бирга қолди. Не улуг саодатким, уларнинг арвоҳла-ри бизнинг ҳолимиздан доим хабардор.

Маълумингизким, алгов-далговли ҳаёт чигириқла-ридан утиб, эндинга омадсиз ва толесиз олтмиш ёши-га қадам қўйганимда... улигимнинг ва тиригимнинг эгаси, якка-ёлгиз ўғлим, полковник Ҳабибулло Сало-мовни тириклай йўқотиб қўйдим. Шундоқ қош билан қабоқ орасида. Куппа-кундуз куни. Мен нотавон гаф-латда чапак чалганимча қолавердим.

*Водариг деб йиглаб турар Гайбулло,
Ҳабибим деб кўп уй сурар Гайбулло,
Маст туюдай бўзлаб юрар Гайбулло,
Дарагингни гайбдан сўрар Гайбулло,
Оллоҳ билан сұхбат қуран Гайбулло,
Болама ухшайдир овозининг сани.*

Тошкентдай шаҳри азимга сигмай кетдим. Э, инсонку инсон, бирон-бир жонзотнинг бошига тушмасин бундай мубҳам кулфат. Қаёқдан йилт этган нур, нажот чиқаркан деган иллинж билан Самарқанд томонларга юриб кетдим. Маҳобатли Шоҳи Зиннага сиғиндим. Буюк Амир Темур мақбараларини тавоғ қилдим. Панжоб қабристонида шахсга сиғиниш даврининг даҳшатли қурбонларидан доно муаллим ва мураббий, саховатли инсон Саййид Ризо Ализоданинг гаригиша қабрлари устида тиловат қилдим...

Хориб-чарчаб Фирдавсий кӯчасидаги хонадонга қайтдим. Фикри-ёдим тутқунилик азобини чекаётган углим Ҳабибуллохонда. Чукур хўрсиндим. Шу пайт кўзим иллинибди. Бир неча лаҳза иғида туш курибман. Тушимда bog саҳнида оппоқ фаринштадай кийинган икки мўйсафиид зот ҳузуримга келишибди. Мавлоно эшони Қутбиiddин билан Фузайил маҳсум домла. Худди унгимда куриб тургандай. Бир пайт эшон ҳазратлари, ҳеч қандай гап қотмасдан, қўйинларидан бир дона сўлқислаган иссиқ патирни олиб дастурхонга қўйдилар. Сунгра менга «ушатинг» деб амр қилдилар. Ушатдим... Шу пайт бехосдан уйгениб кетдим.

О! Баъзан тириклардан жабр курасан киши, мархумлардан — мурувват... Бу дунёдан «ғув» этиб утиб кетган ота-боболаримиз, ишуру устозларимиз биз ғоғил тириклардан кура тиїракроқми деб ўйлаб қоламан.

Бугуниги ҳаётимизда кун сайин рўй берадиган турли хил воқсаларни куриб ёқа ушлайман: «Ёпирай, унгими, тушимми бу?!» Ҳайратта тушаман. Туш десам жишила тушга ҳам ушшамайди...

Салламно Истиқдол! Тарих тиulgа кирди. Тошқин ва шошқин Ҳаёт дарёси узининг асл үзани ва манбаларини изламоқда... Бу юртдан «во ҳасрато!» деб бош олиб кетган мархумларга, шаҳицларга, муҳожирларга, мусофиirlарга — асл жабрдийда фарзандларингга иккинчи топқир умр багишилаяпсан Сен. Кўзи тирикларнинг кўзини очдинг. Бу дунёдан кузи очиқ кетган фуқароларингни танидинг, уларни смон кўзлардан асрар, ювиб-тараб сийнанига кўмдинг, эй она Ватан! Кафансиз кўмилган қурбонларингни оқ ювиб, оқ тараб олмоқдасан. Даврлар түфонида кўмилиб кетган зилол булоқларинг аста-секин кўз очиб, улардан қон аралаш оби замзам сизиб чиқа бошлади. Бироқ ҳали макру ҳийлалар битди, мунофиқликлар барҳам топди

деб буладими? Асло. Ҳасад, игво, тұхмат түрләри бус-бутун парчаланган эмас. Истеңкөм ва құргон чегарасиз, қуршовда. Очофат ганим ва галамисларнинг гайир күзлари Сенга ҳамон тикилиб турибди. Сенга, эй Истиқлол, эришиш осон (гарчи милион-миллион бегунохларнинг, шахидларнинг ох-надомати, қурбони эвазига келган бұлсанг-да!), аммо Сени құлда сақлаб қолиш, авлодларга узатиш минг чандон қийин. Илоө әндигина очилиб келаёттан күр күзларимизни тагин мудроқ босмасин. Яна ва яна (нечанчи маротаба!) алданишга энди ҳаққимиз йүк. Ватаннинг мустақиллиги, салоҳияти, эрк ва хурriят кимга керак? Юртбашио мингбоши, ҳокиму ҳукамо, қозиу қуззо, раис ёки вазири аъзамларгами? Йүк, бу ҳаммага ва ҳар бир әркесвар инсонга керак.

Күз үнгимда шундай манзара ястаниб туради. Қирғинбарот уруш ийләри биноларнинг деворларига, симёғочларга тоғыт маҳобатли бир сурат ёпиширилган буларди. Үнда муштипар, үктам, газабнок бир аәл бар-могини бигиз қылиб, сиздан жавоб кутарди: «Сен жанг-гоҳ учун нима қилдинг?» Ҳеч ким күзларини Она нигоҳидан олиб қочолмасди. Ҳозир бизга худди шундай бир хитобнома-сурат керак. Токим үнда үзбек халқининг отаси, шавкатли бобокалонимиз, соҳиби даврон, жаҳонгир Амир Темур ибн Тарогой Баҳодир, асрлар оша, ҳаммамизга ва ҳар биримизга юзланиб, десинлар: «Сен Истиқлол учун нима қилдинг?» Токим Үннинг најот талаб, ёндирувчи, меҳрибон күзларидан шафқатсиз юз йил давомида тош қотган дийдамизни, баъзан лоқайд нигоҳимизни яшира олмайлик. Бугунги кунда асрлар давомида босқىнчилар томонидан топталиб келган, таланган Ватаннинг, дардчил ва фараҳли кухна тарих ҳамда аждодларнинг биз авлодларга хитоби, даъвати, маънавияти шундоқ булиши даркор.

Қулида Қуръони, дилида иймони, тафаккурида хуррият даъвати бўлган халқни, иншооллоҳ, ҳеч бир ганим енга олмайди.

ТУРТ САВОЛГА ТУРТ ЖАВОБ

1. Мустақиллик ва маънавият. Мустақиллик шароитида рўй берәётган узгаришлар. Иқтисодий-ижтимоий узгаришлар ва муносабатлар маънавиятга қандай таъсир этмоқда?

2. Мустақіллік туфайли ватандошларимиз онгіда қандай узғаришлар юз берді?
3. Миллій Истиқол мағкураси нима?
4. Миллій ахлоқ мажмұи қандай қадриятлар ассоцияда шаклланыши лозим?

Ж А В О Б Л А Р

1. *Ватан тарихига алға тиірек күз билан қарай бошладык. Үзбек тилинін бутунлай мағыннасын сақлаб қолдик. Үнгі давлат тили мақомы берилді. Дійнін исломга ниссбетан тәхқирип жақоратлар тобора бархам топмоқда. Халқымыз аста-секин үзіннінг аслы миллій ҳолатынға қайтмоқда. Айни вақтда...*

Аввало бир нарасага аниқтап кириптиш керак. Биз қандай түзүм шароиттің яшаяттың үзі? Ҳозиргача жамият тараққиеттіннің мөрөнні-йұнапашының күйіндегі түшүнтириб келинди: ибтидоий жамоа-құлдарлық-феодализм-капитализм-социализм-коммунизм. Нұкта. Шу ерда гүе жамият тараққиеті «тұхтаіди». Бошқа «ізм» йүк. Биз ривожланған деб тағылданған социализмдан коммунизмға үтиш босқицида... парчаланып кетдік. Аммо социализм билан коммунизм үзіннінг чишакам құдратты эканини бутын дүнеге нағайиши эта олди. Ҳарбий маынода! Бутын фокеа худди шұндаға зор. Ҳарбий коммунизм иктисадиеттің издан чиқазып юборди. Уни кағанға қылды. Үзімдік жар еқасынан борылғанда... Бу Ҳудога ҳам, бандага ҳам еқмағы. Шұншынг үчүн ҳамmasи зеру по буды. Шұндағы бұлшын керак зор да шұндағы бұлды. Ҳуш? Маынавият бу ҳосиша, мағкура. Ниманинг ҳосиласи ва мағкураси? Жағоб йүк екін мавхұм. Биз әңди сармадорлықка, мұлкчиликка ружув қилаётібмиз. Тұгри! Иірік мұлтқорлар пайдо бүлмоқда. Жуда яхши. Белгі бақыват фермерлар чиқашыпты. Чиқсан! Бұндағы ажабланиш керак эмас. Бирок ажаблантирадын бошқа бир гап бор: мұлк әгаси бұлыш маданиятын йүк біздә. Бу эса жамияттің тұзатын бұлмайдынған хавфли емирилишін оліб келишин мүмкін. Құрмаганиннің күргазы курси, дейділар. Мұлкчилик қолғычылар, алчоқлық, шафқатсызлық, муноғиғылар, по-рахұрлық, фириғарларлар «янығынча» жаһолатни көлтириб чиқаzmасын керак зор. Ағасус. Гоҳо шұндағы ҳам бүлмоқдақи, биз үтмиштегі яхши сиғаттарни сақлаб қолиш үрнінг, әмбон иллігін оліб, «бойлтмоқдамыз».

2. *Одамлар аста-секин ялпы бөкім ондалиқтадағы кайфияттадан күтула бошлады, назаримда. Зиңгіларнің әнг «илғор» қис-ми ҳам үз «күйругицан» айрилған қолғанини түшүнмоқда. Гарчи ғанузға улар аросатда бұлса ҳам, оғрнанып, қарғанып көріб, үзіннінг бир замонлар үзбек бұлғаны, мусулмоғынан тан олишта күнікайтын шекілді. Ҳали ниҳоятда кам бұлса-да саховатпеша, муруваттала, маърифатты бойлар ту-*

ғилмоқда. Хорижий тиіларни урганишга ружув қилишмоқда. Ҳаёт үзи мажбур қилаяпты.

Баъзи салбий оқибатлардан ҳам күз юмбы булмайды.

...Бир куни дала богимиздан қайтиб келаётган эдик. Йұлда қоровулни учратиб қолдик. У үз ахволидан шикоят қила кетди.

— Илгари бор-йуги юз сүм маош олардим, — деди у. — Шаҳарга тушиб, уша юз сұлқавойга гүшт, ёт, ун, совун, чой, ҳар хил ширинликлар харид қилардим. Ҳуржунимни түлдіриб қайтардым. Келастаңда анови «зормондадан» ярим литринни уриб, миямни пещлаб олардим. Бай-бай-ей! Биласизми, үйімга аранг қархалак-айрыпилон булиб етиб келардим-да. Мана бұздай. Мен юрмасдан, оәкіларим остида ернинг үзи чопарди... Энди-чи? Ұзимнинг кимирлашға мажолим ійүк. Қулимға фалон сүм оламану, тирикчилігім үтмайды. Эсиз, ҳозир биз қарғаёттан «тургунлик» даврида коммунизм бұлыб, өнимиздан үтиб кеттеган экану, билмай қолған эканнан биз тұмрохдар. Энди бұлса мен уша уриснинг оғиги-ни ушишта тайерман!..

Не ажаб, қоровул бұлғандан кейин «қоровулчасига» гапиради-да, дерсиз. Агар бир «лекини» бұлмаса, уннан алмойи-алжойи гапларига ишонса буларды. Ұшаңдан бир күн оддин мен бир юмуш билан уннан ҳовлисига киргандым. Қули гүл йиіпті үзи хұмтарнинг. Қурасини жаңнат дейсиз! 25 сутих ери бор. Қоровулмиз мактана кетди. Айтнича, 30 түп пайванди қанцил олмаси бор экан. Ҳар бир түп дарахтдан камида уч минг сүм даромад оларкан. Биргина олмадан, қарабисижи, 90-100 минг сүм кирим! Яна: гиолос, үрик, шафтоли, олхұры, нокдан چұнтағига фалон сүм пул келиб тушармыш. «Сен же, мен же!» Алқисса: 1 нафар бөг қоровулы камидә 10-15 профессордан күпроқ даромад қилауди. Мәжнен қылебидими — қаңданин урсын. Ҳеч қаңдай гараз ійүк. Лекин унга 25 сутих ериң ким берди? Тұргунбайми әки ака Истиқол? Масаланинг бүсті шурлуккінің әдідан күтарилиб қолтанды. Ҳамон оәк ушищдан күтулолмайды...

Аравакашдан то ҳокимтагача, корчалондан то сиесий арбоб-гача, оддий гулахидан олимгача озодлик, ватан қадри ва үз қадрини тұла антлаб етгани ійүк. Балким табиий ҳолдир? Буннан үчүн вақт керак. Ва ошкоралик, хурфиксиктика күпроқ изн бермоқ лозим. Ұзимизиннің ислом маданияти, ота-боболаримизнің маынавиіт тұрмуш тарзи, панд-насиҳатлари, ахлоқ-одоби билан замонахиіт демократия мағфұрасиниң сингдириб бориши зарур. Акс ҳолда одамларнинг тили бошқа, дили бошқа, сұвратио сийрати бошқа булиб қолаверади. Бундай шароитда ҳар қаңдай қадрият ҳам үз қадрини ійқотади.

3. Миллий Истиқол мағфұраси?.. «Интернационал суверенитет», уннан мағфұрасини татиб күрдік. Охир-окибатда бу, бизнинг «тажрибамызда», сохтақор бир нарса экан. Үнда миллий қадриятларға үрин ійқелгі аән бұлды.

Миллий Истиқол мағфұраси ҳақида гапиришдан ол-

дип аниқлајлик: узбек миллати борми узи? Күнглинигиз ягона, бир бутун, муштарак Туркистонин тусайди. Аҳлан ва саҳлан (марҳабо)! Аммо узимиз, аксарият, «бултурги Эшмат-литигимизча» қолиб, гоҳо танту тор узбеклик либосига бурканниб олганмиз. Нима, узбекчилик өмон эками? Гап бунида эмас. Үнутмайликки, узбекни – Узбеконга (XVI аср) ишбат бериб келган эками, халқимиз кун минг йиллик тарихга эга, деб давъо қилинмиш еттоғи буллаб чиқади. Биз 92 уруг-аймокдан таркиб топган бир халқмиз. Узбеклар деганимиз ана ушаларининг атиги катта бир улушки, холос. Шавкатли Амир Темур миллатимизнинг фахри, отаси деб айтамиш. Үнутамизки... соҳибқирон б аср оддии узини гурур билан Турк деб атаган. Узбек деб эмас! Бильякс, Темур ва темурпийлар узбекларни узларининг қаттол ғаними билди, уларга қарши курашиб келишган. Бир замонлар Farbiniit, алалхусус славяниларининг усмоили туркларга, қисман Амир Темурга ҳам нафрати туфайли биз узимизни зур бериб «узбек» деб атай бошлаганимиз. Христианилик, атеизм ва шовинизмга асосланган қизил салтанат учун бу айни муддао эди.

Ҳуш? Бу билан мени халқимизнинг «миллий боширигини» дарҳол узгартирайлик, демоқчи эмасман. Узбек деган ном бизга испод эмас, ифтихор! Шутичаки тарихчилигимиз, халқшуносларимиз, миллатшунуслар уйлаб куришини, деган гапниг айтмоқчиман. Аммо бир нарса аниқ: тарихий ваъзиёт узгармоқда. Үзини қашай атасидаи қатыший назар, барча туркний қавмлар, кенг маънода – барча мусулмонлар, майдо-чўйда гина-кудратларни йигиншириб, иқтиносиди ва маънавий тарафдан бир сағфа тизилмас эканлар, аср бошида узларини узбек, қирғиз, туркман, қорақашлоқ, қозоқ... қылғаниларга ем бўлиб қолавердишлар! Биз қангчалик майдалашеак, бошқа бальзи бир йирик давлатлар буидан шунчалик фойдаланади.

Бас, «миллий Истиклол» мафқураси дегандан мен фақат уз «Узбегим»интигини эмас, бир замонлар бутун дунёни ларзага соглани умумтуркий савлатим, шавкатим, шикоатим, нафсониятимни англашни ва қадрлашин истайман. Майли мен узбек бўлиб ҳам қолайни. Бироқ мени аввал туркиман, суннера узбекман. Аксинига эмас. Зоро, биз учун келаражак – урут, қабила, жамоа, турли-тумани майдо «миллатчалар» даражасида майданлашишида эмас, балки оқилюна Ингтеграциядадир. Нажот ва салоҳият – ёвлашишида эмас, бирлашишида. «Бутун дунис йўқсуллари, бирлашингиз!» деган шиордан ҳеч нарса чиқмади. Бутун бизнинг шиоримиз шундай булиши керак: «Бутун дунис туркйлари, бирлашингиз!» Буши қангчалик тез тушуниб етсан, узимизга шунчалик яхши. Туркий халқларнинг ўзаро яқинлашуви гайри туркйларнинг парокандалиги ёки узоклашуви хисобига булмаслиги керак, албатта.

4. *Миллий ахлоқимизнинг биринчи ҳарфи* – Тұғрилик булиши лозим, менимчага. Қизил мустабицилик сибесатининг ҳосиласи улароқ, қизик. Тұғри гап билан қадр топишинг

қийин. Аммо күпчиллик ширии өлгөнгө уч. Ҳақниинг бозори қасод бўлди. Қўзга қўринмас бу ҳавфли иплатни тузатмаса бўлмайди. Ҳар қандай мушкул шаронгтда ҳам одамлар ҳақиқатни билниш даркор. Зеро, бошқалардан тұгриликті талаб қилишинг учун ўзинг тұтри бўлишинг керак. Акс ҳолда ўзингдә йўқ нарсани ўзгалардан талаб қилишга маънавий ҳаққинг йўқ. Тұтри, авомумниосни алдаш осон. Аммо Аллоҳни алдаб бўлмайди. Ҳолбуки, охир оқибатда, Аллоҳнинг иродаси амалга ошади.

Жалолиддин Румийда шундай масал бор. Бир киши Сулаймон пайғамбарнинг даргоҳларига бош уриб келади.

— Жаноби ҳазратим, — дейді у күнда ёш билан, — бутун күчанинг муйилишица Азройил алайҳиссалом мени куреб, чунопам совуқ қараадики, жон-полим чиқиб кетди. Авзойидан, бутун-эрта жонимни оладиганга ухшайди. Мендан ёрдамнингизни дариг тутманг.

— А? Нечук «ёрдам»? Паймонаны тулган бўлса, эй бандай гоғиъл, фойдаси йўқ. Ҳеч ким жонининг аро киромайди. Бу иши қўлимдан келмайди.

— Келади! — дейді бояти одам тихирлик қилиб. — Бир «пух» дени: Ҳиндистонга бориб тушаман. У ёқларда одамлар мур-малаҳдай қайнаб етибди. Гиж-гиж тумонат орасидан Азройил мени топиб булибди.

Карнайчидан бир «пух». Сулаймон алайҳиссаломнинг кароматлари билан бояти киши бир зумда мулки Ҳиндга бориб тушади ва «Азройилга саломлар!..» деб, оломонга аралашиб кетади...

...Иттифоқо, уша куни кечки пайт пайғамбаримиз кучада турсалар, қаршиларидан ҳориб-чарчаб келаеттан Азройил чиқиб қолади. Қулида бир шиша-идиши. Салом-алиқидан сунғ Сулаймон алайҳиссалом сурайдилар:

— Қани, биродар, баҳайр? Бүсқларда юрибсиз? Қулингиздаги идиши нима?

— Э-э... Бугун эрталаб манови бандани күча муйилишида курувдим. Пешини жонини олақолай деб уйига келсан йўқ. Жонини ҳовувлаб, Ҳиндистонга қочиб кетибди. Шунча жойга овора бўлиб бордим. Мана, жонини олиб қайтаятман. Идищдаги уша одамнинг жони. Е Сулаймон! Ҳудойитаолонинг бандалари кўп антиқа хилқат-да. Улар ўзидан ўзи қочолмайдио, Аллоҳнинг назаридан қочиб кутуламан, деб уйлаиди!

Миллий ахлок дегаңда мен одамларимиизга хос ҳас, ибо, шарм, меҳмондустлик, сабр-қаноат, мулоҳазакорлик, аңдиша, шафқат, оиласа, ота-онага, аёлга ҳурматни тушунаман. Яна: сахнйлик, хоксорлик, жавонмардлик... Мазкур жибилий сифатлар ҳалқимизнинг зуваласцида тоабад саҳланиб қолмоги даркор. Бу бизнинг битмас-тутамас бойлигимиз.

БАХОРГА ТАЛПИНАР ОДАМЗОД

2-фасл

ҚАЕКЛАРДА ҚОЛДИНГ, ЕШЛИГИМ?

РИЕ ҚАЕРДА ТУГАДИ-Ю, ЗИЕ ҚАЕРДАН БОШЛАНДИ?

Мен Сизга ҳикоя қилиб бермоқчы булган воқеада асли ҳеч қандай «воқса»нинг ўзи йўқ. «Нима бор, булмаса?» дейсизми? Узим ҳам ҳайронман. Ҳеч қандай «жаҳоншумул» гап йўқ. Башарти, ҳар қалай нимадир бирон нарса булса, бу ҳам хотирадир. Хотираки мен утун иондай азиз. Кечмиш ҳангомалардан, узимнинг жайдари, кўлбola «фалсафа»ларимдан бир шингилини Сиз ўқувчиларимга ҳам илиндим.

Бир инсон ўз тақдиридан қанчалик мамлүн була олса, менинг ҳам шунчалик шукроналик қилишга, ўз тақдиримдан рози булишга ҳаддим сигади. «Жуда баланддан келаяпти-ку бу домласи тушмагур», деб ўйлаяпсиз, биламан. Э, ёғ ичида яйрамаган буйрак, яна нима керак сенга, дейсиз. Айни чоғда, менинг эллик йиллик онгли ҳаётимни ичдан кузатган киши, мендан баҳарнав воқиф булган одамлар шуига икрор буладики, умримнинг бирон-бир палласида сокин, осойишта яшаши насиб этган эмас. Бутун умрим меҳнат, таҳлика, кураш, баҳсларда кечди.

Бахтни, омадни ҳар ким ҳар хил тушунади. Фараз қилинг, агар шундай бир мавзуда умумхалқ раъйини билиш — референдум утказишининг иложи бўлсайди: «Ящащдан мақсад нима?» Маълум бўлардики, бир бузбولا йигитта — сулув, нозик-ниҳол ёр керак? Бир ёлгиз чолга — муштипар ёстикдош, ҳамхона; бир онаизорнинг кўнгли тусайдики, ёлғизгина ўғлига ойдай келин топилса; бир бечора жиндай рўшнолик курсан, дейди; яна бирорига — қандолат дўкони ёки атрупа фабрикаси дегандай; кимгадир — давлат, тагиш кимгадир — бойлик, мансаб, ёглиқ амал, ер-сув, ҳовли-жой... Инсон таҳаййуоти беҳудуд. Хуллас, ҳар каллада ҳар хаёл. Нафс овораси булиб юрганлар қанчаканча! Эвоҳ, шундай бир анойини топиб булармикан бу ёруг жаҳондаки, «тила тилагингни» деганда, шундай орзу қиласа: «Ё Раббил оламин! Мен табиатан

гумроқ осий бандаман. Даргохинг кенг дейдилар-ку Сенинг. Қанийди, каминага ҳам ақл-фаросатдан қарашиб юборсанг...»

Дүнәнинг ишлари қизиқ. Бир одамни беш йил лақыллатиш мүмкин. Бошқаси, айтайлик, етти-саккиз, борингки, ун йил алданишга мойил. Яна бири, эхтимол, бутун умр буйи адашиб юрар. Ҳолбуки, наинки битта-яримта шахс, агар жамиятнинг маънавий негизи нобоп мағкура изнида бўлса, бутун бошлиқ ҳалқлар, эл-элатларни, неча-неча авлодларни ҳам эллик йил, юз йиллар давомида қўйинини пуч ёнгоққа тўлдириб чалгитиб юрса бўларкан! Уйлаб уйимга етолмайман: нима учун Одам сафиуллоҳ қавмлари, инсон руҳияти алдашга ва алданишга бу қадар уч экан-а?

Яқин ўтмишда, тургунлик аталмиш у даврларда, бир шоир айттанидай, «викжон минбаридан туриб сўзлаган нутқ»дан кура (Тилак Жўра), қорин бўшлигидан туриб сакланган сукут минг чандон афзал эди. Аммо қорнимга эмас, қадримга йиглайман, десган гап бор. Туриб туриб нашъя қиласи кишига баъзан. Эсимни танибманки, миллат қадрини уйлаганилар — «миллатчи» деб маломат қилинди. Жамиятнинг нуфузли қатлами булган тадбиркору мулкдорларни — «синфий душман», ерсув эгалари, бир неча таноб жойи булган қулигул дехқонларни — «қулоқ» деб айбладилар. Насл-насабингиздан оғиз очсангиз — «ирқчи»сиз. Уз ҳалқингиз тарихини билишни истасангиз — нияти бўзук, худбин, «ёт унсур»сиз. Руҳонийларни — «афъюнкор» деб сазойи этдилар. Она тилингизда хиргойи қилсангиз майли, бироқ илмий фикрлашга журъат этсангиз — қолоқсиз. Уз ватанингиздан баҳс очсангиз — оғзингизга урдилар. Туркий фуқаро эканингизга иқрор бўлсангиз — «пантуркист»сиз. Мумин-мусулмонмисиз? А-ҳа, «панисломист»сиз. Руза тутиб, намоз ўқисангиз — энг камида шахсий варақангизга ёзиш шарти билан ҳайфсан оласиз. Вафот этган отангизга ёки онангизга жаноза ўқитсангиз — фирмә билан хайрлашаверинг, ишдан ҳам кувиласиз балким. Ўглингизни хатна қилдирсангиз, шармандаю шармисор бўласиз. Аксарият, миллатни қиласидиган, унинг қиёфасини белгилайдиган кўп асрлик миллтий, диний урф-одат ва тамойиллар «Эскилиқ сарқити» деб таъкилаб қўйилди. Алқисса, том маънодаги янгилик сарқитлари оилани ва жамиятни издан чиқаза бошлаган эди.

...Шулар хусусида уйга чумиб утирад эканман,

туйқусдан Бодомзор масжиди томондан муаззиннинг бомдод намозига даъват этувчи жарангдор овози барала эшигилди: «Аллоҳу акбар..» Чучиб кетдим. Ё курдатингдан! Ростми?

Одам боласининг бир руҳий иқлимдан бошқа ҳолатга кучиши фавқулодда қийин кечади. Яна ҳадик ичидага ўйлай бошлайман: утган чоракам бир асрлик мубҳам давр чиндан ҳам ҳастимиизда юз бердими ёки биз гайритабиний бир туш курдикми? Риё қаерда тутади-ю, зиё қаердан тараалди? Ехуд аксинча: ҳамон уша мудҳиш, гайриинсоний воқелик кўйнида яшаштибмиз-у, манови асрий гафлатдан уйгона бошлаб, узимизни топаётганимиз ва ўз-узимизни таниётганимиз, яъни ҳозирги ҳолатимизнинг ўзи бир рӯё, сароб, узига хос антиқа тушми? Сеҳрли хомхаёллар, чўпчаклар осмонида парвоз қиласяпмизмикан? Яна лақиуллаб қолмасак бўлди, ишқилиб. Гоҳо узимга ишонмаганимдан, телбаларча, уёқбусекларимни ушлаб, пайпаслаб кўраман. Йўқ, ҳаммаси жойида. Хайрият! Шак-шубҳаларим учун ўзинг кечиргайсан, Истиқлол жаноби олийлари!

Яшириш чикора? Майлбозликка жиндай рағбатим ҳам йўқ эмас. Гоҳида жунбушга келган чогларимда жиндай ошириб ёбораман чоги. Ёшлигимдан бор миснда бундай қусур. Шуни англаганимдан бўлса кепрак ёки беиҳтиёр десамми, тафаккур ва хотиралар уммонига чуқурроқ кириб борганим сайнин изтиробу иддаоларим ортга чекиниб, маъсум, ёрут ўй-ниятлар зухур кургаза бошлайди. Қарабисизки, тун тугаб, тоңг отаётган булади.

...Дарвоқе, боя айтганимдай, ўзим асли хатирчилик буламан. Хатирчи деганингиз собиқ Бухоро амирлигидаги бекликлардан бири булганини ҳам писанда қилдим. Кейингчалик Самарқанд вилоятининг бағрига қўшишган район. Ҳозирда Навоий вилоятининг йирик тумайларидан бири. Тог-тошлар, дала-туз, водийлар, кафтдай тескис серутум срлар, узоқ тарижлар, турли инсоний тақдирлар, миллатлар, тиъллар, воқелик билан ривоят, утмиш билан келажак туташган жой. Баайни чорраҳа!

АНТИҚА МУШОҲАДА

Хатирчи мулки асли азалдан кўп миллатли жой келади. Одамлари серуруг, серқатлам. Ҳар ўн нафаридан тўқиз яримтаси ўзбек. Уч-тўрт фоиз ҳар хил мил-

лат кишилари яшайды. Чунончи, тожиклар, руслар, араблар, татарлар, лўлилар, корейслар, қозоклар, яхудийлар, олмонлар, месхети турклари, крим татарлари, арманилар... Отам замонларда бир неча хонадан ҳиндулар билан афгонлар ҳам истиқомат қилган бу ерда. Уларнинг ҳам бир хиллари узбеклашиб кетган. Айниқса, узбеклар билан тожиклар. Баъзан галати тақдирларнинг гувоҳи буласан киши. Бирининг отаси узбек, онаси тожик. Ёки аксинча. Баъзи бир хилларининг акаси узбек, укаси тожик. Тағин бировларининг опаси тожик, укаси узбек... Гоҳи пайтларда бу уртага татар, рус, озарий, афгонлар ҳам аралашиб қолади. Улар, аксарият, узини узбек деб билади ёки узбекча гаплашади, узбекона удумлар, ирим-сирилларга риоя қиласди. Узидан насл қолдириш бу фақат ҳайвоний рағбат эмас, балки теран руҳий-инсоний масала. Ёлғизлик ёлгиз Худога ярашади. Қобил фарзандларингиз қанча кўп бўлса, шунча яхши. Жужабирдай жон бўлсангиз қандай соз. Фарзандларнинг ҳар бири узризқ-насибаси билан келади ёргу дунёга. Аҳли мумин-мусулмоннинг насли кўп булиши керак, деган гапда катта маъно бор. Бир этак болангиз бўлсин-эй, барчин қизлар, ой келинлар! Аҳил, меҳрибон ака-укалари, опа-сингиллари, тога-жиянларию амаки-аммаваччалари кўп одамларга ҳавасим келади. Эсизки, улар узларининг қанчалик баҳти эканини сезмайди-да.

Раҳматли ота-онамнинг якка-ёлгиз ўғли булиб ўедим. Ёш бола эканман, бунинг нима эканини тушунмасдим, албатта. Менга қантар, варрак, хурозқанд, кучук боласи, велосипед... керак эди. Шурлик дадам билан волидамнинг кўз тиккани, орзу-умиди мен бўлганман. Шу боис мен болакайни жуда ёшлигимда тўй қилишган. Уттиз бешинчи йил. Қаттиқ очарчилик. Қатагон. Кўп одамлар бир парча нонга зор булиб, ут сб, қорни шишиб улаётган бир палла. «Оч отасини танимайди», «Оч баччагардан қоч, баччагар» деб бежиз айтмайдилар.

Кунларнинг бирида Сувдарвоза гузаридаги ҳовли-мизга дадамнинг беш-олти журалари кириб келган.

— Мулла Тожи, — деган улардан бири, — ўғил-чангни суннат қилдирсанг қандоқ буларкин? Бир чиройли тўй қилайлик, оғайни. Ке, битимиз тўкилсинг бизнинг ҳам. Билиб кўй, то хатна қилмагунча касалдан чиқмайди бола. Рангпар булиб юраверади.

Дадам эътиroz билдирган:

— Бола ҳали ёш. Энди учга қадам қўйяпти. Бироз узини тутиб олсин. Ундан кейин... нима ҳам дейин... бу ёги қидай қимматчилик. Қулимда ҳемири йўқ. Сенлар... тўйдан гапирасан!

— Э-э, Тожи, қизиқ одамсан, журо. Сен белингни маҳкам боғлаб, ўргага туш, тўйни бошли. Карнай-сурнайингни чал. Қозонни кур, — деган Абдурайим афгон. — Ақли одамсану, оддий нарсанни тушунмайсан. Эл мусулмон, ҳалқ мусулмон. Сен битта чумолига ҳам ризқ беролмайсан, эй банда. Худо ўзи етказади. Ана, курасан. Биз ҳам қараб турармилик! Мана мен, тамомий ширавор, ҳолва, новвот, қанд-қурсини ўз ёнимдан етказиб бераман. Абдурайим афгон деган отим бор-а! Парво қилма. Мановилар ҳам, ҳимматига яраша...

Хуллас, бири гўшт, бири ун, бири ёғ, яна бирори базм ташвишини ўз гарданига олган. Шундаям дадам уйлаб қолган. Хуш, НКВД нима деркин?

Мардум сал нарсага «ҳалқ душмани» бўлиб турган бадбаҳт замон бўлса, мен бу ерда карнай-сурнай ҷалиб туй қилиб ётсан...

— Мана бу муаммони узинг ҳал қиласан, — дейишган аҳли улфат. — Буёгига бир нарса деслмаймиз.

Уша кезлари ҳовлимизда Убайдуллин деган НКВД-нинг каттакони ижара турар экан. Дадам у кишига маслаҳат соглан.

— Шулай... «Қўлни халаллаш» нарсалигин инде англаб життем, — деган у. — Туй ясарга тигш, де? Туй... А-ҳа, «туй» узе нарса ул?

— Тўйми? Нима дессан экан? Тўйга одамлар келади, — деб тушунтира бошлаган дадамиз. — Ош тортамиз, буёги базм, карнай-сурнай...

— Айёе, обзый. Билам, билам. Синенг тўйда пролетариат-да буларми ний?

— Про... прол... Бу нима, ака?

— Ну, рабочийлар дийм.

— Ҳа-а, турган-битгани рабочий-да, садага.

— Сыйнфий душманнар булмий, шушилай?

— Нима у — «синфий душман»?

— Валлахий! Нарса дийм икан... Ну, эксплуататорларни суйлийм.

— Улар ким?. Эксп...

— Кшелар, которые изалар, зулем италар рабочийларга?

— Йүг-эй, Худо сақласин, бугам. Ҳаммаси бообру одамлар. Дарвоңе, тұгриси, мулла, эшон, шайх, бойбадавлат одамлар ҳам келади. Элнинг олди шулар-ку асли. Чоракор, батрак, ғұрков, қоровул... ҳаммаси саф тортиб келаверади. Сен түйга кел, сен келма, деб булмайди бизда. Ҳафа бұлади, ака.

— Ничек?! Ерамий. Дурыс бұлмаган элементларни киритарға тигеш түгел. Смотри!

— Йүг-эй, қандай қылғи? Бизни таомилда ундай эмас. Бой ҳам, қашшоқ ҳам, раису чоракор ёки аравақаш ҳам Худонинг бандаси, биродар. Камбағални ҳам Парвардигорнинг узи камбағал қылған-да, узига қолса камбағал бұлармиди! Тақдиридан курсин. Балким, Худога ҳамма баравар эмасдир. Бирор ундай, бирор бундай. Лекин Худо ҳаммага баравар. Қочган ҳам Худо дейди, қувган ҳам... Шундай, начайлик.

— Айе, обзый. Ни дисанг-да, шулай чига инде. Син бик матур кеше. Синенг түй-да, вообщем-то, демократичное мероприятие. Давай, башла құл халалларға. Кирак. Батрак, дихқаннарда аш ашасын. А-то ач қала халық. Курсақлари пустой. Мин руқсат итам. Құрықма. Узем-да килам. Даже аш ашийм. Бик хайерле түй була, Аллах құшса.

— Э, раҳмат, хұжайин. Кузингизга сурттан биттагина үглингиз бор Сизнинг ҳам. Эгилігини күринг. Түйга етказсиз үзингизни ҳам.

— Э, миненг-да башта шушилий проблема бар, қадерле Тажий ака. Малайым Талыбни хатна итарға тигеш иде. Давно пора. Биласинг, мин-да, алхамдулиллах, муслим бер кеше, ақсақал. Вот только аялым руқсат итмий инде. Нишларға билмейм.

— Ҳафа бұлманг, начайлик. Хотинингиз Лена болуга ҳам, иншооллох, Худо инеоф беріб қолар. Вақти келади, үзим бөш бұлиб үглингизни қулинни ҳалоллаймыз.

Шу орада уй бекаси — бояғи Лена бону «Үзи нима гап?» деб сұхбатта аралашып қолади. Убайдуллин оға хотинига ишора қылғи, чап құлиннинг устига үнг қулинни қүйіб, «арра» қылади. Кесиш маъносини ифодалаб. Лена опа бирдан үт олиб кетади. Түполон қылғи, үйни бошиға кутаради. Буни «ваҳшийлик», «нодонлик», «бориб турған бемаънилик» деб айтади... НКВД бошлиғи дадамга кузини қисиб, рухсат берган бұлади. «Түйни бошла, ақсақал, хайерле бұлсин!» дейди пицирлаб.

Убайдуллин татар киши бүлган. Довюрак, инсофидиёнатли бир инсон. Хотини Лена опа поляк миллатидан эди. Ўгли Володяни (теварак-атрофда ҳамма уни «Толиб» деб атарди нима учундир) хатна қылдиришга тиш-тирноги билан қаршилик қылаверган. Бу орада НКВД бошлиги вафот этади. Унинг рафиқаси умр бўйи ўзбеклар орасида яшайди. Касби тиббий ҳамшира эди. Ўзбек тилида тузуксина гапиради. У ҳамма учун ҳаммабоп дұхтири бўлиб қолганди. Ҳеч кимдан хизматини аямасди. Бора-бора шундай бўлиб кетдики, Лена Убайдуллина ўзбекларнинг ўз одами, ўзбеклар эса Лена опанинг үзиники бўлиб кетди...

Орадан ўн йилдан зиёд вақт утди. Уруш тугади. Толиб ўн олти-ўн стти ёшларга тўлди. У ҳаммага «Мен ҳам мусулмонман» деб гуурланарди. Бир куни гузар болалари билан Оқдарёга чўмилишга борганда тенг-туш журалари унинг ўёқ-буғига разм солиб, «Сен мусулмон эмас экансан», деб таъна қилган. Толибга бу қаттиқ алам қиласи ва дадамга зорланади. У үзини хатна қылдиришга рози эди. Дадамиз бўлса, бу хизматга тайёр эканини айтгиб, онанг Ленадан курқаман, тагин, боятидай, тўқимини қорнига олиб, туплон қилиб қолса, мени маломатга қўяди, дейди. Чиндан ҳам, савоб оламан деб, катта галва устидан чиқиб қолиш ҳеч гаго эмасди. Бироқ опадаи бу хусусда сўраганларида рози эканини билдириб, дсан:

— Ёшлик пайтида боланинг инон-ихтиёри, она сифатида, менда эди. Ким билсин, отасининг раъйини қайтариб тўгри иш қўлмаган куринаман. Қитмишдан пушаймонман. Ҳозир углим улгайган. Суннатни ихтиёр этган экан, мен қарши эмасман.

Шундай қилиб, падари бузургимиз ўзлари бошқоц бўлиб, барча расм-руссумлари, тўй-томошаси билан Толиб аканинг қулинни ҳалоллади. Ҳозирги вақтда уйланиб, бола-чақали бўлиб кетган. Унинг тақдирни ва оиласида турли-туман миллатларнинг қони бор. Отаси татар, онаси поляк, хотини олмон, кслини рус, фарзандлари ва набираларининг бошпиртига нима деб ёзилганини билмайман. Сураш нокулай. Бунинг қизиги ҳам йўқ.

Мени қизиқтирадиган гап буёқда. Ҳозир Толиб aka олтмиш етти ёшда. Сувдарвоза гузарида биз, туртбеш оила кишилари катта бир хонадон бўлиб яшаган-

миз. Бу хонадон аъзолари ҳеч қачон, ҳатто оғир уруш йилларида ҳам айрмачилик, бир-бирини туртқилаш нималигини билмаган. Лена опа, ҳали айтганимдай, ҳаммамизинг шахсий дүхтиrimиздай булиб қолган эди. Бу мушфик аәл тиним билмас, барчанинг оғирини енгил қыларди. Атрофдагилар ҳам уни бесҳад ҳурмат қылар, ҳар ким ҳар хил — бирор үз опасидай ёки синглисидай, бошқаси қизидай ёхуд онасидаи курарди бу аәлни. Дугоналари күп эди. У ҳаммани бирдай севар, ардоқларди. Гапи-сүзи, муомаласи, чехрасидан унинг үз ҳаётидан мамнун экани билиниб турарди. Бирон киши опани хафа қылгани ёки ранжитганини эсләлмайман. Еш успирин эканман, бир неча марта үзим шахсан гувоҳ булганман: рамазони шарифларда каллайи саҳарда үрнидан туриб, ювиниб-тараниб, ҳовлимиздаги рўза тутувчи аәлларга қўшилишиб, ифторлик қилиб юрарди. Расм-русумларга жуда зийрак эди.

Толиб ака ҳозиргача үзи туғилиб үсган эски хонадонга, ёшлигини кўмсаб келиб-кстив турарди. Қизиқ, бозор-учарда, куча-кўйда бирон кишининг у билан русча гаплашиб турганини кўргаганман. Онаси гарчи поляк асли бўлса-да, она тили унинг учун үзбек тили булиб кетган. Мабодо Толиб Убайдуллинни яқиндан билмаган бирон киши унга туйқусдан русча гап қотса, шу заҳоти тилини тишлаб қолади: үзбек тилининг ширин Хатирчи шевасида текис жавоб қайтаради. У билан гаплашиб тўймайсиз. Гап тилида ҳам эмасдир балким. Узи яхши инсон. Қалбан, фикран ва зикран асл жайдари үзбек.

... Орадан салкам эллик йил утди. Бир куни Хатирчида қариндошларни кўриб Тошкентга қайтар эканман, иттифоқо, автобусда Толиб оғани учратиб қолдим. Куришмаганимизгаям күп йиллар бўлган. У билан кучоқлашиб, оғиз-бурун упишиб кетдик. Худди ёшлигига қайтган болакай сингари, күшдек снгил тордим. Хурсанд булганимиздан икковимизнинг ҳам кузимизга ёш келди. Зеро, орадан кечган йиллар мобайнида қангчадан-қанча дарахтлар кесилиб кетди. Йуқотишлар бўлди, биз билмаган, кўргаган, танимаган янги насллар туғилди. Автобусда ёнма-ён ўтириб, акаукалар кела-келгунча қуюқ сұхбатлашиб кетдик. Иккаламиз ҳам узоқ йулда утган беш соат вақт ичиди бегубор ёшлиқ диёрига, асл ҳолатимизга қайтгандай бўлдик. У билан чақчақлашиб борар эканман, сұхбатдошимнинг тилида шунаقا ноёб, антиқа, ҳайратангиз,

теша тегмаган сўз ва ибораларни эшишиб қолардими-ки, мен бу «айрилиқ» йилларида «маданийлашиб», «шаҳарлашиб» кетганим боис, нутқда ва баъзан фикрлаш тарзида ҳам жуда кўп нарсалардан маҳрум бўлганини шундоқ аинглаб турардим. Уша алфозда мендан кўра у кўпроқ Хатирчи фуқароси эди. Ажаб...

Гап орасида, қисиниб-қимтиниб, ундан бир нарса-ни сўрашга журъат этдим. Ксийнги вақтларда бошқа миллат қишилари орасида ўз ота-боболари юргига, та-рихий ватанига қайтишга интилиш кучайиб бормоқ-да. Бу қандайдир фавқултабии ҳодиса эмас, мутлақо табиий бир ҳол. Олайлик, тақдир тақозоси билан хо-рижга костиб қолган аллақанча ўзбекларнинг ҳам буск-қа, Ўзбекистонга қайтишга майл билдираётганига ўх-шаш бир гап. Нима бўлгандаям ватан-ватан экан-да! Лекин бир кун туз ичган жойига қирқ кун салом, деган гап бор. Ҳолбуки, келаётганилар ҳам, кстаётганилар ҳам у ёқда ёки бу ёқда бир кун эмас, узок йиллар яшаган. Ҳатто ўзларининг «иккинчи ватанида» туғилиб усган. Шундай бўлгач, бошқа бир юрт одамларини бадном қилиб юришларини мен ута беандишалик, ҳатто кур-намаклик деб биламан. Айтайлик, Америка, Герма-ния, Канада, Туркияда яшаб, бошпана топиб, обру-эътибор қозониб, бола-чақали булиб ватанига қайтган бирор ўзбек уша мамлакатларни, уларнинг одамлари-ни бадном қила бошласа, мен уша одамни ҳурмат қилмайман. Уни иғвогар, ғаламис, фосиқ кимса дес биласман.

Ўз ватанини бир карра ташлаб кетган киши бошқа ватанга ҳам сигмабдими, демак, узи яхши инсон эмас. Бундайлардан йироқ юриш керак.

Айни вақтда, Ўзбекистон диёрида туғилиб, усиб, уйланиб, бола-чақали, ували-жували булиб, катта обру-эътибор топиб, дунёга танилиб, сунгра Янги Зеландия, Русия, Исройл, Австрия ёникки бошқа улкаларга бориб қолгач, бүекнинг одамларини ёмонотлик қилиб юрганларни эшифтганимда хафа булиб кетаман. Ик-киюзламачилик, мунофиқлик, нопоклик деб биламан буни. Бундай одамлар орасида кечагина елкама-елка ишлашиб келган ватандош олимлар, адиллар, артист-ларнинг номларини эшишиб тонг қоламан. Ҳайф одамгарчилик, деб юборгим келади. Ҳаёт янгидан қу-рилаётган кезларда ҳеч кимга, тубжой аҳолига ҳам, русий забон ёхуд бошқа миллат фуқароларига ҳам осон тутиб бўлмайди. Лекин бир нарса алам қилади.

Бир киши тақдир тақозоси билан уй-жойини ташлаб, хонадонингизда йиллар давомида меҳмон булиб яшаса, у билан бир майизни қирқ булишиб есангиз-да, вақти етиб, уз уйига кетаётганида сизга маломат тошларини отиб кетса!..

«Ҳамдиле аз ҳамзабоне бсхтар аст» (Абулмаъоний).
(Тил яқинлигидан дил яқинлиги яхширок)*

Бу масалада суҳбатдошим билан тұла ҳамфікәр әдик. Мен «бошқа миллат» кишисига эмас, уз ҳамшаҳар миллатдошим, қон-қариндош янглиғ уз оғам билан ҳасратлашаётгандай эркин әдим. Оббо, бүети қандай бұлды? Нафси ламрини айтганда, Толиб ака бошқа миллат намояндасы-ку, деган үй мутлақо хаёлимга келмасди.

— Толиб оға, — дедим унга. — Мени ағв этинг-у, бир гапни сұрамоқчи әдим. Мана, янгамиз олмон миллатига мансуб, а? Германияда ҳаёт кечириш дарајаси жуда баланд. Бу ҳеч кимга сир эмас. Келинойимизнинг у ёқларда қариндош-уруглари йўқми? Олмонистонга кетамиз, деб хархаша қилмайдими мабодо? Еки Татаристонда Сизнинг ота тарафдан қариндош, хеш-акраболарингиз бордир? Кунглингиз чопмайдими? Еки улар келинглар, деб қистамайдими?

— Э, оғайни, — деди у. — Қупол бұлса ҳам айтай: уёқларда менинг итим ҳам адашган эмас. Эшакмия ебманми! Ҳар ким уз кунига омон бұлсин. Инсон фақат қорни билан яшамайди-да. Германияда турмуш даражаси баланд бұлса — узига. Менинг хонадонимда ҳам турмуш даражаси немисникидан қолишмайди. Мен бу ерда уз уйимдаман. Ҳовли-ҳарамим бор. Хомтама булиб күчіб кетгандарни ҳам күряпман. Ҳой афандиілар, кетмаларинг, Ўзбекистонни ҳам, узбекдай бағри очиқ ҳалқни ҳеч қаердан тополмайсан барибир, десам қулоқ солишмади. Ҳамма билади: Ҳатирчининг, манови дарёнинг лойқа сувини ичган одам Маккадан маъраб келади... Қаёқда! Гап кор қылмади. Кетиб қолишиди. Бирори — Австралия ёки Кримга, бири — Истроилга, яна бирори — аллақайси гурға... Ҳуш? Эшитиб турибмиз: биронгаси хурсанд эмас. Улганининг кунидан, орият учун, бетини шапатилаб қизартыриб юрган бұлса-да, ахволини үзи билади. Мен уз оромимда, Худога шукр, тинчгина ўтирибман. Еганим олдимда, емаганим кетимда. Шахсан мен учун на дин, на мазҳаб, ё бұлмаса тил, дил, бозор, мозор

* Мирзо Абдулқодир Бедилдан.

муаммоси йўқ. Отамнинг қабри шу ерда. Қозон шаҳрига обориб кумиб келмаганмиз уни, миллати татар эди, деб. Онамнинг улигини Варшавага кутариб бормаганмиз, бошпиртига поляк ёзилган эди, деб. У ҳам шу тупрокда дағн этилган. Бари ўзига. Менга ҳуббул Ватан — Хатирчи, оғайни. Бу ерда менга биронта бегона одам йўқ. Барі ўзимники. Ўзим ҳам бирон кишига бегона эмасман. Сен Берлин, Варшава, Қозон, Москвалардан гапирасан. Бе! Бирон жин чалиб, ўёқларга кетиб қолсан, нима деган одам буламан? Эридан айрилган одам бир йил йиглайди, элидан айрилган одам — умр бўйн йиглайди. Хабаринг бор, Тошкентнинг қоқ марказида дадамнинг қариндошлири яшайди. Бир марта, болаликда, сен билан уларни кида бўлувдик ҳам, шекили... Улар менга бу ерга, марказга келишни кўп марталаб маслаҳат беришган... Уй-жой масаласида ёрдам бермоқчи ҳам булишувди. Кунмадим. Нима қиласман у ерда! Уз уйим — ўлан тушагим. Тиригим ҳам, улигим ҳам Хатирчида қолади менинг. «Эҳ, деревеншчина!», «Қишлоқисан», дейишиди. Ўзингдан қолар гап йўқ. Сенинг отанг менинг қулимни ҳалоллади, раҳматли. Мен шунга қарор қиласган эканман, фақат узбек жўраларимнинг дашноми туфайлигина эмас. Отам, гўрига нур ёғилсии, мусулмон бўлган. Албатта, уз эътиқодимга кура, қолаверса, раҳматли қиблагоҳимнинг хотирасига, арвоҳига, уз вақтида амалга ошмай қолган хоҳишистагига ҳурматим юзасидан шундай қиласман. Э, нимасини айтасан, биродар! Яшаш, бу — Оқдарёга бориб чумилиб қайтиш, балиқ овлаш, гўлвициди ё булмаса тухумбарак ейишгина эмас. Ёдинга қолганми бундай танқис хураклар? Сенларнинг тилингда нима дерди... Ҳа, деликатес! Мени бир нарса қийнайди. Дадам НКВД бошлиги бўлган районда. Бу қанақа даҳшатли ташкилот бўлгани, у орқали қандай қонли, машъум ишлар амалга оширилганининг шоҳиди бўлди ҳалқимиз. Лекин Аллоҳга минг марта шукр, ҳозирга қадар бирон-бир кимса менга, домангир булиб: «Хой жипириқ, сенинг атийинг менинг отамни ёки тогамни хонасалот қиласган, отган ёки ватанидан қувган!» деган эмас. Аксинча, уни таниган-билганининг ҳаммаси, яхши инсон эди, деб миннатдор булиб гапиради. Бутун Хатирчистон ҳалқи олдида юзим ёргу. Менинг отам, а, сенинг отангни кулоқ қиласман. Агар шундай булганида... олайлик, сизларнинг ўша ҳовли-ҳарам мусода-

ра қилиниб, у ерда ҳозир мен яшаб турганимда нима бўларди? Бундай ҳодисалар жуда кўп бўлган. Йўқ, биродар! Агар шундай бўлганида, мен бугун сенинг юзингга қандай қараган бўлардим? Ана шунинг учун мен ҳам ўзбекни Ўзбегим деб биламан. Ўмуман, ўзбеклар бошқа ҳеч бир миллатнинг арпасини хом ўрган эмас. Хоҳ яқиндан бўлсин, хоҳ йироқдан бўлсин, ўзбекка отиладиган тошни менга ҳам отилган тош деб биламан. Чунки менинг ўзбекка бўлган хурматим — аввало, ўзимга бўлган хурматим. Қолаверса, отамнинг арвоҳи ҳам шуни талаб қиласди мендан.

О, ВАҚТ — ОДАМХҮР!

...Инсон борки, уз ўтмишини қўмсаб яшайди. Чунки ўтмиш, бу ёшлик, болалик, навқиронлик демак. Ажаб, болалик палласи шафқатсиз оғир кечган одамлар ҳам, барибир, ўзининг ўша ёшлик — бебошлик йилларини, беҳаловат дамларини ниҳоятда мамнуният билан бот-бот эслаб туради. Балким шунинг утундирки, қиш қўйнида баҳор, гунча бағрида гул, ёшликтинг сийнасида эса келажак яшайди. Заррада қуёш акслангани сингари. Киши орзу-умидларга гарқ булиб, туйиб-туйиб снгил нафас олади. Ишонувчан, алданувчан, довюрак, бегубор бўлади. Ҳаёт аста-сскин қонингизни совутиб боради. Вақт — одамхўр деганлари бежиз эмас. Инсоннинг эси кира бошлагани сайин бепоён осмон кенгликларидан замин кўналгасига эна бошлайди... Менга шундай туйиладики, одамзод самода туғилиб, ерда улади. Зоро, бекорга айтмаганларда ҳазрат Аминий Самарқандий: ҳамонки замон ва маконда экансан, замон ва макондан хориж бўл-да, бошқа дунёларга қараб йўл ол. Насабимиз ўша ёқлардан бошланади!

ТУЙ

Бир куни, саксонинчи йилларнинг ўрталари бўлса керак, уйимизга аспирант шогирдим Фулом Хўжа келиб қолди. Узи рангпар, ориқ, касалманд йигит. Ҳар гал уни кўрганимда ичим эзилади. Асли шаҳрисабзлик. Қарши педагогика институтида олмон тили домласи бўлиб хизмат қилған. Уч-турт йилдан бери Тошкентда. Аммо илмга жуда чанқоқ, билагон, тиришқоқ.

Пешонасининг тиришлари, қўзининг маъюс боқишидан, икки гапнинг бирида чукур хўрсиниши, бот-бот оғир нафас олиши, «уф» тортишидан бошига қандайдир ташвиш тушганини сезиб турсам-да, дабдурустдан сўрашга ботинолмадим. Ниҳоят, гап орасида луқма ташлаган бўлдим:

— Қани, оғайни, баҳайр? Бизга қандай хизматлар бор? Сал ҳоргин куринасиэми? Елкангиздан нафас оляпсиз?

— Ҳа, тўй қилишим керак, домла! — деди шу заҳотисек портлаб. — Тўй... Уфф...

— Нима, тўй?! Қанақа тўй? Қачондан бери тўй... мусибатга айланган? Меннимча, ҳамманиям тўйга етказсин, бу инсон ҳаётининг гултоҷи-ку?! Барча замонларда шундай бўлган. Бунинг учун қайгуриш эмас, кувониш ксрак, чироғим. Нақ утакамни ёриб юбордигиз-е. Бирон кор-ҳол бўлибдими, деб ўйлабман. Оббо, хужамсий!

Гуломжоннинг чиройи очилмади. Ҳамон ҳайкал янглиг менга маъносиз қараб турар эди.

— Ҳей, нима гап ўзи? Бундай тушунтириброқ гапиринг, афандим?

— Уфф... Тўй...

— ? ? ?

— Э, тақсир, Сизга «тушунтириб» бўлмайди-да буни! — деди у ҳасрат билан, ҳар бир сўзни дона-дона қилиб чертиб. — Бу дунё ташвиши билан ишинигиз йўқ. Эл ичида эмассиз. Фақат китоб билан гаплашасиз. Шу билан баҳтлисиз. Бу ёқда, пастда, авом орасида нималар бўлаётганиниш кошкӣди билсангиз.

«Ёпирай, тинчликми ўзи? Эси жойидами бу йигитнинг? Ё тоби айнаб қолдимикан, а?» деган шубҳага бориб, унга синичи назари билан сарасоп солиб қарадим. Йўқ, ҳаммаси бинойидай.

— Бу гапларни қўйинг, Гуломий, — дедим парвойи фалак бўлиб. — Қачон ишингизни ҳимоя қиласиз? Мирзо кутиб қолдилар-а? (Гуломжон Бобур асларининг олмончага таржималари юзасидан бир яхши илмий рисола ёзиб, номзодлик диссертациясини ёқлаш тарафдудида эди).

— Иложим қанча... Тўйни ўтказмай туриб...

— Э, қўйинг, шу тўй-пўйингизни. Ўзингизам, рости, пича вос-вос бўлиб қолибсиз, — дедим дашном бериб.

Йигит бор кучини йигиб, жилмайган бўлди.

— Ростданам хаёллим паришон. Соглигим узингизга маълум. Онам ҳам бетоблар. Ёшлари бир жойда. Укам, Сизга бир марта айтувдим чоги, юк машинаси ҳайдар эди. Йул фалокатида бир болани босиб кетиб, икки йилдан буён ҳисбса. Елгиз қўллик. Бу ёги... тўй.

— Ҳим... дарвоқе, қанақа тўй узи?

— Уғылчамнинг қўлини ҳалоллаш керак. Суннат тўйи.

— Ие, шунга шунча отагури, қозихонами? Туртта одам. Битта мулла. Бир уста. Тағин икки-уч холис киши. Қариндош, қўшини дегандай. Борингки, узингиз билан ун киши. Битта тўн. Бир лаган ош. Устага ун сўм пул. 100-150 сўм билан ора очиқ. Вассалом.

УЗБЕКНИНГ ҮПГАНИ — ТУЯНИНГ ТЕПГАНИ...

Гуломий бирдан жонланиб, чехраси очилиб кетди. Қулларини ишқалаб, қаҳ-қаҳ уриб қулди. Чакаклари очилиб, узини ичдан вулқондай қайнаб-портглаб келаштган кулгидан сира тухтатолмасди. Чамамда, уринларимиз алмашгандай бўлди. Энди у менига афандичалиш одам деб қараб, завқ билан куларди.

— Бунақада элнинг маломатидан чиқмай кетадибошим, домлажон, — деди у кесатиб. — Қанийди, жон дердим. Жудаям мураккаб, чалкаш, зиддиятли муаммони ҳамирдан қил сугургандай осонгина ҳал қиласиз-қўясиз. Ҳамма ҳам Сиздай уйласа, олам гулистон бўларди-ку! Ҳолбуки, иш чигалдан-чигал. Тўйни гултоҷ дейсиз. Э, قاқир тиканак! Узбекнинг үпгани — туянинг тепгани. Унинг тўйи билан азасини худо курсатмасин. Одамни кафангадо қиласди...

Гулом Ҳужа билан мен байни икки миллат кишиси янглиг, бошқа-бошқа тиљда гаплашаётгандай, бирбиirimизни асло тушунмаётгандек эдик.

— Саккиз-ун киши билан тўй бўладими, отагинам? Камида беш-олти юз киши келади. Эл-юрт, қариндош-уруг, ёр-биродар, тенг-тўш, қуни-қўшни чақирган бизниям. Элнинг тўй-издиҳоми, маъракаси, йигини, худойисига борганман. Ошини еганман. Еган оғиз уялар. Мен ҳам катта дастурхон ёзмасам бўлмайди. Ўзбекчилик.

Ўзбекчилик... Раҳматлик дадамнинг билса ҳазил, билмаса чин қабилида айтган сўzlари яна хотирамга келади: узбекчилик бошга бало!..

— Хүш, бу «узбекчилек» исча пулга тушади Сизга?

— Пулини ким ҳисоблаб чиқиби дейсиз! Энг чақадигани — ароқ. Бу зормондадан камида ун яшик олмаса тўй қизимайди. Артист ёки отарчи деганингиз ҳам анча пул! Кўнгил старларга буғча тўи. Яна бир хит қиладигани — гўшт.

— Ҳали қўй ҳам сўярсан бу кетинида?..

— Қўй-ку нақд. Маслаҳат ошиининг үзинга битта кўй урвоқ ҳам бўлмайди. Мол сўйилади. Буқа!

КАФТГА ЖУП ЧИҚАДИМИ?

Одат бўлиб кетгани учун балким үзимишга уичалик билинмас. Барча мусулмои ҳалқлари орасида хатна тўинни бу қадар довруг билан ошириб-тошириб юборадиган бошقا бир эл-юртни топиш қийинди. Ҳамма ёққа жарчи қўйилади. Карнайт-сурнай чалинади. Той бе匝атилади. Бир ҳил жойларда кўпкари берилади. Қисқаси, бутун оила бир исча йил мобайнида тўйга «бюджет» тўплайди. Кафтга жун чиқишига ишонниш мумкиннидир балким. Аммо узбегимнинг боши йил-уникки ой тўйдан чиқмайди. Тўй бор жойда аза ҳам бор. Тўй-аза, тўй-аза... Қанчадан-қанча қули қисқа одамлар бир кунлик тўй деб тиззасигача қарзга ботган. Ишда тагидан камомад чиқади. Ҳибсга олинниб, қамалиб кетган одамлар қаинчадаи-қанча. Тўй-ку бир кутида утади-кетади. Аммо ссрфарзанд узбек хонадонида тўй кетидаи тўй келиб туради. Кети узилемайди. Узбек хонадонида тўйчи умр бўйи тўйининг сарф-харажатларини тулайди. Надирки қарзини узолса...

Инсонининг баҳти, балогати, фарогати, камолоти йўлида қилинадиган ҳар қандай сарф-харажатлар охир-оқибатда үзини қоилайди ва оқлайди. Углинигизни бирон ҳунарга ўргатмоқчисиз, дейлик. Харажатсиз иши битгас. Қилинг шу ишини. Қизингиз бирон хорижий тишини эгалланига иштиёқманд. Муаллим ёллаш керак. Шаштини қайтарманг. Харажатдан қочманг. Жияннингиз, дейлик, Олмонияга ёки Амриқога бориб уқимоқчи. Кумаклашинг. Уч-тўрт сўм харажатдан қочманг. Укангиз бирон корхона очмоқчи. Майли, оддий мих ишлаб чиқазесин. Қарашиб юборинг. Қимтиниб турманг.

...Лекин... Лекин мана бу хатна тўйига тушунмайман. Куръони Каримнинг қайси сурасининг қайси оятида ёки ҳадиси шарифнинг қайси фаслида,

қай бир шариатда ҳукм қилинибди ёки изн берилиб-диким, Аллоҳ таоло ё бўлмаса дийни ислом номларидан бундоқ ношарый, номатлуб ишлар қилинсин, хонадон вайрон бўлсин деб?

Дарвоқе, масаланинг моҳияти нимада ўзи? Боланинг этидан бир бўгин тери кесиб ташланади. Вассалом. Мусулмонлар билан яхудийларда бор шундай урф. Бу иссиқ иқлимда яловчи ҳалқларда, табиий эҳтиёж натижасида келиб чиққан. Дин пешволари шуни ҳисобга олиб, изн берган, шаръий қилинган, суннат қаторига қушилган. Қизиқ. Бирон сабаб орқасида шундай «ташмир» (операция) қилинмаган тақдирда ҳам, киши үлиб қолмайди, аслида. Бироқ агар, дейлик, кўричак (аппендицит) сингари инсон вужудига ҳеч бир кераксиз ортиқча усимта касалланганда, масалан, йиринглаганда, вақтида кесиб ташланмаса, одам ҳалок бўлиши ҳеч гапмас. Дейдиларки, Гарб давлатларида гудак тугилиши биланок аппендицити олиб ташланаркан. Чунки, ким билсин, бир куни вақти келиб, у ҳаёт учун хавф тугдириши, инсонни ҳалокатга дучор қилиши мумкин. Шуниси ҳайратангизким, инсон кўричакдай бир фалокатдан ҳалос қилинганида лоақал кичикроқ бир зиёфат ташкил этиш ҳеч кимнинг хаёлига келмайди. Худди шундай бир нарса — хатнанинг намунча «обруси» баланд, даҳмазаси кўп бўлмас! Ҳолбуки, хатнани дин фарз (мажбурий) эмас, суннат (урф, анъана, ихтиёрий) деб эълон қилган. Йуқ-йуқ. Алҳазар. Мен суннат қилишга, боланинг қулини ҳалоллашга қарши эмасман. Бу жуда ҳам зарур. Туй қилишга ҳам эътиroz йўқ. Юқорида айтганимдай, ўзимча, ута мураккаб бир муаммога айланиб қолган хайрли ишни ута жўн ҳал қилишга ҳам мойил эмасман. «Аршин мол-олон»даги қурумсоқ бой сингари, «битта мулла, бир калла қанд, уч сўм пул...» қабилида.

•ҚАЧОН ҲАЛҚ БЎЛАСАН, ЭЙ ОЛОМОН?•

...Гулом Ҳўжа бу мулоҳазаларни чурқ этмай тинглади. Эътиroz ҳам билдирамади.

— Эҳтимол, мен муаммони ута жўн тушунарман. Лекин Сиз ҳам, ҳўжам, ута мураккаблаштирастирсиз.

— Мен эмас.

— Ким бўлмаса?

- Халқ.
- Халқ? Қайси халқ?
- Шу, үзимизнинг халқ-да.

— Халқ ҳар хил булади, азизим: авом, оломон, тұда, гурух, фуқаро бор. Сиз катта бир олийгоҳнинг домласи була туриб, түйга онамнинг согиб ичиб турған сиғирини сұяман, дейсиз. Уша Сиз айтған «халқ» шунға фатво берадими? Сиз шундай десанғыз, бошқадан ишма күтиш мүмкін? Ахир, әл мусулмон, халқ мусулмон дегандай, одамлар күр ва овсар әмас, айтмайдынми, нодонку нодон, үгри-ку үгри, аммо манағы түппа-түзук, ақли расо олийгоҳ домласининг қылаётган ишинин қаранг деб? Суғ-е сендақа олимға, демаїдими? Бирон жойда әшитғанмисизкім, фалончы биргина ҳалол маоши билан даңғыллама түй қылибди, деб? Профессор, академикнинг ҳам құлидан келмайды. Унұтманғ: катта қарз қутариб, соглиғидан айрилиб, оғриниб, малол келиб қылған түй — дии, шарнат тишли билан айтсақ — ҳаром, қонун ва ақл тишли билан айтсақ — жиност. Ҳеч ким, айтайлық, ҳовлисінни сотиб ёки ойла, бола-чақасининг ризқини қийиб, түй қылиш уёқда түрсін, ҳатто Маккайи мұкаррамага ҳажға ҳам бормайды. Ҳаж қыныш нақадар мұқаддас ва зарурій ақком бұлмасын, у гайримконий бұлмаслиги, ойла бу ёқда таъминланған бўлиши шарт.

Қисқаси, шундай қатын тұхтамга келдік. Аспирант Гуломий угланинг құлини ҳалоллайды, албатта. Баҳоли құлрат, дегандай. Түй-пүй қылмайды. Ишлары үнгланиб, үзи тузалиб, укаси озодликка чиқиб келганидан сұнг, номзодлик диссертациясіннің эсон-омон ёқлааб олгаң, чөгрек бир түй қылса қылар. Башарти, ушанда ҳам фуржаси келишмаса, кейин, мавриди билан бир гаи бўлар. Аммо «ҳозир», шу аҳволда, түй ҳақида гап бўлиши мумкін әмас. Мабодо, угитни инобатга олмай, «ўзбекчилик» деб үзини даврага урса — օра очиқ. Илмий раҳбарликдан воз кечаман, деб дагдага қылдим. Бошқа бир шогирдим, бухоролик Мамаражаб Сулаймоний билан ҳам орамизда худди шундай суҳбат булиб ўтган эди. Ҳар иккала тадқиқотчи ҳам ҳозир фанлар номзоди, доцент. Мен уларни катта хижолатдан чиқарғанимни ҳалигача айтғиб адo этишмайди...

Бизнинг одамларга жуда раҳмим келади. Үзини, соглигини ўйламайди. Бола-чақа ташвишида өнади. Ҳар битта боласини тишида катта қылади! Дунёда бизникиларча болажон халқни топиш қийин. Фидойи,

мехнаткаш, меҳрибон ва меҳмондўст халқ бизнинг халқимиз. Айни вақтда ёш авлодга энг... бепарво халқ ҳам биз бўламиз.

ҲАР БИР ШАХСДА МИЛЛАТ ЯШАЙДИ

Ҳар бир миллат ўз қавми тақдирини ўйлаши керак. Томчида қуёш акс этгани сингари, алоҳида олинган ҳар бир шахсда миллат яшайди. Шахснинг ўйфирклари, ҳатти-ҳаракатлари, қилаётган ишлари, қилиқлари, юриш-туриши, ҳатто қандай кулиши, изтироб чекиши, йиглашига қараб унинг қандай миллатга мансублигини бехато айтиб берса булади. Айни вақтда узини ҳурмат қиласидиган, комил инсон деб биладиган ҳар бир одам миллатни ўйлаши, унишг тақдири, равнақи, кслажаги ҳақида қайгуриши лозим. Олайлик, мен ҳар гал дорилғунунда биринчи дарсимни, илк сабоқни шундай башлайман:

— Сиз билан биз узбекмиз. Ота-боболаримиз, етти пуштимиз узбек булган. Ҳали «узбек» деган сўз дунёга келишидан илгари, кейинчалик, эл-юртимиизга шундай ном берилган кезларда ҳам узбекларни узининг ҳатто ганими деб билган бъази улуг инсонлар, шоҳлар, амирлар, султоналар, лашкарбошилар, не-ис донишманлар ҳам... узбек бўлишган. Бу улуг алломаларнинг номи билан халқимиз фахрланади. Мен, катта-қичиклигидан қатъни назар, дунёдаги барча миллатларни ҳурмат қиласман. Одатда, шахс миллат танламайди. Шахсни миллат тугади. Бас, биз, ҳар биримиз Аллоҳ таолонинг иродаси ва марҳамати билан дунёга келганимиз. Бизни тутдирган ва туқсан ота-онамизни қанчалик севсак, узимиз мансуб бўлган миллатимизни ҳам шунчалик ардоқлашга бурчлимиз. Уз миллатини, унинг шаънишавкатини, салоҳиятини ва қадриятларини оёқости қилган, унинг дардига малҳам була олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса борди, аммо инсон эмас. Сиз узбексиз ва, аввало, шу билан баҳтлисиз...

УЗИНГДАН КУПЛЯВЕР, УЗБЕГИМ!..

Сунгра мулоҳазаларни давом эттириб, асосий муддаога кўчаман.

— Узбек деган номни баланд кўтаринг. Узбек дсган

номни ифтихор-ла узингизда «ташинг». Миллатинг нима? деб сурасалар, «Ўзбек» деб айтишдан уялманг. Ҳа, бир умрга ўзбек бўлиб қолинг. Аммо... яхудий бўлинг!

Гап мана шу ерга келганда, тингловчиларим портлаб кетади.

— Галат! Бу гапда мантиқ йўқ. «Ўзбек бўлинг... Аммо яхудий бўлинг?!» Бундай қандай тушуниш керак?

Сунгра мен шавкатли миллатимизнинг, халқимиз, эл-улусимизнинг ёғини кишиланлаб турган, униш ўзинга муносиб бир тарзда кенг қанот ёзишига, юксак-юксакларга парвоз қилишига монелик қилаётган нуқсоилар, қусурлар, баъзан айнан одамохунлиги, беназир, мислсиз бағри кенглиги, қули қадоқлиги, меҳмоннавозлиги ва булак инсоний фазилатларидан келиб чиқаётган... қусурларидан кўйиб-пишиб гапираман. Мана, — дейман, — ... Сиз! (талабалардан биринга ишора қиласман). Отангиз ким булиб ишлайди? Ҳа, фалончи. Онангиз? Уй бекаси. Оилангизда нечта фарзанд бор? Дейлик, сттита. Оиланинг даромади?.. Ва ҳоказо. Ҳуш, Сиз мусиқа чалишни биласизми? Мабодо танбур чёртмайсизми ёки пианино чалмайсизми? Йўқ. Шоҳмот ўйнашга қалайсиз? Йўқ. Шашка ўйнайман унча-мунча дейсизми? Ҳўп, шунисига ҳам шукур. Спортнинг қайси тури билан ўгулланасиз? Бокс? Кураш? Гимнастика? Тенис? Самбо? Чавандозлик? Чанги? Турникда неча марта гавдангизни кутара оласиз?.. Ҳуллас, леярли ҳамма саволларга — нол. Ана холос! Энди — Сиз (бошқасига бармоғимни ниқтайман). Таржимаи ҳолга доир ўша таниш оилавий суроқлар: ота-она, касб-кор, даромад манбаи, рўзгорнинг катта-кичиклиги ва ҳоказо тифсилотлар... Ўзбекчадан бошқа қайси хорижий тилларни биласиз? Лаббай, урисчани? Яхши. Яна? Елка қисилиб, жим қолинади. Арабча? Инглизча? Форсча? Олмонча? Франсузча? Балким япон тилини биларсиз? Қаёқда! Мусиқа чалишдан хабарингиз борми? Ашулахонликка қалайсиз? Лоақал хиргойи қиласиз? Айтгандай, хиргойи нима, биласизми? Билмайсиз? Ие. Балким яхшигина рассомдирсан? Театрга тушиб турасизми? Лаббай, телевизор кураман дейсизми? Пазандаликка тобингиз қалай? Айтайлик, палов пишириш, нон ёпиш, қандолатчилик қўлингиздан келар? Сигир соғиб кўрганимисиз? Сигир соғиши аёлларнинг иши дейсизми? Ҳим... Үнтадан тўққизта суроқ (агар ҳаммаси бўлмаса ҳам) жавобсиз қолади.

Сабрим тугайди. Ҳүш, нимани биласиз ўзи, бўтала-
рим? Бирор ёпган нонни ейиш, бирор айтган қўшик-
ни тинглаш, бирор соққан сутни ичиш ҳар кимнинг
қулидан келади. Э!..

«АВИСЕНА» КИМ?

Хув анави, бурчакда кўзларини яшириб ўтирган
бир қизга мурожаат этаман. Ҳўш, Сиз қаерликсиз?
«Ҳа, Тошкент шаҳридан». Навбатдаги саволларни
кутмасданоқ гапира кетади: роял чалишни биларкан.
Унча-мунича расм чизаркан. Тожик тилида туппа-ту-
зук гаплашаркан. Тандирда нон ёпа оларкан. Диитим
ёришиб кетади. «Офарин! Дадангиз ким бўлиб иш-
лайдилар?» «Шу ерда, Тошкент дорилғунунида Уз-
бекистон тарихидан даре берадилар». «Ҳай-ҳай!
Ойингиз-чи?» «Аям табиб, ҳам экстрасенс. Бемор
кишиларни даволайдилар». «Баракалла, ноёб мута-
хассис эканлар». «Ҳайрияте» дейман, узимча, мам-
нун булиб. «Қайси маҳаллада турсизлар? А, Ависе-
на кучасида? Фалат... «Ависена» ким ёки нима ўзи?»
«Билмадим». «Дадангиз ёки аянгиздан сўрамаганими-
сиз?» «Сураганиман. Билишмас экан. Бу нима экани-
ни кўчамиизда ёшу қари ҳеч ким билмайди...» Ёпи-
рай! Бир чеккадан тушунтира боштайман: нафақат
Узбекистон ёки Марказий Осиё, балки Урта ва
Яқин Шарқ, алалхусус, бутун Шарқ, Оврупо ва
Осиё қитъаларида донги чиққан, борингки, дунё ях-
ши танийдиган узимизнинг улуг аллома, беназир та-
биб, улкан мутафаккир олим Абу Али ибн Сино-
нинг табаррук номлари-ку бу. Овруподаги зотни
қандай атайдилар, биласизларми? Ўша қизнинг ўзи
жавоб беради: «Авицсина». Топдингиз. Ана шу ўрис-
ча талаффуз ва ёзууда — «Авицсина». Лотин ёзуви
ва талаффузида эса — «Ависена» булади. Мени ҳай-
рон қолдираётган нарса Тошкентнинг бир кучасига
шундай ном қўйилгани эмас, балки Ибн Сино бобо-
мизнинг исм-шарифлари ул мутафаккир зот таваллуд
топган узимизнинг Бухоройи шарифдан эмас, балки
дайди тақдир ила узоқ Овруподан, лотинча талаффузда
кириб келганидир! Фараз қилинг: агар ҳозир-
ги Юнонистоннинг Афина шаҳридаги кучалардан
бирига... «Афлотун» деган ном берилса, бу ким эка-
нини греклар қаёқдан ҳам билсин. Улар Платонни

билишади. Бул улуг ҳакимни Шарқда, арабча алфозда «Афлотун» аташларидан улар бехабар булиши ажабланарли эмас.

БУВИСИГА ОПИЧИБ ЮРГАН НОРГИЛ ЙИГИТ

Мени тинглаётгайлардан бири, ниҳоят, «узини курсатмоқчи» бўлади. Тош кўтариш, кураш тушии, кўпкари бизнинг ишимиzmикин, домла? Мана, маҳсус бадан тарбия институти, мелиса академияси, ҳарбий мактаблар бор... Ҳим. Яна'бири тилга киради: ашгулахонлик, дойрасозлик, рубоб чалишга, сурат чизишга, консерватория, театр-рассомчилик институти, маҳсус билим юртлари бор... Уларни ўша ерда ўқитадилар. Шундайми? Ҳим! Тагин бирори утирган жойида лукма ташлаган бўлади: ион ёпиш, ош дамлаш, сигир согиши ҳам иш бўлибдими! Ўзлари саводсиз бўлсаларда, бувимиз дундирадилар бундай ишларни... Ҳим!!

— Ундай бўлса, Сизлар билан ҳеч қачон умумий тил топа олмас эканмиз. Ҳуш, қани, айтинг-чи, дунёвий спорт турларидан ва мислсиз санъат бўлмиш шоҳмот Ҳиндистан, Эрон ёки Марказий Осиёда кашф қилинган, деб ҳисобланади. Не ажабким, бу гўзал аклий спорт туриш бизнинг аждодларимиз, ота-боболаримиз кашф этишган бўлса-да, биронига узбек жаҳон чемпиони бўлганми? Йўқ. Жаҳон совриндори нари турсин, юзлаб гроссмейстерлар орасида биронига узбек ёки турк, форс ёки қирғиз, қорақалпоқ йўқ. Ҳеч кимга сир эмас: яхудийлар биринчи ўринда! Сизнинг мантиқингизга кўра, қачон Тошкент жисмоний тарбия институтидан жаҳон чемпиони чиқишини кутиб утиришимиз керак экан-да, а?.. Ким айтади бизни Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малиқ, Заҳириддин Мухаммад Бобур, Шайбонийхондай номлари бутун дунёни титратган машҳур фотиҳ, жаҳонгир, саркардларнинг ворислари деб? Маршал ҳақида гапирмайман, Собир Раҳимовдан ўзга, узбекдан нечта жанговар генерал бор? Уларнинг, лоақал, номларини биласизми?.. «Нон-ош бувимнинг бўйнида» деди кимдир. Балли. Сиз бувингизнинг бўйнида утирибсиз. Фалокат шундада. Үзингиз буви бўлганда кимнинг бўйнида турасиз? Ҳунарингиз оз. Фикрингиз палағда. Шунинг учун дейманким: Узбек бўлинг, ва... яхудий бўлинг. Алҳамдулиллоҳ мусулмонмиз. Алҳамдулиллоҳ узбекмиз. Аммо бу кифоя эмас. Бугун биз дини, ирқи, миллати-

дан қатыйй назар, дунёнинг барча илгор ҳалқаридан урганишимиз, узимииза керак бўлган нарсаларни улардан олишимиз даркор. Масалан, дунё фани, техникаси, санъат, спорт, тил билгичлик, савдо-сотиқ ва молиявий сиёсатда уларнинг олдига тушадигани кам. Яхудий даставвал яхудий — у нима қиласди? Бола тарбиясига жуда катта эътибор билан қарайди. Емаса емас, ичмаса ичмас, киймаса киймас (ваҳоланки, ейишни ҳам, ичишни ҳам, кийинишини ҳам билади!..), боласи — угил қизини тарбиялади. Узига, динига мустаҳкам. Қорни тўқ, уст-боши бут булишини таъминлади. Соглом қилиб устиради. Биринчи галда керакли тилларни ургатади. Мусиқавийликка алоҳида дикқат қиласди. Ана ундан кейин — спорт. Енидан қўшимча харажат қилиб бўлса ҳамки, фан асосларини, аввало, табиий-риёзин (математика) ҳамда техника фанларини эгаллашга қўшиш қиласди. Уз ҳақ-хукуқини яхши танийдиган қиласди фарзандини. Яна бир муҳим фазилати: бу аҳил миллат. Уз дийн диёнатига садоқатли. Яхудийдан қашшок, тиланчи-гадо чиқишига асло тоқат қиломайди. Буни бутун миллаттага иснод деб тушунади. Арзимаган нарса учун уз қавмини сотмайди. Умрида бир-бирини кўрмаган иккى яхудий бир-бирини бир чақирим масофадан туриб танийди! Табиий, уларда ҳам олий ва паст ирқлар бор. Лекин муомала ва оқибатда энг паст яхудий ҳам улар учун бошқа миллат кишиларига қараганда устун ҳисобланади. Эҳтимол, минг йиллар давомида узининг тубжой ватани булмай келганиданми ёки бошқа сабабдан, улар ҳар қандай миллатни ичдан емирадиган маҳаллийчилик иллатидан холи. Бу гапларни айтишим жуҳудни қандайдир олий ирқ, идеал миллат деб билишимдан ҳам эмас (ҳар бир миллатнинг уз олийжаноб хислатларию нуқсонлари, қусурлари бўлади, бундан яхудийлар ҳам холи эмас), айни шундай фазилатларни мен уз миллатимда ҳам куришни жуда-жуда истардим.

Инглизлар билан финлар, фаранглар билан араблар, олмонлар билан турклар, японлар билан афгонлар, испанлар билан италянлар, руслар, лотишлар ва бошқа миллатлардан урганадиган нарсаларимиз жуда кўп. Шак-шубҳасиз, узбекнинг ҳам жаҳон ҳалқари-нинг инсоний-миллий ҳазинасига инъом этишга арзигулик (багрикенглик, саҳоватпешалик; меҳнатсеварлик, тўгрисузлик, ялангтўшлик...) ажойиб-гаройиб сифатлари мўл.

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат деб шоён қилган эканмиз, бу келажакни таъминлайдиган, уни чинакам буюк қыладиган омиллар нималардан иборат? Бу бир карра буюклик шоҳсупасига олиб чиққан мұazzам, заңворлы тарихга эга бұлғанимиз. Дарс бир марта оққан узанидан яна оқади. Оққанда ҳам құдратли күч ва салдам билан тұлиб-тошиб оқади, иншооллох. Мамлакатнинг жүгрофий мавқеси (Марказий Осиёнинг қоқ марказы булып турғанлығы), катта табиий бойликлари ҳам бунга далил бұла олади. Айниқса, халқининг салоҳияти. Тинчликссарлығы, үзаро фуқаровий ҳамда миллий тотувликка мойынлығы, ат-роф билан яхши құшниччилик муносабатлары үріпта олғани, бағри кенглиғи, ҳалоллиғи ва иияти түгрилиғи ҳам шундан далолат беради. Минг йиллар мобайнида аждодлари күриб-кесчириб келген халқ бу. Катта табиий ва ижтимоий имконияттарға эга бұлған эл-юрг. Бироқ имконият, үз иоми билан, имконият. Қулай фурсат стмаса, имконият амалға ошмай қолиши ҳам мумкин. Еки, аксинча, айтарлы табиий бойликларға эга бўлмай туриб, мамлакат кутарылиб кетиши ҳам ҳеч гапмас. Айтайлик, шўровий воқслик шароитида ҳалқимизнинг миллий салоҳиятини таъминловчи илдизлар қирқиб қўйилди. У бошқа эл-юргларга, Марказга бус-бутун қарам бўлиб қолди. Уни юксакликларга олиб чиқадиган қанотлари қайрилди. Дейлик, Японияда бунинг акси содир бўлди. Уруш талафотлари ва урушдан кейинги оғир асоратлардан узини ўнглаб, Амрико ҳамда Фарб оламининг улкан ёрдами ва үз ҳалқининг мислсиз ғайратшижоати натижасида узини ўнглаб, жаҳондаги энг кучли етти давлат қаторидан салоҳиятига тұла муносиб үринни эгаллади.

ЮЗЛАРИ ШИРМОЙ, КУЗЛАРИ ЧАРОС

Ўзбекистоннинг, үз ўтмиши сингари, келажаги буюк давлатта айланиши учун бутун амалға оширилаётган бир қанча ишлар кишини ҳұрсанд қылади. Булар: кексаларга яхши моддий мурувват күрсатилиши баробарида, ёш авлод тарбиясига алоҳида ғамхұрлық қилинаётгани. Ёш истеъоддларга кенг йул очилаётгани. Хорижий мамлакатларга бориб үқиши, үрганишнинг ҳар

томонлама рағбатлантирилаётганилиги. Иқтисодий-хұжалик, илмий-техникавий, аграр ва молиявий соҳалардаги қайнок фаолиятларни айтмай құя қолай. Таылимтарбия, билим, маңнавият ишларини яхшилаш соҳасида тағинам бир қанча тадбирларни амалға ошириш зарур, деб уйлайман. Қунончи, әнг сертармоқ маориғ хұжалигининг барча йұналишларини (болалар bogасидан — мактабгача...) тубдан қайта қуриш керак. Олий таылим соҳаси ҳам худди шундай тубдан қайта қуришга муҳтож. Барча үкүв дастанулары, дарслик ва құлланмаларнинг мундарижасини ҳам, мазмунини ҳам синчковлик билан қайта күриб чиқищ лозим. Соғлом миляйлаштирищ майлиға кенг йұл очилиши даркор. Зоро, әркін ҳаётта юзланған фуқаро кечаги ҳуқуқсизлик, құллик ва мутеълик мағфұрасини үзида, онгіда ва аымолида минбаъд «ташимаслиги» керак.

Мен бутун мамлакат бўйлаб чинакам илмий-техникавий тафаккурнинг яратилиши, барқ уриб ривожланиши ва чуқурлашувини жон-дилим билан орзу қиламан. Замонавий саводхон техниклар, мұҳандислар, конструкторлар, алоқачилар, компьютерсозлар, йўл қурувчилари ва бошқа юзлаб касб-иҳтинос эгалари үзимизнинг қора күзлардан бўлишини хоҳиш этаман. Бунинг учун мамлакатнинг барча шаҳар, туман, қишлоқларини ёш техниклар клублари, мұҳандислар уюшмалари қоплаб олиши иштиёқида ёнаман. Йирик заводлар, конлар, құшма корхоналар қошида ёш-яланларга ҳунар ўргатувчи маҳсус бўлим ва лабораториялар ишлаб туришини кўргим келади.

Ва ниҳоят, диний тарбия масаласига тамом бошқача муносабат тайин этилмоги зарур, деб ҳисоблайман. Олий мактабларда «дин тарихи», «диншунослик» никоби остида, ҳийлаи шаръийга кура, моҳият-эътибори билан кечаги атеизм ёхуд ундан ҳам баттарроқ турфа «диний қорищма»лар тарихи үқитилаётганига чек қўйиш керак. Дин асосларини сохталаштириб талқин қилиш ва бу билан ёшларни баттар чалкаштиргандан кура, агар шароит етилган бўлмаса, начора, ҳозирча бундай таылим-тарбиядан тийилиб турган маъқулроқ. Дин бошқа, хурофот бошқа. Маърифат бошқа, бидъят бошқа. Буларни чалкаштириш гуноҳи азим ва жиноят. Хурофтдан, нопокликдан, мунофиқликдан халос бўлишининг йули битта. Олий мактабда соғ динни, ислом дийни, тарихи ва асосларини үқитиш ҳамда ибодат учун талабаларга шароит яратиб бериш вақти етди.

ЕМОНЛИКНИНГ ЖАЗОСИ – ЯХШИЛИК

3-фасл

БИР ЭҮТИҚОДКИ, ТАНАЗЗУЛДАН ҚҰТҚАЗГАН
ТОХИР ЮНУС БИЛАН СУХБАТ

— Одамларда қандай фазилатларни күришни истаيسиз?

— Тұгри сұзлик. Риңкор бұлмаслик.

Илло риң, мундоғықтың қаром. Қирқ үйлдан кейин ҳам қингір ишининг қиінгі чиқады. Охир-оқыбатда тұгрилик сінгады. Ҳазрат Навоий айтгандарданай, ҳамма вақт ғақат тұгри сұзлаш керак. Аммо, тұгри деб ҳамма гапнан ҳам айтаверішдән тиімдіш даркор. Тұгриликнинг йұлы битта: маشاққатли йұл. Шунинг учун демишилар: тұғрисини айтсанғ, туққанингга өкмайсан! Эгриликнинг йұлы минигта: етті ет бесонага ҳам өңеңрасан. Лекин тұгрилик кишини қоядай юксалтиради, әгрилик жарға құлатади. Бири — жанинната стаклайды, иккінчіси — жаһаннама тиқади. Эүтиқодим: қоматынг алифдай расо бұлсаю, ииятнинг букур бұлса, сен нобакор одамсан. Яхшиликка ярамайсан. Бас, үзинг букур бұлсанғ ҳам, ииятнің тұгри бұлсии.

— Яхшилик билан өмөнлик үртасидаги масофа қанча?

— Ер билан осмонча.

Бирөвгә яхшилик қилиб, пушаймон бұлиштдан күркесанғ әкі миннат қылсанғ, яхшиси, яхшилик қилиштдан сақлан. Чунки сенинг наздингда яхшилик бирөвгә қилинған олийжаноблик, холис инсоний муруват әмас, балқи вақтшынчалик беріб турилған қарз. Тамаъғирлик. Тамаъ ҳаром. Зоро, миннатли ошдан беминнат мушт яхши. Ҳаётда одамлардан нұқул яхшилик қутиб яшаш керак әмас, балқи бошқаларға яхшилик қилиб яшаш керак. Яхшилик қилиб چарчама, әй муруватли инсон!

Истагим: бирөвгә яхшилик қылсаму, буни үша одам билмай құя қолса.

ХИКОЯТ

Бир яхши кишидан эшитганим бор. Кунларнинг бирида раҳматлик машҳур ҳофиз Жўрахон Султон Олим Отаконга, ёш болакайлик чогида, қулига юз сўм тутқазибди-да, анов ҳовлисига кириб кетаётган бир бечораҳол косибга обориб беришини илтимос қилибди. «Бу пулни ким бериб юборди?» деб сураса, «номимни айта кўрма, уқдингми?», деб тайинлабди. Чиндан ҳам, бояги косиб ганиматни олиб, «буни ким бериб юборди?» деб сураган экан, бола елкасини қисибди. «Ҳа-а, биламан, — дебди пулни чўнгагига соларкан, мийигида кулимсираб ҳалиги одам. — Жўрахон! Бунақа ишлар фақат ундан чиқади...»

Худо раҳмат қисин бу валломат инсонни. Уша зийрак косибни ҳам. Гурларига нур ёғилсин уларнинг. Қанийди, жамиятимизда мана шу сингари, Жўрахон акадай ҳиммати баланд, жўмард, инсонпарвар одамлар кўпаяверса. Улар жамиятнинг гули.

— Яхшилик билан ёмонлик азалий ва абадий баҳс. Бунинг ўзига хос ахлоқий тамойиллари, фалсафаси бор. Бир ҳолда яхшилик бўлган нарса ёки ҳодиса бошқа бир уринда ёмонлик бўлиб қайтиши мумкин. Ёки аксинча. Яхшилик билан ёмонлик бир-бирига айланishi ҳоллари ҳам учрайди. Сизда ҳаётий тажриба катта. Менга шундай туйиладики, Сиз мудом Яхшилик билан Ёмонлик уртасида уртангансиз, мана шу икки қирғоқ уртасида «солланиб оққансиз»... Яна бир жиҳати: Зарафшон водийсидаги икки азим дарё — Оқ дарё билан Қора дарё тугашиб кетадиган бир маъво — жаҳонга машҳур қадимий Миёнколнинг Хатирчи туманида таваллуд топгансиз. Баний одамнинг вужудида чор унсур: тупроқ, сув, ҳаво, олов мавжуд. Инсон барҳаёт экан, бу турт унсур ҳамма вақт ўзидан дарак бериб туради. Гоҳ тупроқдай хоксорсиз. Гоҳ сувдай тошасиз. Гоҳ ҳаволаниб кетасиз. Гоҳ оташин буласиз. Шу ёргу дунёда ҳам, охиратда ҳам бизни ҳалокатдан сақлаб қолувчи бирдан-бир нажот қалъаси — Яхшилик бўлса керак.

— Ўзни десанг, ўзгани де! Бу ҳикматни мен кашф этдим ва уни бошим узра машъала қилиб кутардим. Тўгри, мен бир бўш-тақир жойда, насл-насабсиз, утмиши қоронгу бўлган, ноасил бир жамиятнинг ташландик боласи эмас эдим. Ўзининг йўқсиллиги,

маънавий қашшоқлиги, жаҳолати билан мақтандаган тузумдан кутулдик. Менинг бошим узра ва дилимда Аллоҳ таоло ва таборак, қибла томонимда жаноби Мұхаммад саллаллоху алайхі васаллам, пиrimiz Fавсул Аъзам разияллохи анху, бобомиз жаҳонгири олам, соҳибқирон Амир Темур бин Тарогой Баходир, ҳазрати Алишер Навоий, Улугбек, Заҳириддин Мұхаммад Бобур сингари қояларнинг хоки пойидан күкардик, уларнинг елкалари узра жаҳонга боқамиз. Уз нархини арzon сўрамайдиган зоти бобаракот, соҳиби салтанат, зодагон бир миллатнинг фарзандларимиз. Шунинг учун ҳам жаҳон ҳамжамиятида феъл-авторимиз, ибодатимиз, тафаккур тарзимиз, ахлоқ-одобимиз шунга мос бўлиши керак.

Сиз менинг қитиқ паримга тегиб қўйдингиз. Аслида, яхшилик билан ёмонликнинг табиатига дахлдор асосий гапларни айтдингиз. Менга ана шу фикрларни оғир ҳаётий далиллар билан тасдиқлаш қолди, чамамда. Жамиятни ушлаб турувчи ва ҳаракатга келтирувчи омиллар узгарди. Аммо аълоҳазрат Диалектика уз шоҳона таҳтида барқарор ва устивор. Тараққиёт нима? Тараққиёт қарама-қаршиликлар бирлиги ва курашиндан иборат. Аввал шундай эди. Тоабад шундай булади. Қарама-қаршиликлар билан зиддиятлар инсонни ураб турган ташқи муҳитда ҳам, бир кишининг уз ички оламида ҳам мавжуд. Ҳар бир шахсда раҳмоний ва иблисона ибтидолар мавжуд. Дишида Раҳмонни жоқилган кимсанинг ҳам эти билан териси орасига шайтон ин қурган булади. Раҳмон «қил» деган ишни иблис «қилма» дейди. Иблис «қил» деган ишни Раҳмон «қилма» дейди. Қил-қилма, қил-қилма!.. Нима қилиш керак? Қай бирининг амрини бажарган маъқул? Бу муаммони ҳар гал ҳар бир кишининг иймони, вижданни ҳал қиласи. Раҳмон кишини ёмон ҳаракатлардан сақлайди. Билган одамга тогдай таянч! Иблис эса уни йўлдан оздиради. Вос-вос қиласи. Жиноят йўлига бошлайди. Иблисининг васвасаларига учган кишига жиноятнинг рӯдано турқи баайни сулув келинчак булиб қуринади. Вос-восга учраган телбага ҳатто узини улдириш, куйдириш, осиш, отишлар ҳам роҳат-фарогат булиб туйилади. Ҳолбуки, узининг худди шундай куфронга даҳшатли хатти-ҳаракатлари билан дўзахий булиб қолганини унугтади. Уз-ўзига суккасд қилган кишига ҳатто жаноза ўқилмайди. Ислом дини бундай ҳаракатни қаттиқ қоралайди...

— Нажот нимада, деб уйлайсиз? Илгари жамиятни бало-қазолардан омон сақловчи күч, «нажот қалъаси» — партия, деб уйлардик. Маълум булдики, жуда унчалик эмас экан.

— Албатта, эътиқод жуда катта күч. Масала қандай зотта ёки нимага эътиқод қилишда. Худога эътиқод қилувчилар билан бирга, унга, астагфурилло, мункир келувчилар бор. Раҳмонга эътиқод қилувчилар билан бирга, Унинг тавқи лаънатига дучор бўлган шайтони лаъинга эргашувчилар бор. Эшитгансиз, шайтон қавми, шайтончилар, шайтоншунослар, шайтоний жамоалар пайдо бўлиб қолди. Хуллас, нажот — яратган Парвардигорнинг ўзидан, ихлос, эътиқод ҳам — ягона, биру бор, Ҳақ таолога бўлиши керак, деб уйлайман. Одамларимиз таҳдид, зугум остида стмиш йил Худони инкор этиб яшади. Шоҳи чиқмади.

— Аксинча, шоҳи чиқиб кетди!..

— Ҳа: айнан... буралиб чиқиб кетди.

Бошқа бирон дунёвий динга соя ташламаган ҳолда, дейманки, ислом дини бағри кеңтдин. Миллати, қавми ёки ирқига қараб одамларни синфларга, табакаларга схуд гурухларга ажратмайди. Мусулмончиликни қабул қиласигилар бошқа аҳли муслимлар орасида тепни-тенг ҳуқуққа эга бўладилар.

— Унинг жозибадор құдрати ҳам шунда-да.

— Ислом инсонларни тұғриликка, яхшиликка, ҳалолликка, ахлоқий покликка даъват этади. Бироннинг дилини оғритишни, зулмни, бсхуда қон тұкишни, одамнинг одамга қул -булишлигини, фаҳш ва зино ишларни, угрилик ва одамларнинг ҳақига жабр қилишни бутунлай маңы этади. (Умар Ҳайәм буюрмишлар: Дұзах шарарсз ранжи бсхудас мост: дұзах бир-биrimizни бсхуда озурда қилиш, бир-биrimizга стказидиган бсхуда ранж; Ҳужа Ҳофизи Шерозий айтган эканлар: Қуръонни ёқ, Каъбани буз — бироннинг дилини оғритма. Бошқача айтганда, бироннинг дилини оғритиш Қуръони Каримни ёқишу, Каъбани бузнишдай гуноҳ, балким бундан-да мудхишроқ жиноят!). Ислом жамият аъзолари уртасида шундай муносабатларни үрнатадики, ҳар бир шахс доимо таҳорат олиб юради, ўзини-ўзи идора этади, назорат қиласиди, нағсини тиядиган, қадамини билиб ташлайдиган булиб қолади. Унга ташқи «назоратнинг» кераги бўлмайди.

— Дарвоқе, Ўзбекистон дунёвий давлат...

— Тушундим. Дунёвий давлат. Бироқ! Диний та-

мойилларга — бу хоҳ насронийлик, хоҳ буддавий, яхудий, хоҳ исломий бўлсин — таянган давлат тизимлари дунёвийликдан холи — десган гап эмас. Бошқасини билмадим, аммо муборак Исломда ҳар иккала рагбат ва ибтидо — динийлик ва дунёвийлик — бирдай зарур эканлиги алоҳида таъкидланади. Бирини деб иккинчисини четга суриб қўйиш керак эмас. Диний негиз — дунёвий асос — руҳониятни тақозо этади.

— Қанот жуфт бўлганидай. Фақат диний мутаассиблик ёмон. Хурофот ҳар қандай тараққиётга гов бўлади.

— Диний мутаассиблик ҳам, бир ёқлама, кўр, зурёдсиз илмий мутаассиблик ҳам яхшиликка олиб келмайди. Замонларски, ислом динининг қуввати («қуввати исломи дийи») бўлмиш шуңдай Бухоройи шарифга ким хиёнат қилди? Уни Михаил Фрунзега ким сотди? Жоҳил муллолар! Меҳнаткаш ҳалқ эмас.

Дин гоят муқаддас туйгу. Дунёвий давлатда диннинг мақоми жуда ўзига хос ва нозик. Агар унга билб өндашилса, бу кони фойда. Унинг үрнини бошқа бирон ашё билан алмаштириб бўлмайди. Бу ерда мъсъерин сақлай билмоқ зарур.

Ҳар қандай днинг қарши жуда кўп гайри шаръий ва гайри шуuriй ҳукмлар, аксар, айнан уни билмасликдан келиб чиқади. Биз, алҳамдулилоҳ, ислом дини ҳақида анча эмин-эркин гапирадиган бўлиб қолдик. Бу айни муддао. Лекин дин ҳам қотиб қолган нарса эмас. Доимий ҳаракатда ва тараққиётдадир. Аллоҳ, дин, пайғамбарлар, Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифлар, шариат, руҳоният пешволари ҳақида гапириш учун кишининг маъниавий ҳаққи бўлиши лозим. Кеча даҳрийликдан лоф-қоғ урган муаллим бугун бизга қандай қилиб исломни тущунтириб берсин? У ўзининг илоҳиёт ҳақидаги палағда фикрларини бутун унча-мунча «таъмирлаб», уша даҳриёна куфр маърузасини гуё ўзича «илоҳийлаштириб», бир қадар сұфталаб ўқий бошлайпти. Мунофиқона чала «диний маърифат» ёшларни баттар чалгитади. Бундай ҳолда дин «афъюнга» эмас, бир йўла огута, заҳри қотилга айланади-қўяди. Бу сингари манғур аҳволдан қутулиш учун динни қандай бўлса шундайлигича, соғ ҳолда ўрганмоқ, жойларда диний марказлар ташкиш этмоқ, ўрта ва олий мактабларда дин тарихи, ислом маданияти, мусулмончиликнинг асосий руқнлари, фарз ва суннатлари, савоби ширк ҳақидаги дарсларни жорий

этиб, бу ишни саводхон, билагон, ҳалол дин пешволарининг ўзига ишониб топширмоқ керак, деб уйлайман. Ҳаёт шуни кўрсатдики, дин эмас, балки дин ҳақидаги даҳриёна таълимотнинг ўзи афъюн бўлиб чиқди. Метафизикага қарши уруш эълон қилган диснатсиз уша қизил назариянинг ўзи ҳеч қандай ҳаракат учун қўулланма эмас, балки ашаддий қотиб қолган бир нарса эканлиги ошкор бўлди. Чунки у ўзи даъво қилган қонуниятларга тўғаноқ бўлиб чиқди. Чунончи, бизнинг моддийунчилик (материалистик) огулари билан ссхрлаб қўйилган миъларимизга ва томирларимизга қўйишидикি, гус Маркс Ҳсгел таълимотининг «рационал мағзини» олиб, идеалистик пўчогини ташлаб юборған ва шу асосда ўзининг янги моддийунчилик назариясини яратган эмиш. Бу табиат қонуниятига ҳам, мантиққа ҳам зид. Олайлик, оқ бүёқни қора бүёққа айлантириш мумкин. Аммо қора бүёқдан нечук тавр ила оқ рангни пайдо қиласиз? Иккингиздан, бундай қилишга кимнинг маънавий ҳаққи бор? Учинчидан, мантиқан шундай ҳукм юзага қалқиб чиқадики, Маркс Ҳсгел таълимотининг идеалистик пўчогини ташлаб юбориб, унинг рационал мағзи исказида ўзининг моддийунчилик таълимотини яратган экан, демак, бунинг аксини қилиш ҳам мумкин. Чунончи, яна бир мутафаккир чиқиб, марксизмнинг моддийунчилик мағзини ташлаб юбориб, унинг асосий даъволарини сақлаб қолган ҳолда, яна янги бир оқилона идеалистик таълимот барпо этиш мумкин экан-да? Хулоса: бир-бирига қарама-қарши кутбда турган қарашларнинг биридан иккinctисини келтириб чиқазиш мумкин эмас.

— Турган гап, мураккаб дунёни жўн тушунтириш қийин. Заррадан тортиб бутун коинотни Ҳудо яратган экан, бир нарса кишида иштибоҳ пайдо қиласи. Қизиқ: Ҳудо унинг ўзини инкор этган даҳрийни ҳам яраттан. Бу ҳам Ҳаллоқи оламнинг иродасидан ташқарида эмас. Ҳатто шайтоннинг ўзи ҳам Тангри томонидан яратилган мавжудот. Ҳуш? Тангри таоло фақат итоаткор бандаларини эмас, балки уз қаттол рақибларини ҳам бино қилган.

— Шундай. Сиз мендан мантиқий далил кутаяпсиз. Аввало, Тангри билан рақобат қила оладиган кучнинг ўзи йўқ. Ҳудо ҳамма нарсага эга. Аммо Унинг рақиби йўқ. Рақиб инсонга керак. Шайтоний васвасалар бандаси учун атиги синов.

Мураккаблик хусусида.

Мазмун билан шакл, борлиқ билан йүқлик, зот билан сифот, модда билан рұх, ҳаққоният билан сароб, әрк билан құллик, рұшнолик билан зулмат, яхшилик билан ёмонлик, бөкйілік билан фано масалаларнда умум томонидан әထириоф этилган таърифу, тамойилу, қараашлар билан биргә, аксарият, уларни ҳар ким ҳар хил түшүнади. Олайлық, бирорға яхши нарса бошқа бирор учун ёмон; бир хил кишиларга йүқ бўлиб кўрининг нарса бошқа одамлар учун бор; бир ҳалққа эрк ва тараққиёт келтирган воқелик бошқа ҳалқларни құллик ва таназзулга солади. Ва ҳоказо.

ХИКОЯТ

Одам билан айиқ полвон дүст тутинишибди. Улар чунонам биродар бўлиб кетишибдики, бири учун иккинчиси жонини фидо этинига ҳам рози экан. Бир купи айиқ қараса, жон дүсти нисон соя-салқин жойда маза қилиб уйқуни урайити. Шу тоғыца аллақаесклардан бир хира пашниа келиб, одамнинг исроиасига, лабига, бурнига қўнавериб, бузовта қилибди. Буни кузатиб турган айиқвойининг дустига раҳми келиб, пашшани ўлдирмоқчи бўлибди. Шу мақсадда қўлига катта болтани олибдию, биродарининг пешонасига қўниб турган пашшани мулжаллаб солибди. Хира пашша учиб кетибдишо, одамнинг калласи қоқ өрлиб, шу заҳоти жон таслим қилибди.

Демак: ким билан дүст бўлинини билини керак. «Линкендик ҳиммати» («медицэя услуга») деган иакл шундай пайдо булган. «Дүстги нодондан душманни доно ортиқ» деган гап ҳам бор. Ҳолоса: идеализм билан материализм, дин билан даҳрийлик ҳеч қачон келишина олмайди.

— Бир гапга ойдинлик киритсақ. Юқорида, гап орасида, «яхшига яхшиман, ёмонга ёмонман» дедингиз. Лескин...

—...Тушундим. «Ёмонга ҳам... яхшисиз!» демоқчисиз, тұгрими?

— Мана, әထибор қилинг:

Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтариш яхши одамнинг иши.

Яхшиликка ёмонлик билан жавоб қайтариш ёмон одамнинг иши.

Ёмонликка ёмонлик билан жавоб қайтариш одатий ҳодиса.

Емонликка яхшилил билан жавоб қайтариш марднинг иши.

— Энди буни үша ёмонлик қылган нобакор тушунса-да!

ХОТАМИ ТАЙ ҚИССАСИ

— Бу ерда муаммо тушуниш-тушунмасликда ҳам эмас. Балки бу бизнинг одатий мантиқимизга, соғлом ақлга сиғмаса ҳам. Аммо фавқулодда истисновий бир ҳолат. Бунинг учун Хотами Тай булиш керак.

— Хотами Тай сахийлик тимсоли.

— Сахийлик ила баробар ЯХШИЛИК тимсоли.

ҲИКОЯТ

Бир мамлақатнинг подшоси сахийликда ўзини якто санааб, Хотами Тайнинг попугини пасайтирмоқчи бўлади. «Менинг саҳоватим қаршисида Хотам ип эшолмайди» деб жар солади. Алқисса, ҳаддидан ошган жоҳил, худбин подшо ҳатто унинг жонига қасд қилишни режалаштиради. Ёнига қўл остидаги баҳодирлардан бирини чорлаб, дейди: «Фалон шаҳарга борасан. Айтишларича, Хотами Тай үша жойда яшармиш. Агар унинг калласини танидан жудо қилиб, менга бошини келтириб берсанг, сенга ўн минг динор мукофот берман. Арзимаган хизматинг учун дунёда энг бой киши булиб қоласан. Шуниси борки, бу ишнинг уддасидан чиқмасанг, ўзинг бошингдан айриласан!»

Баҳодир үша «фalon» шаҳарга етиб келиб, иттифоқ дуч келган бир хонадонга меҳмон бўлади. У ерда бир ҳафта яшайди. Аммо мақсадини ошкор этолмайди. Орадан бир ой утади. Соҳиби хонадон шу қадар ҳалим, меҳмондуст, кули очиқ, дастурхондор эканки, баҳодир унга ошуфта бўлиб қолади. Ховли эгаси ҳам қўноқнинг кўнглига қараб, дили оғримасин деб, бир ой мобайнида уни ёлгиз қолдирмайди. Ниҳоят, бир куни меҳмон ўз сухбатдошига дардини ёради.

«Тақсир, — дейди у, — мен бу ерга подшомизнинг топшириги билан келганман. Шу шаҳарда Хотами Тай деган бир киши яшаркан. Мен унинг бошини танасидан жудо қилиб, онҳазрат подшоҳга обориб берищим даркор. Бу хизматим учун каминани ўн минг динор кутади. Акс ҳолда, ўзим дорга осиламан».

— Аллоҳ таоло жаноби пайгамбаримиз Иброҳим халилуллоҳга ўғли Исмойилни қурбон қилишни буюрганида, ул зот ҳеч бир иккиланмай, уз азиз фарзандининг бошини чоҳга тұгрилаб, бүзига пичоқ тираганлари манзарасини кўз олдингизга келтиринг!

—... Марҳаматли мезбон, ноchor, меҳмоннинг арзи ҳолини эшилтгач, ўрнидан туриб тавесез қиласди ва дейди: «Уша Хотами Тай мен бўламан...»

Сунгра токчадан ўткир дудама шамширини олиб, меҳмоннинг қўлига тутқазадио, қадини хам қиласди:

«Марҳамат, бошим Сизга садаға, азиз меҳмон!»

Баҳодир фавқулодда юз берган бу ҳодисадан, мезбоннинг мислсиз, беназир саховатидан ҳашг-манг булиб қолади. У қўлидаги шамширини улоқтирадио, қалби жунбушга келиб, уз шаҳрига қайтиб кетади...

— Абурайҳон Берунийда ўқиймиз: «Баъзилар Хотам ат-Тойға ухшаб, уз жонига қасд қилиб бўлса ҳам, душманига нисбатан саховат ва шафқат кўрсатади. Хотам душман тилаганини рад қилишига кўнгли бўлмай, қулидаги найзасини душманига тутқазган».

— Пайгамбарлар, авлиёю аинбиблар, дарвешлар ҳаёттида бундай воқеалар учраб туради. Бизга булар худди узок ўтмишдагина учраши мумкин бўлган ривоятдай туйилади. Ваҳоланки, қайси замонда яшаганидан қатъий пазар, дунё курган, турмушининг аччиқ-чучугини кўни татиган бугунги Шарқ кинисининг ҳаёти ва тақдиррида ҳам шунга ухшаш воқеалар учраши мумкин, деб ўйлайман. Қадимий афсонаю ривоятлар бугунги ҳаётимизга эш. Ҳозирги ҳаётимиз эса унча афсона ва ривоятларга вобаста.

— Менга шундай туйиладики, масалан, Сизнинг тақдирингизда ҳам шу тахлит ёки шунига ухшаб кестадиган воқеалар учраган бўлса керак.

АФСОНА-ОДАМ...

— Сиз кўплаб афсона ва ривоятларин биласиз. Афсоналар ошиғисиз. Уларнинг манбаи қасрда? Кунчиликка шундай туйиладики, домла, ўзингизнинг ҳаётингиз ҳам афсонага ухшайди. Агар таъбир жоиз бўлса, афсона-одамсиз. Жисму жонингизга илми ғайб қўшиб қорилгандай. Ҳаётингизнинг қайси қисми «росмана» ҳаёту, қасрдан афсона бошланишини илғаб олиш қийин. Шогирдларигиз, ихлосманд одамлар Сиз тұғ-

рингиизда маҳсус пурхикмат, ҳазиломуз ҳикоятлар, латифалар түқиб тарқатишадими, дейман...

— Дадам мулла Тожи Салом раҳматлик юз йил умр күрдилар. Бул зоти шариф қувноқ, ҳазилкаш, до-нишманд киши эдилар. Бир күргандаәк яхши ёки ёмон одамни бехато айтиб беришларига күп марталаб гувоҳ бўлганман. Аммо афсонаю латифаларга кон эдилар. Энг теша тегмаган гапларни у кишининг оғизларидан эшигтардингиз. Нега тақдир бу доно инсон ҳақида бошқача хулоса чиқарганига, замон уни тириклийнинг тор кўчаларига солиб юборганига қойил қолмайман. У ўз замонасидан жуда илгарилаб кетган, қиблагоҳ билан воқелик ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Шунинг учун бўлса керак, гарчи туманимиздаги асл рӯҳонийлар, муллолар ҳамда эл-юрт ўртасида обруси жуда баланд бўлса-да, бир турлик бисдиённат фаоллар билан жўнодми одамлар уни тушунишмасди. Аслида эса, энди билсан, менинг отам, ўзининг Худо ато этган катта қобилияти, худудсиз тахаййулот олами, иймон-эътиқодию маслаги, ниҳоятда ширин шеваси, уга тагдор, сир-синоатли, таъсирчан тили билан тайёр ёзувчи экан. Агар мен, бошқа ҳеч нарсага кўл қабартирмай, фақат дадамнинг ғилярида, айтиб юрган гапларини миридан-сиригача ёзиб олганимда, бутун умримга татигулик бебаҳо хазинага эга бўларканман-а, деб афсусланаман. Бутун бир маънавий-руҳий хазина билан ғилем-ян яшаётганимни кошкийди билсан уша вақтларда мен бегубор болакай. Аллақандай хаёлий илму-ирфон, бойлийнинг менига нима кераги бор эди, қачонки ўзим шундоқ мутафаккир муаллим билан бирга ҳамнафас бўлган эканман.

Мана отажонимдан эшигтан ўғитларимдан бир шинигил.

СОСО БУ ОС-ОС ДЕГАНИ...

...Минг тўққиз юз эллик учинчи йил. Бир куни кўчадан жуда озурда, афтодаҳол кайфиятда уйга қайтдим. Бирор «був» деса хўнграб йиглаб юборадиганман. Мени бу аҳволда кўриб, дадам қўрқиб кстдилар.

«Ҳа, тинчликми? Нима гап ўзи?!»

«Тинчлик эмас! — дедим хуноб булиб. — Эшигтадингизми ҳали?»

«Йўқ. Нимайди?!»

«Ана холос! Тот қулаб кетди-ку...»

«Нима деялсан ўзинг? Қанақа «тот»?»

«Отамиз жонажон Сталин дунёдан ўтдилар».

«У қачондан бери сенга «ота» бўлиб қолган? Ҳе уша «отанг» Сталиннинг гўрида тўнғиз қўпсинг!»

Мен барқ (электр) токи ургандай, ҳангманг бўлиб қолдим. Чунки раҳматли отамиз умрида ҳеч қачон марҳум кишини — у ҳар қанча дажжол булганда ҳам — бунчалик ҳақорат қўлмаган эдилар. Бандаликни бажо келтирган шахс у кишининг ҳар қанча ганими бўлган тақдирда ҳам, гоҳида кўзларига ёш олиб, «Худо раҳмат қўлсин, иймонини бсрсин» деб қуярдилар. «Ҳаммамиз ҳам бир куни ўламиз. Ҳеч ким дунёга устун бўлмаган», дердилар хўрсаниб. Бу гал эса бирдан тутун қайтариб юбордилар.

«Дада, нима деяётганингизни биласизми? Бу куфр гапларингизни бирон ҳисоб одам эшилса борми, нақ асфаласофилинга юборади. Деворнинг ҳам қулоги бор».

«Гапларинг түгри, углим, — дедилар босиқ овозда қария. — Аммо уша ҳисоб Сталиннинг ўзи-да».

Халқлар доҳийси деб кўкларга кўтариб мақталган Виссарион ўғли Иосиф Сталин ҳақида даҳшатли сўзларни илк бор дадамдан эшиштаётган эдим. Орадан учтўрт йиллар утар, бизнинг падари бузургворимизининг аччиқ сўзлари ўз тасдигини топар. Лекин у йиллар ҳали, барча қатори, мен ҳам пуч гаплар билан шиширилган пӯфакдай, думбулвой эдим. Хуллас, ушанда у кишидан ётиги билан суриштира бошладим:

«Дада, доҳиймиз шахсан Сизга бирон ҳисоблик қилган бўлмаса. Шундайми? Қайси «гуноҳи» учун уни бу қадар бадном қиласиз?»

«Ҳим, шундай деб ўйлайсанми? Сенингча, у «фа-ришта» экан-да, а? Бўлмаса, эшиш...»

Дадам шунақа қўз кўрмаган, қулоқ эшишмаган гапларни айтиб бердиларки, — бу маълумотларни кимдири бошидан кесирган одам ҳикоя қилган кўринади, — этинг жимирилашиб, қонинг музлаб қоларди кишининг. Мен бутун дунё меҳнаткашларининг түс севимли йўлбошгиси бўлган бу мустабид золимни қайтадан кашф этаётган эдим. Фожеанинг мазмуни шундай.

...Қоғли уруш айни қизиган даврда — 1943 йилда Марказий Осиё минтақасидан: узбеклар, қирғизлар, туркманлар, тоҷик, қорақалпоқ, қозоқлардан акса-

рият жангта мутлақо яроқсиз, касал, қуролсиз, юпун юз минглаб кишиларни қызил вагонларга тиқиб, Сибирга обориб ташлашган. Орадан күп үтмай, ҳар куни минглаб оч-ночор мусулмонлар бирин-кетин ула бошлиған... Ахийири сабри тутаган рус генераллари Сталинга шундай мазмунда телеграмма юборицған: «Иосиф Виссарионович, ҳеч бир мақсадсиз ва тайёргарликсиз Сибирга ташиб келинганд Үрта Осиө фуқаролари бу ернинг қаҳратон иқлимиға, очликка дош беролмай, ҳар куни неча минглаб қирилиб кетаяпти. Юкумли касаллуклар хавфи түгилмоқда. Биз ҳарбий машқулар утказиш ўрнига, уззукун улиқ күмиши билан оворайи саргардан булиб юрибмиз. Бу срга келтирилган одамлар урушга мутлақо яроқсиз. Шу кетищда яқин кунлар ичида юз минглаб ногирон, кекса кипшилар бигтта қолмай қирилиб битади. Шунинг учун изжозат қылсангиз, уларни ўз юртига қайтариб юборсак. Ўйлаймизки, жанггоҳнинг орт томонида жабҳага уларнинг кўпроқ фойдаси тегади».

Сталин шафқатсиз тошбагирлик билан шундай жавоб қилган: «Ҳозир ҳаёт-мамот кураши костмоқда. Юз минглаб тугил, миллиоилаб мусулмонлар қирилиб кетганда ҳам, садқаи сар!» Албатта, менинг бу ерда шафқатсиз генералиссимус Сталиннинг алфозини раҳматлик дадамнинг жайдари услуби орқали ифодалаяпман. Лекин бу масаланинг қонли моҳиятини ва мантиқсиз мантиқини асло ўзгартирмайди. Зоро, туркӣ ҳалқларни кўтарга кузи бўлмаган Сталинидан бундай тарихий аламзадаликни бスマлол кутиш мумкин.

Бизнинг қиблагоҳ үзлари сезмай қолгаңдики, бутун даҳшати билан сузлаб берилган мазкур фожса менинг ёш қалбимни бир умрга тилка-пора қилиб юборган эди.

1953-54 йилларда менинг ўқистған Алишер Навоийномидаги Самарқанд дорилғунунида аълочи студсентларни рўйхат билан ёппасига партияга қабул қила бошлидилар. Рўйхатнинг бошида менинг фамилиям туради. Бироқ мен ҳали ёшлигим, тажрибасизлигим, гус ҳали коммунистик партияга муносаб эмаслигимни рукач қилиб, унга аъзо булиб киришдан бўйин товладим. Негаки: партия десам — Сталин куз олдимга келар, Сталин десам — Сибирда атайн қириб юборилган юз минглаб юртдошларим, ҳеч бир гуноҳсиз мусулмонлар гавдаланаар эди. Қулоқларим остида

уларнинг чирқираган арвоҳлари «партияга кирма», «партияга йўлама» деся шивирлаётгандай туйиларди.

Орадан ўн беш йил утиб, 1968-69 йилларда мен ком фирмә аъзоси бўлишга мажбур бўлиб қолган эдим. Ушанда камина Ўзбек қомуси Бош муҳаррирининг биринчи муовини бўлиб хизмат қиласман. Бу урин Марказқўмнинг маҳрига (номенклатурасига) тушган бўлиб, фирқасиз кишининг у сарда туриши қатъян мумкин эмасди. Бош муҳаррир, Академиянинг вице-президенти, академик Иброҳим Мумни бу хусусда сира менга калит тополмади. У менга кўп яхшиликлар қилган, худди нуроний отамдай мсҳрибон эди. Домла менинг фирмәга кирмаслигимни хаёлига ҳам келтирмас, «эс-хуши жойида, «қочниб» қаёққа ҳам борарди!» деб ўйларди.

Шунда ўзим ҳам бир муддат тараддулланиб қолдим. «Бошқалардан нимам ортиқ? А, нимам ортиқ?! Шоҳим борми менинг! Катта домлани хафа қилиш ис ҳожат. Бунинг устига Қомус уз уйимдай бўлиб қолган. Ўзим унинг қурувчи-месьморларидан бири бўлсан. Биргина фирмә аъзолиги деб шундай улут даргоҳдан мосуво бўлсан, ўзимни ўзим маҳрум этсан, шу ақлданми!» Дилеммининг қаъридан эса бошқа бир вулқоний индо оқиб келарди: «Шуми оқибат? Сендаги иймон бутулиги то йўғон бир мансабга стиб келгунга қадар экан-да? Таслим бўлдингми? Урупларда, Сибирларда, Русия ва Украина урмонларида, ботқоқзорларда, чулу биёбонларда, тубсиз денизларда, хорижий ўлкаларда беному нишон қолиб кетган, бўриларга, наҳанг балиқларга см булган милионлаб ҳеч бир гуноҳсиз одамларнинг қонлари тутмайдими сени, оҳ-фигонлари қулоқларингни кар қилмайдими? Суф сенга-а!.. Билиб кўй: партияга кирганинг тақдирда ҳам, шу мафкуранг билан уларнинг қиёфасига сингишиб кстолмайсан. Сен додгули эмассан. Артистлик қилолмайсан. Қандай кирган бўлсанг, шундай отилиб чиқиб кетасан... Хали кеч бўлмай туриб, эс-хушингни йиг. Минбайд ёдингдан чиқмасин: Аллоҳ сени партиясиз яратган. Унинг қаҳрига учрама!»

«Углим Гайбулложон, сен нима учун партияга кирмайсан? Ёки мени хафа булади деб ўйлайсанми? Йўқ, хафа бўлмайман, болам. Замона зайлни шу бўлганидан кейин нима ҳам қиласан. Замон сенга боқмаса, сен замонга боқ. Бўлмаса тирногингни устиргани қўймайдилар. Партияга кир, болам, кир. Мен рози».

«Сиз-ку розисиз, дадажон. Лекин анови үзингиз айтиб берган, сүяклари Сибирда қолиб кеттган юз минг мусулмоннинг арвоҳлари нима дейишаркин?» десам, ул зоти поқ отамга малол келмайдими? Иуқ, ундан демадим. «Қани, уйлаб кўрамиз. Шунча йил партиясиз бир амалладим. Партия ҳам менсиз бир амаллар», деб буёгини ҳазилга йўйган бўлдим. Бироқ устод Йброҳим Мумин домлага бундай гайрипартиявий аъмолим жуда малол келди. Чунки ул киши фирмасиз одамга,войдод-вовайло, салкам муросасиз синфий мухолиф деб қарар эдилар. Мендайларга ойнаклари остидан боқиб, «шу одамда нимадир бир нарса ёртиқча, ёки етишмайди», деб ҳукм қиласдилар. Бу ҳам бир тугма «ижтимоий қасаллик» бўлса керак. Аммо узоқ йиллик событ, ҳалол, фидоий хизматларим хурмати ҳаққи, мендан умид узмаган ҳолда ноилож хайрлашдилар. Шу кўйи бошқа куришмадик.

— Қизиқ гапни айтдингиз: «бир нарсаси» ортиқ ёки «бир нарсаси» кам одам! Йброҳим домла ҳам, турган гап, уз даврининг фарзанди бўлган. Ҳар томонлама тўкис инсон йўқ дунёда. Бироқ биз воқифмизки, айнан домланинг узлари, атрофларидағи кўплаб содиқ шогирдлари — фирмә аязоларидан, аксарият, миরзақуруқ рисолабоп файласуфлардан кўра, Сизга кўпроқ умид bogлагan, узига яқин олган. Сизни фирмә аъзолигига астойдил даъват этгани ҳам шуни курсатади. Катта фирмавий пиллапоялардан кутарилиб боришингизни мулжаллаган булиши шубҳасиз. Чунки уша йиллари ул зотнинг шогирдлари орасидан потирлаб йирик раҳбарлар етишиб чиқаётган эди. Сиз бўлса уз ўюлингизга тұганоқ булиб туриб олгансиз. Ажаб! Устод-шогирд баҳсида Сизнинг заҳмату изтироб, сарсону саргардонликларга тұла дардли эътиқодингиз илалоқибат устун келгандылыги чиндан ҳам ҳайратомиз. Шундай булишини билармидингиз?

— Билардим. Билмасам узимни шунчалар утдан чўққа урармидим. Фақат шундай одам буни билардики, унинг ё бир нарсаси кам, ё бир нарсаси ортиқ булиши керак эди. «Рисолабоп» одамдан ҳеч қачон журъят кутманг. У узича алания таратиб ёнмайди, балки уз орқадошлари қатори тутун таратиб юраверади, холос. Бир фирмә улса, бошқасига суқулиб киради. Бошқаси ҳам улса, учинчисига қўшилади. Ва ҳоказо.

Бундай шахсларда эътиқод бўлмайди, фақат манфаат бўлади. Кимки мол, давлат, машина, лавозим, ишонц, тамга берса, ушанинг қулини ва бошқа жойларини ялайвсради... Ҳа, «шундай бўлишиши» билардим. Фақат билмасдимки, бу нарса қачон бўлади? Чириган тузум қачон залолатга учрайди?

— Сизнинг ҳақингизда анча-муғча ривоятлар тарқалган. Шундан хабарингиз борми?

— Қандай қилиб хабарим бўлмасин, қачонки уларнинг кўпини үзим тарқатаман-ку. Аслида, булар ривоят ҳам эмас, ҳаётимда учраган оддий воқсалар. Тасавур қилинг: мингдан зиёд киши менда ўқиган. Бари қаламкаш. Сира мавзу тополмаса, мендан ёзади. Шогирдларнинг кўлчилиги шоир эмасми, менда кўрган-кузатганиларига дархол ўзларича «бадний» тус бериб, одамлар орасига тарқатиб юборишади. Балким ҳазиллар гапларим, аммо ҳар қандай ҳазилда ҳам бир чимдим чин гап бўлади.

МЕНИ МЕНГА... «ТАНИШТИРАДИЛАР»

...Бир куни, кўлчилик одамлар қатори, ТошДУ майдони саҳнида, кўкаlamзор устида чордона қуриб утирибмиз. Ўглим Ҳабибуло қириши имтиҳонида иншо топширган. Натижасини билиш учун келганман, дессангиз. Ҳамманинг ҳам илинжи шу. Майдонда юзлаб ота-оналар тупланишган. Баҳоларни кутишайити. Шунда снимда утирган бир киши диққати ошиб, армон билан деди:

«Бир оғайнимиз бор эди. Айтгани-айтгай, деганидеган. 5 деса 5, 4 деса 4, 2 деса 2! Эсиэки, ҳозир Тошкентда йўқ экан. Агар бўлганища, ошигимиз олчи бўларди».

«У, зўр киши экан-да, а?»

«— Э, зўр бўлганда зўрки!.. Ҳамма иншо олувчиларнинг катта устози бўлади».

«Ким экан у зоти шариф?»

«Профессур Файбулло Саломов бўладилар».

Қулоқларимга ишонмай, қайта сўрадим:

«Ким дейсиз?»

«Файбулло Саломов деган бир профессур».

«Шахсан танийисизми ул кишини?»

«Йўқ, үзим курмаганман. Юсуф Эшонқулов деган ургутлик укамиз бор. Шу ерда, Қомус идорасида ишлайдилар. Уша киши айтган».

«Ундаи бұлса танишиб қүяйлик: уша Файбулло Саломов мен бұламан. Қабул имтиҳонларыда бирон мартада ҳам қатнашмаганман. Ҳазар қыламан. Менда ҳечам ундаи «мұғыжизакор» құч йүк. Мана, ҳамма қатори, үтлоқда чүкиб үтирибман!»

«Йүг-е, — деди у үнгайсизланиб. — Раҳмат, раҳмат...»

Нима учун ташаккур изҳор этаёттганини на у, на мен билардим.

...Турмушимдан, яшаш ва фикрлаш тарзимдан, хатты-харакатларымдан олинган айрим лавҳалар бир неча хил қайта ишловлар, бадий түқималар, хаёлот ҳосилалари билан омұхталашшиб, ҳар хил талқин ҳамда вариантларда тагин үзимга қайтиб келадики, ҳайратдан ёқа ушлайман. Мардум мени үзимдан күпроқ билади-я, ажаб! Бундай «түқимачилар» — латифа тарқатувчилар, шахсимни маҳобатлаштирувчилардан айримларининг номларини көлтиришим ҳам мумкин: раҳматлик Тилак Жура, Норимон Ҳотам, Ҳасан Құдратилло, рафиқам Шаҳрибону, қайин синглім Буритош (Гулчеҳра), Саъдулла Аҳмад, Салоҳиддин Ҳайит, Абсалом Умар, Сайди Умр, Зоҳиджон Содиқий, Сайдумар, Мирзо Кенжабек, Ҳамидулло Каромат, Зухриддин Исомиддин, Пошли Усмон, Султонмурод Олим, Салим Жабборий, Ғулом Ҳужа ва бошқалар. Нажмиддин Комил, Ҳамидулло билан Адҳам Эргаш, Ғулом Мирзо, Мұхаббат Бақо қизи ва бошқалар ҳастимни фавқулодда маҳобатлаштириши, сеҳр-синоатлар пардасига ураб, баъзан ҳатто турли бащоратлар билан құщан ҳолда гойибона маъно беришта уста.

Күраяпсизки, каминани мароқли сир-синоатларга күміб ташлаңда катта бир гурух тер түкиб хизмат құлмоқда. Үглем Ҳабибулло билан унинг яқин оғайнілари, дүстлари ҳам бу жарағындан четда туришмайды. Қаеққа ҳам қочиб құтуласан... Улар сени «машхур олимга», «улкан өзүвчига», хоҳласа ҳатто «экстрасенсларнинг пирига» ҳам айлантириб юбораверади. Начора, чидаб үтираверасан...

— Демак, Сизга бу таъриф-тавсифлар өқмайды. Шундайми? Хоҳлайсизки, ҳар қандай мақтов тұла ишонарлы бўлсин?

— Албатта, ҳар қандай таъриф үша таърифланадет-ган ашёга мос бўлмоги даркор. Ошириб мақтاشга рагбат ортиқ даражада ерга уришдай гап. Ҳар иккаласида ҳам меъёр бузилган бўлади. Лекин мен уз таъ-

риф-тавсифчиларимдан норозиман десам, гирт Әлғон айтган бұлардым. Негаки, уларнинг сифатлашлари түләгемалықдан мутлақо холи. Энг мұхими, уларда самимият балқиб туради. Ҳатто баъзи бирлар... Әлғон сұзлаганида ҳам! Қуйида менга жуда манзур бұлған иккى Әлғонни айтиб берай.

Биринчи Әлғон. 1961 йылда «Мақол ва идиомалар таржимаси» деган китобим босилиб чиқкан эди. Тезда тарқалиб кетди... Уша кіттобдан үзим яна 100 дона сотиб олмоқчи булиб ахтардым. Ҳеч қаерда қолмабди. Қодир Ҳотам деган бир акамиз бор эди. Раҳматлик уша көзлари асаримни Урдадаги китоб дүконида күрганини айтты қолди. Уша захоти биргалашиб жұнадик. Борсақ, маълум бұлдикни, сотилиб бұлған Ағсусланниб турувлик, харидорлардан бир киши біздан сұраб қолди:

«Ғайбулла Саломовнинг «Мақол ва идиомалар таржимаси» китобини сұраяпсызларми? Вокзалдаги китоб дүконида күрүвдім яқинда».

Бояғи Қодир акамиз иттифоқо ундан самимий-қитмирона бир оҳангда сұраб қолди:

«Шу асарни үзингиз үқидингизми? Сотиб олишга арзыйдими иш қилиб?»

«Ол-а! — юрагим шув этиб кетди. — Бир пулга қиммат. Езган одам узи асаридан, асари үзидан соңуқ! — деб юборса-я? Нима деган одам бұламан?..»

«Ха, үқиб чиқдим. Яхши нарса», — деб қолди, барака тоңкур».

Қодир акамиз уни үзича имтиҳон қилиб, асарининг у србұ сридан сұраган бұлдилар. Бекона кишинин жаисиблари бинойндаій булиб чиқди. Яхши гапларни қаштириб ташлади. «Ҳайрінят-е!» — үйладым ичимда.

Қодир Ҳотами там-там, раҳматлик, атойи Худо бұлған бу ганимат сұхбатдошни лақыллатмоқчи бұлдиди, тағын сұроққа тұтдилар:

«Уша китобин ким өзгап, биласизми?»

«Э, билганды қандоқ! — деб қолди у. — Үзимизнинг құқонлық бұладилар. Узоқ қариндошчилігимиз ҳам бор».

Қодиржоң домла — менга, мен — унга ялт этиб қарадик. Паққос кулиб юборищдан үзимизни аранг тиінб, бу ердан гүв этиб йүқөлдік.

«Теги Құқон хонылғыдан экансиз-у, шу чоққача билмаган экамизда? — деди Ҳотами Тоңи менига ҳазиллашиб. — Яиги манзул муборак, мұлла».

Дарҳақиқат, камина Фаргона водийсининг күп шаҳарларида бўлганман-у, нечукдир Қўқонга йулим тушмаган. Мана энди, Ҳудога шукур, қўқонлик ҳам бўлиб утирибман. Аммо буниси муҳим эмас. Узига ҳамшаҳар билиб, мени шунчалар эъзозлагани учун ўша нотаниш биродардан тоабад хурсандман. Қаерлик эканимнинг қандай қизиги бор. Мұхими, унинг китоб ҳақида гойибона айтган илиқ гаплари қўнглимга малҳам бўлган эди. Зеро, бир хил одамики бор, рост гапни айтаман деб дилингни оғритиб қўяди. Гойибдан пайдо бўлган бу инсон эса, гарчи рўйрост ғлонг гапирган бўлса-да, мени жуда хурсанд қилган эди. Кошкыйди ўзи билса! Бундан чиқдики, киши бу тахлит бегубор ширин ғлонга ҳам эҳтиёж сезар экан-да? Сиз нима дейсиз?

Иккинчи ғлон. Бир куни самарқандлик яхши шогирдларимдан дорилфунун домласи доцент Салоҳиддин Ҳайит шундай бир сұхбатнинг шоҳиди бўлибди. Самарқанд қишлоқ туманидаги бир шийпонда чой ичишиб туришган экан. Даладан лой кечиб келган, уст-бошлари қора мойга белангтан бир тракторчи билан гурунглашиб қолган. Маълум булишича, ҳалиги одам адабистни жон-дилидан севар, ашъорфаҳм булиб, унда-бунда ўзи ҳам шеър қоралаб тураркан. «Қойил-с, деб ўйлади мулла Салоҳиддин, узбекнинг олимидан аравакашигача шоир!» Сунгра тракторчидан ўзининг бир-иккита шеърини айтиб беришини илтимос қилибди.

«Ҳалиги нотаниш одам мамнуният ила ўзининг иккита шеърини чунонам чертиб-чertiб үқидики, шийпондагиларнинг ҳаммаси ундан хурсанд бўлди, — иккаласи ҳам сатрма-сатр Сизнинг шеърларингиз. Ғашим келди. «Ҳой палид, уялмайсанми ўзимники дейишга! Ахир, бу менинг домлам Файбулла ас-Саломнинг қаламига мансуб-ку!» деб юборгим келди. Лекин ўйлаб қолдим. Бу ҳам бир шукроналик. Гарчи ўзим ёзганман деб керилиб юрган бўлса-да, Сизнинг шеърнингиз оддий бир меҳнаткашнинг қулфи дилини очган, уларни ўз мулкидай қабул қилган бўлса, бу жуда қўнгилли эътироф, бундан-да зинёд эътироф бўлмас ишодкор учун, деб хурсанд бўлдим».

«Мен ҳам хафа эмасман, — дедим Салоҳиддин Ҳайитга. — Агар тракторчи йигитнинг қалбига менинг ички дардларим ва изтиробларим эш булган экан, олақолсин ўша шеърларимни. Зеро, киши би-

ровдан бирон нарсаны ҳадъя олганидагина эмас, балки бировга бирон нарсаны лутфан ҳадъя эттапида ҳам узини омадли деб билмоги даркор».

— Сизнинг ҳаётингизда ҳам Хотами Тай воқеасига ухаша фавқулодда жасорат ҳоллари рўй берганми? Яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги мувозанат бир хил эмас. Дунё ва одамзод жуда қизиқ яралган. Ҳалқ ўртасида яхшиликка — ёмонлик деган ибора кенг тарқалган. Нима учун бунинг акси: ёмонликка — яхшилик кўпроқ учрамайди? Мантиқан шундай эмасми, ахир: яхшиликка — яхшилик қайтиши керак эдику. Балким бу инсон боласининг комил эмаслигидан, шайтоннинг кутқулари кучлироқ эканидандир? Бировга яхшилик қилиб қўйиб, сўнгра худди уша одамнинг узидан ёмонлик кўрган вақтларингиз бўлгандир? Уша вақтларда қонингизга ташна бўлиб кетган-дирсиз?

«ЙИҚИЛГАННИ ТЕПИБ ЎТ»?! •

Бир куни раҳматли дадам ўта мантиқсиз бир гапни айтиб қолдилар: «Йиқилганинни тесиб ўт, ўғлим!»

«Нима?! «Йиқилгани... тесиб ўт»?! Бу қанақаси?»

«Ха, айтганимни қиласр. Ушандা түгри булади, барака топасан».

Ё Раббий! Бу не ҳол? Қиблагоҳнинг табаррук оғизларида Куръони Карим сураларию оятлари, қанчадан-қанча дуюйи хайрлар, Ҳадиси шариф ўғитлари янграган. Шу оғиздан нечук бундай нобоп сўз отилиб чиқди? Узи умрида бирон марта йиқилганинни тесиб ўтмаган ва менинг ҳам ҳеч қачон бундай қила олмаслигимни мутлақо тушунган бул зоти бобаракот нега бундай деяптилар?

Бу муаммони тушуниш учун киши дадамии щаҳсан таниши-билиши керак эди. Шубҳасиз, ҳар бир инсон ўз даврининг фарзанди. Давр эса ўз маҳсули — одамларнинг дил лавҳига ўз мухрини босмай иложи йўқ. Лекин, энди билсам, бинзининг қиблагоҳ ўз давридан камида ярим аср илгарилаб кетган экан. Нодон, пандавақи, бетамиз кишиларни куаррага кузлари йўқ эди. «Агар ақл деган нарса бир латта бўлсаю, уни чўпга улаб, фалончининг бурун катакларидан бураб-бураб тиқиб юборсанг ҳам, ул нодонга ақл кирмайди!», дер эдилар. Бировларга қилган яхшиликла-

рига ёмонлик қайтганида, — бундай ҳоллар эса нима учундир у кишида тез-тез учраб турар эди, — үзларни құярга жой тополмай қолар эдилар. Ана шундай вақтларда оғизларидан бояғидай «тескари» даъватлар ҳам бейхтийр чиқиб кетарди. Буны пичинг, зақарханда, аламзадалик аломати деб тушуниш керак эди. Бу шундай хасталик ҳолати эдикі, бундай дарддан тездә үзлари халос бұлар, жаҳл үріпини яна ақл, әхтирос үрнини тафаккур әгалларди. Лойқаланған сув тездә тиниб қоларди. Дадам менинг устозларим Вохид Абдулло, Ҳамдам Есредіёр, дүстларим Раҳмонқұл Орзисек, Тұхтамурод Бобо, Асил Рашид, шогирдларим Салохиддин Ҳайит, Пашали Усмон, Тұхтамурод Файзулло, Жалолиддин билан Абдулло Юсуфийларни ии-хоятда ҳұрмат қылар, ардоқлардилар.

Бу каби фазилатлар мен учун ирсий бұлса керак. Мен ҳам қиблагоғнинг барча яқын одамлари, биродарлари, дүстларини чукур ҳұрмат қылардым. Уларнинг күпчилиги, дәсөрли ҳаммаси бу мұрт, фоний дүнәни тарк этишган. Худо раҳмат қылсın уларни. Гүрларига нур ёғилсein...

Киши ҳар қандай аламга чидайди, алмада яхшилик әвазига ұша одамдан ёмонлик күрганида, дод деб юборади. Бу ноқақ аламнинг зақми жуда ёмон бұлади! Чунончи, ерда ағанаб, тупроққа бсланиб, балчиққа ботиб өттән бир маҳлүқни (чиндан ҳам, балқим у, астагфурилло, тәспиб үтишга лойиқ бир ноңакор, фосиқ бир шахсдір?..) үрнидан тургазиб, усткийимларини қоқиб, бошини силаб, әгнингдаги әнгилингни бериб, түгри йұлға солиб құйсанг-у, бунинг әвазига у қаншарынта қулочкашлаб солса, додингни Худога айт!

ТОШДАН КҮРА ПАХТА ҚАТТИҚ ТЕГАДИ

Абулла Қаҳхорнинг «Қүшчинор чироқлары» романында шундай ажайиб-гаройиб латифа бор. Қабих тұхматтаға учраган бир кишини құкрагигача үңқырға құмиб, сазойи қыладилар. Әнидан турнақатор булыб үтасстан оломон уни тошпаррон қиластанған эди. Ҳар бир киши жазоланастанған одамға биттадан тош отиши керак. Шүрлікнинг ҳаммағи қип-қизил қонға бсланиб кетади. Алмада у марданавор чидайди. Бир пайт өнидан яқын дүсти үта бошлайды... Жабрдийдага тош

отишга унинг сира құли бормайды. Отмаса, үзини жа-
зога мустақиқ қыладилар. Нима қилиш керак? Шунда
түнининг чокини сүтиб, бир сиқим пахта оладиу,
худди тошдай кулочкашлаб отади. Эвоҳ, шунға азоб-
укубатларга, бегоналар отган тошларга миқ этмай чи-
даган жабрдийда мазлум үз дүсти отган пахтага дод
деб йыглаган экан. Етти өт одамлар отган ғүйдән
кура, үз одамнинг отган момиқ пахта қаттық тегаркан.

Бундай фалокатларга күп дучор булғанман. Ва ҳар
гал «бас-с! Бу охиргиси. Энди ҳеч кимга яхшилик қыл-
маганим бўлсин!» деб онт ичаман. Ва яшини тезлиги-
да англайманки, бу куфр. Жаҳлимдан тушаман. Яна
эрталаб ўрнимдан туриб, даструмолимни тўрт жойи-
дан тугаман-ла, бутун турт кишига яхшилик қиласман
деб, остона ҳатлаб циқиб кетаман...

НОШУДЛИГИМГА... ТАСАННО!

Мен бир неча бор оғир фалокатлардан қутқазиб
келган бир киши ҳасад юзасидан камина тўғрисида
шундай гап тарқатибди: «Ғайбулла шундай ношуд
одамки, ҳатто бирорвга ғмоилик қилиш ҳам унинг қу-
лидан келмайди!» А? Ғмоилик қилиш учун ҳам ақл
керак эканми? Наҳотки бадкирдорлик некбинилик-
нинг дояси бўлса? Наники бирорвга ғмоилик қила ол-
маслик олийжанобликдан — ожизлик аломатига айла-
ниб қолган бўлса. Аввалига ниҳоятда хафа булиб кет-
дим. Шу қадар ожиз эканманни деб! Бироқ кейинн
үйлаб қарасам, бир разил шахснинг мен ҳақимда айт-
ган таҳқирли таърифи, аслида, каминанинг фазилат-
им экан. Модомики, бирорвга ғмоилик қилишга
ожиз эканман, илоё шу «ожизлигимдан» ҳеч қачон
маҳрум бўлмайин.

ИЛТИЖО

4-фасл

ИСТИГФОР ФУРСАТ КУТМАЙДИ

РОКИРОВКА, ПИНГ-ПОНГ ВЛ ЧУЛИЛИ ҚИССАСИ

Энди уз ҳаётимдан аламли ва оғриқли бир воқеани айтиб берсам. Мана чорак аср бўлибдики, бу гапни ҳеч кимга ошкор этмаганман. Ҳозир бу нарсани пин-хон сақлашнинг маъноси йўқ. Аммо ибратли томони бор, деб уйлайман.

1968 йилнинг ёз фасли булса керак. Бир куни Бош Қомус таҳририятида Иброҳим домла иш юзасидан шошилинч мажлисга чақирдилар. Зал лиқ тұла одам. Домла билан мен тўрдан, ҳайъатдан урин олдик. Бош муҳаррир йигинни очиш учун энди оғиз жуфтламоқчи булиб турғанларида, иккинчи қаторда ўтирган Мұхаммади Шариф деган бўлим мудирларидан бири даб-дурустдан қўлини кўтарди.

«Тинчликми? Нима гап?» — дедилар домла.

Мұхаммади ака «дик» этиб ўрнидан турди-да, томдан тараша тушгандай гап бошлади:

«Муовинингиз Гайбулла Саломов ишга ярамайди. Уни бўшатиш керак!»

Иброҳим Мўминов менга тешиб юборгудай кўзларини қадади. Кутимаганда елкамга санчилган пичоқ билан устознинг бундай сеҳрли нигоҳидан сиқилиб, бир лаҳзадаёқ кичкина булиб қолдим. Номус улимдан қаттиқ, деб бежиз айтмайдилар. Мұхаммади Шарифийга юзланиб, Бош муҳаррир, қаҳрланиб сурадилар:

«Сабаб?»

Шарифий нима учундир гўлдираб қолди.

«Нима гуноҳи бор муовинимнинг, билсак бўладими?»

«Бўлади, — деди даъвогар. — Рокировка қиласди».

«Нима қиласди? Рокировка?»

«Рокировками? Нима десам экан... Шоҳ билан рухнинг ўрни алмашади-да».

«Қандай алмашади?»

«Нима десам экан... Ҳим... Чулили бўлади, чу-лили».

«Чулили нима?»

«Чулили бу чулили-да. Мана бундай...»

Оға құллари билән аллақаңыз мәнтиқсиз ҳаракаттар қила бошлади. Шундай ўта күлгили бир ваъзият үртага келдіккі, азбароіш асабийликдан ва таңгликтан ичак үзилди бұлиб кулиши ҳеч кимшиңг әдига ҳам келмасди!

Хуллас, йұғон бир даъвони күтариб чиққан довдир бұлым мудири на «рокировка», на «чулили» нималиги-ни тузук-қуруқ тушунтириб беролмади.

Ниҳоят, гүнохим аниқланды.

«Хүш, яна қандай «гүнохі» бор бу одамнинг?»

«Хім, янами? Ҳаёт қозонида қайнамаган».

«Ана бу даъвойнинг бироз түшүннарлы. Десмоқчисан-ки, «партия аязоси әмас». Шуңдайми?»

«Қайдам?...»

«Нега билмайсан? Былиб гапирағтыбсан! Аммо сен мувовинимнинг биронта гүнохини ҳам айта олмадынг. Ҳолбуки, уннінг гүнохі бор ва бу катта гүнох. Биласанми, сен ношуд шахс, партия аязосини пединисти-тутдан қувиб юборышганда, Faïbullovoy — мана шу партиясыз инсон сенни стаклаб бу ерга, Академия даргохыга бұлым мудири қылғын олиб келганди. Түшүндінгіми?»

«Түшүндім, домла».

«Умуман, ишламоқчимисан ёки йүқми?»

Ган шу ерга келганды, тик ҳолатда қолишини ҳам, үтиришини ҳам билмай, дағ-дағ титрай бошлаган Шарифий жон ҳолатда деди:

«Ишлайман, домла, ишлайман. Бундаі номаъқул-чилик бошқа қайтарылмайды. Тавба қылдым».

Мажлис бошланмай туриб тугади. Ранги бұздай оқарыб кетген домла құл силтади-ю, эшик томон түрс-түрс юриб кетди. Менің қараб, ортидан бори-шимни ишора қылди.

МУВОЗАНАТ

Уша күнгілсиз гаилар уч қисмдан иборат ўта но-хуш оқибатли янги воқсаларни келтиріб чиқазди. «Муқаддіма»дан ҳамма воқиғ бўлди. Аммо кейинги воқеалардан, орадан мана 28 йил үтибди ҳамки, ҳеч ким бохабар әмас. Бу гапларни бир Худо билди, Иброхим домла билдию, мен билдім. Вассалом. Менинг

кейинги ҳаракатларим пинҳоний қолган бүлсә-да, тұлалигика шаръий эди. Чунки айнан үзим жабрланған бүлсам-да, үз вијждоним, иймоним ва эътиқодим олдида алифдай рост эдим. Мен жамоа олдида Мұхаммади Шарифдан чап бетимга шапалоқ едим. Кейинги ҳаракатларим шундай бўлиб чиқдики, ўнг бетимга ҳам урушлари учун шароит ҳозирластган эдим. Чунки руҳий мувозанат ҳосил булиши керак эди-да. Акс ҳолда, бир томонга — чап ёнингта қараб огиб кета бошлайсан киши.

БИР МАНТИҚКИ, МАНТИҚҚА ЗИД

...Иброҳим Мўмин ниҳоятда асабийлашган эди.
Менга амр қылди.

«Академия ҳайъатига дарҳол фармойиш лойиҳасини тайёрланг».

Узимни гўллиқка солдим.

«Қанақа фармойиш?»

«Бу Мұхаммад Шарифингизни буштамиз. Бўлмайди!»

«Бўлмайди, домла».

Ғалат. Бир сўздан иккى хил маънино келиб чиқди. Устознинг «бўлмайди»си билан менинг «бўлмайди»м бошқача жаранглагандай бўлди. Аллома ута нозик табиатли, бир қадар «фарангি», маънили инсон эдилар. Бошини кутариб, савол назари билан менга қарадилар. Мен гапимга аниқлик киритдим:

«Буштасак бўлмайди».

«Эси жойидами бунинг?» деб уйлаган булса керак ичида. Аслида, ваъзият шундай эдики, «хўп бўлади» деб ҳукмни ижро этишим вожиб эди. Чунки Шарифий жамоанинг кўз ўнгидаги үзини-үзи бадном қилиб бўлган эди. Унинг учун нажот қолмаган. Домланинг нафаси билан бир «пуф» дейилса бас. Үзини кучада курарди. Уни уша топға ҳеч ким ва ҳеч нарса кутқазиб қоломасди, бирин-кстин сабаб излай бошладим... Нима бўлса ҳам уни сақлаб қолиш керак эди.

«Сабаби, буштасак, у гап тарқатади: «Домланинг ўринбосарини танқид қилувдим, чидашолмасдан мени қувиб юборищди» деб. Маломат қиласи-да. Унинг қилиғи менинг нафсониятимга қаттиқ тегди, албатта. Аммо утиб кетди. Жазосини Сиздан ортиғи билан олди. Шунинг үзи билан кифояланиб қўя қолайлик. Ҳали кўп пушаймон еса керак...»

«Сут билан кирган нарса жоң билан чиқади. Бундайларга шафқат қылғып бўлмайди. Бугун таъзирини еди. Эртага унугтади. Буйруқни тайёрланг».

«Маъкул. Бўлмайди».

«Нима учун?»

— «Узи ёмон одам эмас. Гап шуцаки, икки-учта фосиқнинг таъсирига тушиб қолган. Оғиз-ку — Шарифийиники, уйдан чиқаётган сўзлар — бошқаларники. Хатосини тушуниб стиши, узини ўнглаб олиши учун фурсат ва имкон керак, менимча».

«Қўйинг бу гапларни. Ҳар ким уз оғзига узи эгалик қўлсин. Наинки оғзининг жиловини бирорларга бериб қўйса одам. Бунақада нафақат оғиз, бошини йўқотиб қўйиниш ҳам ҳеч гапмас. Фурсат йўқ».

«Яна бир мулоҳаза бор-да».

«Хўш?»

«Узи бир марта анови институтдан кавуши тўғриланган. Буёқдан биз ҳам ҳайласак, кўчада қолади. Ҳеч кимнинг уз жонида қасди йўқки, уни хизматга олса. Ваҳоланки, оиласи, бола-чақаси бор унинг! Моянасиз ҳоли нима кечади!..»

«Шундай десиг? Қизиқ ишқтани назар. Сиз билан мен эмас, у қилини керак эди бу андишани. Ўзидан кўрсинг. Ичқиликдан боши чиқмайди. Ҳамма безор. Ўша оиласи ҳам иотинич. Бўшатамиз, вассалом».

СҮНГГИ ТАДБИР ЁКИ ҚАНД КАСАЛИ НИМА?

Учинчи кўрсатган сабабим домлани юмшатади, деб ўйловдим. Бу ҳам кор қўлмади. Ниҳоят, тўртинчи, энг сўнгги, қалтиқ бир важни кўндаланг қилишга журъят этдим.

«Бўлмайди!»

«Яна қандай мулоҳаза?»

«Бу одам касал. Оғир дардга чалинган».

Домла ўйланниб қолди. Нафаси ичига тушиб кетди. Овозини пастлатиб, хавотир аралаш аранг пицирлади:

«А? Касал? Қандай касали бор унинг?»

«Қанд диабетидан қаттиқ азоб чекади шўрлик».

«Ҳим... Қанд!»

Баҳс тутади. Суҳбатдошим синди. Чунки унга диабет нима эканини «тушунтириб» ўтиришнинг сира ҳожати йўқ эди. Билардим: узи ҳам худди шу оғир

дарддан азоб ческарди! Заъфарон юзларида чуқур изтироб чечаклари жиілва күрсата бошлади. Ажабмас, уша кезіларда дард хуруж қилиб турғандыр. Бош мұхаррирда шафқат түйгүсін үйгөнгөн зот. У бир пас сукут сақлаб турдію, тамомийла үзгача, сирли назар билан мәхр тұла күзларини менгі тикди ва диди:

«Ана шунгіңиз борда, Гайбулловой».

Устозининг ұсмоқчилаб айтган ботиний сұзлары мен-га ҳар қандай давлат мукофоттдан ҳам зиёд зот. Мен уни булоқ сувидай шаффофф бир меҳр билан ҳұрмат қылардым. У шундай беминнат ихлюсга сазовор зот зот. Олимлиги үзиге, аммо асл одамохун, покиза раҳбарнинг құл остида бұлғанимдан ифтихор этардым.

ҰНГ БЕТИМНИ ЖАЗОГА ҲОЗИРЛАЕТГАН ЭДИМ...

Мен, үзимча, оға Мұхаммади Шариғфа үзини үнг-лаб олиши утун ниҳоятда қулай шароит яратғандым. Ағсуски, буни у вақтида англағы етмади. Үнг бетим жазога ҳозирлыш күраёттан зот. Олтмишшынчы йилларнинг охири мен учун ниҳоятда чигал, оғир, алғовдалғовлы, саросимали бұлды. Одамларға яхшилик қи-лавердим, әвазига әмоялык самараларини олавердим. Лекин, Аллоҳ шоқид, ҳеч күмнинг әмоялыгига қарши әмоялык құлламадым. Агар мени қандайдир бир ило-хий, мұйжизавий күч әмона күзлардан, сүк-хасадлардан, қуруқ туҳматлардан омон сақлаб кеслеётгандыр. Олмен мұтафаккири Йоғанн Волфганг Гётснинг мана бу сузла-ри ҳамма вақт менға таскын берарди. «Ераб! Мени ҳамма вақт айни әзгу ишларым учун жазолайдылар». Яна үзимга-үзим тинмай насиҳат қылардым. «Шайтоннинг васвасаларига учма, мұлло Гайбулло. Қуявер, алар билғанча қылсии. Нобоп одамларға қарши күл күтариб, үзинг ҳам улар даражасыда тубанлашиб кет-ма... Аллоҳ таоло сенни синаяпты, қаны нима қылар экан деб. Құзингни оч, атрофға бок: мевали дараҳтнинг боши ҳам. Мевали дараҳтта тош отадилар. Шохларини қайирадилар. Қаддини букадилар. Қайнин да-рахтига ким тони отибди?! Инчунин, яқында дуогүй отахонимиз Теша бобо айтғанларидай, бошимга тош отди деб, аразлаб, үша мевали дараҳт кесласи йил мева қылмай қолмайды-ку! Хуллас, меннинг «хаёт қозонида» (партия қозонида деб тушунасиз!) қайнамаганимдан

булак айбим йүк эди. Хүш, индаллюсини айтганда, қизыл фирмә аязоси бүлмаслик айбми? Айб ҳам гапми, катта гунох эди. Деярли бутун онгли умрим давомида, то Мустақиллик замонигача, «партиясыз» ҳамда «сиёсий хүшөрлик стилемайды» деган қизиз тавқи лаънатларни кутариб юрдим. Эслаб күрайлик: худди шундай қора тамғалар билан Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Сулаймон үғли Чүлпон, Усмон Носир, Саңжар Сиддиқ, Боту, Назир Тұрақул, Ҳамид Сулаймон, Лазиз Азиzzода, Аҳмаджон Еқуб, Саййид Ризо Ализода ва миллиаттинг фахри бүлган бошқа юзлаб, минглаб инсонлар тақыб остига олинди, қамалди, отылди, эл уртасида сазойи қилинди. Улар шахсга сиғиниш даврининг ноҳақ қурбонлари булдилар. Шахсга сиғиниш! Нақадар жирканч, гайри инсоний иллат! Үша «сиғинилган шахслар» дунёдан бирии-кестин үтиб кетаверди, аммо қуллик, мутеълиқ рамзи бўлмиш шахсга сиғиниш психологияси янги автолидарга мерос булиб қолавсрди... Бу худди қирқ бошли аждаҳо, «ўлмас Кашғисай» сингари даҳшатли маҳлук. Гуски одамзод шахсга сиғинмай яшаётлас экан-да. Қизыл фирмәчиilar халқ онгидан Аллоҳга сиғиниш эътиқодини зўрлаб йўқотгани сайин одамнинг одамга, банданинг бандага сиғиниши, шахснинг «илоҳийлаштирилиши» иллати чуқурлаша борди... Бутидай ноинсоний шароитда инсон олдида биргина йул қолади: яшаю чида, чидаю яша! Қозоқча алфоз билан айтадиган бўлсак: яшайман-да жилайман, жилайман-да яшайман (Абдусалом Умарийдан эшитганим). Ҳожи Абдулло Орифнинг Фузулийдан кслтирган иқтибоси нақадар гузал, қаңғалар пурҳикмат: Гадоям муҳташамам. Манфур ҳоким бўлгандан кура, муҳташам гадо бўлиш минг топқир афзал-да!

Нажот динни никоб қилиб олган қабоҳатда, бицъатда эмас, балки фақат Аллоҳагина бандаликни тарғиб этган, инсонларни чинакам тенглилка, шафқатга, меҳр-муҳаббатга даъват этган соғ динидадир.

Гадоям муҳташамам!

ШОҲМАН – БАНДИМАН. ҚУЛМАН – ОЗОДМАН

Шоҳ булиб, үзига үзи қул бўлгандан кура, қул булиб, үзига үзи шоҳ бўлган афзал. Зоро, бу шундай бир

құлликки, ҳазрат Сулаймон Боқирғонийдан үтказиб айта билмасман: Санга қул бұлғаным султондін ортиқ.

Алқисса, вақтеки барманас... дегандай, оғамиз Мұхаммади Шарифий мен күтганчалик үз мұхитидан ажралиб чиқа олмади. У үзи үтирган шохни қырқаётганидан тамом бсхабар қолди. Камилнан қийнаган андиша биттә эди: мен-ку Қомусхонанинг үша вақтлардаги дұзахий азобларидан фориг бұлиб, күп-да нарса йүқтотмасман. Бирок мана бу мавлоно Бош мұхаррир Иброҳим Муминг қийин булади-да. У үз атрофига тұплаған баъзи бир бетавфік файласуф шогирдларидан, уларнинг гумашталаридан бириң-кестин зарба ола бошлаганида, нозик табиати бу хиенатларга дош бера олармикан?

1969 йил охирида фитна авжта минди. Мен, «е ҳаётан набий!» деб, Қомусхона таҳририятiga қандай фирмасиз булиб келген бұлсам, шундай фирмасиз булиб чиқыб кетдім. Бу-сувга кириб, құруқ-чиқыштай фавқулодда бир омад эди. Минг шукурки, амал деб үзимни бадном құлмадым. Бунинг учун то ҳозиргача ақл құзимни мошдай очған раҳматтік дадамнинг арвохига сигинаман. Іскін қызиги шундаки, аччиқні аччиқ кесади деганларидай, мен кеттанимдан кейин орада үн беш күн ҳам үтмай, Бош мұхаррир үринбо-сарларидан бири оғани ишдан қувиб юборибди... Ажабланадиган жойи йүқ: ал-қасосил минал ҳақ. Нима эксанг, шуни үрасан. Шамол эксанг, бүрон урасан, дейди үрисда. Турған тап, бунга мен хурсанд бұлишим керак эди, аслида. Рост-да. Құлмиш-қидирмиш. Бироқ... Бу менинг тарафимдан инсоний ожизлик бұлmasмыди? Үндай тақдирда менинг менлигим қаёққа боради. Ахир, инсонни синдириш осон, аммо унинг қаддини ростлаш қийиндан қийин. «Той от бұлғунча, әгаси ит бұлур! Алифни дол қылса булади, бироқ долдан алиф чиқармикан? Чиқмаган, чиқмайди. Дархақиқат, шундан сұнг оға Шарифий синди.

ПОСАНГИ

Мен юқорида бу инсон ҳақида анча-мунча нохуш-роқ гапларни айтдым. Аллоҳ кесчирсін менинг ожизлигимни. Нима құлайин, шунинг учун айтишга журъат этдімки, унга заррача хиенат қылған эмасман. Ас-

лида, учкам уттиз йил муқаддам қадрдон Қомус жа-
моаси билан Баш мұхаррир академик Иброҳим Му-
мин хузырида у билан менинг — ҳар иккаламизнинг
тақдиротимиз адолат тарозусининг икки палласига
қўйилганида, элга пинҳоний бир тарзда, уз ҳиссамдан
дарвешнамо оғанинг палласига посанги қўярканман,
бунинг сабаби менинг олийжаноблигимдан ҳам кура,
унинг яхши инсонлигига эди. Муҳаммади Шариф,
менинг тасаввуримда, беназир инсон, ҳалоскор сифа-
тида, ожиз, камбағал, турмушдан сиқилган, бева-бечо-
ралар, етим-есирларга яхшилик қилишининг минг бир
чорасини биладиган афанди, Алдар кўса янглиғ, таъ-
бир жоиз бўлса, фолклор-одам эди. Шарқда бир ма-
сал борким, тулқидан сўрмишлар: «Сен този-итдан
кутилишда нечта ҳийла-найранг қўллайсан?» Тулки
дебдики: «Бир юз битта». «Шулардан сенга энг қу-
лайи қайси?» «Итга рубару бўлмаслик!.. Чамамда,
ана шу бир юз биринчи ҳийладан бехабар эди оғойи
Шарифий: тоҳо дўст билан душманни фарқлаётмай
қоларди. Худди шу иллат охир-оқибатда унга қаттиқ
панд берди. Эҳ-ҳе, бул зот тўғрисида қанчадан-қанча
ривоятлар туқилган!.. То ҳозиргача уни ҳаётда кур-
ган-билигни кишилар айтиб юради. Афсус-надоматлар
бўлсинким, биз ожиз одамлар, кўпинча уз оғриган
нафсошитимизнинг қули булиб, Аллоҳнинг бошқа
севган баандаларини, табиатнинг мўъжизакор, сеҳрли,
олий мавжудоти бўлмиш ҳазрати инсонларни то гўрга
тиққунча таъқиб этамиз. Ераббий! Уларни душман,
нобакор, мухолиф, номусулмон деб эълон қиласиз.
Ким билсин, улар — бизга эмас, балки биз узимиз —
уларга душмандирмиз. Атиги битта миттигини чумо-
ли ясаш қулимиздан келмайдиу, фиддай инсонни
майиб-мажруҳ этиш, ҳатто бошбуғун йўқотиб юбо-
ришга суюгимиз йўқ бизнинг! Нима учун биз бу
қадар бешафқатмиз, а? Нима утун бировни бўғиз-
лаётганда, дорга осаётганда Худонинг қаҳридан қурқ-
маймиз, қулимиз қалтирамайди, баданимиз булк эт-
майди. Эй ожиз банда! Ўйлаймизки, бировнинг қони-
ни тўкаётган кишигина қотил бўлади деб. Ёху! Ҳар
куни, соат ва дақиқа сайин кишиларнинг қонини
бузиб, уларнинг мувозанатини йўқотаётганда, обру-
сизлантираётганда, сазойи этаётганда, бу кенг жаҳон-
ни уларнинг кўзларига тангу тор қилаётганда, биз —
киммиз? Одамларга ҳуда-бехуда дўқ-пўписалар қилаёт-
ганда, ҳайфсанлар берәётганда, уларни ишлаб турган

иссиқ жойларидан қувиб солиб, еб турган насибала-
рини оғизларидан юлиб-юлқаб олаётганды, қани
айтинг, бизни ким деб атасынлар?

Ә-ә!..

ТУПРОГИМ ТОШКЕНТДАН ОЛИНГАН КҮРИНАДИ

1970 йылда бола-чақамни тишимга тишилаб, Тошкентдан — Самарқандга күчиб кетдим. Шу йилиәк күп үтмай, бола-чақамни тишимга тишилаб, Самарқанддан — Тошкентта күчиб келдим. Қанчадан-қанча изтироб, миш-миш, маломат... Менинг атрофимда, ким ошди савдосида, «гап бозори» қизиди. «Хар ким уз юртида бек», дейдилар. Шахри Самарқандда атиги ярим йил ичида «ҳаёт қозонида» бақирлаб қайнадиму, тезда тушуниб етдимки, менинг юртим Тошкент экан. Асли тупрогим шу ерда қорилгани маълум бўлди. Орадан уч йил утиб, даҳшатли автомобил фалокатига йулиқдим. Ажал таҳликаси бошимни «силаб», оёқларимни синдиридию, хайрият, ёнимдан «гув» этиб утиб кетди... Алтоҳ ёр, Гавсул Аъзам пирамизнинг руҳлари мададкор бўлди. Ўзим ҳаёт билан мамот ўргасида тўлғониб ётибману, яна дув-дув гап: гирт маст ҳолда машиинада кетаётшиб фалокатга учрабди, демишлар. Ё Парвардигор! Намунча тупрогим ёнгил экан менинг. Бир бошга мунча зулм... Қаттиқ озурда бўлдим: бу шум гап ҳам бизнинг Муҳаммади Шариф акамизнинг табаррук оғизларидан чиқибди. Ахир, бошиқа бирор эмас, айнан Шарифий домла билардилар-ку менинг шаробни макруҳ деб билишимни. Тавба, бирорни қанча ардоқлаганинг сайин у сенга шунчалик учакишиш! Тан жароҳатидан ҳам кўра дил оғригани ёмон. Гарчи қарғанмадим (қарғишига сира тоқатим йўқ), газабландим. Чорак аср илгари ҳали билмасдимки, менга газабланиш ҳам мумкин эмас. Бизга газабланиш ҳаром қилинган.

Муҳаммади Шариф валломат инсон эди, дедим. Шундай. Бироқ ҳаммамизда ҳам ожизлик бор. Бу бизга ҳазрати Одам алайҳиссалом билан Момо Ҳаводан мерос. Акс ҳолда, улар шундоқ жаннатул маъвода бутдой донаеини еб қўйиб, бовур қилишармиди ва Равзатус сафодан мосуво булишармиди?.. Хуллас, орадан бир-икки йил ўтар-ўтмас, ул киши оғир касалликка дучор бўлди. Эшитдимки, касалхонада оғир бетоб

булиб ётибди экан. Инсон зоти бунчалар зиддиятлар тугуни бўлмаса! Ҳаётда шундай буладики, бир одамни қанча севганинг сайин ундан шунча озурда буласан. Қанча озурда бўлганинг сайин уни шунча... ссовасан, кўргинг қслади, соғинасан. Зотан, тўгри-да. Ҳар бир одамдан ожизлиги туфайли узоклашавсрсанг, ахийир бориб ўзинг кимсасиз, одамови булиб, ёлгизланиб қоласан. Одамлар қандай бўлса, шундайлигича, барча кучли ва ожиз томонлари билан, «кутарасига» қабул қилмоқ керак. Зоро, улар ҳам сени, қандай булсанг шундайлигингча қабул қилишаётиди-ку. Ё сен фариштамисан? Бс-е! Қанчалик оғир бўлмасин, кечи-римли бўлган маъқул. Истиғфор туйгуси инсоннинг энг олийжаноб хислатларидан биридир.

Аммо Шарифий домлани шифохонада чин инсоний муҳаббат ила йўқлаш ҳам жуда оғир эди. Буни у қандай тушунаркан? «Ассалому алайкум. Ҳормасинлар! Ҳолингиз шу экан-ку. Бўғи қандай бўлди?» қабилида, устимдан ўлимтиқхўр калхатдай, кулгани келибди-да», деб тушунса-я?! Йук, қандай тушунса унинг иши. Зинҳор унит бўлмасинким, одамлар иочор ахволга тушганларида, ҳар қандай гина-гудуратни унтиб, бир-бирларни тўғри тушунишга мажбур. Инсоний бурч бу.

Хотиним Шаҳрибону билан бирга темирийул касалхонасига бордик. Оға Муҳаммад заҳкашроқ бир хонада, ниҳоятда маҳзун кайфиятда ўтирган экан. Аҳволи интиҳойи танг. Дард сингиб ташлаган. Сунигти кунларини яшаётгани шундай кўриниб турибди. Олдинги бир гапириб, ун куладиган, «лақашақилдоқ» одам-фолклордан асар ҳам қолмаган. Дард филен чивин қиласди, деганлари шу-да. Эсиз.

Биз ҳеч нарсани созмаган кишилардай, унга хуш манзират қила бошлидик. Яхши одамларни, арзирли ишларини эсладик. Хотиним икковимиз, биримиз олиб, биримиз қўйиб дегандай, ул зотнинг бизга қылган бир яхшилигини минг бор қабартириб ва кўпайтириб гапира кетдик... Кўришини истасанг, ҳар қандай кимсада ҳам истаганча яхшиликларни кўришинг мумкин. Бунинг учун некбин куз булиши керак сенда. Ҳайрлашадиган фурсат келганида, у биз билан шифохона саҳнигача, ундан ҳатто дарвоза ташқарисига қадар етакланиб чиқди. Сира ажралгиси келмасди. Авзорийдан жуда муҳим бир гапни айтмоқчи булардип, негадир айттолмасди. Сўзамолликда Цицрондан

қолишмайдиган зукко киши нечукдир фикр калавасининг учини тополмай қийналаётгани сөзилаб туради. Ниҳоят, тили калимага келди. Менинг тирсагимдан ушлади-да, бир зум кўзларимга маъюс қараб, деди:

«Мени кечир, Гайбулла!»

Дафъатан нима дейишими билмай, шошиб қолдим.

«Тушунмадим...»

«Кечир мени деяпман. Агар кечиролсанг. Яна сен билан кўришамизми, йўқми, билмадим...»

«Нималар дсяпеиз, акахон. Кўйсангиз-чи бундай гапларни. Қайси «гуноҳингиз» учун Сизни кечиришим керак экан?»

«Кўй, сенга ярашмайди. Билиб турибсан қайси гуноҳларим учун афв сўраётганимни».

Карасам, болаларники сингари доимо жовдираб турадиган, ҳозир анча хира тортган кўй кўзларида аччиқ ёш томчилари ҳалқалана бошлади. Бироз қия угирилдию, мовут камзулининг этаги билан нам кўзларини секин арта бошлади... Бу манзарани ортиқ кузатиб бўлмасди. Ҳунграб йиглаб юборишим ва бу билан бутун ишни бузиб қўйишим — дилини вайрон қилишим мумкин эди. Шу топда, унинг инсоний ожизлигида, турттагина мўрт суюк қалашиб турган унинг қачонлардир полвон келбатида, қалбининг тўридан сизиб чиқаётган аламли кўз ёшлари ва ҳар қандай тошюрак қалбни ҳам симобдай эритиб юборадиган сўнгти истиғфорида мен уни бағримга босгим, бошларини силаб-сийпалагим ксларди. Қанийди, кўлимдан келса, уни дардлардан бутқул фориг этиб, ажал ҷоҳидан қутқазсам. Елкасини енгилгина силадим, худди бахши сингари қоқиб-қоқиб қўйдим... Тилим лол эди. Нима демоқчи эканимни у тушунди. Орадан тўрт кун утиб, у бандаликни бажо келтирди. Дийдор қиёматда қолди.

ИККИ ФАЛСАФА, ИККИ МАСЛАК

Инсонга боққан бало ҳаддан ташқари кўп. Урушлар, низолар, қутқулар, табиий оғатлар, ўлим, ижтимоий-миллий можаролар, очлик ва даҳшатли касалликлар, жаҳолат, катта миллатларнинг майдада миллатларни асоратта солиши ва баъзан бутунлай қириб юборишга

интилиши, ирқий ва диний бадбиналик ва ҳоказо. Қандай қилиб инсонни ана шу оғатлардан сақлаб қолиши мүмкін? деган масалада — ҳаёт ва мамот ўртасыда ўртанишлар хусусида жамияттинг илгор кишилари — мутафаккирлар, рухонийлар, ғұзучилар, донишманд олимлар, табиблар, сибесатдоилар азал-азалдан належт йуллариниң қидириб келишигән. Азал-азалдан бутун башарият олдида турған мұаммом шу эди:

Нима қылмоқ керак?

Қандай қылса баний одамии кишиндерден озод қишиниң мүмкін?

Бир хил зукколар инсон табиатан мұмниттой бүлиши керак, дейді. Зоро, зулмга, истибдодға, бедодликка қарши курашнинг фойдаси йүк. Золимларни Худонинг үзи жазолады. — Мәзлүмтарни балто-қазолардан сақловчы ҳам Унинг үзи. Бандамисан, баңдалыннинг күш. Ҳаддингдан ошма. Худолик даъво этма. Ҳалим одам художжүй, итоаткор бұллади. Узоқ яшайды.

— Бонқа-тоғифадаги ақл-егаларға эса зулмға буйин эгмаслик, зулмға қарши зулм құллаш, исьен қиши, қуролға қарши қурол күтариши, қуролғи құзғолонга күтарилишига зүр беріб даъват этищи. Улар шу қадар әхтирос ва жазавага берілиб кетишдіки, гүс инсоннинг матлаби бу кураш, қон тұқыннан иборат. «Күтарил, эй құллар, құлининг қурол ол!» деся күчаларға чиқылар.

Табиаттинг тузылиши, көпшіл сирлары, инсоннинг тақдиди ва матлабиниң үрганишида иккі ибтидо ва йуналиш қарор топди. Бу илм билан дин, илмий ва диний талқыннан. Фан билан илохиет пайдо бўлди. Буларнинг қай бири мақбул? Динми ёки фанми? Олимми ёки рухоний? Масалани бу таҳситда зидлантириш дуруст эмас, менимчча. Негаки, илм билан дин ўртасига «хитой деворини» қўйиб бўлмайди. Дин фанга зид эмас, бинобарини, ути инкор этмайди. Зотан, дининнинг даъволарини фан тасдиқлайди ва далиллайди. Дин эса фанга йўл очади, файз киритади, унинг ғоявий ислегизи бўлиб хизмат қиласи. Даҳрийликка асосланган қизил мағкура фан билан динни бир-бирига қарама-қарши қўйишига, тұқнаштиришига зүр беріб уриниди. Уз-үзича олганда, чиндан ҳам, ҳақиқиит дин билан даҳрий (атасистик) фан табиаттан бир-бирини инкор этади. Чунки бири (даҳрийлик) — моддага (материяга), иккинчиши (дин) — онга таянади. Моддийүн даҳрийлик ҳамма нарсани материята

боглар экан, ўзини узи боши бсрк кучага тиқиб құяды. Гүс материя азалий ва абадий эмиш. Аммо ўша материянинг ўзини қим, қандай күт яраттанини айтиб бера олмайди. Ўзи материянинг олий шакли бўлган биронта ҳам тирик ҳужайрани дунёга келтира олмагани боис, унинг қолган барча даъволари ҳам пучбулиб чиқди. Илоҳист эса руҳни бирламчи деб исботлайди ва моддий дунёнинг Аллоҳ таоло ва таборак томонидан бунёд этилганига күплаб далиллар келтиради. Худосиз фан илоҳий динга қарши қанчалик шафқатсизларча курашган бўлмасин, ишалоқибат ўзи бадном бўлди. Соглом ақл уни қабул қилмади. Негаки, у ўзининг маъновий оқибатлари эътибори билан ҳам гайри инсоний, гайри ахлоқий эканлиги ошкор булиб қолди. Тасаввур қилинг: дин фоний ва бокий дунё борлиги, нариги дунёда жаннат ва дўзах мавжудлиги, дунё эгасиз, ташландиқ работ эмас, унда тошу тарозу мавжудлиги таъкидланади. Бандаларнинг савоб ишлари билан гуноҳлари доимо узлуксиз сарҳисоб қилиб борилади. Шу ёргу дунёнинг ўзида ҳам, охиратда ҳам одам боласи ўзининг эзгу ишлари учун муносиб мукофот олади. Унга жаннатдан жой берилади. Барча катта-кичик жиноятлари, қабиҳликлари учун муқаррар жазосини олади: дўзахда жингиртоб булиб ёнади. Бу ерда ниҳоятда асосли мантик, соглом ақл ва далиллар келтирилади. Бундай талқин инсонларни уларнинг муносиб ва номуносиб хатти-ҳаракатларида ушлаб туради. Жамиятни тартибга солади. Яхшилик қальяси томон стаклайди.

Даҳрийликка асосланган, дин-диёнатсиз мафкура эса одамзоди унинг барча ҳайвоний ҳирс ва жиноий майлларида қуйиб юборади. Унинг даъвосига кура, инсонга биргина шу ёргу жаҳон берилган. Бошқасига хомтама бўлма. Ҳеч қандай охират-похират йўқ. Бинобарин, шу беши кунлик дунёда билганингча яша, уйнаб-кулиб қол. Бундай пучак талқин негизида одамзод насли учун бирон нажот, истиқбол йўқ. Йилт этган нур ҳам куринмайди, бир-биридан ер билан кўк қадар фарқ қўйувчи икки хил ибтидо ва икки хил интиҳо манзараларини тасвирлайди. Бири моҳият эътибори билан — бадбинликка, иккинчиси — искбинликка даъват этади.

Табиий фанлар қанчалик ривож топмасин, барibir ажални сенгиб бўлмайди. Тиббиёт дардни даволайди, ажални эмас. Фан қанчалик цукурлашгани би-

лан одамзод учун абадийлик жавҳарини яратиб беролмайди. Инсон тугилибдики, улади: Шунингдек, улибдики, тугилади. Ашаддий даҳрийлар бунга ҳам шак келтиришади. «Қандай қилиб минг-минг йиллар давомида этлари чириб, суюклари куқунга айланаб кеттан, мутлақо таниб бўлмайдиган ҳолта келган майит узининг асл ҳолатига қайтади?!» деб эътиroz билдиради улар. Ҳолбуки улар унтишадики, бу худонинг кароматию иродаси, мӯъжизавий бунёдкорлик салоҳияти олдида ҳеч галмас. Зотаи, бир уйлаб кўрайлик-а: ахир, жаюби Ҳақ таоло ва таоло бизининг ҳаммамизни ва ҳар биримизни йўқ жойдан, икки томчи жавҳардан пайдо қилди-ку! Бу рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатни қандай рад этасиз?

Барча отамшумул ютуғларидан қатъий назар, қизил мағкуранинг ожизлиги шунда эдикни, у уз жамияти ва жаҳон ҳамжамияти олдида мислсиз мунофиқлик қиди. Узини илгор, тараққийпарвар фикрлар ва қарашларнинг ятона вориси деб билди. Дунёга яккаш ҳокимлик қилиш даъвоси билан чиқди. Ҳаммадан, ҳаммаёқдан, ҳамма нарсадан нуқул даҳрийлик қидирди. Муқаддас китобларни жамиятнинг куз унгидан яширди, уларнинг мазмунини атайнин бузди, сохталашибирди. Жаҳон олимлари, мугафаккирлар, ёзувчи, шоирлар ижодининг уларнинг ўзлари мукаддас деб билган чуқур илоҳий илдиzlарниш аёвсиз қирқиб ташлади. Алишер Навоийни, Заҳирийдин Муҳаммад Бобурни, Бобораҳим Машраб ва бошқа мумтоз адабист намояндаларини, уларнинг асарларини исломий негизидан холи қилиш, сидирга дунёвий бүеклар билан чаплаб ташлаш бу буюк сиймоларни бусбутун инкор этиш билан баробар эканини ё тушунмади, ёки тушунишни истамади.

ЛЕВ ТОЛСТОЙ ГОЯСИГА СУИҚАСД

Йўқсуллар доҳийси саналган худосиз В. И. Лениннинг Лев Толстойга муносабати буюк даҳо адиллар ижодини сохталашибирниш ва йўқсуллашибирниш, уларни уз шоҳона таҳтидан қулатиб, ҳаддан ташқари жўнлашибирниш Энг ёрқин намуналаридан биридир. Бундай мантиқсиз талқинга кўра, жамиятни унинг қонуний тадрижий ривожланиши йўсунидан маҳрум этиб, зўравонлик ҳамда шафқатсизлик билан курол ишлатиб ўзгартиришнинг ашаддий душмани бўлган Л. Н. Толстой

ва унинг ижоди гүё... рус инқилобининг ойнаси эмиш! Бу Лев Толстойнинг ўзига Толстой кимлигини тушунтиришга уриницдай бир гап эди. Хуш, Толстойнинг ижоди билан уни ленинча мислсиз сохталаштириб таҳлил қилиш намунаси ўртасидаги зиддиятни Бақт кимнинг фойдасигаю, қандай ҳал қилди?

Мен мазкур йўқсулона талқиннинг саёз, сохта, бирёзлама эканини даъво қиласканман, уни бусбутун рад этиш ниятим йўқ. Агар бундай қилганимда, Ленинга ленинча муносабат билдирган булардим. Йўқ, муайян сўз санъаткори ижодини қандай тушуниш, ундан ўзи ва ўз маслаги, маслакдошлари учун қандай озиқ топиш ҳар бир ўқувчининг ўз иши. Гап бунда эмас. Иллат шундаки, Толстойни тушунишда, унинг чин маънавияти оламига кириб борицида ҳар қандай илмий, ҳаққоний талқинлар бир ческага суриб кўйилиб, ленинча мутлақо яграв қарашни бирдан-бир тўгри, устивор ёндашув деб даъво қилинди. Толстой негизида ишлаб чиқилган янгича, гүё доҳиҷна консепсияни бошқа ҳар қандай адаб, ҳатто Шарқ мутафаккирлари ижодига ва маънавиятига нисбатан ҳам кўркуона тадбиқ этиш барча миллий адабиётлардан бешасларча талааб қилина бошлади.

Лев Толстой ижодига ленинча қарашнинг саёзлиги, сохтакорлиги нимадан иборат? Фалокат шунда эдикни, улуг рус адабининг энг кучли томони — зулмага қарши зулм қўлламаслик, жамиятни болта кучи билан ваҳшийларча қон тўкиб ўзгартиришга майл билдирамаслик, давлатчилик иғизларини ўрнатишида зуравошлиқ эмас, балки дин талабларига қараб иш курниш лозимлиги, ҳар қандай эркин севги ва муҳаббат юланғоч шаҳвоний ҳирсга эмас, балки жамият ва оила олдидаги муқаддас бурчга таянган тақдирдагина шахсларга чинакам баҳт келтириши мумкинлиги ҳақидаги биллурий пок, тугри фикрлар, ҳаққоний фалсафий қарашлар өзувчи ижодининг гүё энг заиф, ҳароб, ожиз жиҳатлари қилиб кўрсатилди. Эмишки, булар Толстойни ғалчалаштириб, майдалаштириб, бачкана бир аҳволга солиб қўяркан. Шу тариқа, буюк ва забардаст санъаткор, жаҳон адабиётининг ифтихор этишга энг муносаб намояндаасига у аслида қандай булиши ёки қандай бўлмаслиги кераклигидан «насиҳат» қилиб кўйишдан иборат кулгили бир майл пайдо бўлган. Лениндай бир шахснинг, у қанчалик доҳийликка даъвогар бўлмасин, Лев Толстойдай мута-

факкир ижодини бунчалик топташига, унинг энг кучли инсоний томонларини таҳқириң қилишга маънавий ҳаққи бормиди? Йўқ, Толстой ўзининг бу сингари «майдакашлигида» чинакамига буюклиги, Ленин эса ўзининг буюкликка даъвогарлигида қанчалар гарibiliгини Вақт яққол кўрсатди. Афсуски, Толстой даъват этган Сабр, Тинчлик, Камолотга эришиш, диний-ахлоқий маърифат гояларининг топталиши, Ленин талаб қылган ва амалга оширган Фаласен, Қузголон ва Тунтаришлар рус халқига ҳамда, ишалоқибат, барча жаҳон оммасига қимматга туиди. Ҳозирги вақтда биз бунинг жонли шоҳиди бўлиб турибмиз.

«ЗИФЛИГИ» – БЮОКЛИГИ

Юз эшитгандан бир кўрган яхши, дейдилар. Мен Лев Толстойни уч манбадан анча чуқур ургангандай эдим. Бири – рус тилида унинг уз асарлари мутолааси орқали. Яна бири – узбек тилига қўлинига таржималари («Тирилиш» ва «Аниа Каренния» ромаинларини озарбойжонча, қиргизча ва қозоқча таржималарда ҳам уқиб, аслият ҳамда узбекча таржималари билан қиёс этганиман). Учинчи манба – Лениннинг Толстой ҳақида ёзган ишлари, И. А. Шифманнинг «Лев Толстой ва Шарқ» десган ажойиб асари эди. Булар орасида энг мўътабар манба Толстойнинг уз ижоди, албатта. Буюк ёзувчиларнинг буюклиги ўндали, улар ҳамма замонлар учун ҳам уз замонавийлигини сақлаб қолади. Ўйлайсизки, улар мозий учун кечаги кун нафаси билан эмас, балки бизнинг бутунги кунларимиз учун, бугуннинг нафаси билан бунёд этишган. Уша тургунлик даврида Лениннинг Толстой ҳақида айтган гапларида соҳтакорлик оҳанглари яққол сезилиб турган бўлса-да, буни ҳеч ким ошкор айта олмаган. Коммунистик биққиқ мафкура уз йўқсулий доҳийларига «тил текизишни» қатъиян ман этганди. Чунончи, бу улкан рўмоинависга ҳеч ким у қандай бўлса шундайлигигча эмас, балки «доҳийларнинг» кўзи билан қаранига мажбур эди. Бу қанчалик мантиқсиз бўлмасин, унга ҳамма қуллук қилишга мажбур бўлган. Бироқ бошқа бир ҳолатни ҳам назардан соқит қилиб бўлмайди. Турган гап, агар Толстой ҳаёт бўлганида, Лениннинг у ҳақда айтган фикрларини ажабмас бусбутун инкор этган, унинг ковок талқини ва хуласаларига қатъий раддия берган бўларди. Чунки бу Толстойни тушунмас-

лик, аксилтолстойчиликнинг яққол намунаси эди. Ахир, уз фалсафий магзидан маҳрум этилган ҳар қандай адаб асарлари шарбати суреб олинган құрғақ түпнага айланыб қолиши ҳеч кимга сир әмас. Бир өклем, ибтидоий йүқсулий талқын бадий адабиетни қандай тушунмаслик кераклигининг өркін далилы була олади. Шубҳасиз, Ленин үзининг Толстойга бұлған ихлоси ва эътиқодида ниҳоятда изчил ва собит эди. У үз дүнекарашы доирасыда Толстойни шубҳасиз улугламоқчи бұлды. Бирок үзининг худди шу ниятида уни тубанлаштириб, жұнлаштириб юбораётгани ве бу билан улуг мутафаккирга хиенат қилаётганини тушунмади. Агар Толстой ҳаёт бұлғып, Лениннинг қонлы инқи lobий даъватлари билан танишиб, шавкатли Русиянин асрий маънавий мұқаддас илдизларига болта ураётган дақшатли инқиlobий хатти-харакатларини күрганида, эхтимол, үз ватанини тарк этишга мажбур бұлармиди. Хусусан, шафқатсиз инқиlobчининг үз ижоди ҳақида билдирған сохтакор фикрларини эшигганида, бунга асло тоқат қылолмаслиги шак-шубҳасиз. Чунки Ленин талқыннан Толстой салкам оддий фирмә ячейкасининг сиёсий ишлар буйича нойиби даражасына тушурилғанди. Бошқача айтганда, девқомат Толстой, ҳеч қандай таъриф-тавсифға сиғмайдиган мутафаккир инсон ве адаб үрнігінде үзүв столи устига құйиладиган миттигина құғирчоқ-хайкалчага айланыб қолғанди. Толстой ижоди бутун ҳалқ, милят, жамият фахри әмас, балқи фақат ялангоеқ люмпен пролетарлар — йүқсулларнинг «шахсий мулки» деб әзілон қилинганди.

Айтылған гаплардан Ленин концепсиясии бутунлай яроқсизга чиқазиши керак экан, дескан құлосага келиб булмайди. Чунки әзувчи ҳар қандай зұкко сиёсий арбобдан устун туради. Ҳар қандай сиёсий арбоб маълум бир сиёсий оқим, муайян давр, айрича бир мұхиттің кишисі. Орадан бирмұнча вақттің үтиши, сиёсий жазаваларнинг сұниши, лойқаланған сұннит тиниши натижасыда улар үз мавкеидан маҳрум булиб қолади. Жуда күп сиёсатдоңларнинг атчиқ қисмети бунга далил. Номларини санаб үтирмайман. Жумладан, бутун дүнега довруг таратған Лениндай шахс ҳам бундан мустасно әмаслиги маълум бұлды. Толстой ве у сингари әзувчию шоирларнинг ижоди әса яна неча замонлар, салтанатлар, мустабидлар, сиёсий даҳою даҳочаларни, әзүзлар ве қаламкаш маҳма-

даналарни курса керак. Толстой асарларини зодагон ва йўқсул ҳам, заминдор ва дехон ҳам, тескаричи ва инсонпарвар ҳам, ҳарбий ва тожир ҳам, диндор ва даҳрий, консерватор, либерал, коммунист ва буржуй ҳам, қисқаси, жамиятининг барча қатламларига мансуб кишилар уқийди. Уларининг ҳар бири ёзувчини уз маслаги ва тушинчаларига мос аидоза асосида тушинуадилар, ўзларича қабул қиласидилар. Ленинининг иддаолари ҳам шунга ухшаш бир майлни ифода этади. Бироқ буни асло бутун жамият ёки инсоният иомидан айтгилган бирдан-бир тўгри, «ҳаммабон» гоя деб булмайди. Бунига далил лоақал шулким, Толстой билан Ленин бутуналай бошқа-бошқа мавқеда туради, бошқа-бошқа тилда сўзлаиди. Дили ва маслак-муддаоси ҳам айрича. Улар бир-бирини ҳеч қачон тушина олмайди.

— Сизнинг далил-даъволаринингизга қўшилиш ҳам, қўшилмаслик ҳам мумкин. Ленинча эҳтиросларга жон-дили билан садоқат бицидирадиган мутахассислар ҳам орамизда йўқ бўлмаса керак. Бунига қандай қарайсиз?

— Ҳамма бало шундаки, тургунилик даврининг барча босқичларида, ҳатто «нотургунилик» йилларида ҳам бу сингари йирик масалаларга фақат сохта «партиявиий» манфаат мавқсидан туриб ёндашилди. Бошқача ёндашувлар, қараашлар эса рад этилди. Ҳозир эса бизда шиорализм, яъни хурғикрлилик. Ҳар ким уз фикрини айтади. Мен уз даъволаримни шигари сурдим. Бирорвга ёқар, бирорвга ёқмас. Бу мени қизиқтирамайди. Энди биз назарий яграшлик, ҳукмифармоликдан (монополиядан) кутулишимиз керак.

— Сиз бу хусусда уз назарий ақидаларинингизни униа оғир, мудҳиш даврларда ҳам шоҳи қилишга уриниб курганимисиз?

— Бу муаммода: йўқ. Ўзига-ўзи кўра-била душманлик қилиш подонининг иши. Ким ўзини туриллаб ёниб турган гулханга обориб уради?! Нафақат даъвогарлик, бу хусусда ўйлаб кўриш ҳам ҳеч кимниг хаёлига келмаган.

Мен Лев Толстой билан уни ленинча тушуниш ўртасида чукур бир жарлик ётганини гарчи билсан-да, маълум давргача ўзимининг бундай қаращдан холи эканимни ошкор этишга журъат эта олмадим. Ҳаммамиз ҳам Ленин талқини таъсири остида бўлдик. «Ёв қочса, ботир кўнайди» қабилида, гапни «айлантириб» ўтиришнинг ҳожати йўқ. Фақат айрим шахслар эмас,

бутун илмий жамият мунофиқ эди. Бирор у даражада, бирор бу даражада. Агар бутун биз зиёлиларни ўз вижденимиз ва Ҳақ таоло олдида бирон куч қутқазиб қола олса, у ҳам бўлса — онҳазрат Истиғфор жаноби олийлариридир. Кимки истиғфорни ихтиёр этмабди, бўлак ҳеч қандай куч уни мунофиқлик балосидан қутқазиб қола олмайди.

Мен Лев Толстой ижодига охиригача ўрганиб чиқилмаган сирли бир олам деб қарайман. Фақат Русия эмас, бутун дунё миқъсида унинг ижоди ниҳоятда кенг қанот ёзган. Ҳайратангиз бир далилни келтираман. Шуролар даврида Русиядан ёки бутун собиқ Советлар мамлакатидан кўра алоҳида олинган биргина Японияда, япон тилида унинг асарлари кўп ва хуб нашр қилинган эди.

Толстойнинг асарларини ўрганар эканман, унда магриблиқдан, ҳатто рус кишисидан ҳам кўра биз шарқионларга, мусулмонларга, ўзбекларга кўпроқ тушинарли бўлган фалсафа ва гоялар борлигига икрор бўлардим. Унинг шахсида ҳам алланечук пинҳоний, сирли жиҳатлар бор эдикӣ, шовинизмга муккасидан кетган рус диний, ижтимоий-сиёсий муҳити то ҳозиргача буни ошкор этмай келади. Чунончи, қанчалик ажабланарли бўлмасин, Лев Толстой шахеита, унинг диний эътиқодига урис православ черкови билан ашаддий даҳрий, худосиз йўқсуллар раҳнамоси Лениннинг муносабатида ухшашлик, балким бир хиллик бор. Ленин Толстойнинг диндорлиги, унинг патриархал дехқон жамоасига таяниш лозимлиги ҳақидаги фикрлари ута ношуд, буюк инсоннинг фожеаси эди, деб таҳқирлайди. Гўё у ўюштан синф бўлмиш пролетариатга, саноат ишчиларига таянганида түгри қилган бўлар экану, дехқон жамоасига суюнгани, тагин диндор бўлганлиги ёзувчининг салоҳиятини пасайтириб юборар эмиш! Аслида, бутун ишқал адабнинг маслагига асос қилиб олинган нарса шарқона зулмга қарши зулм қўлламаслик гояси, инсоннинг матлаби унинг жангарилигига, бирорнинг қонини тўкишида, инқилобий исъёнларга мойиллигига эмас, балки ҳар қандай мусибатни сабр-қаноат илиа енгиш кераклиги, баҳт, камолот ва тараққиёт инқилобга эмас, тадрижиётга вобаста эканлиги ҳақидаги қарашларда эканлигига эди. Бу маънода толстойчиллик билан ленинчилик бир-бирини батамом инкор этади. Бу икки мафкура ҳеч қачон бир-бири билан кесишмайди.

Қизиги шундаки, православ черкови ҳам Толстойни инкор этди, уни радбадал қилди. Ҳатто уни черковга яқинлаштирмаслик ҳақида фармойниш берди. Насронийлик (христиан) дини билан гирт динисиз Лениншинг улуг рус адабига муносабати айнан бир хил бўлмаганди ҳам, яқинлик бор эди. Йўқсуллар доҳийсининг мунофиқона маккорлигига яна бир карра тан бермай иложимиз йўқ. Гап шундаки, комил художўй Лев Толстойнисиз инқилоб гояси рус пролетар жангарилари, синифий кураш намояндадари жуда кўп нарсадан маҳрум бўларди. Улар Толстой сиймосида ё жуда катта маънавий мадад олар, ё бўлмаса ҳамма нарсадан маҳрум бўлар, омманинг назаридан қолар эдилар. Шу туфайли Ленин фавқулодда маккорона йўл тутди. Устози Карл Марксдан ибрат олиб, жаҳоннумул адабининг дунёкараси билан баднияти, маслаги билан санъаткорлик даҳоси уртасига пона урди. Унинг даъвосига кура, гусе адабининг ёзувчилик маҳорати, реализми унинг тор дунёкарашини инкор этар эмпиш. Ҳолбуки, Толстойнинг ёзувчилик даҳоси унинг чуқур инсонийлик маънавиётига таянимасдан, жангарилик гояларини тарғиб этишга изи берганида, Толстой Толстой бўлмасди.

ҚУРЬОНИ КАРИМДАН ҲАМ БОХЛАБАР ЭДИ...

— Менга ишундай туйилляяптики, Сиз Лев Толстой ҳақила, узингиз айтганингиздай, гапни «аїлантирияпсизу», аллақандай жуда муҳим бир фикрни дангал изҳор қилишга журъат этмаяисиз. Шундай эмасми? Айтинг: у исломга хайриҳоҳлик билдирганими?

— Қалтис савол. Сталиннинг бир гапи ёдимда: кимки биз билан бирга эмас экан, у бизники эмас. Ҳуш? Унинг мантиқига кура, «бизники» бўлмаганиларни маҳв этиш керак.

Бироқ бу мураккаб масала. Уз замоиасида Абу Али ибн Синони ҳам кофирликда айблашган. Бунга жавобан ул зот деганилар:

*Куфримни аён айламак осон бўлмас,
Оlamда иймоним каби иймон бўлмас.
Даҳр ичра ягонасан, манам кофир эсам,
Бас, ушбу жаҳонда бир мусулмон бўлмас.*

Инсон ниҳоятда мураккаб мавжудот. Буюк даҳоларининг қалб дафтари, сажда қилган қибласи билан

мөхроби Тайгри таолодан узга ҳеч кимга аён эмас. Хуллас, Сизам, тақсир, гапни күп айлантирманг. Яхшиси, Сизни Лев Толстой ватани Ясная Полянада уз күзим билан күрганларим, таассуротларим билан таништирай. 1983 йилда мамлакат Олий Тафтишхонасида (ВАК) докторлик тадқиқотим тасдиқлаганидан сүнг, биринчи қылган ишм Тула областининг Ясная Поляна деган жойига бориб, граф Толстойнинг мулкини қуриш, қабрини зиёрат қилишдан иборат булди. Адабининг ижодхонасида түртта китобни курдим. Булар: Таврот, Инжил, Зобур ва Қуръони Карим. Наҳотки Толстой бобомиз бизнинг муборак Қуръонни ҳам уқиған бўлсалар, деб ажабландим. Айтишларича, мавлоно граф узининг шахсий табиби Дамир деган бир мусулмон киши билан уз хос хонасида соатлаб, баъзан уззу кун сухбатлашаркан. Сухбат мавзуидан ҳеч ким хабардор бўлмаган. Уғи энди бир Аллоҳ, Лев Толстой ҳамда жаноб Дамиргагина аен. Минг афсуски, биз бу хусусда деярли ҳеч нарса билмаймиз.

Тагин бир муҳим кузатиш. Толстой бобонинг жасадлари христианлар қабристонига эмас, Ясная Полянадаги уз чорбогининг уртасига қўйилган. У ерга бир узи дафи этилган. Жуда чукур ўйлаб кўриладиган айрим тафсилотларни қайд этаман. Қабр гир атрофи кўкарамзор, дов дараҳтлар билан уралган майдончада жойлашган. Дараҳтларда қушлар чутурлашиб сайраб туради. Гур усти яйдоқ. Кум-кўк майсалар кукариб туради. Устинга ҳеч қандай ёдгорлик ёки ҳайкал-пайкал урнатилмаган. Бу шундай улуг бир инсон, жаҳоншумул ёзувчининг қабри деб ўйламайди ҳеч ким. Ҳудди мусулмонларнинг дафи жойига ухшайди. Фарқи фақат шундаки, гур дунгсай шаклда эмас, балки тўртбурчак супага ухшайди. Адаб, улеми олдидан, қариндошларини йигиб, дафи маросимларида насроний (христиан) удумларига риоя қилинмаслигини, алалхусус, гур устига ҳеч қандай ҳайкал ёхуд бўлак бирон иншоот урнатмасликларини маҳсус тайинлаган, ваясият қылган. Бу нарса насронийлик динига ис nod, шак келтириш деб талқин этилишига қарамай, то ҳозиргача васиятини бузишга ҳеч ким журъат эта олмаган. Фақат уттизинчи йилларнинг охиirlарида, юбилей тараддувлари муносабати билан, собиқ Советларнинг маҳсус қарорига кўра, Лев Толстойнинг маҳобатли ҳайкалинни бунёд этиб, мозор тепасига урнатмоқчи

бүлишган. Аммо қариндошлари йигишишіб, мархұмнинг васиятига күра бундай қилиш қатыяң мүмкін эмаслигини айтишган, әдгорлик үрнатышына рухсат берішмеган.

Мен бу манзарани күрганимдан сұнг, жуда мұтаассир бұлдым ва өзувчининг шахсига, ижодига, маслагига тақсина тасандолар айтдым. Үнга ىхлосим ҳамда муҳаббатим ошиб кетди. Ұша аснода дадам айтған сұзлар қулогум остида жараптанды. Раҳматлик отамиз қайта-қайта таъкидлар әдиларки, қабр устига әдгорлик, сурат, ҳайкал үрнатыш, уннинг атрофини « занжирбанд» қилиб үраш, гүрнинг устини яйдоқ қилиб сementлаб ташлаш қатыяң мүмкін эмас. Бу мусулмончылық талабларыңа зид иш. Қабр устига тупроқ тортилған күйи туриши, устига өмгір, қорлар өгіб, күм-күк майсалар үсіб өтиши лозим. Сабаби, ҳар бир майса ұша гүр ичидағы майитта салавот айтиб турар экан! Мантиқнинг зұрлигини қаранг. Күлли шайыннан яржылу ило аслихи: ҳар бир нарса, охир-оқибатда, үзиннинг асл ҳолатига қайтади. Чунонча, ҳамонки инсон тупроқдан яралған экан, бора-бора у тупроқ билан құшилиб кетиши лозим. Ҳар бир одамдан әнг яхши хотира, бу ундан қолған сабоб ишлар, қобиғ фарзандлар, иқтідорлы шогирдлар, бөг-рөглардир.

Ҳар гал бизнинг ҳозирғи абадий оромгоҳлар, қабристонларымыздың айланғанимизда, мозорлар устига үрнатылған метин ҳайкалларға қараң эканман, ичігімден эзілиб кетаман. Ахир, бу мархұмларға нисбатан мисли күрілмаган зулм-ку. Үзимиз мусулмон бұлғанимиз ҳолда, аксилисломий ишларни, гайри динларнинг удум ва таомылларини күр-күрона, құлларча амалға оширатғанимизни билармайкыны? Гоҳо шундай дахшатлы ҳолларнинг шоқиди буласыз: устига қимматбаҳо қора мармардан үрнатылған улкан әдгорлик билан «безандың» түр сиңіда гаригбина бир қабрга күзінгиз тушиб ачиниб кетасыз. Чунки ғохыда каттакон расми үйіб ишланған мармар тош остида тириклигида күп бұлмағур ишларни қылған бир шахс өттеган бұлады. Ҳаётдаги нотекисликлар қабристонга ҳам күчганини күриб, аттанғ дейсиз. Ана шу вақтларда, қанийди бизнинг одамларымыз граф Лев Толстойнинг қабрларини бориб күрсалар эди, деган маҳзун армон дилимнинг бир чеккасини тилич кетади... Тириклигида-ку одамлар нотекис яшашдан уялмайды.

лар. «Шоҳлар» шоҳона яшайди, гадолар узининг гадолигидан ортмайди. Лекин улганида шоҳу гадо баробар! У ёқда ҳеч кимга ҳеч қандай «имтиёз» берилмайди. Амир Темурдай буюк соҳиби салтанат вафотидан кийин жасадини устози Саид Бараканинг оёқ томонига дағни этилишини васият қилганлар. Гурига нур ёғилсин бул улуу зотларини! Бизнинг кунларда эса ҳатто қабристонда ҳам бойнинг бойлиги, камбагалининг камбагаллиги манаман деб күриниб туради. Шу ерда ҳам, аксарият, «кимошди» савдоси ҳукмрон. Қарабсизки, баъзан нодонлар, наузам биллох, «роҳатда», азоб-уқубатлар билан ҳаёт кечирган улуглар — харобазорда ётади... Бу ниҳоятда жиiddий муаммо. Модомики, фуқаро буни тушунишни истамаётган экан, кенг миқёсда тушунтириш ишларини йўлга қўйиш керак. Қуполлик, ўзбошимчалик ва гаддорликка изн бермаган ҳолда, албатта. Халқнинг даҳосига ва иродасига тараф йўқ. Кечагина абадийликка даъвогар булган золимлар ва қотилларнинг совуқ қисфалари темир-бетон иншоотлар, ҳайкалларда рамзийлаштирилган экан, бугун улар майдонларимиз, боб-ролларимиз, ҳибонларимиз, кучаларимиздан олиб ташланган экан, қабристонларда ҳам тартиб ўрнатилиши мақсадга мувофиқ. Бу ишни қечиктириб бўлмайди. Агар ҳар бир марҳумнинг хотираси ваҳимадор тесмир-бетонлар билан қотирилаверса, бора-бора ҳаммаёқ метин қабристонларга айланиб кетади-ку... Бу фақат марҳумларга эмас, тирикларга ҳам зугум. Улимни орзу қилманлар, дейилган Ҳадиси шарифларда. Улим — ҳақ, аммо мақсад эмас. Инсон улиш учун эмас, яшаш учун келади дунёга. Ҳар биримиз ва ҳаммамиз ҳам қазо қилишга улгурамиз.

Даҳрий Ленинни Кремлдаги улкан мақбарасидан олиб чиқиб, ерга топширишнинг иложини қилишломастибди. Бу жаҳон миқёсида мубҳам муаммога айланди. Бироқ художўй Лев Толстойда бундай муаммо йўқ...

— Ўз укувчиларингизга айтадиган панд-насиҳат ва ўғитларингиз борми?

— Бор. Мен кўплаб оталар сўзи, ҳикмат ва мақолларга ошуфтаман. Уларнинг ҳаёттий эканлигига ишонаман. Аллақанча ҳикматларни ўз ҳаёт тажрибаларимда тасдиқдан утказдим. Ўзим ҳам бир қанча мақоллар туқиганман.

ХОРДИҚ ҚҰНАЛҒАСИ

(Ең дағтардаги битиклар)

Икки жаг ва икки бут орасига әхтиёт бүлған одам балодан холи (араб мақоли).

Арвоҳ рози — худо рози (мақол).

То арвоҳ түймагунча тирик түймайди (Мархұмнинг арвоҳини фақат руҳий гизо — дуойи фотиҳа билангина рози қилиш мумкин, деган маънода).

Биз фақат тириклар эмас, ўлиб кетғанлар олдида ҳам бурчдормиз.

Ўзингга яхшиликни раво кўрсанг, ўзгага ёмонлик согинма.

Яхшиликнинг ажр-мукофоти бор. Фақат охиратдагина эмас.

Бирорга ўлим тилама.

Бошқага ўлим тилагунча, ўзингга умр тила.

Ўлим ёмонларга берилладиган жазо эмас. Барчага баробар. Табиий интиҳо.

Бошқага ўлим тишаған имингни эмас, ўз-ўзингни жазолаш демак. Ганиминг ўлмай қолиши мумкин. Сен эса ўзингни ўзинг ажалингдан беш кун олдин гўрга тиқасан. Ўлим навбати сенга ҳам келади. Охиратда унинг юзига қандай қарайсан? Гур азобларига қандай чидайсан? Худога нима деб жавоб қиласан?

Ўлимга мункир одам мусулмон эмас.

Кур бўлсанг ҳам, курнамак бўлма.

САЖДАГОХ

5-фасл

ТОЖИ ДАВЛАТИМ ОТАМ

ТИНИҚ АКЛ ҲАММА ВАҚТ ҲАМ ИЙМОН
БУТУНЛИГИГА КАФИЛ БУЛА ОЛМАЙДИ

БИРИНЧИ ВОҚЕА

Тошкент университетининг Журналистика факултетида таниқли бир олим билан тез-тез суҳбатлашиб турардик. Унинг тиник ақлига, зукколигига доимо тан берардим. Бир куни у мен танийдиган, узим ҳам бсниҳоя кўп жабрлар курган қабиҳ киши ҳақида гапира туриб, азбаройи дарғазаб бўлганидан унга ўлим тилади. «Илоҳим улиб кетсин уша одам!» деб дуойибад қилди. Мен титраб кетдим. Бундай қарғаниш мумкин эмаслиги, бунга Худонинг газаби келишини эслатдим. «Дарҳол тавба қилинг», дедим унга. У бўлса, гижиниб, яна такроран, бу куфрни қайтарди. Шундан сўнг уша афанди билан рафту омадни йигиштирудим. Орадан уч-турт ой утар-ўтмас олим дунёдан кўз юмди. Бояги баттол шахе эса ҳалиям дўпписини яримта қилиб юрибди. Ундан ҳамма безор... Унутмайликким, қайси бандасини ёрлақайдио, қай бирини қандай жазолашини ёлгиз Тангри таоло узи билади.

Газбланиш ва қарғаниш ёмон иллат. Умрни қирқади.

ИККИНЧИ ВОҚЕА

Х. У. деган маълум ва машҳур олим киши бор эди. Уз соҳасида иккитадан битта, агар битта бўлса, уша зотнинг узи эди. Олимнинг волидайи муҳтарамаси ниҳоятда покиза, художўй, жаннатий бир отин бўлган экан. Бундан ун йиyllар муқаддам ул муҳтарама зот вафот этадилар. Уша вакълларда атеизм айни гуллаган, динга, миллий урф-одатларга қарши ута бемаъни кураш авжида эди. Шундай бир телба кунлар эдики, яқин кишисининг жанозасида қатнашгани учун ҳам коммунистларни фирмадан учиришарди! Бояги олимимиз онаси дағн этилаётганда жанозасига бормаган. Ҳатто дағн маросимида ҳам қатнашмаган. Ишхонасида утирган!..

Орадан кўп утмай, фариштадай покиза рафиқаси

ҳам бандаликни бажо кслтиради. Яна уша гап: на жанозада, на дағы маросимида иштирок этмаган. Кабинистида үтірган.

Е Қаҳдор!..

Махалла ахлы газабдан жунбушга келган. Қизил партбилест, мансабин деб, уша даврдаги бетавғиқ фирқә раҳбарларидан құрқиб, вијдоинини, одамгарчиликни сотган. Шундай улкан аллома үз иймөнини иблисга құш құллаб топширган.

Астагфуррилло. Мен бандай ожизга үзинг шафқат эт, Аллоҳим. Ҳ.У.нинг умри мислсиз фожеа билан якун топған. Үгли күр булиб қолған. Келини иккى боласини стаклаб чиқиб кетған. Манғурлик шу қадар ошиб-тошғанки, у фотиҳага келған асllaрга тегажоқлик қыла бошлаган. Ота-бала иккөнін шаробхүрликтек چуционам беришишғанки, ахийри бұтқа виғиони ҳам талашиб ичадиган бұлған. Үтған-қайтған одамлардан виғиога пул беришни сұраб шилқимлик қилишгача борған улар. Бир куни ичимлик талашиб, үгли отасининг қулинин сшидирган!

Шу қүйи шундок атоқлы олим үзини үзи итдай хор қылиб улиб кетди. Жаноза ва күмиш маросимларда саңоқлы, маҳалладаш саккиз-үн одамгина қатнашған.

Эй Парвардигор! Ҳеч ким умри қандай тугашшын билмайды. Үзинг асрагайсан бутідай юзи қароликдан. Сүқир дахрийликнинг жазоси шу. Ёшлиқ-бебошлиқ паллаларида-ку ҳар нарса булиши мумкіндір инсон ҳаётіда. Аммо, лоақал маълум бир өнігін стгашида, киши ким бұлмасин — пешонаен етті қабат олиммі өки шоир, сибесатдонми өки амалдор, донишманымы өки косиб, — Аллоҳ олдида истиғфор айтса, таҳорат олиб намоз үқиса, дуогүй булса, нима бұлғандаям эл-юрг олдида бу қадар юзтубан кестмайди. Тангри таоло уни бунчалик хор қылмайды. Майли, худо раҳмат қылсии уша осий бандаларини ҳам.

— Гарб адабиётіда воқсанавислик күчли. Шарқ адабиётіда эса панд-насиҳат устунык қылади. Махсус «паиднома», «насиҳатномалар» ксиг тарқалған. Бириңчисида күпинча ялангоч севги, ҳатто рүйрост шаҳват намойиш этилса, иккінчисида муҳаббат пардали муҳаббат тарзида, баъзан рамз ва тимсоллар шаклида намоен бұлади. Бизда ҳам турмушимизгә гарбона ҳаёт тарзи чукур сингишиб борғани сайни парда йүқола бошлади. Бунга Сиз қандай қарайсиз?

— Биз узгаларнинг ҳаёт тэрзига ва таъсирига тез беришувчан миллат бўлсак керак. Бу ожизлик аломати. Чунончи, қалпок — шапкага, дастор — шляпага алмашибгина қолмади, балки ўша шапка, шляпа остидаги парса ҳам асорат остига туцди. Белбог йўқолди, буйинбог-галстук пайдо бўлди. Белбогсиз қолиш, белбогни ечиб ташлаш қадимда номардлик аломати булса, буйинни буйинбог сиртмоғига солиш ҳам шунга ухшашроқ маъно касб этди. Кишиларнинг ташиқи қис-фаси узгариши уларнинг ички руҳий оламидаги силжишларни түгри ифодалайди. Шу нуқтаи назардан булак йирик Шарқ мамлакатларини кўздан кечирайлик. Хитойлар, араблар, ҳиндлар, форслар, аксарият, турклар ҳам уз милллий либосларини сақлаб қола олдилар. Уйлайманки, ҳар бир миллат уз ташқи шакл-шамойилига, узлигига, милллий салоҳиятига, ички руҳий оламига хиёнат қиласлиги керак. Бинобарин, тил, адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа, месъморчилик, театр ва кино таранинумида ҳам узига том маънода мустақил миллатгина узлигини сақлаб қолиш қудратига этадир. Ахлоқда, одобда, маънавиятда, адабиёт ва санъатда парданинг кутарилиши биз учун катта йўқотиш деб уйлайман. Кейинги вақтларда, хуррият шарофати билан сувлар анча тиний бошлаганини алоҳида чертиб утиш даркор.

— Ўгит, панд, насиҳат бизнинг тарихан қарор топган маънавий-руҳий яшаш тарзимиздир. Бу зоҳирий-патриархал аломат эмас, чуқур руҳий ички олам инъикоси. Шундай эмасми?

— Жуда ҳам шундай. Эътибор қилинг-а, биз айни бир ўгитларни, ҳикматли гапларни, ибратли ишларни умримизнинг турли даврларида — ёшлигимиизда, урта яшарлик пайтимиизда, кексайланда, ноchor ахволга тушганда бот-бот эшишиб борамиз. Қизиги шундаки, ҳар бир даврда уларни, айни бир панду-насиҳатларни бошқача, яъни ҳар хил қабул қиласиз. Ажаб: юз марта эшигтан гапинг эндиликда худди биринчи маротаба тинглаётганингдай туйилади сенга. Сабаби, гарчи сен ўша ёенсан, лекин ҳаётингнинг турли паллаларида сен «ўша-ўша сен» эмассан. Чунончи, ҳар қандай ҳолда ҳам «бултурги Эшмат» бўлиб қолишинг қийин. Ҳар бир инсон онадан тугилиб, дунёни таний бошлар экан, уни ўзи учун янгидан кашф этаётгандай бўлади.

Баайни дунс ҳам уни янгидан қашф этаётгани сингари. Бояги дилбар бир қүшиқда айтылғапидай:

Гарчи бу эски дутордир, аммо навоси үзгача!..

Ҳеч ким онадан олим булиб түгілмайды. У олимлик хирқасини кийган донишманд инсон булиб стишганиңда ҳам, ҳамма қатори турмушининг паст баланд үркചла-риш босиб үтишга, хатолар қилишга, шу хатоларни тузатишга мажбур булған. Албатта, ҳар бир кишининг қонида ворисийлик ибтидолари бор. Шунинг учун ҳам етти пушт аждодлари, ота-боболари ким бұлғанига қараб, ҳар ким ҳар хил шахс булиб стишиади-да. Ҳар ким ҳар хил қилем күрсата бошлайди...

— Отанғ кимчи, онанг кімчі — үтириб ортингни чимчи, деган нақл бор. ДЕМАК, боболаримизнинг сиймоларига қараб, бизнинг қиёфамизни суратта ту-шурса бұлар экан-да?

— Ва аксиича. Минг йиылар муқаддам, стти пушт нарида үтган бобою бобокалонларимизда, момою момакалонларимизда мавжуд яхши фазилатлар ҳам, жирканч ішлатлар ҳам биз — дунс гұдакларидан тақ-рорланишга мойыл экан, биз буни билмаймиз ва сез-маймиз. Чунки уларни үз күзимиз билән күрмаган-миз-да. Бинобарин! Аждодларимизга қараб биз авлод-ларнинша эмас, бақы биз авлодларга қараб үтмиш аждодларимизнинг ким бұлғанинги, уларниң қиёфа-лариниң бир қадар аниқ билиб олишимиз, түгри тас-вирашимиз мүмкін. Бас, қоңда, наслда, ирсиятда, генетикада жуда ғап күп. Ирсият шаммини дуруст бил-май туриб, биз касаллуктарни даволай олмаймиз, ян-ги нав ва турлар яратиш амри маҳол. ТАҮЛІМ-ТАРБИЯ ирсият негизиге қурилғандағына самарадор бўлади. Атеизм буни никор этиб келди. Фожсанинг илдизи мана шу ерда.

— Бир ипсоиниуюс сиғатида, баний бағдар қиёфа-силаги қандай аломат ва ҳолатлар Сизни лол-хайрон қолдиради?

— Одамзодининг энг мураккаб муаммоларни ҳал қилишга ақын етгани ҳолда, энг оддий нарсалар ол-дида ожиз қолиши сабабларини сира тушуна ол-майман.

— Масалан, қандай?

❖ Илло, одамзодининг турфа ирқ ва милятларга, ҳар хил дин ва мазҳабларга парчаланиб кестганилыгы манзараси уннинг ягона антропологик илдизга эга эканлыгига рўйрост ишора ва исбот эканлыгига қара-

май, нима учун улар орасида иркүй, диний, миilliй адоватлар мавжуд? Нега инсонлар бир-бирларини тушумрайдилар, тушунишни истамайдилар?

❖ Нима сабабдан уруш ҳозирга қадар халқлар орасида қонундан ташқари деб эълон қилинмаган?

❖ Биревлар ариқ қазиб сув чиқазиш, шаҳарлар қуриш, бөг-рөглар барпо этиш билан ўзларини баҳтли деб ҳисобласалар, бошқалар ариқларни күмиш, атроф-муҳит ва сувни булгаш, шаҳарларни вайрон қилиш, ҳамма-әкни ҳаробазорга айлантиришдан ҳазар қылмасликларининг боиси нима?

❖ Бир рус адаби (А. П. Чехов) айтганидай, агар ҳар бир киши атиги биттадан кучат ўтқазса, ер юзи жаннатта айланади. Қанчалар оддий нарса! Нима сабабдан одамлар бунга риоя қилмайдилар. Наҳотки, биттадан кучат ўтқазиш шунчалар душвор бўлса!..

❖ Агар Тошкентдай шахри азимда гир айлантириб экилган бефойда, на мева, на тароват, на файз бермайдиган дов-дарахтлар ўрнига минг-минглаб гектар майдонларга ўзимизнинг терак, ширин-шакар мевали дараҳтлар экилса, ахир, бу қурилиш ускуналарига, мева-чесвага бўлган эҳтиёжнинг каттагина қисмини қопладиди-ку. Сайроқи қушлар нашъу намоси: чутур-чугур ортади. Сассик қайнин дараҳтига қуниб, чаҳ-чаҳлаб сайраётган булбулни ким кўрибди?

— Дунёда ким кўп? Яхши одамларми ёки ёмонлар?

— Умр буйи санаб адогига столмадим. Аммо бир нарса аниқ. Нокас одамлар кўп бўлгашида, руҳий мувозанат бузилиб, она замин ағдарилиб кетган, қиёмат қойим бўлган бўларди. Дунё яхшиларнинг слкасида туради. Шуниси борки, ёмон битта бўлса ҳам — кўп, яхшилар мингта бўлса ҳам — кам.

— Бстакаллуф савол учун узр. Сиз яхши одаммисиз ёки?..

— Валлоҳий! Нима дессам экан? Бунақа ўсал суроқни биринчи топқир эшигтишим. Яхши одамман дессам, ким ўзини ёмон дейди? Ёмонман дессам, унчалик тўргига ҳам уҳшамайди. Ўзини ёмонман деб ҳисоблаган одам, чиндан ҳам, яхши бўлмайди. Кимки ўзини севмас экан, уни бошқалар ҳам севмайди. Мени қийнаб нима қиласиз. Ўзингиз жавоб бера қолинг: қандай одамман?

— Яхши одаммисиз.

— Яшанг. Ўзим ҳам шундай дерсиз, деб турувдим. Аммо, жилла ундан ҳам эмас. Яхшига — яхшиман,

Әмонга — әмон. Бир яхши қүшиқда шоир яхши айтган:

*Яхшига яхшиману, әмонга әмонман,
Умрим борича-ей халқым томонман.*

- Йүк, Сиз әмонга ҳам әмояның қилолмаслигин-гизни үзингиз эътироф этдингиз-ку.
- Келинг, Сизнингча булақолсан.
- Үзингиз, ўз ҳаётингиз ҳақида нима деся оласиз?
Бошқаларникига үхшаган ва үхшамаган жиҳатларин-гизни үзингиз пайқайсизми?

*— Эл начук топқай маниким,
Ман үзимни топмомон —*

деганлар ҳазрат Алишер Навоий.

Бир куни мавлоно Боязид Бастомийнинг (бир хил манбаларда Бистомий өзишади) хонадошларига келиб, дарнозаларини қоқади бир киши. Соҳиби хонадан ичкаридан туриб сўрайдилар:

- Ким керак?
- Жаноби Боязид Бастомийни курмоқчи эдим.
- Ажаб, — дейдилар ул зот, — дарвоҷе, Бастомий үзимга ҳам керак эди. Неча вақтлардан бўён ахтариб юрибман. Тополмайман, тополмайман...

Шу сўзларни айтиб, ул зоти шариф эшикни ҳам очмай, ичкарига кириб кетадилар...

Мана икки улкан мутафаккирнинг фикрлари. Ҳа, инсон дунёни таниди, билди. Табиат ҳақида жуда кўп нарсаларни ўзи учун кашф этди. Бу ёргу дунёда ундан-да буюқ, доно хилқат йўқ. Зоро, Аллоҳ мўжизаларга тўлиб-тошган бу ёргу жаҳонни унинг учун яратди-да. Узининг борлигидан дарак бериш учун. Одамзод ернинг қудратли тортиш кучини сиғиб, кўкларга парвоз қилди. Коинот сари йўл олди... Денгиз остида шаҳарлар барпо этди. Узига-узи тақлид қилиб, темиродамлар ясади. Унинг ақл-идрокига ҳам, закосига ҳам тараф йўқ. Бироқ! Биз, Одам алайҳиссаломнинг фарзандлари, үзимизни-үзимиз таниб-билиб олдикми? Агар одамзод ўз инсоний матлабини дуруст англаганида, миллион-миллион йиллик ҳаётни давомида ақалли бир дона тирик мавжудот, лоақал биттагина чумоли яратса олмагани ҳолда, бутун Ер юзини, барча тирик мавжудотларни кунфаякун қилиб, беному-нишон

йўқ қилиб юборишга қаратилган даҳшатли қуролларни ясаган бўлармиди!..

Инсон... Бунёдкор ҳам узи, бузгунчи ҳам узи. Узи барпо этади, узи емиради. Узи-ўзига султон, узи-ўзига кул, мутеъ.

Ўзим ҳақимда билғанларим шу: барча яхши инсоний сифатларим билан, — агар шундай сифатлар менда бўлса, — булар утун мени йўқдан бор қилган Парвардигорга, ота-онамга ҳамда одамларга, жамиятга бурчдорман. Барча ожизликларим, заифликларим, қусрларим — шахсан ўзимники.

— Кишининг исми жисмiga монандми? Унга қўйиладиган ном тасодифийми? Ном ўша ном берилган шахсга нисбатан бефарқми?

— Бу муаммо мени кўп уйлантиради. Менимча, тасодифий ҳам эмас, бефарқ ҳам эмас. Янги тугилган фарзандга қўйиладиган ном, — қўполлигим учун узр сурайман, — кучук боласига бериладиган номдан фарқ қилиши керак, ахир! МЭЛС, Вил, Нинел, Клара, Маузер, Стакан, Революция, Октябр ва ҳоказо. Шу ҳам гапми? Биз учун мутлақ мантиқсиз бўлган шундай номларни ташиб юрган кишиларнинг айби эмас бу, албатта. Булар ўша тургунлик даврининг мухри, пўпанаклари. Ҳолбуки, шарқона номлар, аксар, илоҳий мазмун-мундарижага эга. Ҳозир қандайлигини билмадиму, ишгари гўдакка Қуръони Каримдан олиб ном қўйиларди. Қодир, Мұхаммад, Раҳмон, Раҳим, Азиз, Мустафо, Салом, Карим, Жаббор, Ҳолик. Дунёвий ва тарихий номларимиз ҳам гузал: Нафиса, Шарофат, Гуландом, Гулираъно, Назокат, Шафоат, Муяссар, Темур, Алишер, Улуғбек, Наргиз...

Уз исмим хусусида. Файбулоҳ. Бу «гайб» ва «Аллоҳ» сўзларидан таркиб топган: Аллоҳ бу бандай ожизни гойибдан ато этди, деган маънода. Олайлик, «илем гайб» — Парвардигорнинг ўзигагина аён бўлган илем; «лисонул гайб» — сирли тил, сирлар мужассам бўлган тил. Ҳужа Ҳофиз Шерозийнинг газаллари, аксарият, лисонул гайбда сзилган. Умуман, Шарқ мумтоз адабистининг нодир жавоҳирларини чуқур тушуниб етиш учун қадимда маҳсус шарҳлар битилган. Чунончи, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбек Курагон, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобораҳим Машраб, Абдулқодир Бедиулларнинг табаррук номлари ва тахаллусларини, том маънода Ҳазойинул

маъоний ҳисобланмиш асарларини кўли гул шориҳларнинг талқини ва тушунтиришларисиз англаб етиш қийин. Шу уринда эслаб қўйиш жоиздир: Бедил уз ўқувчилари, шориҳлари, бедилхонлар таърифида Абулмаъоний, яъни «Маънолар отаси» деб эъзозланган. Бас, мазмуни теран, бадиияти ниҳоятда сержило булган бу асарларни «оддий куз», йўқсулий идрок ила ўқиши китобхонга кўп нарса бермайди. Жун мутолаа тафаккурни бойитмайди, юксак санъат обидаларининг қадр-қимматини пасайтиради... Ҳамд-сано ёлғиз Худога ярашади. У «ал-Мутакаббир»дир.

— Ота-онангиз Сизга кароматли ном беришган. Номингизда, исми шарифингизда ҳам Аллоҳ таолонинг номи зикр этилган: Файбуллоҳ, Салом. Шу муносабат билан сўрамоқчийдим: ўзингиз буниинг таъсирини сезасизми? Каромат курсатиш маъносида, десмоқчиман.

— Йуге... Муъжиза Аллоҳга, каромат пайгамбарларга хос сифат. Уз жамолини бирон кимсага ошкор этмагани ҳолда, миллион-миллион одамларшинг унга икrorига сазовор булиш — шунинг узи ихтиҳои каромат эмасми? Кишилар гоҳида уз кузлари билан курниб, билиб, ушлаб, сезиб тургани ҳолда, айрим нарса ва ҳодисаларга ишонмайдилару, Маъбудни, яъни яратган Эгамни куз билан кўрмай туриб, унга иймон келтирадилар. Тугри-да. Куз алдаши ҳам мумкин. Курниб турган нарса асл курниб турган нарса булиб чиқмайди баъзан. Сароб булади. Аллоҳни эса куз ёки бошиқа сезги аъзолари билан эмас, қалб билан, бутун вужудинг билан, таъбир жониз бўлса, қалб кузи билан курасан. Зсхни ўткир киши Аллоҳ таоло ва таборакни куз билан ҳам куради. Бошқача айтганда, атроф муҳитда, узи куриб турган жамийки нарса ва ҳодисаларда Халлоқи оламнинг иродаси ва даҳоси мужассам бўлмиш. Чумолидан то қўёшгача, майсадан то тогтошларгача, томчидан то тошқин дарслару, бехудуд дengизлар, оксанлар, биспоён осмон, саноқсиз сайсраларгача... бари Худонинг каромати. Ақлинг лол қолади кишининг! Осмон жисмларини қандай куч бир моромда ушлаб тура олади, ҳаракатлантиради? Қандай қилиб улар бир-бирлари билан тўқнашиб кстмайди?..

Айрим кишилар: мен фақат кўзим билан курниб турган ашёгагина ишонаман. Унинг борлигига амин буламан, дейди. Бундай муҳокамада иккита қусур бор.

Бири: күз билан кўрса, ҳамма ҳам ишонади. Бунинг учун катта ақл керак эмас. Катта ақл керак шунинг учунким, сен Аллоҳни кўрмай туриб кўр! Ахир, У сени йўқ жойдан барпо этди, бор қилди. Сен эса, аксарият, бор нарсадан ҳам бирон янги асбоб-ускуна кура олмайсан. Бу ҳақиқатни рад этиш учун киши қанчалар гумроҳ ва мислсиз, меъёрсиз, чексиз калтабин булиши керак.

Иккинчи кусур шуки, ҳар қандай ўткир кўз ҳам ожиз. Фақат Аллоҳ эмас, атрофимизда оддий инсоний кўз билан куриб бўлмайдиган бутун бир салтанат мавжуд. Микроблар оламини куриб бўлмайди. Радио ва ойнаи жаҳон тўлқинларини куриб бўлмайди. Минг турфа фаришталар, парилар, арвоҳлар, инс-жинслар, ёргулар ва зулмат элчиларини куриб бўлмайди. Шундан кейин ҳам «мен кўрмаган нарса — йўқ нарса» деб бўладими? Менимча, одамзоднинг кўрадиган нарсасидан кўрмайдиганлари чандон кўпроқ. Уларни асло инкор этиб бўлмайди. «Менга кўринмайди» деб.

Мўъжиза курсатиши Худонинг иши. Ўзига хос бундай хусусиятларни: баъзи бир илоҳий хислатларни узининг ёрлақаган бандалари, ҳабиблари, пайгамбар, авлиёю анбийёларга ва бошқаларга ҳам юқтиради. Мусо пайгамбар, Исо пайгамбар, жаноби Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи васаллам, Сулеймон пайгамбар, Хизр алайҳиссалом ва бошқа куп азизлар, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳўжа Аҳмад Яссавийлар ҳам жуда кўплаб ҳайратангиз каромату мўъжизалар соҳиби бўлишган.

— Кўп кишилардан, жумладан бир қанча шахсан воқиф бўлганлардан эшитганмиз. Дарвоҷе, узингиз китобларингиз ва мақолаларингизда тасдиқлагансиз ҳам. Содир этган бир қанча ишларингиз сирли, масиҳий нафасдан холи эмас. Бир китобингизга «Вахидан келур бир садо» деб ном қўйгансиз. Бу ҳам тасодифий эмас...

— «Яхшиси, бўйнингизга олинг», демоқчисиз-да? Йўқ, менда илоҳий зако, яъни Аллоҳ томонидан берилган хусусиятлар бор, деб даъво қилолмайман. Несаки, ҳамма қатори оддий, хом сут эмган бир бандаман. Лекин мен мол-мулк, шуҳрат, лавозим, шаҳдушаҳват бандаси эмасман. Аллоҳнинг бандаси, пайгамбарнинг умматиман. Аммо мана шунинг ўзи: «ло илоҳа иллаллоҳ»га — Аллоҳдан бошқа Аллоҳ йўқлигига иймон келтириш, калимаи шаҳодатни билишининг ўзисқ катта гап, деб ўйлайман. Ҳар қандай каромат-

нинг үқ илдизи шунда. Ҳақиқиي ибодат бу ботиний ибодатдир. Менинг эътиқодим шундай: сен Аллоҳ билан бирга бўлсанг, Аллоҳ ҳам сен билан бирга. Бас, дуч келган ҳар қандай бен қуилик даҳога эмас, ёлгиз Аллоҳнинг ўзига ибодат қилмоқ можиб.

— Каромату мұхжиза, гайри табиний ҳодисалар ма-саласида Сизнинг иқрорингиж хусусидаги гапни дәвом эттирамиз. Ҳозир йўл-йўлакай яна муҳим бир-иккита жумбоққа ойдинлик киритсангиз. Сиз шуро даврининг одамисиз. Шуронийлар замонида салкам уттиз йил давомида КПСС мағкурасини тарғиб-ташвиқ қилгансиз. Ҳа-да! Шуро тузумининг ион-тузини егансиз. Даҳрийликка сажда қилгансиз. Айни вақтда, қандай қилиб ўзлигинизни сақлагансиз? Собит, художуй булиб қолгансиз? Сувдан қуруқ чиқиб бўладими?

— Умуман мункиул, мен учун эса мароқли савол. «Даҳрийликка сажда қилгансиз?» деган даъводан булак деярли ҳамма гапларингиж түгри. Сувда чўмилаётган кишининг сувдан қуруқ чиқиши мумкин эмас. «КПСС мағкурасини тарғиб-ташвиқ қилгансиз» деган даъвони рад этаман шу важданки, аввало, ҳар қандай тазиикларга қарамай, фирмә аъзоси бўлмаганиман. Мен мағкура шунос, соҳта тарихшунос эмас, балки таржимашунос эдим. Қолаверса, уша машъум турғунлик йилларида партия сафига ўтганининг барчасини ҳам бир зайдла салкам «халқ душманинга» чиқазиб қўйиш нисоффдан эмас. Чунонгни, мен ва минглаб менга ухшаганилар қанчалик собит партиясиз бўлсак, шунчалик ҳалол, эътиқодли, содик фирмә аъзолари ҳам бўлганлигидан кўз юмиш керакми? Йўқ! Энди «КПСС мағкураси»га ксл-ганица, келинг, кўлимизни кўксимизга қўяйлик: ёмон мағкура эдими? Фуқаролар, халқлар, тишилар, барча мислий республикалар тенг ҳуқуққа эга, деган та-мойилнинг иймаси ёмон? Мислатлар ўргасида дўстлик, биродарлик, оқибат, ўзаро ёрдамии талаб қилини-са, наҳоткі буни рад этиш керак бўлса? Йўқ, айни муддао. Халқлар, мамлакатлар, фуқаролар олдица бундай ижтимоий неъматларга эришиш барча замонларнинг асл ва адл муддаоси булиб қолаверади. Лскин!!! Бу ёрда камида иккита зиддият бор. Коммунистик қизил мағкура худога мункир кслиб, динни «халқ утун афъюн» деб эълон қилди, уни бусбутун инкор этгани ҳолда, ўзи барча дунё динлари томонидан илгари сурилган ва халқлар онтига сингдирилган билтурий та-лабларни қабул қилиб олди. Фарқи шунда эдики, дунё-

вий динлар Худо номидан эълон қылган ижтимоий муносабатларни коммунистлар турли фирмалар, инқи-лобчилар, йүксул даҳолари номидан айтиб, амалга оширмоқчи бўлдилар. Хўш, оқибат қандай бўлди? «Шоҳу гадо баробар» деб шоён қылган диннинг даъволари тўгри ва самимий бўлгани ҳолда, мислсиз ижти-моий-гоявий уғриликка (плагиатликка) журъат этган ўша иймонсиз мафкура ўз даъволарида изчил бўлиб қола олмади. Бильякс, тил учида илгари суриглан мақ-бул шиорлар, аксарият, ҳаётда бутунлай номаъкул гайри миллий, гайри инсоний хатти-харакатлар билан алмаша бошлиди. Халқлар ҳеч қачон мунофиқона маф-курани қабул қила олмайдилар. Айрим лақма шахсларни, қолок кишиларни алдаш мумкин. Аммо бутун бошлиқ халқларни абдий лақиљлатишинг иложи йўқ. СССРнинг парчаланиб, пароканда бўлиб кетганлиги-нинг бош сабаби шу, деб ўйлайман.

Шўро ҳокимиётининг динга ёпирилиб ҳужум қили-ши сабабларидан бирин унинг ўз қавми, умматларини Худога банда, қул қилиб бериши эди. Аслида эса худди шу даъвода диннинг яна бир устиворлиги аён бўлади. Бошқача айтганда, дин фақат яратган Парвардигорга баんだ булишга даъват этади. Зеро, Худо қархисида шоҳу гадо баробар. Халқни эзувчи, унинг хисобидан тотлиқ-тотлиқ егувчи хукмдорлар, Худованди Карим-нинг буюрганларига шак келтирган золимлар охиратда ўз қылмишларига яраша қаттиқ жазо оладилар. Уларга ўта даҳшатли дўзах азоблари ҳозирлаб қўйилган.

Хўш, Худога соя ташлашга уринган қизил мафку-рачилар узлари нима қилди? Илгари биргина Худога баnda бўлиш, фақат Унга ҳамд-сано ўқиш жоиз деб топилган бўлса, қизил Шуролар даврида эркин ва ҳур деб эълон қилинган инсонлар нафақат йўқсул до-ҳийлари, балки баъзан йил сайин, ой сайин алмаци-ниб турган ҳар бир янги «даҳочалар», «генесклар»гина эмас, ҳатто ҳар бир райком, обком, марказком котиблари, мелиса, прокурор, суд, ҳарбий комиссар, турли-туман марказий ва маҳаллий назоратчиларга ҳам чи-накам қул бўлиб қолди. Фақат якка шахслар эмас, бутун бошлиқ халқлар таъқибга олиниди, бехонумон қилинди. Шовинизм рўйрост кутургандан кутуриб кетди... Мунофиқликни хаспушлаб бўлмайдиган ҳолга келди. Дил билан тил айру тушган жойда нима бўла-ди? Парчаланиш, емирилиш, чириш, ҳалокат юз беради. Бу муқаррар.

Тақдир тақозоси ила ноөб бир тарбия олиш баҳтига мушарраф бўлдим. Раҳматлик дадам муила Тожи Салом эскича, илми қадимдан яхшигина саводхон киши эдилар. Бидъат ва хурофтдан йироқ, дунёвий ишларда ҳам соҳиби тадбир бўлиб, ғоят зукко, билагон, маърифатпарвар бўлганиларини атроф туман одамлари яхши бўлишарди. Якка фарзанд бўлганим боис, менинга ерга, на кўкка ишонишмасди. Айни вақтда, ис ажабки, мен болакайни сира эркалатишмас, қўлимга жарақ-жарақ пул беришмас, оиласизда «бола азиз, одоби ундан азиз» дегани қарав шукррон эди.

Падаримиз менинг янги дунёвий илмлардан атрофлича, тула баҳраманд булишим учун барча шароитларни яратган эдилар. Айни вақтда комил мусулмон булишимни истардилар. Бироқ қалтак остида қилимасдилар бу ишни. Одатда, каллаи саҳардан туриб, мен ухлаб ётган каравотиниг ёнига оҳиста келиб, Қуръони Каримини овоз чиқазиб ўқирдилар. Айрим сура ва оятларни ёдлани учун қайта-қайта бағлану овозда мутолаа қиласарди. Энди билсам, қиблагоҳим илмий методика соҳасида жадид (янгилик яратувчи) зиёли эканлар. Чунки шу тариқа ҳар куни қулоқларим остида Қуръон тиловатлари билан Ҳадис ўтиллари жарагтлаб турар, уйку аралаш арабча илоҳий таълимот, талаффуз ва қироатларни дилимга ҳамда миямга сингдириб борганиман. Ўзим буни билмаган ҳолда!

Гурингизга нур ёғилин Сизнинг бошимда чароғ-боним, мунисим, мүнифиқ оғам! Сиз теша тегмаган, антиқа, фалсафийи фикр-мулоҳазаларга кон, узбекнинг аслию наслини, сифатиу сажия-тийинатларини, ислом маданияти, шарқ одоби, мусулмончилик асослари, асл милий урф-одатларни билишида тенги йўқ донишманц бўлган экансиз, энди билсам. Кошкӣди узимизнинг уша кутичадай чоққина ҳовлимидан изларинигиз тополсам, кўзларимга суртсам. Кошкӣди кийимларигизга сингиб қолган шинитир тер ҳидларидан тўйиб-тўйиб нафас олсам... Сиз менинг қаршимда икки дунёнинг — диний ва дунёвий билимларининг дарвозасини ланг очдингиз. Еруг олам билан охират манзараларини намойин этдингиз. Бу дунё лаззатларидан, охират хабарларидан қаичалик баҳраманд булиши мумкин бўлса, шунчалик сарафroz бўлдим. Минг афсуски, ўзимга гал келганида, бу азалий аиъана ришталари узилди... Фарзандларимга ана шундай катта тарбияни бескаму кўст мухайё этса олмадим. Сизнинг

арвоҳингиз ҳам, болаларим олдида ҳам таобад қарздор булиб қолдим. Бу гуноҳим учун Аллоҳ ва арвоҳлар олдида ҳар қандай жазога мустаҳикман. Начора. Буқаламун замона зайлар шундай бўлди.

Дадам мулла Тожи Саломнинг менинг тарбиям хусусидаги меҳрибончилиги фақат шахсий саъй-ҳаракатлар билан чекланмасди. Ул зот (жумладан мен ҳам, албатта), Саййид Муҳийиддин Абдулқодири Жилоний: ҳазрат Фавсул Аъзам разияяллоҳи анҳунинг муридларимиз. Шу муносабат ила ҳовлимизда ҳар ойнинг II — санасида маҳсус маросим — хатми Қуръон қилинарди. Ҳар гал бу маросимда 5-10 кишидан тортиб 80-100 нафар одам тўпланишиди. Бу муборак хатмларниңг сел булиб ўнграган сеҳрли оҳанглари, «Сураи ёсин»дан ўқилган оятлар, зикр, нидо, муножот, «Месъоржнома»дан таваллолар ҳар қандай тошбагир кишини ҳам симобдай еритиб юборар, одамлар бенхтиёр юм-юм, пиқ-пиқ йиглар эди. Мен норасида мургақ қалбнинг шууримнию, дил пардаларимни бу оҳанглар ларзага соларди. Гарчи илк кезларда ҳеч нарсани тушуниб стмасам-да, уша самовий сирли муножотлар кулфи дилимни очиб юборар эди.

Дадам дин пешволарини жуда хурмат қилас, уларнинг талаффузи ва талқинидаги айрим бир хил қусурларни тузатиб борар эдилар. Шу сабабдан, ул зотнинг суҳбатларидан ҳар қандай мулла ҳам барҳаманд булишдан истиҳола қилиб турарди. Айни чоқда, қиблагоҳ қули очиқ, ширингуфткор ва дастурхондор киши булганиридан Худонинг берган ҳафтасида, бозор куни бирон сабаби тирикчилик схуд савдо-тижорат ташвишида атроф-жавонибдан, узоқ-яқиндан келиб турадиган меҳмонлар билан хонадонимиз банд бўларди. Камина уларнинг менга қўл очиб қилган дуоларидан, кажрафтор фалакнинг зулмларидан, Сибир сургуни, қамоқ азобларидан паст овозда пичирлаб сўзлаган сирли ҳикояларидан хабардор булиб, анграйиб утирадим. Бу даҳшатли зулмларнинг асл сабаблари ва сабабкорлари кимлар эканини тушуниб стишимга салкам ун беш йил бор эди уша кезларда.

ЭХ, ҚИБЛАГОҲ, ҚИБЛАГОҲ!

Падари бузургимиз художўй, диндор одам булганиридан дарёдил, теран денгиз, хаёлпараст диссан дуруст булмас-ку, беҳудуд кенг тахаййулот оламида

яшайдиган инсон эдилар. Аммо дунёвий шахс сифатида ниҳоятда чапдаст, маҳнаткаш, фаол бўлганлар. Бир гал у кишининг нозик фикрловчи, тадбиркор эканликларини куриб, чунонам фахрланганман.

„Қибла томондаги айвонимизнинг сомонсувоқ тонми беҳад оғирлашиб кетганидан, заваррови қоқ белидан синиб, иморат бутун-эрта қулаг тушадиган булиб қолганди. Дадам бир куни қаршиимиздаги ҳамсоямиз уста Иноят тогани чақирдилар. Бу киши етти пушти иморат устаси ўтган кўли гул бир одам эди. Хатирчи мулкида бундан-да уста иморатсоз ўтмаган. Аммо узи фсъыл-хўйли, бир сўзли, ўзига хийла бинио қўйган мутакабир устазода сифатида ном чиқазганди. Дадам унга қадди дол булиб букилиб ётган айвонни курсатдилар. Аҳволни куриб, уста Иноятнинг кайф-пайфи учиб кетди.

«Бузасан айвонингни. Бузиб янгидан қурасан, жўра, вассалом», — деди қатъий қылиб.

«Нима? Бузасан?! Агар сен чиндан уста бўлсанг, бузмасдан тузат-да».

«Эсинг жойидами, мулла Тожи, — деди у тажанг булиб. — Ўликни ҳам тирилтириб буладими ҳеч жаҳонда!»

«Уста бўлсанг тирилтирасан-да, огайни».

«Қандай қилиб?»

«Бўймайсанми?»

«Э, қўйсанг-чи булмагур гапларни!..»

«Мана бундай қиласан: заварров остига манови бақувват тахтани ташлайсан. Синган жойининг остидан болорни тикка қилиб қуясан. Тагидан узунасига яна бир болор тирайсанда, буғидан оғингинг билан босасан. Ана қурасан нима булади!..»

Уста Иноятнинг жон-пони чиқиб кетди.

«Менга қара, — деди у Хатирчи шевасида дадамни болохонадор қилиб сўкиб. — Бор, тушингни сувга айт. Мулла бўлсанг намозингни уқи. Менинг ишимга аралашма. Айвонни бузасан дедимми бузасан. Гап битта».

«Йўқ, гап иккита. Шу калланг билан устачилик қилиб юрибсанми ҳали. Ҳайф-е. Ундан кўра «був!» деб қўяқол».

Шу топда мен дадамдан хафа булиб кетдим. Ростда. Мутлақо билмаган ишига нима қиласди аралашиб, ўз қадрини кетказиб. Иноят тога туманнинг Бош қу-

рувчиси, қилни қирқ ёрадиган мсъмор. Шундай одам билан баҳлашиб буладими!..

Аммо айвонни бузуш-бузмасликдан ҳам кура, тадбир муаммога айланиб жиддийлашган эди. Қизишиб кетган бизнинг «бобой» устага адл фармон бсрса бошлади.

«Хой, галварс» — удагайлари дадам. — Ундай булса, баҳлашамиз. Мен нима қилиш лозимлигини айтиб тураман — сен ижро қиласан, бўптими?»

Уста Иноят бу шартга жон деб рози бўлди. Чунки дадамнинг тадбиридан ҳеч нарса чиқмаслигини дангал кўриб турган эди. Мен ҳам титраб-қақшаб, ичимда: «Эҳ, ужар отажоним-а, иморатсозлик «дуойи кунит» эмаски, қойил қиласангиз. Мана энди шарманда бўладиган бўлдингиз», деб узимча афсус-надоматлар ческардим.

Хуллас, иш бошланди...

«Хов анови бақувват тахтани ол»,

Тахта олиниди.

«Заварровга ёпишитир».

Ёпиширилди.

«Энди мана бу болорни тира».

Тиралди.

«Остидан манови кундани қўй».

Қўйилди.

«Энди анави узун болорни ол-да, кунда билан тик болорнинг остига миндир».

Миндирилди.

«Йўқ, болорнинг нарити учи қисқа, бериги учи узун бўлсин».

Бериги учи узун қилинди...

Кейин билсам, иш авжы қиёмига стган экан. Аммо уша кезда буни ҳали билмайман. Дадамнинг узлари ҳам бир зум тараффудлаингандай бўлдилар. «Лоп» этиб тадбир иш бермай қолса-я? Ана шармандали! Жин ургур, Иноят тога барча жабҳаларда галаба қилаётган эди, назаримда. У шодлигини ичига сиғдиrolмай, менга қараб бир кўзини мугомбirona қисди-ю, соқолини чайнаб турган уз муҳолифига қараб, бир нарсани қойиллатиб қўйгаңдай, тантанавор, пичинг оҳангда деди:

«Хўш, уста-мулла Тожи, яна нима қиласай?»

«Нима қилардинг, БОС!» — дедилар амр қилиб.

«Нимани босай?...»

«Э-э, оёгинг тагидаги болорни бос!»

«Қанақа одамсан үзинг, ахир имарат ҳаммамизни босиб қолади-ку».

«Бос дедимми, бос. Айвон устингта аганаса, хуни ни тұлайман!»

Уста Иноят жони ҳалқумига келиб, алланарсалар дея гудуранди-да, ноилож дадамнинг амрини бажарди: болорни унға билан паққос босиб юборди. Е Гадой Селкин! Не күз билан күрайликки, мұжиза содир бұлди: дабдала синиб қийшайиб ётган заварров дахшатли бир тарзда қисирлаб қолди.

«Е Тангрим!.. — деб қичқириб юборди чапани уста. — Е Судаймон пайғамбар! Устачиликда сұяғым қотиб, бунақасини биринчи куришім. Усталарнинг пири мен эмас, сен экансан, Тоғи. Буллы, бой бердім... — деб уйига равона була бошлади. — У ярамас-сій, құлингни совуқ сувға урмай іотдніг-а...»

«Тұхта, Иноят, — дедилар дадам норози оқанғда.

— Қаेққа кетаяпсан?»

«Бұлды, иши битди».

«А?!»

«Битди».

«Биттәни йўқ, энди бошланди...»

«Тагин нима дейсан, совунгар?»

Мана буни қара. Ҳали тұгри бұлған эмас. Күздан ҳам қисғанми дейман, нима бало? Яна камида иккі қаріп күтариш керак.

Усал бұлиб, қора терга ботған устайи қалон болорни зарб-б-б билан яна уч марта босған эди, бояғи тик ёғоч худди кутарғыч крандаі заварровни даст ростлаб, тұппа-тұгри қылғыб күйди. Сұнгра ушинг синган жойндан битта тирговиң-устун қүйіліб, қолған чүп-ёғочлар олиб ташлаанды. Хуллас, ярим соат ичида йиқілай деб турған айвонимиз таъмирланди — бус-бутун ҳолга келди-күйди.

Шу топда шуровий мактабда бир күн ҳам үқимай туриб, механика ва физика ылмининг қонуниятии ш нозик идрок этган шундай олиму муҳандис дадажоним билан ифтихор этиб, ич-иғимдан уни дуо қилаёт-ган эдим. Үқигандан уққан яхши деганлари шу-да. Бояғи фаранті үстамиз, отамдан ҳам кура мен бола-кайдан күпроқ изза тортди шекишли (күзини иблисо-на, бемаврид қисған эди-да, раҳматлик!), апил-тапил күчага урди үзини...

«Менга қара, ҳой девона!..»

«Тагин нима дейсан?»

«Ие, меҳнат ҳақингни олмайсанми?»

«Э, бошингдан қолсин пулинг-е! Ҳе уша... Сен менга эмас, мен сенга ҳақ тулашим керак бу сабоқ учун. Пулингни ўзинг пишириб е».

Бу гал падари бузургвор ҳеч нарса демадилар. Фақат мен «ҳакамга» қис бокиб, хиёл қошларини чимириб қўйдилар.

...Шундай. Мен бир йўла бир нечта мактабни хатм қилаётган эдим. Дадам билан онам мен полапонни чиниқтиришга, қанот қоқишига, ернинг оҳанрабо кучини енгиб, учишга, баланд-баландларга парвоз қилишга ҳозирлаётган эди. Турган гап, отажоним, замон зайдига кура, мени бирон мачит, мадраса ёки хонақоҳга мутавалли, имом, суфи ёки юрга қозикалон қилишни мўлжаллаётган эмасдилар. Ҳовлимизнинг ортидаги мачит вайронага айланниб, сўнгра тамом бузилиб кетган ва нашавандхона булиб қолганди. Хонақоҳлар топталиб, отхонага айланган, мачит-мадрасалар зеру по қилинган, қабристонлар бсфайз, чангальзор, салкам ахлатхона булиб қолган, паҳтанинг дастидан ариқлар кўмилган, дарёлар тўсилган, бутун бошлиқ қишлоқлар, тегирмонлар, тарихий обидалар тугатиб юборилган эди. Аллоҳ, дин, иймон, намоз, рўза, мушкул күшодлар энг собитқадам, комил аҳли муслимнинг онгида ва қалбидагина гус «эскилик сарқити» сифатида (астагфурилло) сақланиб қолганди. Чамамда, дадамнинг биргина ниятлари бор эди: ҳаётда ким булмайин — хоҳ муҳандис ёки шоир, хоҳ врач ёки муаллим, хоҳ ҳарбий ёки бастакор — ботинан эътиқодли асл мусулмон булишимни истар эдилар.

ТАБИАТ ВА ИНСОН *б-фасл*

КАКЛИКЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

АЛИШЕР НАВОЙЙ өзмешлар:

«Мажнун: — Бул ит әрмас, итиқ — менда».

«Одамлардан қоч, чулу биәбонларга, бүриларга бор!»

Иосиф Назип.

КУЗ ҚҮРҚОҚ, ОЁҚ БОТИР

Едимда, тұқсонаинчи йилнинг феврал ойи эди. Қишиң қаттық келди. Оғир хасталиқдан сүнг, энді-энди «тетапоя» қилиб юраётганим. Гарчи шаҳардан узоққа чиқыш менға қатыяны ман әтилгай бұлса-да, наинки узоққа, тоққа қараб кетдім!.. Пойтахтдан етмиш чақирик нарида, Чарвоқ десигизи яқинида, Чотқол тоги-нинг шундоқ этагида каминяга бир парча ер теккан. Жумхурият Езувчилар Уюшмаси даала-бог барпо этиш учун берган. Ұзок вақт өтиб қолғаним учун далага бориши, ул-бул қуришга ҳам имкои бұлмади.

Күнларининг бирида қаватимга Зоҳиджон Содиқнй деган шогирдимни олдымда, таваккал қилиб жунаб қолдик. Э, булғанича бұлар! У еққа өтиб борсак... Ҳамма-қ оппок қор. Ҳаво чүпонам тозаки... күкрагимни түлдириб, сиғил-сиғил нағас оламан. Қишиң ҳавоси-нинг ҳам үз таровати бор. Тошкситдай шаҳри азимда диккенинафас булиб, димиқиб өтган одам уәқларга бориб қолса, худди яккашин авахтадан озодликка чиққандай бұлади. Биздан бор-йүги иккі-үт соатлик масофа нарида, үйлайсизки, бутун бошлик Швейцария ястапиб өтибди.

Э, ношукур банда! Енгил, бегубор тог ҳавосидан... энтика бошладим.

Мен шу топда күзни қамаштирувчи оппок чойшабға бурканиб өтган бийдай даладан үзимга ажратылған жойни тоимоқчи бұлдым. Аммо наинки бирон нарсани биліб бұлса. Кенг дала-туз. Тизза буйи қор. Сахий қүещ нурида қор инжу зарраларидай живирлайди. Күзни

қамаштиради. Табиатимда инжиқ болалиқдан қолиб кеттән ужарлыгым бор эмасми, шеригимни бир юмушға құшдим-да, күнчиқар томондан бошлаб өлгиз үзим юриб кетдим. Гирч-гирч-гирч-гирч...

Қор худди юмшоқ тушақдай ерни қучоқлаб өтибди. Поеңдоз дала кафтдай теп-текис. Аммо қорнинг тагида үнқир-чүнқир, ариқ, жарлик, үпқонлар бор. Түшиб кетсанг додингни Худога айт. Ҳеч ким сени тополмайди. Түгри асфаласофилинга жұнайсан. Куз құрқоқ, оәк ботир. Қарасам, даланинг уртасига бориб қолибман. Бирдан ваҳима боса бошлади. Бу ерда күхна қабристон бор, деб эшитувдим. Ер аста-секин эриётган қор тагида сувда бүккан нондай күпчий бошлаган. Худо курсатмасин, бирон гүр үйилиб, лоп этиб тушиб кетсам-а... Ҳар әхтимолдан, калимамни үгериб олдим-у, яна олдинга қараб босдим. Чунки орта қайтиш, чсккага чиқишининг сира иложи йүқ: майдониниг қоқ уртасида турибман.

Тиззамгача қорга ботиб, шалаббо булиб кетдим. Хуллас, үн беш дақиқада босиб үтса бұладиган жойда уч соатлар чамаси йүл юриб, тог әнбағрига, викор билан осмонга буй чүзіб турған минг ийлilik чинор яқинига етиб келдим.

Уфф! Маррага стдим-ов. Йұловчи кишигина йүлнинг танобини тортади, дейишади. Чекинмай түгри қылдим, деб үзимни-үзим овутдим. Қанчалик мушкул булмасин, истиқболға, фақат истиқболға қараб юриш даркор...

Йигитта үлем йүқ, агар у үзини үзи үлдирмаса, қимирлаган қир ошар, деган гап бор. Ҳориб-чарчаб манзилга етиб келганимдан кейин, барча хавф-хатар ортда қолганини сезиб, үзимни босиб олдим. Ән-верига синовчан назар ташладим. Қарасам, шундоқ қаршымда баҳайбат тог ҳамлага чөгланған шердай күкрап кериб турибди. Ҳув ана, минг-бобо үша азим чинор. Она табиат билан юзма-юз турибман. Шаҳарлик одамга камдан-кам насиб этадиган фусункор манзара.

ПОЙИНГДА ТУРИБМАН УМИДВОР...

Шу пайт үнг томондаги жарликка, чап биқинимда эса утта тут дараҳтига күзим тушиб, ниҳоятда қувониб кетдим. Ие, бу менинг ерим-ку! Үз уйимта келип қолибману, билмабман. Уни қаранг! Излаган топади,

дегани шу-да. Худди тслба одамдай, атрофга аланг-жаланг қараб, овозимни баралла қыйиб қычырдим:

— Ҳей тоглар! Ложивард табиат! Она Чинор! Менни эшиштаяпсизми? Сиз билан дийдор куришиш менга тагин насиб этмиш. Мана пойингизда турибман. Орзу-умидларга гарк. Е Парвардигор, бу на мұъжизаки, инсонниң бүнчалар сарафroz, дүнәни бу қадар гузал, табиатни интиҳойи сулув қылиб яратдинг!

Совуқ изгирии ялаб, пустакдай тириштириб қыйган өнокларимга уч-түрт томчи қайноқ күз өшлирим иди.

Шу пайт менниң ваҳшій овозларимга акс садо бердими, ө уз эхтиёжи юзасиданми, ҳеч бир күтилмағанда қулоқларимга бот-бот гоят антиқа овоз эшишила боллади:

— Какира-какир, какир-какир...

— Какир-какир, какира-какир...

Силсабил овоз ссекин-ссекин узоқлашиб, сұнди.

Ерабблій! Мастманиң ски ҳұшермаймы? Үнгіммиң тушимми? Нақотки күш саірган бұлса? Йүк, хәслим-да сароб жиілваланған бұлса керак. Кишида шундай ҳолатлар бұллади. Айниқса ҳозыр. Яна теварак-атрофға сарасоп солиб, синовчан қарай бошладим.

Дарвоқс, мана шу мен турған кімсесіз сайхон ер аслида сввойи майдон әмас. Қызық, хув, ана, оқтарағда дүнглик бор. Бу срда бир вактлар кімндардың яшаган. Эллик йил, юз йил, мине йиллар муқаддам қандай одамлар үтганийкім, бу жойдан? Эхтимол, худди шу турған еримда, оқтларим остида бирон улут ғылыми хоки бордир? Мен уни күрмайман. Аммо у, униңнан арвоғи мениң күриб турибди. Иймоним комил.

— Мен нотавон әзгу нијат билан келганиман бу ерга, эй арвоқлар! Сизнинг ташланғыңыз, хароб ҳолда өтгай ерінгизни обод қилиш, бөг-рөг күкартириш, сүнгап чирогингизни өқиши учун... Мадад барынг мениң ҳорғын рұхимга!

Шу пайт ҳалиги сеҳрли овоз тагин тақрорланғандай бўлди:

— Какира-какир, какир-какир...

Сеҳрланған деб янглиг, турған жойимда қотиб қолдим. Қимир этмайманки, шарпамдан сайроқи күш ҳурқиб кетмасин деб.

Каклик!..

Шаҳар одами чулу биёбон, дашту саҳро, тогу тошни тушунмайди. Уннинг ىдроки түрт дөвөр иқлимиға

мосланган булади. Дафъатан мени қизиқтирган нарса шу бүлдикі, бу кимсасиз ҳайқотдай далада, тог-тошлар орасида... каклик нима қилади. Бошпанада булмаса. Тизза бүйін қор қүйніда бошпанадан дарак йұқ. Сөвүк, изгирин. (Гүс парранда-дарранда халқи фақат ҳайвонот богида яшаши керак!)

Ҳа-а.. Уни қаранг! Турған жойымдан ярим чақимчы нарида, «кулбага» бало борми, шоҳона, ҳашаматтың дала ҳовлилари қурилибди. Уларда яшаётгандардан битта-яримтаси роса миришкор одам эканда. Қойил. Қафасда каклик сақлаган куринади. Үндай дессам, шу қаҳратон қищада ким яшайди бу ерда? Сөвүк, қимирлаган шәрпадан дарак йұқ. Жонидан түйибдими?.. Шу пайт яна ва яна:

— Какир-какир, какира-какир...

— Какир-какир, какира-какир...

— Войдод, овозингдан үргилай, каклигим! Менга болалик чогларимни эслатдинг. Биз аслида хатирчилик буламиз, билсанг. Навоий вилоятидан. Уруш юиллары эди. Дадам раҳматлик бир куни Лангар тогларидан каклик жүжасини менға келтиріб берғанлар. У құлға үрганиб қолиб, ҳовли юзида худди товуқдай эркін сайр қилиб юрап, бот-бот сайрап эди. Худди сендей. Сайра, сайрайвср! Сен мени муборакбод қилаётгандың үхшайсан. Түшүндім. Бутун шаҳарға жұнаб кстаётібман, билсанг. Энди баҳорда куришамиз сен билан...

ЕМОНГА ЕГ ЯРАШМАС

Орадан қишиңдегі, баҳор келди. Баҳор урнини өз зғаллади. Ваъдам устидан чиқишининг иложи бүлмади. Аттанг. Келолмадим. Үзимдан ортмадим. Хуллас, утган йиң өзниң оғигиу, эрта кузда, ниҳоят, Хужакентга келиб, бир ярим ой мобайніда курилиш ташвиши билан юрдим. Яна үша какликнинг сайрашию, бесгубор тог ҳавоси, шиғробахш булоқ сувидан баҳрамандлик.

Бир куни курилиш машмашаси билан күймаланып юрган эдим, эски қадрдонимиз Абдулла ака келиб қолдилар. Чой устида мен каклик воқеасидан гап очиб, «бу қымники экан-а?» деб қизиқсинган эдим, у киши:

— Вой бесгубор-сій, қымники бұларды, Худоники-да! Каклик деган хұмпар тогда булмай қаерда булади! Тогда турғанингизни билмаяпсызми, домла? — деб қолди.

Дарвоқе! Кимсасиз төгларда бундай жаннатосо

паррандани сайратиб қўйган Аллоҳимнинг кароматини қаранг-а!..

— Бу ер Сизга мадраса эмас, тақсир,— заҳарханда қилди Абдулла ака. — Ё шахри азимда бўл, ё кўхи баландда, деган. Сиз уша кўхи баланд — Тошкандни томида турибисиз. Шаҳарни унутинг, бўтам... Биласизми, яқинда бир ошнамиз шаҳардан зерикиб, тог ҳавосидан нафас олишини кўнгли тусаб қолибди. Ўпкаси яллигланиб қолган экан шўрликни. Ҳув аваби ўзингиз билган чинор ёнидаги чойхона ёнида тухтаб, булоқ сувидан иҷдик! Оби-замзам! Тспадаги чойхонага чиқиб бир пас дам олган бўлдик. Бир вақт қарасам, у бир-инки энтиқдию, паққос ҳушини йўқотди. Яхшиям, баҳтимга шу уртада дўхтири ойимчалар дам олиб, овқатланниб туришган экан. Дарҳол ёрдам курсатиљди. Бирори дори ичириди, кимдир ҳар эҳтимолдан санғқи (укол) урди. Бирни жонсарак булиб ҳушга келтирувчи дори (нашатир спирт) ҳидлатди ҳамки... бари бефойда! Не кўз билан кўрайки, нафас олиши оғирлашиб, жағлари қапишиди хумпарни. Лаблари кўкариб, ранги бўздай оқариб кетди бирпасда... Кўз ўнгимда бир мусулмон ӯлаялти, қарасам! Ҳайҳот, нима қилиб кўйдим, а? Шунида бирдан ёдимга келса бўладими (бировдан эшиштувдим). «Кутаринглар буни!» — деб амр қилим тезёрдамчиларга. Ҳалиги одамни аранг настга тушириб, машиинанинг ёнига олиб келдик-да, моторни туришлатиб ўт олдириб юбордим. Бензин ёниб, буруқсаб тутун чиқа бошлади. Шу денг, паққос ҳушениз ётган одамнинг димогини ҳалиги тутунга бирпас тутиб турдик. Бирдан кўзини очиб, ўрнидан даст туриб кетса бўладими хумпар!..

Шунақа, бўтам. Ўпкамиз шаҳарни бузуқ ҳавосидан қуруқшаб, «капчоний» булиб кетган. Мусаффо тог ҳавоси билан ҳазирилашиб бўлмайди. Ёмонга ёғ ярашмас, дейди. Буёғига эҳтиёт буласиз, тақсир-домлажон. Бирон кор-ҳол бўлса, ёрдам берини амри маҳол. Бензин тақчил, йигирма баробар қимматлашиб кетган, деб ҳазирилашиб сухбатдошим.

Шаҳарлик шаҳарлик билан уришса, «илоҳим уйжой қуришни бошингга солсин!» деб қарганар экан. Бу ўн йил илгариги гап. Ҳозир-чи? Тақчил қурилиш ашъёларига нарх-наволар афсонавор бир тарзда ошиб кетган шу кунларда нима дейиш керак?

Бир куни Чирчик қурилиш омборхонасига тушиш учун Ҳужакент бескатида турган эдим, қарши тарафдан

келаётган ўн чоғлиқ одам автобусдан түшди. Бу атроф-нинг фуқаросига ұхшамайды улар. Олазарак. Ҳар бири тепадай, бир хилда кийинган, қорувли, ниҳоятда бақувват, ҳаммаси бир текис, сариқ магиздан келган, мовий күзли, дөвқомат. Рангидан қон томади. Юрагим «шув» этиб кетди. Кимлар булар? Қандайдир шубҳали, совук куриңди баччагарлар. Елкаларига илиб олган яшил йүл халтасидан құштира милтиқларининг учи чиққиб турарди. Наҳотки, беймон «боягилар» бұлса? Оти нимайди, ҳаҳ... Келинг, ұшалар-да. Үндай десам, уст-бошларидан мелисага ұхшамайди.

Хуллас, ҳалиги милтиқли «чақирилмаган меҳмонлар» тұғри тоққа чиққиб кетишиди...

Әртаси куни тонгла саҳардан бутун водийни үк овозлари босиб кетди. Кечә бекатда күрганим сұхтаси совуқлар әдимда йүқ, бирон ҳарбий ҳолат содир булдимикан, деб үйладим. Ҳали нариги үнгирда, ҳали бериги қояда тартибсиз үк овозлари эшлитила бошлади. Пак-пук!.. Шарақ-шуруқ!..

Нима гап, өв босаяптыми? Бу қиёмат-қойим бирон ҳафта давом этди. Кети куринмайди. Қимирлаган жой борки, бесаранжом. Тог ҳавоси, булоқ суви, роҳатбахш онлар барҳам топтандай булди. Водийдан файз кутарилди. Ҳавони үқ-дори ҳиди босиб кетди. Қуйинди иси димоқни қичишитиради. Хуллас, бу әқларда чидаң булмайдиган жуда хатарнок ақвол юз берди. Эй худойим, ҳарбий машқ үтказишга шу ердан бошқа жой қуриб кетибдими, дсб үйлайман.

КУХИ БАЛАНД, ІШАХРИ АЗИМ

Қүйингки, бу даҳшатли гулгуладан тамом безиб, шаҳарга, уйға қайтиб кетадиган бұлдим. Абдулла aka ҳам машинаеңда йұлға чиққан экан. Ҳамроҳ бұлдим. Йұл-йұлакай у киши ҳам үк овозидан безиб шаҳарға қочаётганини айтib қолди.

— Ҳаммасиям майлию, еру құкни ларзага келтираётган отищмалар какликларни чүчитиб юбормасмикан? Улар безиб, бу әқларни тарқ этса-я?! Ҳарбий машқ үтказишга бошқа жой қуриб кетганими? Буларнинг дастидан на одамзодга тинчлик бор, ва на паррандаю-даррандаларга!

— Вой домласи түшмагурей, — деди шеригим. — Сизга ҳайронман! Мулоҳазаңгиз анови қозоқнинг гапини эслатади. Айтib берайми?

...Уруш йиллари бир содда қозоқ аскар нақ олти
ой ергүлада (траншеяда) ётавериб, зерикіб кетибди.
Буйруқта кұра, нұқул осмонга қараб үк узишарқан.
Бир күни қызықсаниб қолибди: немис қанақа одам
экан, а? Үйға борганимда овулдошлар сұраб қолса
німа дейман? У ҳам үзимизга үхшаган одамми ёки
бирон башқа махлұқмикан?..

Қозоқ ертүладан секин бошини чиқазиб, мұралай бошлаган экан, боши устидан ва қулоқлари өнидан үклар визиилаб уча бошлабди. Физз-ғизз... ғиз-ғиз!... У чүчиб кетибдию, жон ҳолатда ертүлага олибди үзини:

— Вой, шешенгди!.. Күзига төгсдиям дэмсийди-гүй!..

Кулдим.

— Бу латифани менинг гапимга қандай алоқасып бор?

— Алоқасым? Қанақ «ҳарбий машқни» гапи-
раяпсыз? Овчиларнинг ишн-ку бу. Улар какликларни
«чүчитиши» учун эмас... отиш учун келган! Жонивор-
ларга қирғын солиш учун, билдингизми?

Юрагим орзикіб, алланесчук булиб кетдім. Күз үнгімдә у күнгі бесатда турған хірсдай-хірсдаій совуқ бащааралар лаънати қотил қиғасида гавдаланди. Тиши-тири ногигача куролланған сұлоқмондай өвуз овчи-ларининг мутлақо ҳимоясиз қақликларни омонсиз үк-қа тутағстан ишојатда энсамни қотирди. Инсон ҳам шунғылар йириктіч, йириктічини эса инсон деб бұлади-ми! Хушшовоз қақликларининг үша галғи маст булиб қийгоч сайранниң әнділилкда уларининг самовотта муно-жотидай хазин әшиттілди:

— Какири-какири, какири-какири...

ВАТАНИМ БОРМИ МЕНИНГ?

Республикамизда мустақиллик эълон қилинди. Дисримизнинг уз байроги, уз тамгаси бор. Бирок агар тез орада уз дарвозасига эга бўлмаса, мустақиллик ҳақидаги шиорлар бу гал ҳам (тўртинчн маротаба!) ҳавойи ва мавхум гапга айланниб қолиши ҳеч гапмас. Чув тушиб, алданиб қолаверамиз. Ё раббил оламин. Бундай бўлмаслиги учун шимол томондан эсаётган довул, совуқ шамолларнинг йўлини тусиши керак. Вас-салом. Бошқа чора йўқ.

Хуш, тог каклигининг... Жумхурият мустақиллиги-га қандай алоқаси бор?

Ватан нима? Бу фақат ҳудуд яхлитлиги, фуқаролар бирлиги, тарихан таркиб топган инсоний муносабатлар мажмуасидангина иборат эмас. Ер, сув, осмон, хонадон остонасидан то миллий чегарагача бўлган жамии нарсалар, оддий кўм заррасидан то юксак тог қояларигача ҳамма нареа — Она Ватан.

Интиҳои таажжуб: биз етмиш йил ичида «ватан» сўзини катта ҳарф билан ёзиб келдик. Гуё ундан муқаддам ўз ватанимизга эга булмаганмиз. Шундайми-кан? Ўз мулкига: ўзлиги, инон-ихтиёри, иродаси, диний-ижтимоий қадриятлари, ер усти ва ер ости табиий бойликларига эгалик қила олмаган миллатнинг ватани бор деб бўладими?

Ҳа, булбул ҳам, загизон ҳам, бедона, типратикон, тустовуқ, капалак ҳам мен учун — Ватан. Мен уларни гайрилар билан босқинчиларга раво кўра олмайман.

Ўзбек қомусида каклик ҳақида шундай маълумот берилибди: Кримда бусбутун қириб юборилган ва эндиликда уларни яна у ерга олиб бориб купайтириш чоралари куритмоқда эмиш. Яна: какликнинг гўшти жуда мазали буларкан. Эвоҳ, содда, анойи ўзбегим-а! Бундай деб «таърифлагандан» кўра, каклик эти заҳри қотилнинг ўзгинаси, еган одамни тешиб чиқади, демайсанми!

Ҳозирги вазминчилик замонида ўз юртида бир-бировининг этини еб ётган бир хилги шимолий қушниларимиз, нонимизни түя қилиб бериб келган кечаги «ҳомийларимиз»нинг қарангки... каклик гўшти тановул қилгиси келиб қолибди! Ҳукуқ-тартиботта асосланган жамият қуришни орзу қилаётган республикализмининг жиноят қонунлари мажмуаси мантиқига кўра, товуқ ўтираган одамга жазо бор. Аммо каклик ўтираганга жазо йўқ! Қизиқ: товуқнинг эгаси бор, какликнинг эгаси йўқ экан-да? Бу қандай мантиқ? Бундан чиқадики, Узбекистон фуқароси ҳам бепоён марказий Русиянинг бепоён далаларида бедана ушлаб, қирғий овласа буларкан...

Тушингни сувга айт!

Бўлиб ўтган воқеалар анча вақтгача менга тинчлик бермади. Бутун биздаги ҳайвонот ва маҳлуқот оламига қирғин келтираётган, она динеримизнинг бойликларини рўй-рост талаётган нобакорларга «тўхта!» десак, анав ёқда...

Ит — инсоннинг дўсти бўлса, яхши. Инсоннинг дўсти — ит бўлса-чи? Ёмон. Ҳар бир кишининг қадрқиммати унинг бўлса-чи кишига қандай муносабатда булганига қарабгина белгиланмаслигини айтдим. Гарчи бу одамийликнинг бирламчи шарти бўлса-да. Инсон шу вақтга қадар инсонки, то у ўзининг тилсиз дўстлари бўлмиш ҳайвонларни ўзига қанчалик меҳроқибат билан ром·эта олгутча. Таассуф, баний одамнинг йиртқичлиги ҳайвонининг йиртқичлигидан минг карра даҳшатлироқ. Яна бир карра писандо қылайин. Тирик мавжудот борки, уз ризқини ўзи топиб ейди. Бовужуд, Худонинг иродаси шу бўлдик, у ҳайвонотни башариятга мутсь қилиб яратди. Тирик мавжудотлар учун инсон баайни ўзига хос бир Маъбудуга айланди. Бас, боз таъкидлайман, инсон уларга илоҳий қилиқ қылмоги лозим. Айнан: илоҳий қилиқ!

Бир нарсани зинҳор унутмайлик. Одамзотининг ҳайвонот оламига билдирган марҳаматию, меҳроқибати ҳам, қаҳр-ғазабию, зугуми ҳам мукофотсиз ҳуд интиқомсиз ўтиб кетмайди. Ўйламаслик керакки, ҳайвон инсонни тушумайди деб. Тушунади, эсизки, айттолмайди! Водариг! Сиз ўзингиз уни тушумайсиз. Оддий мисол. Оғир урун йишлари. Бизнинг хонадонда ҳам танглик, вазманичилик сезила бошлади. Зогора ион сўмиз. Гўшт осмонда. Палов анқонинги уруги. Раҳматлик онам Меслий гушт деб хархаша қишлоғларми, бошқами, бир кун дадам фавқулодда хатаринок бир фикрни айтиб қолдилар:

— Мусиҷаларни ушлаб сўмиз... Ескорга ҳаммаёқни ифлос қилиб ётибди.

Мусиҷига этини тановул қилиш шаръийми ёки ношаръийми, билмадим. Чумгук, типратикон, тустовук, қиргий, ёвойи каптар гўнитини истеъмол қилинади. Нега энди мусиҷани сб бўлмасин. Бунинг устига ҳовлимизда мусиҷалар чунонам кўпайиб кетган эдики, сон-саноқсиз...

Бу узбек деганингиз қизиқ-да. Ҳар бир паррандаю даррандага бирон хислат ёки ривоятини олиб бориб тақаиди. Чунончи, қалдиргоч Қуръондан «Вајфажр»ни хониш қилиб чуғурлайди. Ҳакка — ёмон хабар ташувчи бехосият қуш. Бойугли — «иияти» бузук, харобазорни ихтиёр қиласиди. Мушук — «Абу Мухайра», Мұхаммад пайғамбаримиз силаганлар. Ит — вафодорлик тимсоли.

Жумладан, мусича — Биби Фотимамизнинг товуғи, «Мусо қўй келтириар» дегани-деган, жонивор...

Шундай бўлгач, бу беозор қушни ким ейди. Э, йўқлик қурсин. «Оч отасин танимас», «Оч баччагардан қоч баччагар», деган гаплар бор. Хуллас, маъсум эътиқоддан оч жигилдон «фалсафаси» устун келди... Номозшом қулоқлашиб, ҳовлимизга тун чойшабини өйганда, дарахт ва айвон тагига чодир тортиб, мусичаларни битта қўймай ушлашдию, парт қилишди. Онам ниҳоятда пазанда аёл эдилар. Эртаси куни мусича гуштидан кабоб тайёр бўлди. Мен, ун бир ёшлик болакай, бу парранда ҳақида ҳалигидай яхши гапларни эшитганимданми ёки кўнглим тортмадими, қушнинг биргина оёғини сийшим билан кўнглим айнаб, қайт қила бошладим. Менга шундай туйилдики, қуш эти орасида мусичаникнидандан бемазаси бўлмаси керак. Қопкора, таъмсиз. Алфозимни кўрган бошқа хўрандаларнинг ҳам таъби тиррик бўлди. Овқатни охиригача сийишлими, йўқми, эсласлмайман.

Хуллас, ҳамманинг кўнгли чўкди. Мислсиз шаккоклик жаврини асосан дадам билан онам тортди. Куп утмай Ҳасан-Хусан укаларим улик тугилди. Онам шурлик дардлардан улиб-улиб кутулди. Уйимизга угри кириб, шипшийдам қилиб кетди. Лангар йулида дадманинг оёғи чурт синди. Сунгра тухматга дучор бўлиб, анча азият чекдилар. Мен куричак билан оғриб, тиф остига тушдим... Бу бизнинг оиласиз учун шунгачки хато эмас, бир кўргилик бўлди. Шу-шу дадам умрининг адогигача минбаъд мусичаларга ола қарамайдиган, аксинча, уларга сигинадиган булдилар. Ҳовлимиз лиқ-лиқ мусичахонага айланди:

Ку-ку-ку-ку... Ку-ку-ку-ку...

Ҳа жонишингдан айланай, Биби Фотима онамизнинг товуклари!

Тез орада ишларимиз юришиб кетди.

ФАЛИЗМ ВА ФАХИЗМ

Мусулмонлар дунёдаги ҳамма жониворларга қандайдир бир муқаддас нарса, Ҳудонинг маҳлуки деб қарашади. Жонли нарсани бежон қилиш гуноҳи азим ҳисобланади.

Қиблагоҳ ҳикоя қилишларича, оббаҳолам Юнус пайғамбар бўлсалар керак, катта кўчада борар эканлар, қарасалар бир сайҳонликда иккита кучук шундоқ

чақилишиб турибди-да! Атроф тумонат одам. Ёввойи оломон бу манзарани күриб, қиій-чув, бақириб-чақириб «томуша» қылмокда. Мавлоно хүнүк ахволни күриб, күп ағасулар қыладылар. «Бу жониворлар айбиини өпишиң билмаса, аттанг, яхши бўлмади. Итлар изза ческаётиди!» деб, уз устиларидаги янги сувсар пустиниларини счиб улариниг устига ёнибдишар. Шу заҳоти ваҳий келибдиким, бул зот биргина шул иши учун пайғамбар булсин деб!

Нақадар олийжаноблик! Бирониниг айбини эл кўзида ошкор этиб изза қилиши катта гуноҳ ҳисобланади ислом оламида.

Фаҳшимизм (фаҳшбозлиқ) билан фашизм (бу хоҳ қўнгир, оқ, алвон ёки бошиқа тусдаги фашизм бўлсин, барибир) бир-бирига яқинидай туййилади менга. Қизиги, илмий-техникавий тарафдан юксек тараққий этган аксарият Оврупо мамлакатлари ва дунёнинг баъзи бошиқа иқлимларида кишиларининг маънавий-ахлоқий юзтубан кетиши, ялангоч шаҳвоний ҳирсга мубтало бўлинц, ҳайвоний ва ашаддий ошкорга майлларга берилниш, бешағлиқ, танчуруушлик, манфурлик, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган таносил маразларининг тарқалишини, инсоний қиёғаний йўқотиши ҳоллари кузатилади. Ўзимиизда ҳам, марказий ойинайи жаҳонининг аллақандига кўрсатувларида айниб кетган «гарбона эстетик диц» асосида «тарбиялланган» турфа вос-вос мусиқий жазавалар, ваҳинини қиийқириқларга жур булган ҳолда ўта бешағ, беномус, шармандали, намойишкорона ҳирсий ҳаракатларининг узлуксиз куз-куз қилиниши биз — Шарқ кишилари учун рўй-рост, беандиша ички қўнорувчиликдан бошиқа нарса эмас. Яна такрор айтаман. Шарқ мұхаббати нардали мұхаббат. Парда йиртилган нуқтадан бошлилаб бизниниг ҳали суюти қотмаган ёш авлод ўз маънавий-ахлоқий қиёғасини йўқотиб, ибтидоий ҳолатта қайта боштайди. Бунга қатъяни йўл қўймаслигимиз керак. Бундай бетамиз «маданиятиниг» кераги йўқ бизга. Ҳайвоний табиий ҳире айб ҳисобланмайди. Аммо бундай ҳайвоний ҳире «инсоний» ялангоч шаҳвоният, ўта айнигандай тан жазавалари билан қўшилгандай, ҳайҳот, ҳақиқатан ҳам қиёмат қойим булишига оз қолибди-да, деб ўйлаб қоласан киши. Модомики шундай экан, айтилган барча бемаъниликларга дарҳол барҳам берилаб, ўз иболи, ҳағли, покиза шарқона мұхаббатимизга қайтиши чораларини изламасак, ҳолимизга маймуналар узвос тортиб йиглаши аниқ.

ОЛИЙМАҚОМ САНЬАТ СИРЛАРИ

7-фасл

ТАРЖИМА САЛТАНАТИ

ТИЛЛА ТҮГНОГИЧ ВА ЯНГИ ГОЯ

Таржима тил ва тафаккуршиг бузилмас иттифоқи, мұқоясаси, ширин ҳосили үлароқ, табиат инсонға ато этган улуг неъмат, ажайиб мұжиза. Таржима бор экан, халқлар бир-бирлари билан доимиј жонли мұлоқотда, адабиетлар бир-бирига вобаста, бир-биридан баҳрамаңд. Таржима бор экан, фикр-фикрдан сув ичади, бойиңди, үткірлашади.

Таржима, кснг маңнода, тил, тафаккур, маңнавий ҳаёт тарзини қиёслашы асосланған экан, унинг таърифи ва аҳамиятини белгілашда ҳам қойылады антика бир мұқояса хотирга келади.

Иқтисодий тараққиетда давлатлараро моддий бойылкларни үзаро айирбошлаш жуда катта аҳамиятта молик. Айтайлык, хомаше, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кесчак, рұзгор ашқлари, машина ва турли механизмдар, асбоб-ускуналар ба ҳекозо. Ҳуш, маңнавий бойылклар, сұз саньати ҳисобланған адабий асарларни айирбошлашы? Турли тилларда өзилған китоблар, биламизки, таржима орқали «айирбош» қилинади. Қизиги шундаки, бирон асарни үз тилемизга үгирад эканмиз, шу асарни бизга тақдим этган адабиеттинг үзи уйдан маҳрум булиб қолмайди. Масалан, үзбек адабиети үзининг бирон асарини бошқа халққа узатса, уни йўқотмайди. Чунонгш, икки киши үзаро, фараз қиласайлик, биттадан тилла түгногиич алмашса, ҳар бир киши — биттадан тилла түгногиичга эга булади. Иккитадан эмас! Лекин икки киши үзаро биттадан янги гоя алмашса-чи, уларнинг ҳар бири... иккитадан янги гояга эга булади. Биттадан эмас! Бинобарин, таржима туфайли янги асар ҳосил булади, аммо йўқотиши содир бўлмайди. Олайлик, Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романни сттига хорижий тилга үгирилган экан, бу стти тилда сттига янги асар деган сұз! Лекин үзбек адабиети үз «Ҳазрати инсон»идан маҳрум булиб қолганмас. Шуидай экан, таржима шарофати

билан миллий адабиётларимизда яратылған энг сара асарлар үнлаб, юзлаб маротаба ортади. (Белорус шоири Янка Купаланинг «Кимлар келади?» шеъри жаҳон халқларининг саксон уч тилинде үгирілған ва атиғи үн беш мисрадан иборат бұлған бу шсьр каттакон китоб ҳолида босилицы чиққан. Ҳамзанинг «Яша шуро»си ҳам үнлаб түлларда янграб туради). Қайсы бир санъат шундай баракали имкониятга зә? Миллий адабиёттар үз асарлариниң бошқа түлларга узатгани сайнин камайиб ски қашшоқлашиб қолмайды, балки үн чандын, юз чандын ортади ва бойиіді. Демек, таржима миллий түллар ва адабиётларнинг мавқесини мустахкамлайды, салоҳияттни бескіес оширади.

Бұндан келиб чиқадын ҳулоса шуки, бадий таржима умумадабиій ишимизды тозарын, бойиш жарағаниннинг ҳали етарлы фойдаланилмаётганды нақдиналаридан бириди.

Аммо ҳар қандай құдратли күчдә бұлғаннан сингари, бадий таржиманинг ҳам мухолиғлари йўқ эмас. Улар таржимадан чўчиидилар. Нонимизни яримта қиласы, деб!

Холбуки, таржима ҳеч қаңон адабиёттеги ризқини қиймаган, аксинча, фаровон қылған. Таржима ҳеч қаңон адабиёттеги манфаатига лат етказмаган, аксинча, унинг равиқиға равиқ қүшганды. Энг яхши таржима науналары ҳеч қаңон гоявий турғынлик, ифодавий услугбий гализликка олиб келмаган.

Тұгри, бадий таржима иккіламчи, тобесь адабий жараен. Оригинал адабиёт эса бадий таржиманинг доясидир. Лекин бәзан шундай бұладики, у ватан адабиёттеги үзи ҳам айтолмаган гапларни айтады, қылолмаган ишларни қиласы. Жон Риддинг «Дунёни титретганды үн күн»ини ким берди? Буюк Шекспирнинг жаһоншумул асарларини, Пушкиннинг инсон әркини маддә этувчи дүлбар шсьрияты, Толстойнинг чуқур фалсафасы ва гүзәл бадишият олами, Маяковский ва Нозим Ҳикматнинг үктам фикрлари ҳамда долгали овози, Зошченко, Анна Ахматованинг ҳазрати инсонға бұлған сүйнен мәхр-муҳаббати, давримизнинг қалби ва мазмунини бутун зиддиятлари билан ифодалаган Шолоховнинг шафқатсиз ҳаққоний тафаккурини бизга сахильтык билан ҳадя этганды ҳам үша — таржима бұлады. Чингиз Айтматов яратадын катта адабиётни, унинг жаҳон афкор оммаси онгшуурини лол этганды, журъатли, инқилобий мазмуннаны

тұлиқ фикрларини ҳам биз бадий таржималар туғайлы үрганамиз, үзлаштирамиз.

Австик Исаакяннинг «Абул Аъло»сидаги инсон хилқатининг моҳияти, унинг өвузликлари, қаттол ганимдан минг баттар муноғиқ дўстлар, одамни одамга бўрига айлантирган воқслик, бевафо аёллар ҳақидаги араб мутафаккири ал-Маъаррий номидан ўқинч ва ни до билан қалбдан лахча ўт булиб отилиб чиққан мисраларни қайси бир шоир шундай айти олади? Нодар Думбадзенинг бугунги куида иқтисодий, ижтимоий, маъниавий-ахлоқий ҳаётимизда кенг қуламли музофар хуррият даврини бошлаб берган жиҳдий сабабиятларни ҳаққоний акс эттирувчи «Абадият қонуни» романни бизнинг энг дилкаш маҳрамимиз булиб қолган экан...

Булар барчаси бадий таржима салтанатининг маҳсулидир.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ БУЮРАДИЛЛАР...

Буюк шоир ва мутафаккир Румийда (1207-1273) шундай масал бор. Бир кимса Сулаймон алайхиссаломга рўпара бўлади ва арз қиласди:

— Ҳазрат, — деб зорланади у даг-даг тиграб, — бугун айни тонг маҳалда менга — Азройил йўлиқди. Авзори жуда бузук куринди. Каминага шундай уқрайиб қарадики... Нақ жонимни оладиганга уҳшайди!

— Хуш, муддао?

Муддао шулки, фақат Сиз жонимга ора кира оласиз. Биламан, Сизда каромат зур. Шамолга амр этсангизки, жанобингизни ёмон кузлардан нари қочириб, бир зумда Ҳиндистонга олиб бориб ташласа. У сенда сон-саноқсиз одамлар орасидан Азройил мени топиб бўпти!

Сулаймон пайгамбар каромат курсатиб, ул кимсанинг айтганини бажо келтиради. Зум ўтмай ул шўрлик мулки Ҳиндистонга бориб тушиади...

Орадан кўп-да муддат ўтмай, Сулаймон иттифоқо Азройилни учратиб қолади.

— Дарвоқе, Сиз нега бир бечоранинг жонига жабр қиласдирсиз? Ул шўрлик бола-чақасидан йироқларда тентираб юрибди. Бу инсофдан эмас! — дейди Сулаймон жон олгувчига юзланиб.

— Худойи таоло ва таолошинг амрига кура, мен бугун бир гуноҳкор банданинг жонини олиб, эгасига элтиб топширишим керак эди, — деб жавоб қиласди Азройил. — Қарангки, эрталаб ул кимсани шу атроф-

ларда күрган эдим. Түппа-тузук юрувди. Бир вақт изласам, ул гойиб булибdir. Ҳиндистонга қочган экан. Шамол бүл-ә! Үша Ԑвларга овора булиб боришига түгри келди. Шу топда унинг жонини танаасыдан жудо қилиб, кеслиб турибман.

Жалолиддин Румий бу ривоятдан шундай холоса чиқарадылар: бир уйлаб күрайлик-а, биз кимдан қочиб, қаека ҳам кетардик? Ахир, баний одам үзиңдән қочиб қутуломайдио, тагин Ҳудодан қочиб кстмокчи бүлгани таажжуб.¹ Буни юқорида ҳам қайд этүвидик.

Бу, албатта, афсона. Лекин Румийнинг инсон рұхиятининг азалий бир хусусияти: унинг үзгалар нари турсин, үз-үзидаң, узининг ички оламидан, қилиқ-қылмишларидаң күтулиши амри маҳол эканлығы ҳақи-даги холосаси гоятда оқылона мазмунига эга.

Тарки одат — амри маҳол.

Етмиш йиүллик тарихий тараққиеттинг турли даврларыда бизда кишилик жамиятиниң қайта қуриш, табиатни үзгартырыш хусусида күпдан-күп күч ва маблаглар сарфланды. Эндиликда эса, табиат ва жамият-дан ҳам олдин, энг аввало, ҳар бир киши үз-үзини, онг-шуури ва ички рухий оламиниң қайта қуриши ло-зимлиги аниқ булиб қолди. Бу эса дүниедеги энг муш-кул ишлардан бири экайлиги юқоридағи масалдан ҳам маълум.

Бироқ бошқа бир ҳақиқатта ҳам шак көлтириб бүлмайды. Инсон қанчалик камолотта эришган, юксак тараққиет чүккисини забт этгандын бүлмасын, у үша чүк-қида, мудом бир жойда деспиниб турға олмайды. Унинг қалбы доим уйғоқ, ҳамиша, бстиним олға қараб интилады. Үз камолоттың түсік булиб қолған ҳар қандай нарсаны мұқаррар үзгартырады, үз мұхитини, яшаш шароитини, иқтисодий, модний ва маънавий ҳаёт тарзини ҳам мұқаррар қайта қуради. Бошқача булишин мумкін эмес.

Хозирғи даврнинг асосией даеввати — янгилашиш билан қайта яратыш санъати ҳисобланған таржима уртасыда яқинлик, муштараклик бор. Фарқ шундаки, инсон үзиге мақбул келмай қолған нарсаларни қайта

¹ Жалолиддини Руми. Нигаристани Азрил алайхас салом бар шахс на турхтаны у дар сарой Сулаймон алайхас салом... — Маънавии маслави. Якум дафтар. Нашри Ҳиндистон. Лакнау, сах. 38; Джалаляддин Руми. Позма о скрытом смысле. Избранные притчи. Перевод с персидского Наума Гребнева. М.: Наука, 1986, с 16-17.

курса, таржима санъатида, аксингча, маънавий ва руҳий ҳаётимизга мос тушадиган, мақбул буладиган нарса — бошқа тиљда ёзилган асар она тилимиз воситала-ри орқали қайта яратилади.

Мустақиллик даврининг таржималари шу улугвор давринг мақсади, талаби ва вазифаларига мос ҳамда муносиб булиши лозим. Улар минглаб, миillionlab ўкувчиларни ишонтирадиган, кишиларни янгича яшашга, уйлашга, фақат атрофга, бошқаларгагина эмас, балки ўз-ўзига янгича қарашга ва шу янги шароитда курашишга ургата олиши керак. Бу жиҳатдан қайта яратиш санъати тимсоли бўлмиш бадиий таржимачиликнинг ўзи янгича талқинга, эҳтимол, ҳаммадан кура кўпроқ муҳтоҷ бўлган соҳадир. Бу ерда жуда кўп нарсалар: аввало, таржимага китоб танлаш, қогоз лимити, тираж, муаллиф ва таржимонга ҳақ тўлаш тартиби, моддий ва маънавий рағбатлантириш, таржималарнинг микдори ва сифати, тил билиш, ёш таржимонларни стиштириш ва тарбиялаш, таржима танқиди ва таржима таҳсили, маҳорат масалалари жиддий бир тарзда қайта кўриб чиқилиши, ҳаётга мослаб ўзгартирилиши лозим.

Ёмон бўлмасди, агар сифатни яхшилашнинг янги чора ва тадбирлари билан бирга, бундан авваллари кўллаб келинган айрим тартиб ва таомиллар яна кучга кирса. Масалан, таржима қилишга китоб танлаш билан баробар, таржимон ҳам таниланса. Фақат хоҳишистаги, шахсий «садоқати» ёки улфатчилиги юзасидан эмас, балки — қобилиятига қараб! Ҳозир эса, кўп ҳолларда — бунинг акси. Балки атоқли ёзувчи ва шоирларнинг айрим йирик асарларини таржима қилишга даъвогарлар уртасида очиқ конкурс ўтказишни урғ қилиш ҳам мумкун бўлар.

Умуман, бу ерда ўйлаб курадиган гап кўп.

ТАРЖИМОН ИСТЕДОДИННИНГ ҚАДРИ

Олим таҳлил қиласди, ёзувчи тасвиirlайди, актёр характер яратади, деймиз.

Таржимон нима қиласди? Таржимон, турган гап, таржима қиласди.

Илм, адабиёт, санъат аҳлининг меҳнати машаққатларини заррача камситмаган ҳолда, айтиш керакки, мутаржим жудаям ўзига хос лаёқат, иқтидор, ис-теъдод ва билим соҳиби булишдан ташқари, унинг

заковатида дәярли барча ижод ахлининг фаолиятiga хос: таҳлил, тасвир, бошқаларнинг қиёфасига кириш (тақлид қилмаган ҳолда!), характер яратиш, кайфият түгдериши, таңқид қилини ва ҳатто маҳсус «ўқий билиши» сифатлари жамулжам. Чунончи, таржимонда сўзувчи ва таңқидчи, актёр, рассом, бастакор ва олим меҳнатидан ҳам нимадир бор. Бу шундан иборатки, таржимон лингвиист булиб лисоний материални таҳлилдан ўтказди, актёр синигари бирониниг (бу уринида — муаллифииниг) қиёфасига киради ва айни вактда ўзлигини сақлайди, ўзи угираётган нарсага ва, айниқса ўз меҳнатига таңқидий назар билан қарайди, таржима қилинаётган оригинал (аслият)ни яхлит ҳолда ҳамда бўлакларга булиб бир исча марталаб (керакли жойла — овоз чиқазиб!) ўқийди, «ўлик» мати орасидан муаллифииниг жоюли сиймосини ва қалбини қидиради. Хуллас, гап орқасидан қувмайди, балки маъно, куй, оҳанг, бүек излайди.

Ўзбек адабиётидаги энг яхши таржималар шу йўсимида дунёга келган. Абдулла Қаҳҳорининг — Н. В. Гогол ва А. П. Чеховдан, Мирзакалон Исмоилийининг — Л. Н. Толстой ва Раҳид Нури Гунтекиндан, Ҳамид Олимжонининг — А. С. Пушкин ва К. М. Симоновдан, Миртемирининг — Н. А. Некрасов ва Расул Ризодан,Faфур Ғуломпинг — Вилиям Шекснир ва Мирзо Турсынзодадан, Сарвар Азимовининг — Лев Толстойдан, Амин Умарийининг — Т. Г. Щеччинодан, Усмон Носирининг — М. Ю. Лермонтовдан, Эркин Воҳидовнинг — Фёте ва Есениндан, Абдулла Ориповнинг — Данте ва Лесся Українкадан, Наби Алимухаммадининг — Н. В. Гоголдан, Рауф Парфининг — Ноҳиз Ҳикматдан, Ваҳоб Рузиматов билан Миркарим Осимининг — М. А. Шолоҳовдан, Омон Матжонининг — Ю. Марцинкевич юс ва Е. Евтушенкодан, Шавкат Раҳмонининг — Гарсиа Лоркадан қылган аллақаңгча таржималари шундай. Ўзбек таржима адабиётида етмиш йил ичида яратилган энг сара асарларни санаб ҳам адогига стиии қийини. Етук таржимонларимиз қаторида Р. Абдураҳмонов, Н. Ҳабибуллаев, Ф. Эргозисев, Ж. Азизхонов, М. Мирзоидов, О. Раҳимий, А. Ёқубовларнинг номларини эслаймиз. Шунингдек, К. Қаҳҳорова, Ш. Толивов, А. Уразасев, М. Иброҳимов, Қ. Мирмуҳаммад, И. Гафуров, О. Шарофиддинов, Ҳ. Турабков, Низом Комил, Ш. Усмонхужаев, Зумрад, А. Рашидов, М. Ҳакимов, Ҳ. Муҳам-

мадхонов, Х. Аҳророва, Л. Тожисва ва бошқалар ўз ишининг катта устаси эканлигини китобхонлар яхши биладилар. Ўзбек адабиётини рус тилига таржима қилинди С. Бородин, Л. Пенковский, В. Державин, С. Липкин, С. Иванов, Н. Грибачев, С. Баруздин, С. Сомова, М. Салие, В. Липко, С. Паластрев, Н. Владимирова, С. Северцов ҳамда яна бошқа кўплаб қалам аҳлининг ҳам муносиб хизмати бор.

Бу уринда номлари узоқ йиллар давомида унугиб келинган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Сайдгани Валиев, Санжар Сиддик, Роик, Абдулла Авлонийларнинг 20-30-йилларда жаҳон, рус адабиётидан қилган таржималарини эсламаслик мумкин эмас. Халқимиз Гарб ижтимоий-сиёсий адабиёти намуналарини, рус мумтоз адабиётининг бир қанча асарларини, Н. В. Гоголининг «Уйланиш» ва «Ревизор» комедиялари, М. Горкийнинг «Менинг дорилфунунларим» романини илк дафъя ана шу адибларнинг таржималарida үқиган эдилар.

ДИЛ ДИЛНИ «ТАРЖУМОН» ЭТГАНИДА

Биз бадиий таржимада Чулпон, Усмон Носир, Ойбек,Faфур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Асқад Мухтор, Зулфия, Йўлдош Шамшаровлар ижодига нисбат берганимиз ҳолда, улар яратган мактаб ёхуд муҳит ҳақида гапирамиз. Бу «ошириб» айтилган таъриф эмас. Бунинг боиси уларнинг кўп ва хуб таржима қилганларида ҳам эмас. Гарчи бу жуда муҳим курсаткич бўлса-да. Зотан, улар оригинал ижодга ё таржима орқали кириб келдилар, ё умр бўйи таржимага содик булиб қолдилар: узларининг куч ва қобилиятларини таржимага багишладилар, оригинал асардан кура бир неча ҳисса ортиқ бадиий барқамол таржима яратдилар.

Етмиш йиллик ўзбек таржимачилиги мактабининг сабоқлари шундаки, бизнинг йирик шоир, ёзувчи, драматург ва профессионал таржимонларимиз қайта яратиш жараённига санъат ва ижод деб қарадилар. Улар бу «иккиламчи», «ҳосила» ижодий иш ўзбек адабиёти тараққиётининг ҳар бир даврида бирламчи аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис қилдилар.

Ойбек «Евгений Онегин» таржимасига ўн икки йил давомида икки топқир қайтган (1937, 1949 йилларда),

уни бошқатдан чуқур ишлаб чиқиб қиёмига етказган экан, бунга А. С. Пушкин айни шу шеърий романни аслида өзишта сарфлаганидан кура (1823-1831) бир ярим ҳисса күпроқ вакт сарфлади. Йулдош Шамшаров ўзи таржима қилган И. С. Тургневнинг «Лиза», «Баҳор тошқинлари» қиссаларини әд билар, «Арафа» романни ҳар қандай тургисевшуюс адабиёт олимидан кура нозикроқ тушунар ва таҳлил қиласар эди.

Усмон Носир М. Ю. Лермонтовнинг «Демон» поэмасини ўзбек тилига әниб таржима қилган. Асарни әд билган.

Инглиз тили билагонлари «Ҳамлет»нинг Мақсад Шайхзода таржимаси трагедиянинг инглизча аслига жуда яқинлигини ҳайратланиб гапирадилар. Ваҳоланки, Шайхзода асарни инглиз тилидан эмас, балки драматург Жаъфар Жабборлининг озарбойжонча таржимасидан қисман фойдаланганни ҳолда, Борис Пастернакнинг русча таржимасида тоғи уришларда русча таржимада йўл қўйилган иуқсоилар... инглизча аслиятга мос ҳолда тузатилиган. Бошқача айтганда, бундай уришларда ўзбек шоири ўз таржимасига асос қўлиб олган русча таржиманинг тоҳо қусурли талқинидан кура инглизча Шекспир матнига содик қолган. Бу чинакам фавқулодда далилиниг гуроҳи бўлган талқиқотчилар Шайхзода, ажабмаски, инглиз тилини бир қадар билган, бинобарин, шоҳ трагедияни Шекспирнинг ўз тилида ўқиган бўлиши мумкин, деб тахмини қўядилар. Аслида эса, Шайхзоданинг инглиз тилини билгаюлиги ҳақида бирон жўяли далил йўқ. Ҳамма гап шуидаки, у Шекспирни фақат муайян бир русча таржимадангина урганиш ва шу асосда ўзбекчага ўғириш билан чекланмаган. Буюк Вилям ва унинг ижоди, жумладан, «Ҳамлет» ҳақида рус тилида юз йиyllардан берин яратиб келинаётган бой тарих, катта назарий-танқидий ва текстологик адабиёт билан бирга, асарнинг ҳатто сўзма-сўз аниқ таржималари мавжуд. Шайхзода бу жамғармадан фойдаланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Бундан ташқарип,Faфур Ғулом, Шайхзода, Миртесмир, Усмон Носир сингари катта шоирларимизнинг таржималарига даҳлдор ажиб бир фазилат бор. Бу ботиний, шоирона интуиция, ҳис-туйғудир. Улар «тил тусиклари» оша ўзлари ўғираётган асар орқали шоирнинг мақсад-муддаоси, нима демоқчи бўлаётгани, дил

армонларини илгаб олганлар. Зотан, ҳар қандай шароитда ҳам шоир шоирни тушунади. Мутафаккирнинг қуввани ҳофизаси, зийраклиги, таржимон истеъодига хос топқирилиги, гоҳо шундай буладики, тиљнинг «қаршилигини» ҳам сиғишига қодир. Тил фақат тиљни эмас, балки, Алишер Навоий тили билан айтганда, дигъ дилни «таржимон этган»ида шундай булиши мумкин.

Биз билган таржимонлар ўз ҳариф-муаллифларини жон-дилдан севар, уларнинг ҳар бир сўзини муқаддас деб билар эдилар.

ВОРИСИЙЛИК, УЗВИЙЛИК, ДАВОМИЙЛИК

Ижодий жараён бўлган бадний таржимага ҳам анъанашибийлик, узвийлик ва давомийлик, таржимонлар ўртасида устод-шогирдлик муносабатлари бегона эмас.

Янги давр ўзбек реалистик таржимачилиги тараққиётни кўр-кўронга тақлидчилик, шаклбозлик, сўзмасўзлик (ҳижжавийлик) ёки бунинг акси бўлган бсхудуд, бебошвоқ «эркинилик» йўлидан эмас (гарчи таржимонларимизнинг ижодида бу иллатлар бот-бот учраб турса-да), балки адекватлик, аслиятга ва ўз ижодий услубига содиқлик, янги китобхонга, муаллиф мулкига хиёнат қўймаган ҳолда, тушунарлилик йўлидан борди. Шеърнитда шаклбозлик, футуризм, насрда эса ҳиссиз натурализм ва яланғоч социологизм ҳукм сурған даврларда бу иллатлар барчаси, баъзан билим савиясининг настлиги ва тиљни, ҳаётни, муаллифини дуруст билмаслик нуқсоnlари билан қўшилган ҳолда, бадний таржимачилик соҳасида ҳам «жилва» курсатди, албатта.

Ҳар бир ижодкорнинг қисмати, агар у чин шоир, сюючи ёки драматург үлароқ, тақдирини ўз халқининг тақдиди билан боғлаган бўлса, ҳеч қаён осон кечмаган. Улар ўз асарларида тарих ва замонасининг чигал масалаларини қаламга олган, Ватани ва Халқининг дил армонларини кўйлар эканлар, — муҳит ва атрофдаги баъзи бирорлар буқаламун бўлганида (булдай вазиятлар ҳам учраган), — хоҳ Абдулла Қодирӣ, Чулпон, Усмон Носир булсин, хоҳ Ойбек, Миртемир, Мақсад Шайхзода, Мирзакалон Исмоилий, Шухрат, Тұхтасин Жалол ёки Миркарим Осимин олайлик, адилларимизнинг ижодий фаолияти атрофида тушун-

мовчиликлар ҳам бўлиб турган. Бундай муносабат, аслида, даврий тақрорланиб туришига қараганда, афсуски, тасодифий ҳам бўлмаса керак. Шундай вақтларда, айниқса, бадиий таржимачилик ишни уларга ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам улкан тарбиявий мадад бўлган. Буида улар В. Шекспир, Ф. Шиллер, Н. В. Гогол, А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Л. Н. Толстой, В. В. Маяковский, М. Горкий, А. Исаакян асарларини кўпроқ таржима қилишга юзланишган, даврнинг долзарб масалалари, хаста виждони ва муштарак дил изтиробларини буюк рус ёзувчиларининг иродаси билан, уларнинг номидан изҳор этишган. Шу йусинда жаҳон, рус мумтоз ва янги давр адабиёти, қардош халқлар адабиётлари улар учун фақат ижодий мактаб эмас (буининг узи ҳам фанқулодда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да!), балки катта тарбия, мадад, ибрат ва маҳорат манбай эди. Улар муайян мавзуда исега, қачон, қандай ёзиш ёки ёзмаслик кераклигини курсувчи бамисоли машғула, жонли тимсол эдилар.

Биринчи авлод ўзбек таржимонларининг ижоди кейинги авлод учун, урта авлод тажрибаси ундан кейинги ва ҳозирги ёш ижолкор ҳамда профессионал таржимонлар утуни бўтмас-тутнамас ворисий хазина-дир.

Устод-шогирдчилик, мактабдошлик анъаналари, таъсир ва акс таъсир бадиий таржимада ўзига хос бир тарзда кечади. Бундай яқинлик ва «адабий-қардошлик»ни муайян ижодий оқимга мансублик, жанр, мавзу, услугб аломатларига қараб аниқласа ҳам бўлади. Масалан, Абдула Шер, Саъдулла Аҳмад, марҳум Асқар Қосимлар Асқад Мухторнинг таржимонлик анъаналарини давом эттиридиар ва бир қадар бойитмоқдалар. Биз бунда номлари зикр этилган адабиётларининг жаҳон, рус мумтоз ва сўнгги давр адабиёти, антик адабиётдан қилган таржималарига Асқад Мухторнинг сўз бошилар ёзиб, уларнинг бошини силагани, ёш мутаржимларга «оқ фотиҳа» берганлиги, шунинг ўзинигина назарда тутмаймиз. Бу чуқур масала. Гап шунидаки, улар устод шоирнинг таржимага асар танлаш, таржима қилиш техникаси, усул ва услуби, тадбир ва тамойиллари, ўз таржимасини қиёмага стказиш устида алоҳида қунт билан меҳнат қилиши, ижод жараёнини фақат «кузатибгина» қолмайдилар, балки ицдан чуқур ўрганадилар.

Мирза Кенжабоев узининг «Евгений Онисгин» тар-

жимасини устод Ойбек хотирасига багишлаган экан, бу энди шунчаки хурмат эмас, балки бундан жиддийроқ бир нарса, яъни ихлос ва эътиқоддир. А. С. Пушкиннинг шсърий романини Мирза русча аслият билан баробар Ойбекнинг ажойиб таржимасида ўқиди. Бу билан у бир йўла икки манбадан, икки даҳо шоирнинг маънавият дунёсидан баҳраманд бўлди ва айни вақтда мазкур асарнинг ўз таржимасини яратади. Юсуф Шомансур, Жамол Камол ва Саъдулла Аҳмадларнинг Вилиям Шекспирдан қилган таржималари уларнинг ўз шоирлик иқтидори, тайёргарлиги ҳамда меҳнати натижаси улароқ, қисман, Чулпон ва, хусусан, Мақсад Шайхзода мактабининг самараси бўлса, Рауф Парфи, Миразиз Альзам, Сулаймон Раҳмон, Отаср Наҳановлар Миртемир таржима мактабининг муҳлиси ва давомчилари. Холида Аҳророва, марҳум Мирзиёд Мирзоидов, Қодир Мирмуҳаммадлар эса Мирзакалон анъаналарини давом эттиromoқдалар ва бойитмоқдалар. Ваҳоб Рузиматов Гафур Гулом ижодига чукур ихлосманд, унинг шеърий ва насрый таржималарини яхши билади.

Оригинал бадиий ижодда таъсир масаласи дуруст урганилган. Лекин бадиий таржимачилиқда бу масаланинг мураккаблик ва зиддиятли томонлари бор. Қайси бир адаб кимнинг асарини таржима қилган бўлса, муқаррар равишда ундан «таъсирлангани»ни билдиравермайди, албатта. Таржимонлик иқтидори, ҳосил қилинган маҳорат ва бунинг самараси улароқ, яна янги ва янги таржималарнинг юзага келишини муаллиф — таржимон ҳамда таржимон — таржимон муносабатларидан ҳосил бўладиган ана шундай ижодий баҳрамандликнинг натижаси деб қаралмоғи лозим.

ЭРКИН – САРБАСТ ДЕГАНИ. ВА АКСИНЧА

...Бир неча йил муқаддам август ойининг охирида Югославиянинг Струга шаҳрида XXVII анъанавий поэзия байрами бўлиб утган эди. У ерда жаҳоннинг саксонга яқин мамлакатидан шоирлар жамулжам булишди. Бу поэзия фестивалида саксон тилда шеърлар жаранглади! Чамаси, дунё шоирлари учун шеър мазмунини тушунишдан кўра, турли-туман тилларда ашъор мулкининг қандай жаранглаши муҳимроқ эди. У срда италян, испан, рус, инглиз, франсуз, немис,

араб, украин, узбек тили, жамийки тиллар бир-бирлари билан лирик эхтирос, товушлар жарангосида үзаро гүе баҳслашарди.

Македонияда, ҳозирги бизнинг амалдаги ғузувимизга асос солинган тарихий Кирилл ва Мефодий ибодатхоналари жойлашган ниҳоятда сўлим, оромгоҳ оролда гурунг бошланиб кетди. Бу шеърхонлик даврасида кўпмишлатли адабиётларнинг вакиллари, украин шоири Иван Драч, рус шоиrlари Лариса Сушкова, Сергей Бабков, узбек шоири Эркин Воҳидов ҳамда бир қанча турк шоиrlари жам бўлишиб, ҳар бир адаб ўз асарларини сҳуд узи севган, таржима қылган шоиrlарининг шеърларини ўқиб, даврани қизитар эдилар. Шунда камина жуда ажиб бир воқсанинг гувоҳи булдим. Бизнинг Эркин Воҳид ўзининг улкан шоиrlик иқтидоридан ташқари, ажойиб қуввани ҳофизага, ўт-кир бадиҳавий қобиلىятга эга эканлигини намойиш қилди. У бир баркамол турк шоири билан кун буйи, галма-галига Фузулий газалларини ёдаки ўқинига берилиб кетди. Мушоирага киришган иккى адаб, Фузулий даҳосидан завқланиб, бир-бирларини тўлдириб, баязан эса тузатган ҳолда, буюк озарбойжон шоиrnинг — девонинни бусбутун ёд ўқишиди.

Чинакам таржима қилиш, таржимани санъат дара-жасига кўтариш учун мана шундай ихлос, муҳаббат, фидойилик кераклигига яна бир бор иймон келтирдим.

Бу даврада ҳар хил тил, эҳтимол, ҳар хил маслак, эътиқоддаги адиллар, турли қитъя ва халқларнинг вакиллари — узбеклар, украинлар, турклар, руслар, словен ва хорватларини Фузулий сиймосида Шарқ мумтоз адабиёти, унинг инсонпарварлик рухи, санъати, рамзлари бирлаштиргандай бўлди. Менга нашъя қылган жойи шунда эдики, турк ва узбек шоиrlари оддий «насрий тил»да мулоқотга киришганда, бир-бирларини дейярли тушунишмасди.

Усмоили турк тили — бу Жалолиддин Румий, Бадрииддин Самовий, Камол Отатурк, Нозим Ҳикмат, Азиз Несин, Догларжаларнинг тилидир. Аммо ҳозирги турк тилининг лугати бугунги бизнинг узбек тилимиздан жуда-жуда фарқ қиласди. Биз «машина» десак, улар — «арава» дейдилар, биз «самолёт» десак, уларда — «учак». Ҳатто шоиrimиз номи «Эркин»ни туркчага «таржима» қилиш ҳам бенихоя қийин бўлди ва охироқибат бунинг иложи топилмади ҳам. Юз-кузлар, кўллар ифодаси, турли галати ҳаракатлар билан шу нар-

сани аранг аниқладикки, «эркин» деган сүз турк тилида умуман йўқ экан. Улар буни «сарбаст» дейишаркан...

Бироқ оддий «заминий» тилдан юксак, қадимий шеърият тили — фузулийхонликка ўтганда эса, «ё раббий!» — гўё ҳамма нарса бирдан ёришиб кетар, тушунали бўлиб қолар эди. Шунда мен, узимча, ҳайрат бармоғини лабимга босиб, халқларни баъзан истиқбол эмас, балки узоқ утмиш ҳам бирлаштирас экан-да, деган хаёлга бордим.

Муддаога ўтайлик. Бу фузулийхонлик Эркин Воҳидовнинг шоирона маҳорати сирларини бусбутун «фош» қилди. Биз шоирнинг лирикасини, унинг таржималарида «Фауст», Сергей Есенин ва бошқа ўнлаб гарбу шарқ адабиётларининг асарларини уқиб, тилининг нақадар табиийлиги, бойлиги, ташбех ва мажозларининг ранг-баранг шеърий санъатлар ичра рақсга тушишини кўриб, муаллиф ва мутаржим маҳоратига таҳсин ва тассанно уқиймиз. Ҳа, тиник, завқбахш шеърий алфоз, гўзал таржималарнинг нашъу намоси, мусиқаси, оҳори, биринчи галда, истеъдод маҳсулни. Бироқ бу «истеъдод» насл-насабсиз, илдизсиз, макон ва замондан ташқаридағи қандайдир муаллақ, мавхум бир тушунча эмас. Истеъдод ўзини койитганида, уқиб-урганганида, қора терга ботиб меҳнат қилинганда-гина самара беради. Йқтидор билан қилинган меҳнат, меҳнат билан эришилган иқтидор бир-бирини тўлдиди.

НИМА ҚИЛМОҚ КЕРАК, ҲАМЛЕТ?

Бадиий таржима жуда ҳам ўзига хос синтезлаштириш қудратига эга. У қитъалар, замонлар, халқлар, адабиётларни яқинлаштиради. Чунончи, узбек адабиёти бағрида, таржима туфайли, юзлаб Шарқу Фарб, классик ва ҳозирги замон, рус ва бошқа халқлар адабиётлари яхлит адабий-эстетик ҳодисани ташкил этади. Бунда биз Вилям Шекспирдан — Чингиз Айтматовгача, Оноре де Балзакдан — Муса Жалилгача, А. С. Пушкиндан — Расул Ҳамзатовгача, Эсхилдан — Мушфиқ Козимгача, Гёtedан — Абдулла Тўқайгача, Шота Руставелидан — Михаил Булгаковгача, Фирдавсийдан — Самад Вургунгача, Робиндронат Токурдан — Эрнест Ҳемингуэйгача жуда хилма-хил адабий анъаналар ворисига айланамиз. Антик адабиёт ҳам,

урта аср адабиётлари ҳам, классицизм, романтизм, реализм адабиёти ҳам... бугунги ўзбек тилида жаранглайди.

Вилям Шекспир руҳи ўзбек маданийти, санъати ва адабиёти тарихида, ўзбек шоирлари, таржимонлари, актёрлари, рассомлари тақдиррида ярим асрдан зиёд (1934-1987) яшаб келди ва тоабад янайди.

1960 йилда Шекспирнинг ўзбек тилида чоп этилган «Пьесалар»и бешта трагедияни ўз ичига олган бўлса, 1981-1985 йилларда босилган беш жилдан иборат «Таиланган асарлар»и буюк Вилямининг ўн еттита фоже ва комедияларини қамрайди.

1935 йил 11 февралда Ҳамза театри саҳнасида «Ҳамлст» трагедиясининг премьераси бўлади (Чулпон таржимаси, режиссерлар М. Уйғур, Е. Бобоҷонов), 1941 йил 29 январда «Отелло» трагедияси қўйилади (Ғафур Гулом таржимаси, Н. Ладигин ва М. Уйғур постановкаси). Урущдан кейинги давр, 1951 йилда мазкур театр саҳнасида «Ромео ва Жулийста» трагедияси үйналади (М. Шайхзода таржимаси, режиссерлар А. Гинзбург, М. Уйғур). 1955 йил 2 марта эса Навоий номидаги опера ва балет театрида Шекспир трагедияси асосида Ш. Гуно яратган «Ромео ва Жулийста» операси намойиш қилинади. 1958 йил 26 апрелда Ҳамза театрида «Юлий Цезар» қўйилади. Орадан беш йил утгач, 1963 йил 21 марта худди шу театрда мазкур асар яна намойиш этилади (Уйғун таржимаси). 1966 йил 19 марта Ҳамза драма театри саҳнасида Ғафур Гулом утирган «Қирол Лир» трагедияси курсатилади. 1984 йил 8 июняда уша театрда «Отелло»нинг янги премьераси бўлиб ўтади (постановкачи: ҳалқ артисти, Вахтангов номидаги театр режиссери Е. Р. Симонов)¹.

Республикамиизда бадний таржима тараққиётпин кузатганимизда, унинг ватан адабиёти билан биргаликда ягона ижодий жараёнининг икки қанотини ташкил этгани ҳолда, ҳамма вақт қўлтиқма-қўлтик ривожланиб борганининг шоҳиди бўламиз. Оригинал адабий асар билан таржима бир-бирини тўлдирган, бир-бирининг ривожига қулајлик яратган.

Ярим асрдан зиёд давр ичидаги Шекспирнинг «Ҳам-

¹ К.: День за днем. Хроника культурной жизни Узбекистана (1917-1987). Автор-составитель Владимир Тюриков. Ташкент: Изд-во... им. Гафура Гуляма, 1987.

лет»и ҳамда Алишер Навоийнинг «Хамса», Абдулқодир Бедилнинг «Комде ва Мудан», Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» достонлари асосида яратилган саҳна асарлари ва кинофильмлар, Гоццининг «Бахти гадолар», Молійернинг «Тартюф», Ф. Шиллернинг «Қарокчилар», «Макр ва муҳаббат», Н. В. Гоголининг «Ревизор», «Үйланиш», А. С. Пушкиннинг «Борис Годунов» трагедия ва комедиялари Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Комил Яшиннинг «Гулсара», «Нурхон», Уйгун ва Иззат Султоннинг «Алишер Навоий», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна», Мақсад Шайхзоданинг «Жалолиддин», «Мирзо Улугбек», Улмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз», Сарвар Азимовнинг «Юлдузлар жамоли», Сайд Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» сингари тарихий ва замонавий мавзуларда яратилган пьесалари ўзбек театрлари саҳналарида курсатиб келиниди. Улар ҳалқимизни юксак инсонпарварлик, тарихга, ватангә, ҳалққа садоқат руҳида тарбиялашда мұхим аҳамият қасб этмоқда.

Шу уринда бадиий таржиманинг ватан адабиёти асарларини ҳар хил нохуш «шамол»лардан, гармслардан омон сақлаш борасидаги мислсиз хизматини ҳам алоҳида қайд этиш лозим.

Ўзбек насрый мемуар адабиётининг нодир намунаси, Вилям Шекспирнинг асрдоши Захириддин Мұхаммад Бобурнинг машхур «Бобурнома»си юз йилнинг нари-берисида инглиз, олмон, франсуз тилилари-га бир неча мартараб таржима қилинди. Булар орасида ҳали Париж Коммунаси даврида ёк (1871) машхур шарқшунос олим Паве дс Куртейл томонидан франсуз тилига ўтирилган нусхаси ҳамда ўша олимнинг Алишер Навоий, Абулгози Баҳодирхон ва Бобур Мирзо асарлари асосида тартиб берган туркӣ-франсузча қалин лугати, совет даврида Михайл Саліє томонидан амалга оширилган тұла русча нашри мазкур гоят нодир адабий ёдгорлигимизни келиб-келиб үзимиздаги айрим тарихчи олимларимизнинг (М. Ваҳобов ва бошқалар) гиrt вулгар социологик хуружидан сақлаб қолища жуда катта омыл бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек адабиётининг, у ҳоҳ мумтоз, ҳоҳ ҳозирги замон адабиёти асарлари бўлсин, унинг мамлакатимиз ичкарисида ёки хорижий ҳалқлар орасида эътибор топиши бир қанча омилларга бөглиқ. Қанчалик ҳайратомуз бўлиб кўринмасин, бу аввало үзимизнинг уз адабиётимизни ва, қолаверса, шу адабиётнинг бир-

ламчи ифодавиій воситаси бўлган она тилимизни қанчалик қадрлай билишимизга вобаста. Турган гап, агар биз уз адабиётимизни үз она тилимизда эмас, балки бошқа тилга қилинган таржималаридағина уқиб «түшунадиган» бир аҳволга келиб қолсақ, ва бундай аҳволни үзимиз учун «буюк интернасионал шараф» деб билсақ, бошқача айтгандা, у зугилар нари турсин, үзимиз учун ҳам бора-бора «ортиқча» бир нарсага айланана борса, — адабиётимизшинг бошқа тилларга таржима қилиниши ўқда турсин, наинки таржима, умуман адабиёт түгрисінде ганирмаса ҳам бўлади. «Иккинчи она тили» ҳақидаги иддаоларни назардан соқит қилинса, үз-үзича олганда, иккى тиллилик ва кўп тиллилик, — бу 'объектив ижтимоий жараён — ҳозирги йигирмачи асрда қанчалик ҳаёттй мухим зарурат бўлса, йигирма биринчи ва ундан кейинги асрларда бу жараён янада чукурлашади ва жиҳдийлапшадики, аммо сираям бушашмайди ва жўнлашмайди. Демак, масалаларниң масаласи она тилимиз, адабиётимиз, санъатимиз, маданиятимизни қанчалик тушиуниш, сақлаб қолини, тарбиялаш, парвариш қила билишимиздан иборат. Бошқача айтганда, тилимиз, адабиётимиз, маданиятимизнинг келгуси тақдири бизнинг үз қўлимида. Бугунги кунда үз-үзимизни қандай англанимиз, маънавий ҳаётимиз ва тафаккуримизни қандай илроқ этишимизга чамбарчас бўғлиқ.

ОҚИБАТ НИМАДАН БОШЛАНАДИ?

Хорижий мамлакатларниң, айниқса, туркӣ ҳамда иотуркӣ халқлар адабиётларининг айрим атоқли шоир ва ёзувчилари — Нозим Ҳикмат, Пабло Неруда, Файз Аҳмад Файз, Робинидранат Токур, Мухтор Авезов, Николај Тихонов, Константин Симонов, Микола Бажан, Мирзо Турсунзода, Чингиз Айтматов, Расул Ҳамзатов, Мустай Карим, Юрий Суровцев, Евгений Евтушенко, В. Кариов билан үзбек адиллари ва, умуман, Узбекистон ҳукуматининг муносабатлари қалин эди. Уларниң купиари республикамида бўлган, айримлари үзбек адабиёти асарларини таржима ҳам қўлган.

1964 йил 19 ноябрда Ҳамза театрида Чингиз Айтматовнинг «Қизил дуррачали сарвқоматим» қиссаси асосида тайёрланган спектакл премьераси бўлади (А. Котелников инсценировкаси, Ҳамид Ғулом таржима-

си). 1971 йил 10 ноябрда халқ артисткаси Г. Н. Загурская М. Горкий номидаги рус Давлат академик драма театри саҳнасида Ч. Айтматовнинг «Момо ер» қиссаси асосида ишланган спектаклда она ролини ижро этгани учун Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига сазовор булади. 1986 йилда Ҳамза театрида Ч. Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» романни асосида ишланган спектакл куйилади (таржимон Эркин Воҳидов). Узбек тилида бу адабининг қарийб барча асарлари турли йилларда қайта-қайта босилган ва икки жилдан иборат асарлар туплами ҳолида чоп этилган. 1987 йилда «Ёшлик» ҳамда «Шарқ юлдузи» журналларида унинг «Асрга татигулик кун» ва «Кунда» романлари босилиб чиқди (таржимонлар Асил Рашидов ва Иброҳим Гафуров). Кейинги икки таржима Ч. Айтматов ижодини узбек китобхонига бутун чуқурлиги ва мураккаблиги билан стказиб берган мукаммал сўз санъати намунаси десса булади. Бу икки роман ҳозирги исплоҳотлар ва ошкоралик даврида миллпоинлаб кишиларимизнинг маъниавий-ахлоқий камолотида жуда катта урин тугади.

1981 йил 13 июля Горкий номидаги Тошкент драматик театри узининг Челябинск шаҳрида утказган гастролларини Н. Думбадэснинг «Абадият қонуни» асари бўйича саҳналаштирган постановкаси билан якунлайди. (Романини узбек тилига Низом Комил қиёмага келтириб ўтирган.)

Турли йиллар орасида (1952, 1958, 1986, 1987) бадиий таржиманинг адабий-эстетик ва назарий-методологик масалаларига багишланган йигилишлар булиб ўтди.

Аммо таржимон истеъоди, унинг оғир ижодий меҳнати ҳамма замонларда ҳам қадрланмаган, муносиб тақдирланмаган. Бизда эса бу соҳада бир қанча яхши ишлар амалга оширилди.

1967 йилда халқ артистлари Олим Ҳужаев, Сора-Эшонтураева, Наби Раҳимов, Яйра Абдулласва, Сайди Табиуллаев ва В. Н. Ладигинга В. Шекспирнинг «Қирол Лир» спектакли учун Ҳамза номидаги Республика Давлат мукофоти топширилди. 1968 йилда Алишер Навоийнинг ижодий меросини үрганиш ва ташвиқ қилинганда хизматлари учун Николай Тихонов билан Микола Бажанга «Ўзбекистон халқ шоири» унвони, худди шундай хизмати учун таржимон Лев Пенковскийга — «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ма-

даният ходими», саксонинг йилларнинг биринчи ярмida Сергеj Ивановга «Ўзбекистонда хизмат курсатган фан арбоби» фахрий унвони берилди. 1974 йилда «Шоҳнома» таржимони Шонислом Шомуҳаммадов халқаро Фирдавсий мукофоти билан тақдирланди. 1981 йилда «Юлдузли тунлар» романни учун Пиримкул Қодировга ҳамда асарнинг русча таржимаси учун Юрий Суровсевга Ҳамза мукофоти берилди. Шу йили Узбекистон Ёзувчилар Союзи томошидан таъсис этилган энг яхши таржималар учун Сергеj Бородин номидаги мукофот В. Липкога муносиб курилди (вафотидан сўнг). 1982 йили узбек шоири Усмон Азимов Грузия Министрлар Совети томошидан таъсис этилган В. Маяковский номидаги мукофот билан тақдирланди. 1982 йилда Сергеj Бородин мукофоти узбек поэзиясининг таржимони Римма Казаковага, 1983 йилда мазкур мукофот узбек насрини рус тилига ўтирганлари учун С. Баруздин ва В. Солоухинга, 1983 йилда Ҳамза мукофоти Москвада академик Катта тсатри саҳнасида «Ҳинд достони» асарини муваффақиятли қўйганилари учун У. Мусаев, Ю. Григорович, Ю. Папко, А. Копилов, Н. Золотарёв, А. Михалченко, А. Лазаревларга берилган. 1985 йилда Софокл, Шекспир, Шиллер, Пушкин, Лермонтов, Блок, Маяковский асарларини узбекчага маҳорат билан ўтирганиларни утун шоири Аскад Мухторга собиқ Иттифоқ Ёзувчилар Союзининг Н. С. Тихонов номидаги мукофоти топширилди. 1986 йилда Сергеj Бородин номидаги мукофот узбек адабиёти таржимони Галина Кобсцайтега, 1987 йилда шу мукофот В. Шекспир трагедияларининг таржималари учун Жамол Камолга ҳамда Г. Марковнинг «Сибир», С. Баруздиннинг «Ойдай равшан» қиссаси, Стендалнинг «Қизил ва Қора», «Парма ибодатхонаси» романлари таржимаси учун Ҳасан Тұрабековларга берилди.

«ТРАДИТОРЕ-ТРАДУТТОРЕ» ДЕГАНИ ТУГРИМИ?

Италиячa бу мақолнинг мазмуни: «Таржимон — хони», дегани бўлади.

Биз бу ёқда бадиий таржимачилик — «ёзувчиларнинг халқаро шатранж баҳси» (В. Брюсов), халқлар дустлиги, жаҳондаги юзлаб, минглаб тилларда барпо этилган кўхна ва янги маданиятлар, адабиётларнинг

бир-бири билан алоқаси ва ҳамкорлиги, соғлом ижтимоий турмуш тарзи негизини яратища улкан ахамиятта эга булган ижодий иш, таржимонларни эса — ана шу улуғвор мақсадларга хизмат қылувчи ижодкор, «маърифат чопарлари» (А. С. Пушкин), деб күкларга кутариб таърифлаб ётсагу, кслиб-келиб қандайдир бир алмисоқдан қолган италян мақоли... «таржимон — хоин» деб ўтирас!

Тинчликми ўзи?

Ҳаммаси жойида. Чиндан-да:

— бир миљлий адабиётнинг ноңб обидаси бўлмиш асарни тушуниб стмай, уни тим қоронгида деспиниб юрган бир сўқир сингари, пайпаслаб, тусмоллаб, бузб-чатиб, ҳижжалаб агдарган киши муаллиф ва унинг асарига нисбатан хоин эмасми?

— Узи мурожаат этаётган ҳалқнинг маданиятига, муаллиф ва унинг асарига нисбатан миљлий мумтозлик, маҳдудлик шоҳсупасидан кибр-ҳаво билан менси-май қараб, оригинални хоҳлаганича қисқартириб, узгартириб, узидан алланарсаларни қўшиб-чатиб ўғирган шахс — бошқа миљлий маданият ва унинг мулкига нисбатан хоин эмасми?

— Нафс балосига йулиқиб, қулига тушган ҳар қандай асарни суриштирмай-нетмай уз андозасига соладиган, уни маза-матрасиз, бетаъсир, улик бир алфозда баён қиладиган, узининг саводсизлиги билан муаллиф ва унинг асарини юз балога ошно этадиган зот — аслият ҳақиқатига, муаллиф услугига ва уз меҳнатининг моҳиятига нисбатан хоин эмасми?

Ашаддий хоин!

Дарвоқс, бир ёзувчига: — Сизнинг романингизни, қарангки, япон тилига таржима қилишибди! — деган хабарни етказишганида, ҳалиги ёзувчи ғоят мамнуният билан: — Хайрияtkи, япон тилини билмайман! — десган экан.

Йўқ, биз кузатган стмиш йиллик таржималарнинг аксариятига нисбатан асло бундай деб бўлмайди. Табиийки, ҳар хил таржималар учрайди. Асарнинг кўпроқ ҳарфига ёпишиб оладиган, англаб етмаганидан унда-бунда сўз ёки жумлани ташлаб кетадиган, ўкувчига «тушунарли» қиласман дес матнни соддалаштирадиган ёки, аксинча, уни ортиқча кунгурадор нақшлар билан безайдиган сҳуд баъзан рўй-рост саводсиз таржималар олдин ҳам булган, ҳозир ҳам топилиб турди.

Бироқ, умуман олганда, жуда күнгилдагиңдай таржималаримиз күп, таржима санъатимизнинг руҳи тетик, соғлом, парвози сарбалаңд. Инчунин: Ҳофиз — Ҳуршид; Убайд Зоконий — Санжар Сиддиқ; Азиз Несин — Миад Ҳакимов; Йоҳанин Гесте — Садрицдин Салим; Жорж Гордон Байрон — Мұхаммад Али; Ярослав Гашек — Насибулла Ҳабибулласев; Михаил Булгаков — Қодир Мирмуҳаммад, Михаил Зошчеснко — Несъмат Амин; Вячеслав Шишков — Мирзиёд Мирзоид; Радий Фиш — Жамол Камол; Сергей Есенин — Эркин Воҳид; Явdat Илес — Маъруф Жалил; Аҳср Ҳакимов — Тоҳир Малик; Сарвар Азимов — Рауф Галимов; Одил Еқуб — Галина Кобецкайтс; Пиримқул Қодир — Юрий Суровсс; Абдулла Орипов — Александр Файнберг; Мирмуҳсин — Ниисл Владимироваларининг бақамти муаллиф-мутаржимлик ҳамкорлигида, — эҳ-ҳс, яна неча юзлаб адиллар ва уларниңг ихлосманд таржимонлари номларини санааш мумкин буларди! — биз дүстлик, юксак башарий туйғу, миллий маданийлар ва уларниңг арбобларига одоб, қаломга, маънога, шеъриятга, мусиқага эътиқод рамзини кўрдик.

Булар таржимоннинг муаллифга садоқатига кафил бўла оладилар.

ИНСОН ВА ТАҚДИР

8-фасл

ҮН БЕШ ДАҚИҚА ВА БУТУН УМР

(«МЕН СУВ ИЧГАН ДАРЁЛАР» ТУРКУМИДАН)

Яширмайман, уша вақтларда менинг Шароф Рашидовга бўлган ботиний муносабатим йиллар мобайнида чуқур норозитик ва ўткир танқидий руҳ билан сугорилган эди. Чунки унинг республика раҳбари сифатида сузлаган нутқлари, адаб сифатида ёзган асарлари, кўйингки, бутун фаолиятида «қизиyllик» руҳи уфуриб турарди. Ижоди ва аъмолида коммунистик фирмага чексиз садоқат, «улуг оғага» таъзим, Ақраб (Октябр) тўнгаришига ихлос сузлари жарангларди... Узбек тилида беш жилдлик Асарлари ял-ял ёниб турган, чутдай қип-қизил муқовада чоп этилгани ҳам бежиз эмасди, назаримда. Бунда ҳам қандайдир рамзий маъно бор эди!

Эҳтимол, ҳеч ким ҳаётлиги чогида унингчалик кўп ганим ортиримагандир. Ажабмас, ҳеч ким, ҳатто вафотидан кейин ҳам, унингчалик энг қаттол мухолифларга эга бўлмаган чиқар. Не ажабким, унга энг даҳшатли, галамис раҳбарларнинг ҳам тиши ўтмади. Сабаби, бошдан-оёқ алвон либосга бурканган эди.

Инсонга куз куриш учун берилган. Ақл-идрок ва шуур — англаш, тушуниш учун. Фақат куз билан яшаш мумкин эмас. Чунки у алдаши мумкин. Нарса ва ҳодисаларни ақл кузи билан кура олган кишиигина бирон нарса ёки ҳодисотга баҳо беришда адашмайди. Ақл кузи нима? Бу кўзни, нигоҳни узининг ички ботиний оламига йўналтира олиш қобилиятидир. Афсуски, бундай қобилият ҳаммада ҳам булавсрмайди.

...Кунларнинг бирида самарқандлик таникли тилшунос олим, раҳматлик профессор Худойберди Доњиёрий билан учрашиб, гурунглашиб қолдик. Домла билан дучлашдик дегунча, орамизда баҳс қўзгаларди. Негаки, у ҳаётда ва илмда кечеётган ҳар қандай мурраккаб вазиятларни, чигал, кур тугунларни ҳам фавқулодда ўткир нигоҳ, тиник идрок, узига хос закийлик билан ойдинлаштириб берар эди. Ҳар қандай одамга

ҳам бирон савол билан мурожаат қиласангиз, унинг қандай жавоб қайтарини ўзингиз олдиндан тақрибан биласиз. Аммо унинг жавобини олдиндан сира билди бўлмасди.

Уша галги тортишув Тошкентда янги қурилган Ленин музейи ҳақида бормоқда эди.

— Узбекистон пойтахтида Марказий Ленин музейининг бўлмасини очишга бало борми! — деб тонг қолар эдим мен. — Бу ёқда халқимиз тўрт девор ичида тутдай тўқилиб утиrsaю, шаҳар марказида Ленинга деб мармардан шундоқ муҳташам, панжара-гулгини бино қуриб ётсак. Бу қандай мантиқ? Узбекистон ва узбек халқи олдида Ленининг исчук «алоҳида хизмати» бор, айтинг-чи? Эҳтимол, яна шундай бир маҳобатли мақбара қуриб, унга жаноби доҳийининг лаҳадидан бир намуна ҳам кўчириб келарми!..

Худойберди домла эса, парвойи фалак одамдай, пешонаси ҳам тиришмай, Ленин музейи учун Шароф акага... ҳамд-санолар ўқиди. Гус жуда тўғри иш булган эмиш. Унинг фикрича, ленинлар келиб-кетаверади... Аммо шундоқ ажойиб меъморчилик обидаси ўзимизники бўлиб қолади ва тоабад туради. Бу Лениндан ҳам кўра, унинг бош меъмори Шароф аканинг ўзига ўрнатилган жонли ёдгорлик бўлиб қад кўтариб туради.

Ана холос! Юрак ютиб қилган шаккоклигим учун Дониёрий ҳазрат мени роса коийидиган бўлди-да, деб буёқда хавотир олиб турибману, домланинг «теша тегмаган» талқини менинидан ҳам ошиб тушди. Қулоқларимга ишонмай қолдим. А? «Ленинлар кслиб-кетаверади»?!... Қаёққа кетади? Ахир, у мангаликка даъвогар-ку. Қўрқиб кетиб, тсварак-атрофга олазарак бўлиб қарадим. Битта-яримта узунқулоқ ишласи бу гашларни эшишиб қолмасин-да ишқилиб деб.

Суҳбатдошим шу қадар даҳшатнок башоратларни айтдикни... Гус: бу фоний дунёда ҳеч нарса абадий эмас. Ёвуз қизил салтанат ҳам бир кун келиб смирилади. Бирон бир иқлимда, бирон кишинварда таҳқир, зулм, мустамлакачилик истибоди сақланиб қолмайди. Ҳалқимиз қулилк кишанларидан озод бўлади. Жумҳуриятимиз ёргу, мустақил тараққиёт йўлига чиқиб олади.

Хозир-ку бу мулоҳазалар ҳеч кимни мутлақо ажаблантирмайди. Аммо ун беш, йигирма йил муқаддам бу гаплар ҳар қандай уқтам тахаййул соҳибининг ту-

шига ҳам кирган эмасди. Ушанда профессор устозимнинг юзига қараб ажабланиб қолдим. У ё телба, ё даҳо! Бовужуд, қанчалик ажаблансан, уни шунчалик яхши кўриб кетдим. Қаранг-га. Шу қадар ойдин ниятли, мутлақо ишониб бўлмайдиган, чўпчаксимон ҳақиқатларни соғиниб яшайдиган улуг зотлар ҳам бор экан бу норасо дунёда! Бундай ҳазрати инсонлар бор экан ва улар билан бақамти, ёнма-ён, ҳамнафас бўлиб яшар экансан, демак, ҳали яшаща маъно бор. Дунё боумид. У биз ўйлаганчалик зим-зиҳ эмас.

Шу-шу бўлдию, камина Шароф Рашидовнинг ҳар бир ишига алоҳида синчковлик билан, сарасоп солиб қарайдиган, унинг ҳар бир сўзидан ва ҳаракатидан узгача бир маъно излайдиган бўлдим.

Орадан кўп йиллар утди... Худойберди Дониёрий сўзларининг тўгрилигига бир далил. Собиқ мамлакат хўжайнин Леонид Брежнев Тошкентта келганида, Ленин музейини зиёрат қилишга ҳам таклиф этилади. Ҳойнаҳой, унинг ҳаёлидан шундай йиллар кечгандир: «Оббо узбек мардум-ей. Сенларга Ленин музейи чикора? Пастқамгина бино куриб, пештоқига Иличнинг суратини илшишгану, музей шу деб юришгандир-да». Айтишларича, чиндан ҳам, у Ленин боргоҳининг бу қадар ҳашаматли қилиб қурилганини тасаввур ҳам қила олмаган экан. Ярақлаган мармар кўшкни куриб ҳанг-манг бўлиб қолади ва оғиздан шундай сўзлар учади:

— Ну Шарафчик, ты да-ёшь! (Қойил-э, Шарофча, боплансан-ку, азamat!)

Шароф ака том маънодаги улугвор ишнинг «миси» чиқиб қолишидан қўрқиб, шошиб қолади ва ранги кув оқариб, ҳаяжон ичида бот-бот тақорлайди:

— Владимир Илич! Владимир Илич!..

Ҳа, Шароф Рашид сб-тўймас юҳо марказни, Кремлининг «хўжайнини», чиндан ҳам, боплаган эди. Факат хомуш тортиб ўйлайман: эсизки Шароф ака билан Худойберди домла Лениннинг келганини куришидио, кетганини кўриш уларга насиб этмади.

* * *

1981-82 йилларда икки марта Шароф Рашидовнинг қабулида бўлганман. Биринчи топқир кирганимда ўзим чоп эттирган ўнтача китобимни у кишига тақдим этдим. Тақсирим асарларимни бирма-бир қулла-

рига олиб, «Мақол таржимаси» (1961), «Тил ва таржи-ма» (1966) сингари китобларимни ўқиганинни таъкидлаб, варақлай бошлади. Сунгра бир қаңға илтиқ истаклар билдириди. Шундан кейин кутимагандада сўраб қолди:

— Ҳуш, биздан қандай хизмат?

Улут даргоҳга бош уриб келар экан, ҳар қандай одамнинг ҳам бир илнижки бўлади. Бироқ менда ҳеч қандай «илинж» йўқ эди. «Сизга далда бериш учун кслувдим», деслмайман-ку. Аслида эса, чиндан ҳам, гап шундай бўлганди. Шу уринда сал ортга чекинишига тўгри келади.

...Бир куни ҳамкасаба домлалардан Тошкент дорилфунуни профессори, раҳматлик Очил Тогай билан учрашганимизда, у Шароф аканинг қабулида бўлганини айтиб қолди. Маълум бўлинича, Тошкент дорилфунунида хизмат қилаётган домлаларни бирма-бир сўраб-суршитираркан, Очил ака менинг ҳам иномимни тиља олибди. Шунда Ш. Рашидов менга «катта салом топширишни» тайинлабдилар. Камина бу шоҳона илтифотга гойибона миннатдорчилик изҳор этган бўлдим.

— Йўқ, куруқ «раҳмат» билан иши битмайди, иним, — деди қошлиари чимирилиб Очил ака. — Сиз албатта хужайинга учранг.

Мен бир қичик одам бўлсан, Марказқум билан нима ишим бор (тўгрироги Сканинг мен билан нима иши бор!) Менга жиљла кўзи ҳам учиб турмагандир у кишининг. Шунчаки манзират юзасидан айтган-қўйган-да, деган мулоҳазаларни билдирган эдим, Очил Тоғойидан балоға қолдим. У қаттиқ истеҳзо қилди:

— Ажаб афандисиз, тақсир, — деди зарда билан.
— Гапларимга ишонқирамай турибениз, шундайми?

— Нега энди...

— Шароф Рашидовдай улуг инсон Сизга «Катта салом» ўйласаю, Сиз буёқда мижговланиб утирасангиз. Биласизми, бу Сизни ҳузурига чорлагани булади. Қанчадан-қанча йирик илмий муаммолар устида ишляяпсиз. Нима, у билмайди буни деб ўйлайсизми? Бир қанча йирик счим ва тавсияларингиз бор. Бу ёқда ўз ёғинизга қоврилиб ётибсиз. Кўриб турибман-ку, ахир! Шулардан оғоҳ этасиз Каттани. Бундан ташқари, Сизнинг ташрифингиз у кишига ҳам далда бўлади.

Хуллас, сұхбатдошимнинг айтишигча, юқори дои-раларда ахвол яхши әмас, марказ Масковда ва шу срининг үзіда Шароф акани ураган бір қанча амалпарат, нобакор раҳбарлар қандайдыр фитна уюштираған әмиш. Алқисса, Очил ака тушмагур мени шундай үччитдики, худди әрта-индин жумхуриятда қандайдыр нохуш ҳодиса содир буластгандай.

Э... жуда галати одам эди-да раҳматлик Очил Тогай. У мени шундай сеҳрлаб қүйдикі, үша күнга қадар үзимнинг юқори даргоҳлар учун бунчалик керакли тошлигимни билмаган эканман. Юрагим ҳаприқіб кестс-да, сиртдан жайдары булиб, сир бермай вазмин туравердим. «Лоқайдлигим» унинг баттар гашини келтира бошлади.

Дарвоқс, у исега бунчалик изтироб чекаяпты? Унинг гаплари ростми әки үйдирмами (спирай, ростлиги бир йылдан кейин ошкор булади!..), нима бұл-гандаям, Биричинининг ҳузурига бориши зарурати му-караррарлығига тұла ишонч ҳосиһ қылған әдим.

Дарҳақықат, қабул маҳалида Шароф Рашидовининг раңғ-рафттори анча синиқлиғи ва авзойига қараб, ичичимдан унга раҳмим келди. Буюк заҳматкаш инсон билан юзма-жоз турар эканман, унга сидқидиңдан яхши тылак ва истакшар тилемнинг учыда турар әди. Бироқ ботинолмадим. Қандай тушунарқын. Үзим тушнимадимкі унинг түгри тушунишлигини. Зоро... Мен уни қанчалик синчкоылкі билан күзатып турған бұлсам, у ҳам мени, бутун сувратим ва сийратимни худди кафтида турғанимдай куриб турарди. Шароф ака ниҳоятда зийрак ва синчи одам эканлигини ис-чукдир күнгілім сесзіб қолди.

...Ниҳоят, унга ҳеч қандай илтимосим йүқлиғи, худога шукур, ҳар тарафлама бадастир эканлигим, ягона илтижо шуқы, ҳаммамизнинг баҳтимиззә сиҳат-саломат бұлсалар, шуининг үзи катта давлат эканини айтган булиб яна алланымалар деб мингириладим.

Шароф ака менга жуда маъноли қаради. Шу топда сұзлар қанчалик ожиз бұлса, боқишлиар шунчалик биірон әди. Эх-хс, билемайды дейсизмі! Яхши англаб турибдикі, бу шахри азимда жуда үзим айтганичалик «бадастир» ҳам әмасман. Менинг бошимда ҳам минг хил савдо. Сурайман дессам қанчадан-қанчая гаплар билан бошини қотиришім мүмкін. Лекин эп күрмадим. Зотан, каттаконининг илтифотига нойил бұлған қи-мирлаган жоң борки, ундан бир нарса тамаъ қылади.

«Кел, үзи бир ақвозда турған инсонни диққат қилиб үтираймай. Ҳар ким үз аравасини тортиши керак-да», деб үйладым үзимча.

Аммо бу андишадан раҳматлік гойт мутаассир булади. Дераза әнінша борди-да, иккі дақықалар чамаси узок-узоктарға қараб үй суріб қолди. Эхтимол, шу топда менин үнүтгандыр ҳам. Е більшакс, хәсілда бус-бутун мен билан банд бүлгандыр. Сұнгра мен томонға үгерилиб қаради-да, үктам овозда таъкидлаб деди:

— Марказқұм сизни құллаб-құвватлайди.

А? Марказқұм менин құллаб-құвватлайди? Мен бундай сұздарни умримда бириңчи маротаба эшшітаёттан әдім. Яна кімдін! Ҳаяжонланиб кетдім. Нима учун партия марказқұм менин құллаб-құвватлаши керакки, қаюнки жанобинғиз... фирмасыз бир кімса бұлсам. Үйлаб қолдым: Бул зот менинг партияда йүқлигимни билармикан? Е билмасмикан? Наҳотки! Билмаса, бу менин учун катта ишонч. Билса-чи? Үйлайманки, билған. О, билғандай жуда нозик билған! Фирқага киришдан бош тортиш туғайлы менин үзимни қанчадан-қанча маҳрумліктерге гирифтор қылғаним, хүрліктерге маҳкүм этилғаним, «ишиңчсиз шахста» айланғаним, ҳатто құвтинга учраганимни, эхтимол, ҳеч ким бу инсончалик чуқур тушунмагандыр!..

Үз фойдаламға ҳам озғина илтифот қылған булаінні. (Камтарлік яхши, аммо соқта камтарлік такаббурлікден баттар, деганида минг маротаба ҳақ шоир Абдулла Ориф.) Умрим қаңға эканлигини билмайман. Шуниси борки, ҳозиргача яшаган онғли умримнінг қанчаси ижтимоий фойдалы мәжнат билан үтгандығини сархисоб қилинса (агар буннінг иложы бұлса!), жиндей муболага билан айтсам, урта ҳисобда, ҳар кечакундузда (сұтқасига демоқчиман)... Йигирма беш соатдан ишлаган бұлсам керак. Яқин дүстім Асіл Рашидов «мәжнат учун туғылған одам» деб таърифлаганида, менимча, үнча муболага бұлмаса керак. Заҳматкаш инсоннінг қадрига ким етади шу дүнеда? Ҳеч ким. «Мен ҳаммани үйлайману, ҳеч ким менин үйламайды», деб үйлаймиз. Тұгри-да.

Йүк, тұгри әмас. Үзи заҳматкаш одам бошқа заҳматкашларни ҳам үйлайды, қадрига етади. Мана, Рашидовнінг бу фоний дүнедан бокий дүнеге риҳлат қылғанига ҳам үн уч йиғ бўлибди. Менинг кўз ўнгимда унинг уша ҳаётлиги вақтидаги, уша қабул маҳалидаги сиймоси гавдаланиб турибди.

Үйламангки, азиз үкувчим, «Марказкүм сизни құлаб-қувватлайди» деганида Шароф ака менинг у кишидан тамаъгирил қылмаганимдан хурсанд бұлғанлиги сабаб әмас. (Сураганда от билан түя сұраган бұлармидим!) Farчи у мени атиги уч маротаба юзма-юз күрган бұлса-да, үн олти йил мобайнида гойибона билганидан хабардорман. Ҳа, мени дастлаб у кишига укаси Асил Рашидов билан устод Иброҳим Мүминов орқаворотдан таништирғаниниң күнглім сезарди.

1967 йилда Ўзкомфирқа Марказий Қумитаси бүросида Шароф Рашидов бошчилигида үтказилған катта йигинда мен у киши билан атиги бир лаңзагина күришган эдик. (Хонаси келди, айтайин: республика-мизда амалға оширилған жуда катта ишлар, бу хоҳ халқ хұжалиғи, хоҳ деҳқончилік ва зироат, сув хұжалиғи, улкан қурилишлар, илмий ва маданий жабхаларни олмайлық, булар барчаси ё бевосита, ё билвосита шу улуг инсоннинг номи билан боглиқ. Жумладан, биринчи Ўзбек Қомусини яратищда ҳам унинг ҳомийлик қылганидан шахсан хабардорман.) Мен үшанда мажлис бошланиши олдидан Бөш мұхаррир академик Иброҳим Мүминовнинг маъruzасини раесатта әлтиб бердиму, қайтаёттанимда илғаб қолдым: Шароф ака ёнма-ён утирган Иброҳим домладан «Ғайбулла шуми?» деб сұраб қолдилар. (Мен 1983 йилда у киши билан сұхбатлашганимда бунга икрор бұламан).

Албатта. Шароф Рашидовдай бир улуг инсон танигани-билгани мен учун катта гап. Эх-хе, уттис олти йил муқаддам турар жой масаласида менинг атрофимда қанчадан-қанча гап-сұзлар бұлғани, уша даврдаги шаҳар ҳокими күпіпа-кундуз куни үн беш чөглиқ одам ҳузурида камина аспирантдан рүй-рост пора талаб қылғани, агар томогини мойламасам, минбаъд «ҳокими мутлак» менга уй бермаслігі хусусида дүкпүписа қылғани, кейинчалик кирдикорлари очилиб, қамалиб кетгани ва бу ишлардан Шароф Рашидовнинг хабардорлигидан сұзласам... Бунинг үзи бутун бир «ҳангома!» Ҳа, үзим жонли гувоҳман. Кимда-ким бу улуг инсоннинг покиза шахс эканлиғи, дордан қочган, мұтташам, фирибгар ва мунофиқларға нисбатан муросасиз бұлғанига шубҳа қылса, уша шубҳадор одамнинг үзи кимлигини бир суриштириб күринг. Давр қажрағтор, замон буқаламун бұлмаса, Шароф аканинг вафотидан кейин келиб-келиб беш-үнта құрқоқ, амалпараст, қаллоб, бетайин одамларнинг (улар

кимлигини ҳозир ҳамма билади) «дийдиёсига» лақقا учиб, узбек халқи тимсолида Рашидовни ва Рашидов тимсолида узбек халқини лой қилиб ўтиармидик! Халқда шундай мақол бор: сен менга дустинг кимлигини айт, мен, сенга ўзинг кимлигингни айтаман. Рост-да, муттаҳамнинг дўсти муттаҳам, угрининг дўсти ўғри, шоир Абдулла Ориф айтганидай, «гадонинг дўсти гадо» бўлади. Ҳеч замонда доно билан нодон дуст бўлибдими! Мен шу топѓа мазкур пурмаъно мақони ўзгартириб, шундай деган бўлардим: Сен менга душманинг кимлигини айт, мен сенга ўзинг кимлигингни айтаман.

Қомусда ишлаган давримнинг сўнгти икки йилида мен Бош муҳаррир Иброҳим Муминовнинг биринчи мувонини бўлиб турдим. Марказқўмнинг маҳрига тушган вазифада камина фирқасиз одам хизмат қилардим. Бу эса ўша давр сиёсатининг мантиқига сигмас эди. Фирт бемаъни сиёсат: ўзини «даврнинг ақл-идроқи, вижданни ва шон-шарафи» деб эълон қилган партияга ўз ишининг кўзини биладиган мутахассислар эмас, балки тўнка бўлса ҳам, фирмә аъзолари керак эди. Итоатгўй қуллар, малайлар, чўрилар ва мутеъларнинг бозори чаққон эди. Гарчи бизнинг тоифамиздаги кишиларни ҳам «фирқасиз коммунист» (мунофиқликни қарант!) деб атаган булишса-да, биз уларнинг назарида аввало Фирқасиз («ишиончсиз» деб ўқийисиз) эдик.

1969 йилда каминиа буидай мантиқсизликни ошкора рад-бадал этганим ҳолда, ўзимча исъен кутарган бўлдим ва қомусхона маҳкамасига уч маротаба ариза йуллаб, хизматни ўзимдан мосуво этдим. Буёги — бир йил давомида шаҳарма-шаҳар дарбадарлик, таҳқир, ҳўрликлар...

Бу гаплардан Шароф Рашидов хабардор бўлмаган дейсизми?..

Мана энди, орадан ун уч йил ўтгач (1969-1982), фирмә марказқўмнинг биринчи котиби, комил ва мўътабар инсон Шароф Рашидовнинг ўзи менга, ушаша эътиқодли ва собит партиясиз бир кимсага «Марказқўм сизни қуллаб-кувватлайди» деб турибди.

Мувозанатим йўқолди. Ана ушанда Шароф Рашидовга, ғоят нуфузли фирмә сардори, Марказқўмнинг биринчи котиби эмас, балки одамохун, чин инсон сифатида меҳрим ва ҳурматим ошиб кетган эди.

Суҳбат охирида у менга «Кашмир қўшиғи»нинг

уша кезлари можор (венгер) тилида чоп этилган нусхасини ҳадя қилиб топширди. Гутурт күтичасидай мұжазгина китобча нашриёт-матбаачилик санъатининг ажойиб намунаси эди.

Орадан бир йил үтиб, иккинчи дафъа қабулға кирганимда, мамлакат осмонида булутлар янада қуюқлаша бошлаган эди. Бу гал мен докторлық диссертациясынинг баённомаси (автореферат)ни унга тақдим этдім. Мамнун булиб, китобчани шундок очдію, расмий мұтасаддийларим (расмий оппонентларим)нинг номларини үқиркан, бир кишининг исм-шарифини бармоги билан курсатди ва... ҳеч нарса демади. О! Бу қандай синоат бұлдыйкин? Рашидов индамай туриб олдинда мени кутаётган гоят хатарнок воқсаларни башорат қылған экан, кейин билсам. Уша одамнинг кимлігінің үзім ҳам билардым (у салқам йигірмә йил мобайнида мени қонимға ташна қилиб келаётган бир мубхам шахс эди!) Аммо бу күргиликтер олдинда, ассоций томоша ҳали бошланған әмасди.

Мени ул оқсоқол истиқболига үндаган яна бир гап бор эди. Бу адебнинг «Кашмир қүшиғи»ға дахілдор. Асар үзининг мазмұни, уч нашр матни, талқини, мажозий ва рамзий табиати, таржималари билан узбек адабиетіда гоят мароқли ва ноөб бир ҳодиса бұлды.. Нозик дид, шоирона түйгу ва фалсафий талқинда, үзига хос лисонул гайб (мажозий тил, ишоравијирамз)да өзилған мазкур достонда адіб үзининг бор буйи ҳамда кенг маынавији дүнесі билан намоен бұлған эди. Инчунин, достон «Кашмир қүшиғи» ва Кашмир қүшиғи әмас; үнда тасвиirlанған Гуллар бөгі — гүзәл Кашмир ва айни вақтда үзимизнинг жаннатмақон үлкамиз Ўзбекистон; асаларилар шохи Бамбур билан гуллар маликаси Наргиз бонулар ҳам кашмирий тимсоллар булиши баробарида, үзимизнинг үзбек дисидаги Алпомиш ва Барчин образларидай гавдаланади; зуравонлик, құллик, асорат ва истибдод тимсоллары бұлмиш пажмурда ва үлаксахұр Бурон билан Хорудлар ҳам қанчалик жафокаш Кашмир фуқаролари қонини зулукдай сүриб өтгән ганимлар бұлса, айни вақтда үлкамизға шимол тарафдан эсіб келаётган аевсиз өв, өвуз күчларни үзида жонлантиради. Хуллас, Шароф Рашидовнинің бөшіқа бірөн асариниң әшітмәгандықта үқимаган ҳар қандай киши ҳам, биргина «Кашмир қүшиғи» билан танишса, уннинг қандай өзүвчи ва санъаткор эканига бекшілдегі баҳо берілген олади. Шунға қа-

раб, муаллифининг қандай адигни эмас, балки қандай инсон, мутафаккир ва давлат арбоби эканини ҳам танийди-қуяди. Үнга бу сзувчини ортиқча «түшунтириб» утиришнинг ҳожати қолмайди.

Ҳайратомуз, афсонавор гоя илгари сурилади асарда. Чунончи, тиш-тирногигача қуролланган бадбашара Бурон даҳшатли Хоруд билан иттиғоқ тузид, иккни нағис, нозик-ниҳол мавжудот — Бамбур билан Наргизни сиға олмайди. Қиёмат қойим куylар бошлиданди: ҳаммаёқ хонавайрон ва таш-тақир бўлади. Лекин охир-оқибатда азamat Бамбур билан Наргиз атрофига ўюнгани нағис Гуллар бөгининг фуқаролари галаба қозонадилар... Қандай қилиб? Улар ёвуз кучларга қарши бирлашидилар ва курашадилар. Достоннинг етакчи гояси: муҳаббат, бирлашиш ва кураш. Ҳозир, республикамиз мустақилик сари дадил одимлаб бораётган шу куylарда бу гоя янада пурмаъно ва долзарб эканига бирон далил керакми?

Мен, таржимашунос мутахассисга бу достон, ўзининг тарихий илдизлари, айланавий қамровдорлиги, куп сонли таржима талқинлари (асар 56 тилга утирилган!), шсьрият, наср ва мусиқа санъатларининг кесишиган нуқтасида яратилгани билан худди «буориб ёздирганимдай» бир нарса эди. Мен «Шароф Рашидовнинг «Кашмир кўшиғи» (қиёсний таҳлил)» деган учюз саҳифалик китоб ёздим. Ихlos ва муҳаббат билан. Бироқ...

ИЛТИМОС ҲАМ ШУНЛАҚЛ СОВУҚ БУЛАДИМИ!

Китоб ёзишдан қура, уни чоп эттириш қийин. Уша йиллари нашриёт ва мажаллаю рўзнома таҳририятларига юқоридан Шароф Рашидовнинг ижоди юзасидан ёзишган ишлар чоп этилмасин, деган кўрсатма келган экан. Қарасам, неча йиллар меҳнат қилиб ёзган асарим дунё юзини кўрмайдиган. Шунда бир «ҳийлаи шаръий» ишлатдим. Йўлини қилиб, «маслаҳат олиш» баҳонасида, муаллифининг олдидан утишга қарор қылдим. Шароф ака қабул қилишга розилик билдирибдилар. «Ҳа, иш пишди», деб ўйладим ўзимча.

Мана, у киши билан янада юзма-юз турибман. Чиройли муқовалангандан қалин қўлчумани вараклар экан, уз мамнуниятини яшира олмади. Чунки биладики, бу китобни ёзишдан менинг бирон маҳсус пишоний «мўл-

жалим» йүқ. Қандайдир мукофот, лавозим ёки унвон-пунивон дегандай. Бу сини у яхши биларди. Қуләzmани варақлар экан, баъзи нарсаларга қизиқсииди. Чунончи, «Кашмирга үхшаган жойни кишики күрмагай бўлгай» деб таърифлаган Муҳаммад Ҳайдар мирзо Дўглот кимлиги, унинг «Тарихи Рашидпий» асарини сўраб-суртириди. Сунгра мен уз тадқиқотимни багишлаган устозим, муҳаррир ва шоир Үрин Камолий ҳақида қизиқсииб суради. Ҳуллас, иш туппа-тузук кетаётган бир пайтда, мендан «Илтимос» қилиб қолди:

— Файбулложон, қуләzmани нашриётта топширмай турсангиз. Қачон нашр этиш кераклигини ўзим айтаман...

Ҳайрон булиб қолдим. «Илтимос» ҳам шунаقا со-вук бўладими! Менга ишонмаяптими десам, бунга асос йўқдай. Нима гап? Муаллифдан «маслаҳат» сўраб утирмай, қуләzmани тўппа-тўгри нашриётта топшириб юбораверсам бўларкан, десан фикр кечди хаёлимдан.

Хомуш тортганимни пайқаган адаб, гапни «айлантирган» бўлди:

— Биласизми, «Кашмир қўшиғи» балетини Америка ва Японияда саҳналаштиришга ҳозирлик кўришяпти. Қулимда яна бир талай янги ноёб материаллар тўпланиб қолди. Барини сизга бераман. Ана ундан кейин...

Хаёлимдан ҳар хил уйлар кечди. Бу қанақаси бўлди? Америка империализми ўша давр коммунистик васвасасига кўра бутун жаҳон ҳалқларининг қаттол душмани, озодлик ва эркеварлик тўгони, узи тагтагидан чириб бораётган бир тузум бўлса... Япония деганимиз ҳам ўша даврнинг чиркин талқинига кура, азалий «рақибимиз». Гуё «пуф» десак учиб кетадиган бир нарса!.. Қизил салтанатнииг жаҳоний галабасига минг мартараб иймон келтирган бу коммунист-арбоб эса фаҳрланиб бундоқ деб ётиби. Унгимми, тушимми? Е мени «синамоқчими»?! Гаплари бу срда оқизмай-томизмай ёзилиб турганини жуда яхши билгани ҳолда, қандай қилиб рўй-рост, ошкора айтаётиди экан-а? Ҳимм... бул валломат зоти шарифни биз билмас эканмиз-ку. Е булмаса пичоқ бориб суюкка қадалган. Рост-да! Тургунлик даврининг расмий, чурук, пуч сиёсати қаёнігача ҳалқни лақиблатади, ахир! Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик, ошкоралик замони кўз очганида маълум бўлдики, узоқ йиллар давомида АҚШ бошлиқ «империалистик қузгуларга» нисбат бериб келинган

барча даҳшатли «сифатлар» даставвал ўзимиизга хос экан. Парокандалик, миллий низо, парчаланиш, чириши, бир халқни бошқасига гиж-гижлаш, талончилик, қирғинбарат дейсизми... Бескаму куст.

Мана сизга «Кашмир қүшнги»!

МАРХУМ БИЛАН «СҮХБАТ»

Дунёнинг ишлари қизиқ. Адиб ҳаётлиги чогида ишим чиқмади. Вафотидан кейин эса нима бўлганини ҳамма билади. Энди-чи? Не ажабким, бу инсон ҳақида катта ҳақиқат бор бўйи билан қаддини ростлаган шу кунларда ҳам мен ҳамон қулёзмамни қултиқлаб юрибман... Қандайдир сирли ишубҳа ҳукмрои, ҳадисираш...

«Эҳ, Шароф aka! — деб уйлайман қулёзмамга қараб. — Қачон чои эттиришини ўзим айтаман деб эдингиз. Айтмадингиз ҳам. Биламац, кўзингиз тириклигидан китобим чиққинин истамадингиз, чоги. Тўгри. «Камтарга — камол, ман-манга — завол». Қадрият, қадрият деймиз. Қаёқда! «Қадрият» деган сўзининг узи қадрсизланиб кетганди. «Ман-манга — камол, камтарга — завол» бўлиб қолганди-да. Эсиз, билганимидингизки, вафот этганингиздан кейин, ҳали турингиз совимай туриб, бошқа бирорвлар эмас, кипригингизда асрар келган сафдошлиарингизу уз шогирдларингиз Сиздай улуғ валинесъматни бадном қилинларини? Яхшиимки, исчук булиб, анови иккита «бириничидан» сўнг жумҳурият пешонасига Ислом Карим деган бир мард битган экан. Булмаса ҳалиям оғзимиизга талқон солиб юраверармидик... Ҳа, ўзимиз, говак сиёсатдонлару, ношуд зиёлилар шундай мардуммиз. Тамаъгир. Мутеъ. Қўрқоқ. Мунофиқ...»

Ҳаёл яна олиб қочади...

«Балким Сиз вафотингиздан кейин нима бўлишини билгандирсанз? Зотан, уз одамларингиз кимлар эканини лоақал ҳаётнингизнинг сўнгги кунларида пайқагандирсанз? Билмаслигингиз мумкин эмасдики, биз худосиз, пайғамбарсанз, авлиёю аибиёсиз, даҳосиз бир қавмнинг этагини тутганимизни... Уз пайғамбарига ҳаётлиги чогида сотқинлик қилиб, юз-кўзига туфлаб, кул-оёқларини миҳлаб қийнаб ўлдирган ва қатл этилганидан сўнг қандай буюк зотдан маҳрум бўлиб қолганини пайқагач, унга тонина бошлаган қора оломонга ихлос қўйганимизни... («Инжил»га қаранг).

Ўз улугларига ихлос ва оқибат бўлмаган жойда маънавий заковат ҳам, иймони ҳам, омоилик ҳам йўқ. Булиши мумкин ҳам эмас.

Балким менга раҳмингиз келгандир. Менинг ижодим ҳақида китоб чиқазгани учун шу жабрдийда инсонга ҳам тұхмат ва маломат тошлари отилмасин деб. Агар шундай аңдишага борган бўлсангиз (ҳойинаҳой, шу гап ростга ухшайди), унда бескор қылғансиз. Чунки каминиа бусиз ҳам бу дунёнинг шўриши ғавғоларидан ўз насибамини бусбутун олган одамман. Сиз туфайли шаънимга отиладиган ҳар қаңдай таънаю маломатларни қувона-қувона мукофот ўриница қабул қылган бўлардим».

•ЯХШИЯМКИ ОЛАМПАНОҲ ЭМАСМАН!•

...Суҳбатимиз анжом топа бошлаган сайин Шароф аканинг алланечук безовталанаётгани, менга қандайдир бағоят муҳим бир гапни айтмоқчи булаётганини күнглім сеза бошлади. Кутимаганда у мендан сўраб қолди:

— «Кашмир қўшиғи»нинг янги, всенгерча таржимасини сизга бердимми, йўқми?

Күнглім «йўқ де, йўқ де» деб туради. Ажабо, мен ссрланиб қолдимми, ҳайронман, бсихтиёр:

— Йўқ, берганингиз йўқ, — деб юборибман. Ҳолбуки, утган гал берган эди-ку. Эсим-қурсин-а.

. Қарангки, менинг «йўқ» деб жавоб қылганим айни муддао бўлган экан! У байни худди шундай жавобни тилимга солибди. Маҳкамама сохиби дарҳол шу уртада уралашиб юрган ўз ёрдамчисига юзланиб, ҳув нариги хонадаги жавонишинг нариги бурчагида турган китоблар орасидан уша кигитбчадан бир донасини келтириб беришни илтимос қилди. Ёрдамчи биз ўтирган хонадан чиқиши биланоқ, у овозини пасайтириб, менга деди:

— Асиљон сизни оғзидан бол томиб мақтаиди.

Асиљон Шароф Рашидовнинг укаси булади. Шундай дедиую, жим қолди. Бу бўйлан «мен сени таниб турибман» демоқчи бўлди. Мен ҳақиқатани ҳам ҳайрон қолгандим. Чунки шу тобгача у каминанинг «уша Файбулла» эканимни билмаса ҳам керак, деб ўйловдим. Бунинг устига, дўстим Асиљон ҳар икки сафар ҳам Шароф аканинг қабулига бораётганимдан тамом бехабар эди. Қисқаси, ул кишининг луқмасига

жавобан, мен, ҳаяжон ичида, шундай пайтда айтилиши керак булган эътирофу илтифот сўзларини айтишга журъат этдим. (Аслида, бу илтифот ҳам эмас, дил сўзлари эди):

— Мен ҳам... У киши энг қадрдон... Боягидаи... Дустим. Қиёматлик!..

Жавобимдан ниҳоятда кайфи чог бўлди. Ислаки... Унга ҳам бу фоний дунёда баний инсоннинг ожизлиги замирида ётган соғ инсоний туйгулар бегона эмасди. «Дунё менга сигдийю, мен дунёга сигмадим», дебдилар девонайи Машраб. Қаранг-а, Шароф ар-Рашидининг кўнглига биз ҳаммамиз ва ҳар биримиз сигибмизу, унга кўзи тириклинига даям, ёху!.. ҳатто қазо қилганидан кейин, бандаликни бажо келтирганидан сўнг ҳам бу ёрут дунё торлик қилибдия!

Атиги олтита сўз. Кейинчалик уйлаб қарасам, бу менга унинг васияти экан. У узидан ҳам кура, узининг яқин кишилари, қариндош-уруглари, оила аъзолари, жумлаидан, айниқса чўрткесар укаси Асиш Рашидовнинг тақдиридан хавотир олган эканими, дейман. «Мен-ку утиб кетаяпман. Яқин қолди... Мендан кейин қиёмат қўпади. Атрофда номардлар кўп. Аммо бир-бировингдан эҳтиист булинглар. Бир сағ булиб туринг. Ҳар хил эҳтиросу жазаваларга берилмангиз. Мен уз халқимга асло хилоф иш қилганим йўқ. Худо шоҳид!», демоқчи булгап эканими дейман.

Худди шундай бўлди ҳам. Худога бсадад шукур, ўша қатагон йилларда, бу улуғ инсоннинг жасади ҳатто уз лаҳадига симга қолган мудҳиш кунларда ҳам, камина дустим Асиш Рашидов билан өнма-чи турдим. Уни ёлғизлатиб қўйган эмасман.

Бу ёги рисоладагидай. Бироқ мени тонг қолдирган нарса бошқа ёқда. Шароф аканинг менга айтган ўша луқмаси, бундай олганда, анчайин гап. Жўн. Бирордан яширадиган жойи ҳам йўқ. Нима қипти укаси менинг дустим бўлса. Ахир, ким булишидан қатъий назар, у ҳам бир одам-да. Нега энди шунням уз ёрдам-чисининг ҳузурида айта олмади? У, даҳшат! «Яхшиям подшо эмасман-а...», деб уйладим ўзимнинг оддий фуқаро эканлигимдан беҳад мамнун булиб.

Уф, нега дунё бундай яралгани-а?

Дарвоқс, хайрлашиш олдидан мен таржимачилик соҳасида, назария ва амалиётда, шунингдек, таржимавий таҳсилда уз счимини кутаётган бир талай муаммолар борлигидан огиз очдим. У киши уз фикр-

мулоҳаза ва таклифларимни қоғозга тушириб келишм зарурлигини айтди. Охирида уз ёрдамчисига қаттиқ тайинлади:

— Қачонки бу киши менга киришни ихтиёр қиласа, күттириб ўтирамнг.

Ағсуски, орадан күп-да вақт ўтмай, ана шундай «күттириб қўймайдиган» иккى вазият пайдо булди.

УЗОҚНИ МУЛЖАЛЛАГАН КАЛТАБИНЛАР

Ўзим хизмат қилиб турган дорилғунуңда уша кезлари аҳвол танг эдикни нарғи йўқ. Бу даргоҳда салкам чорак аср ишлабманки, ўи йиллар давомида қаттиқ қийналдик. Бутун кафедрамиз билан. Жанобииғиз аввал бошда академиидан Тошксит Даълат университетига ишга қелган кунимдан бошлаб ҳанг-манг булиб қолганман. Худди бошқа қитъядан бу срга адашиб келгандай сизганиман ўзимни. Дастлабки кунларданоқ пайқаганман: ҳаст бошқаю мактаб башқа! Иккى ўртада худди жарлик, унқон бордай. Олий мактабни сиёсат булутдай қоплаб ётибди. Гуе ҳалқ ҳужалиғига юқори малакали мутахассис эмас, балки чириб, чок-чокидан ситилиб бораётган тузумни кўр-кўрона ҳимоя қиладиган сўқир сиёсатдон, васиқали манқурт керак. Ўнлаб пуч сиёсий фанлар (дарвоқс, «фан» сўзининг бир маъноси — ҳийлау фан!) маслаксизлик, мунофиқлик, бақироқ даҳрийлик, мавхум, кўчирма грамматикалар орасида йилт этган жонли фикр, эркин мулоҳаза, мантиқли далилга ўрин қолмабди. Бу ердан қочиб кстай десам, яна қаёққа бораман? Қўним ҳам булиши керак-да одамда. Бунинг устига, ҳаммаёқда бир хил қироату, бирдай итоат.

Қизиқ. Олий мактабда, инсоншунослик жабҳасида ҳаммаёқни ўрис тили босиб кетган. Жуда нозик йуллар билан насроний маданиятини сингдириб ётишибди. Ислом маданияти — қатагон! Она тилидан оғиз очган одам бестухтов «миллатчи»га айланади. Ўрис тилининг эса то тил тарихию, адабий тил учун айтарли аҳамияти булмаган майда шеваларигача ўқитилади. Чунки у «улуг» ҳалқининг улуг тили-да. Ана зўравонлик! Ўқув режаларини Москов тузади. Калит уларнинг кўлида. Додийнгий Ҳудоға айт.

Нима қилиш керак? Бу ердаги «олим-маъмурлар» шу қадар кар ва без булиб кетганки, уларнинг қулоқлари остидан замбаракдан ўқ узсанг-да, эшитиш-

майды. Бошини «Анов» томонга иргаб құяды, вассалом.

1969 йылда Узкомпартия Марказқұмийнинг қарори асосида журналистика қуллиғтида түрт кишидан иборат таржима назарияси минбаргоҳи (кафедрасы) очилди. Бироқ... Минбаргоҳ бор-у, соат йўқ. Бизни узун болграб, калта тушовлаб қўйинчди. Синалган усул! Улик тил ҳисобланмиш лотин тили үқитилади. Аммо кўпмиллатли, кўптили, байнамилал таркибли жамият учун сув билан ҳаводай зарур бўлган таржимонлик ихтисосига урин йўқ. Чунки тургуйлик сағтанатига таржимадан кўра ўрис тилини сийгидириш фарз. Миллатлар ва миллий маданиятлар аро кўприк бўлган, уларни бир-бири билан чамбарчас boglaidig'an санъат бўлмиш таржима ҳақида шунчаки «йўлигагина» гапирилди, холос. Бас, ихтисосликлар сирасида (номенклатурасида) бундай нарсага урин йўқ. Бу сўқир марказнинг сўқир сиёсати эди... Уларнинг мантиқи айнан мантиқсизликка асослаиганди. Миллий республикалар халқларининг тили, тарихи, маданияти, санъати ва адабиётини ривожлантириш иши жиловланган, ҳамма нарса миллий тилларнинг маҳв булиб, уз урнини ўрис тилига бушатиб беришига мулжалланган эди.

ШАМОЛ ЭСАЎГАИ ТОМОНГА БАҚИРМА, ОВОЗИНГ ЗОЕЙ КЕТАДИ...

Омадимиз чопгани шунда эдиккі, дорилғунунпиниг олий бошқарув маҳкамасида «уз одамимиз» бор. Бу проректор Шемахмуд ўғли Шенслом Шомукхаммад. У қомусий билимга эга бўлган фозил киши. Мавлонони баайни узига хос Шарқ адабий энциклопедияси деса булади. Узбекистон ҳудудида бундай кенг билимга эга бўлган инсонни топиш амри маҳол. У киши: олим булиб — муроҳада қиласи; ношир булиб — адабий мажмуалар чоп этади, халқимизни Шарқ адабиёти билан таништиради; мунаққид булиб — танқид қиласи; шоир булиб — шеър битади. Муҳими: форсийзабон ва туркигүй таржимон! Ноёб адабий үгирамчи (трансформатор). Гоят қамровдор мутаржим: Абулқосим Фирдавсийдан — Абдураҳмон Жомийгача, Умар Хайёмдан — Ҳусрав Дехлавийгача... Боз устига, таниқли таржимашунос ва таржима танқидчиси. Қандай қилиб аруздан бармоқ чиқазиш, маҳобатли

«Шоҳнома»ни «Алпомиш» вазнида таржима қилиш муаммоларини ёритган ва амалда буни исботлаганлардан бири тақсиримнинг узлари буладилар. Катта адабий давраларда бўлган, мұтабар адаб ва мутафаккирлар билан мулоқот қилган, баҳслашган. Буюк «Шоҳнома»ни ўзбекчалаштиргани учун халқаро Фирдавсий соврининг машарраф ҳам бўлган.

Касал тузалгиси келса, табиб уз оёғи билан кслади, дейишади. Менимча, бошқа бир ҳолларда аксинча ҳам булади: табибининг омади чопса — бемор кўпаяди... Йўқса, келиб-келиб Шоислом Шомуҳаммад проектор буладими бизда. Хуллас, бир кишининг қиёфасида: шоир-таржимон, олим-ноширу, маъмур-раҳбар мужассам бўлган эди.

Бир куни, ниҳоят, нажоткоримиз остоналарига бош уриб боришига тўғри кслди. Гап орасида катта домла — пирамизга мурожаат этишдан мурод нима эканини секин айтган бўлдим. Қарасам... мавлоно нечукдир хомуш. Шоирдан раҳбар чиқмайди, деб эшитганим бор. Шоислом aka уз «қавмишимдаги» ижодкор-у, шу топда, ким билсин, хаёли Хўжа Ҳофиздами ёки Маликушшуаро Баҳордами? Балким «Шоҳнома»га янгича жаранглайдиган вазн қидирастгандир. Ажабмас, Умар Ҳайёмнинг бирон рубонийсига қофия изляяптиминкан?..

Алқисса, камина таржима назарияси ва амалиёти, дорилғунун таълими тсграсида таржимон тайсрлаш, янги дастур ва қулланмалар, машқ тупламлари тартиб бериш ҳамда бу ишга дарс жадвалидан урин (вақт, яъни соат) ажратиш зарурлиги хусусида айтган гапларимни яна такрорладим.

Қизик! У киши тагин лоқайд. Ниҳоят, жуда қуявермаганимдан кейин тилга кирдилар:

— Ердам беролмайман. Сизнинг дарсларингиз уқув режасида йўқ. Даста-қошиқ Московнинг қулида. Московнинг кўзлари эса уз йўлида...

— Ие, таржима — уқув тарҳида (планида), таржимон — номенклатурада бўлмаса, нима қилиш керак? Шулар ҳаётда борми?

— Ҳаётда бор. Планда йўқ.

— Демак, планга киритиш керак. Вассалом. Мантиқ шуни тақозо этади.

— Масков бошқача мантиқ билан иш куради. Марказда тасдиқланган режада йўқми, демак, ҳар қандай янги киритилган нарса — гайри қонуний, бун-

га журъат этган киши — узбошимча қонунбузар булади.

Ана холос! Проректор курсисидаги олимни — маймур, шоирни — маҳкамачи, эркин-ижодий фикрловчи адабий мунаққидни — мансабдор шахс сиқиб чиқазибди-да, деган қарорга келдим. Үзимга ишонмай қолдим. Жаҳлим чиқа бошлади.

— Шоислом ака, Сиз ҳозир айтган ганиларни оддий маҳкама хизматини ҳам айта олади. Айтаяпти ҳам. Лекин, ахир, Сиз үзинигиз таржиманинг нонини еб, бола-чақа боқадиган эътиборли ижодкор одамсиз. Шундай эмасми? Бу гапларни айтишга қандай тилингиз боради! Хуллас, ақлим етдики, бу хона соҳиби билан ишим битмайди. Кузим мошдай очилди.

Олтмининичи йилларнинг биринчи ярмида журналистика факултетидагиларининг биздан булак қиласидаган иши қолмади, чоғимда. Кун сайин тазиик, ҳафта сайин текширув, ой сайин мухокама, комиссия... Дастак — ўкув режаси, баҳона — минибаргоҳда «партияний руҳ» стиши маслиги (бу билан уша вақтдаги бизнисиг минибаргоҳда биронта ҳам фирмә аъзоси йўқлигига жула «таглор» ва «матьноли» ишора қилинганди!) Ушанда факултет бошлиги шу даражага бориб етдики, атиги турт кишидан иборат кафедрада бир нуфузни (иптатни) қисқартиришга ҳам уришиб курди.

Марказпараст, «аиновлариниң» малайи бўлган бу гарип кимсаларнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмас эдик, орадан йигирма беш йиллар чамаси утар-утмас «Иброҳимдан қолгаи эски дукон» барбод булади, СССР парчаланиб кетади...

ШАРОФ РАШИДОВГА ЯНА ИККИ МУРОЖААТ

БИРИНЧИ МАКТУБ

Кўрдимки, оқимга қарши боришининг фойдаси йўқ. Ҳеч бўлмаса: «Хой мусулмошлар! Лоақал атиги йигирма беш йил кутинглар, ахир. Мана кўрасизлар, ушанда жумҳурият мустақил булади. Ўқув режаларини ҳам ўзимиз тузадиган булемиз. Үлкамизга қандай илмлар ва мутахассислар керак бўлиши-бўлмаслигини ўзимиз аниқлайдиган, ихтиносликлар иоменклатурасиням ўзимиз белгилайдиган булемиз. Сиз суюнган тоғлар паст булади, сиз сигинган толлар кесилиб кетади, сиз пеш қилаётган тамойиллар бир пул булади.

Мана кўрасизлар, таржимачилик иши оммавий тус олиб кетади!..» дея ғолмайман-ку. (Кошкийди шундай булишини үзим ҳам билсан!)

Эй муаззам Истиқдол! Намунча куттириб қўйдинг. Қадамингта ҳасанот! Илоҳим сенинг рақибларинг зеру-по бўлсин! Ксчаю-кундуз дуойи жонингни қила-ман. Минбайд событ ва собир бўлгайсан баҳтимизга. Сен учун жонимни курбон қилишга ҳам тайёрман, садага!

Бу гурур, бундай ифтихор ва эҳтирослар чорак асрдан кейин пайдо бўлади менда. Ҳозирча ортга қайтайлик...

Алқисса, 1981 йил 9 октябрда Шароф Рашидов номига тўрт саҳифада республикада таржимачилик ишини тубдан яхшилаш, моҳир таржимонлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, таржима таҳсилни қонуний, чукур илмий негизга кўчириш ва таржимашунослик муаммоларига оид хат ёзиб киритдим. Уша мактубимнинг охирида камина кўтараётган муаммо муҳим ва долзарблигини инобатга олган ҳолда, мазкур масала юзасидан катта давлат миқёсида маҳсус қарор қабул қилинса қандоқ бўларкин, деб шама қылгандим. Мактубда таржимачилик ишида содир бўлган аҳволни танқид қилиб ўтирумасдан, уни яхшилаш, олий таржимавий таҳсилни чуқурлаштириш юзасидан аниқ-тинниқ таклифларни илгари сурган эдим.

Ҳозир, орадан ўн уч йил утгач, ўша хатнинг қулимдаги нусхасига кўз юргутирад эканман, унда кутарилган ташкилий тадбиру, илгари суринган фикрлар айнан ҳозир ҳам ўз кучини тўла сақлаганига иқорор бўламан.

Хатни олий маҳкамага (Марказқумга) обориб берганимдан сўнг тағин ҳам қизиқ ишлар содир бўлди.

РЕКТОРХОНАДА САРОСИМА

Уша 82-йил октябрининг ўн бири бўлса керак. Бир маҳал жанобингизни биринчи проректор хоним, мархума Элеонора Николаевна Куценко ҳузурига чорлаб қолди.

- Бахайр?..
- Шундай.
- Хат-пат ёздингизми?
- Хат? Кимга?

- Рашидовга!
- Ҳа-а... өзүндим.
- Нима деб? Үша хатиниң нусхасы борми құлинғизда?
- Ҳа, бор. Үйда.
- Ҳозироқ бүекқа олиб келинг. Тез!..

Епираі. Мактуб ҳали эгасига етиб бордими, йүкми, бу срда қаекдан хабар топишидійкін? Үекда катта хужайин жуда оддий бир гапни менің айтиш учун үчинчи одамни нариги хонага чиқазиб юборди. Истихола қылған. Бүекда бұлса, соғы хизмат юзасидан өзиліган нарсаны аллақачоң етказишибди. Ехув, турлы хизмат муассасаларида, баъзан әнг күзға күриимас, «бесоз» жойларда ин қуриб олған «узимизникілар»да ҳид туғусы қаңчалар ривожланған-а! Бу солиқ ва хушер искабтопарлар, ахборотчилар, ҳаммаңын тимискилаб юрувчи изқуварлар жойлардаги үз хужайинларин текнінга әнг янғы ахборотлар билан таъминлаб турмайдылар. Бу илдизи Масковға бориб тақалаған бутун бошлиқ хужалик, мағқура (мағқурасызлик деб үқиісіз) корхопасы. Ана әнди гирдо-гирди шундай гап ташувчи, ахборот ва «сигнал» етказувчилар биелан пиөз пүстидай үраб олинған Шароф Рашидовининг қандай дұзахий шароитда яшагани ва ишлапанини тасаввур қилинг!

Она саросымага тушиб қолған эли. Сабаби маңдум, албатта. Іирон гапнинг чуби чиқиб қолмасин тағын деб күркәди-да. Шу орада мен хатиниң нусхасини уннинг құлиға тутқаздым. Күңенқо она, тез үқиш мәнінни олған экамын дейман, бир дақықага қолмай 120 сағтрын күз юргутириб чиқди ва «уф-ф-ф!..» деб юборли.

— Ҳа, тиңчиликми үзи? — сұрашында жүрьят этдім ундаи, үзимини ҳеч нарсаны билмаганга солиб.

— Дард! — деб юборди у бехосдан, ҳамма хавотирлари чиниакка чиққанидаи эзитикиб. — Аңчайин гап экан-ку. Буңдоқ айттың қүйесанғыз бұлармиди. Сизге жавоб. Дарвоқе... Дуруст иш қылғаның у кишиңа шундай мактуб йұллаб. Чакки эмас.

Уннинг құзуридан чиқар экамын, үзимизининг айрим бошлиқтар устидан кулар зедим. Лаббай? «Чакки эмас?» Нечук булиб? Чакки бұлғанида-ку, нима қилиш кераклигиниң билардинглар. Мен ҳам сизлар үйлаганчалик «Эшматлардан» эмасман. Ҳар кім үзига қараб түн бичади. Мениң үзларыча ТошДУ раҳбарияті устидан шикоят қылған, деб үйлашған күрииади.

Холбуки!.. Уша топда, рости, узимдан ҳам хурсанд булиб кетдим. «Яшавор, Гайбулла!» деб. Негаки, хатнинг бошида бизда таржима таҳсили оғир ахволда экани, бу янги ихтинослик расмий укув тарҳида акс этмагани, шунга қарамай, бизнинг раҳбарият расман «қонунсиз» бўлса-да, мен бошқараётган таржима минбаргоҳини ҳар хил ҳужумлардан асраб, тишининг кавагида сақлаб келаётганини алоҳида қайд этгандим. Айниқса, университетнинг уша вақтдаги ректори, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов билан биринчи проректор Э. Н. Кудченко шаънига илик гапларни ёзгандим.

Сирасини айтганда, бу иқрорим самимий ва тўгри эди. Ҳозир ҳам дорилфунун раҳбарлари ва таникли олимларига (Сайдихон Сирожиддинов, Полтон Азизов, Анвар Аъзамхужаев, Шавкат Алимов, Тұхтамурод Жураев, Тұрабек Долимов, Шоислом Шомуҳаммад...) чукур миннатдорчилик туйгусига асло хиёнат қилган эмасман.

ЯНА БИР ЧОРЛОВ

Бу галгиси анча қўнтилли эди.

Орадан ўн кунча вақт ўтгач, мени Республика олий ва урга маҳсус таълим вазирлигига чақиришди. Вазирликнинг бўлим мудири (фамилияси Исамуҳаммадов бўлса керак) каминани қаршилаб, Шароф Рашидов номига ёзган хатимга жавоб олинганини хабар қилди. Сиз тарафларда жиддийроқ, яхши узгаришлар бўладиганга ухшайди, деди у. Сунгра уша мен ёзган номани курсатди. Кўриниб турардики, Шароф ака турт саҳифани, ундаги ҳар бир банд, моддани сингчилаб уқиган ва наинки ҳар бир сатр, тоҳо ҳар бир таклиф, жумла ва сўзнинг остига чизиб, қоғознинг ҳошиясига ундов (!), қалдиргоч (V), кўшув (+), нуқта (.) аломатларини қўйиб ташлаган эди. Ёдимда қолгани яна шуки, сўнгги катта жумла: жумхуриятда таржимачилик ишини яхшилаш йўригида — амалиёт, тарих, назария, танқид ва таҳсид йўригида умумдавлат аҳамиятига молик бирон катта қарор қабул қилинса қандай бўларкин, деган таклифнинг ёнига тик чизик тортиб, ҳошияга иккита ундов аломати (!!)-қўйганди.

Эътиборга лойиқ жиҳати: хат маҳсус шифрланган сехрли бир нарсага айланган. Бўни у маҳсус шундай қилганди. Сабаби, катта хужайнининг бу ўзига хос

дастхати уни ўқиган одамда чукур ижобий таассурот қолдиради. Бениҳоя кайфим чоғ бўлди. («Кулингиз илоҳим дард кўрмасин, Шароф ар-Рашид домла», деб дуо қилиб турардим ичимда.)

— Тайёргарлигинги зинни кураверинг, иним, — деди маҳкама ходими.

...Минг таассуфки, ишнинг бошланиши интиҳойи зур бўлдию, таклифларим амалга ошмади. Сабаби, докторлик ишим ҳимоясида чигаллик келиб чиққач, тасдигим бир йилга чўзилиб кетди. Ишмим айни ўнгланган чогда эса... бу алп иносон вафот этди ва унинг номи атрофида қорагурухчилар томонидан фитналар кузгалиб, Шароф Рашид номи билан боғлиқ барча ишлар тақа-тақ тўхтаб қолди.

ИККИ ДИССЕРТАЦИЯ ВА ТЎРТ ҲИМОЯ

Яна озгина ортга қайтаман. 1982 йилда УзФА Тил ва адабиёт илмигоҳида «Алабий анъана ва бадний таржима проблесмалари (қиссий-услубий ва қолипловчи тарҳ йўриғида таҳлил)» мавзууда докторлик илмий рисоласини ҳимоя қўлдим. Ноҳуш бир тафсилот: умримда иккига диссертация (номзодлик ва докторлик) ёзиб, тўрт марта ҳимоя қўлганман (СамДУ, УзФА ва шаҳри Москва — иккى топқир олий тафтиш комиссиясида). Ишларим 400 фоиз овоз олиб, яқдилик билан тасдиқланган.

Айтишга осон!..

Яна бир тафсилот: ҳар иккала диссертациям ҳимоясидә ҳам айни бир киши зимдан фитна уюштирган (буни уша одам билан яккаш ўзим биламан. Аммо буни бир-биримизга сира айтган эмасмиз).

Дарвоҷе: Шароф aka сукут сақлаган ҳолда унинг номини бармоги билан аниқ курсатган эди!..

Яна бир тафсилот: ўз муҳолифим билан қалин дустмиз. Ҳеч қачон ундан уч олишга саъй-ҳаракат қўлмаганман. Сабаби, диним ва мазҳабим, тарбиям, муқаддас Қуръон билан Ҳадис буни таъқиқлаїди. Со-бир булиш керак! Мен Шароф Рашидовнинг сийрати ва сувратида ҳам худди шу сифатни кўрар эдим.

Аммо докторлик ишимга малъуналарча қилянганди хусумат, маҳсус уюштирилган фитна суюк-суягимни зирқиратиб юборди.

Тагин бир тафсилот: зимдан менга қарши уюшган туда иштироқчилари — беш кишининг ҳаммаси асли

келиб чиқиши тарафидан Қуддуси шарифлик баний одамлар эди.

ТЕМУРИЙ РАҚС

Минг тұққыз юз саксон иккінчи йилнинг күз фасли. Жанобингиз докторлык ишімнинг ташвишлари билан шаҳри Масковга, Олий тафтишхона (ВАК)га бориб қолдым. Матсұб Қүшжон домла ҳам сиҳати йуригидан даволанишга борган эканлар.

Менниң уәқларда юрганим сабаби, күз нурларимдан экиб күкартирган үн йишлик илмий тадқиқотимга келиб-келиб бир... хитой тили мутахассиси «қора тақриз» өзгән экан. (Зимдан уюштирилған хусумат юза-сидан.) Уфф... дунёда нима қийин, үзинг инсон була туриб, түя эмаслигингни исботлаш қийин. Қүйингки, дүппи тор келиб турған кеслар.

Кечки пайт овқатланиш учун «Пекин» мәжмонхонасининг ресторанинша түшдик. Шунда денг, «лон» этиб, бағтли бир тасодиғ (агар буни «бағтли тасодиғ» деб бұлса!) содир булди. Матсұб ака биз томон юриб кславттан қотмагина бир кишини күриб кайфи чог бұлғиб кетди.

— Бемор тузалгиси келса... нима бұлади? — деб юзланды домла менга.

— ...Табиб уз оғи билан келади, — дедим мен ҳеч нарсага тушунмай.

— Ҳа, баракалла, — десди у жуда маңында қараб. Омадингиз бор экан, Гайбулла, — дедилар домла сирли шивирлаб. — Қаранг, анови киши дунё танийдиган аллома, академик Фалончы бұладилар... ВАКнинг стұнларидан бири.

Домла ҳалиги «стун» билан қуюқ күришиб-сұрашғандан кейин уларни (өнида хотини ҳам бор эди) дастурхонимизге таклиф этдилар.

Бирон соатлар чамаси уәк-бүекдан гурунглашиб утиридик. Мен собиқ Иттифоқ Файлар академиясияннан ҳақиқиي аязоси, академик билан биринчи марта учрашуви мәдениеттегі үмримдада. Ҳурматли академигимиз атоқли тарихчи олим экан. Гап асносида мавзу Амир Темурга болганиб қолди. «Темур» номиниң шығыншысы билан мәжмоннинг авзори бузилди. Үнга нисбатан «каллалардан минора ясаган фотих», «босқинчи», «қонхүр», «мустабид» ва яна алламбало таш-

беҳлар ёғилиб кетди. Баҳсга аралашайин десам, буёқда узимнинг аҳволим ҳалигидай... Қовун тушириб қўйишим мумкин.

Йўқ, бўлмади. Барибир аралашишга тұғри келди.

— Амир Темур Курагоний, яъни шавкатли Тэмур менинг бобом бўладилар! — дедим адл туриб. Аталадан суюк чиққандай.

Владимир Петрович қулокларига ишонмай қолди ва мендан гапга аниқлик киритишни талаб қилди. Мен уша гапни яна такрорладим.

— Сенинг бобонг? Қайси маънода? Яъни сен шаҳрисабзлик, барлос уругиданмисан? Балким фотиҳнинг шажарасидандирсан?..

— Йўқ, мен Шаҳрисабзни кўрмаганман ҳам. Барлос уругидан ҳам эмасман. Шажара-пажаранинг ҳам алоқаси йўқ.

— Нега бўлмаса ундаи дейсан?

— Нима қипти? Амир Темур бир менинг эмас, қимирилаган жон боркли, барча узбекларнинг бобоси. У билан фаҳрланамиз.

Мен вазиятни атайин кескинлаштираётган ва таъкидлаётган эдим. В. П. Челишев ҳайрон булиб Матёқуб акага қаради. Мен фақат «қовун» эмас, ундан каттароқ бир нарсани тушириб қўйганимни пайқаб, зимдан домлага кўз қиrimни ташладим. Шундоқ вазмии ва «огир карвон» Матёқуб aka ҳам ташвишланиб, гимирлаб қолгани сезилиб турарди. Бор-э, бўлгани булди, деб уйладим узимча. Қачонгача!!! Домла, авзойидан, мавзу бутундай бошқа, «ксраксиз» томонга бурилиб кетганидан ранжиб, вазиятни сал-пал юмшатмоқчи, гапни бошқа, «керакли» томонга бурмоқчи, «Ғайбулла шундай дедию, лекин шундай демоқчи эмас эди» қабилида гапириб, узиямчувалашиб қолди. Хуллас, мавзуни узгартириш учун об-ҳаводан гапирмоқчи бўлувди, чиқмади. Узини гарангсиганга олди. Бир-икки муштига йўтуалиб ҳам курди. Ниҳоят, соглигидан шиква қилишга утди. Мен бўлсам ҳамон, хонаси келиб қолганидан хурсанд булиб, ун йиллар мобайнида, эҳтимол, асрлар мобайнида таҳқир қилиб келинган тарихимиз учун энг катта тарихчи олимдан, олимларнинг ииридан «аламимни» олаётган эдим гүё. Ер юзини ларзага келтирган узимнинг буюк ва қудратли бобомдан лоф ургим келарди.

— Ҳим... Амир Темур... Соҳибқирон, саркарда... Дунёда туртта буюк саркарда бўлса, шунинг бири биз-

нинг оқсоқ бобомиз бўладиylар. Мана, Искандар Зулқарнайн, Чингизхон, Наполеон Бонапарт...

Владимир Петрович азбаройи жаҳли чиққанидан, менинг гапимни шарт бўлди-да:

— ... Пётр биринчи!.. — деб қўшиб қўйди. Менга эса худди шу нарса керак эди. Бирданига қарши ҳужумга утдим.

— Худди шундай. Пётр биринчи, Александр Суворов, Михаил Кутузов... Булар ўз ҳалқи ва она диёри Русия учун қанчалик муқаддас номлар бўлса, Амир Темур, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Захирiddин Муҳаммад Бобурлар ҳам биз узбекларга, ҳатто бутун Шарқ ҳалқлари учун шундай улуг ва муқаддас номлардир. Йўқса, бутун Оврупони, жумладан Русияни елдирим Боязида таҳдидидан ким сақлаб қолди?!

Олим киши саёз сиёсатдондан шу билан фарқ қиласди, у мантиқ ва далиллар билан ҳисоблашади. В. П. Челишев ҳам яхши инсон ва чукур билимга эга булган олим экан. Баҳсимиз аста-секин бир қиёмга кела бошлади. Камина илмий мезонлар барча учун баробар булиши, тарих барча ҳалқларнинг ўтмишига ҳар хил қарамасдан — бирига чўққидан туриб тантанавор оҳангларда, бошқаларга эса нописандлик билан ҳақоратомуз муносабатда бўлмаслиги лозимлиги ҳақида сухбатлашдик. Зотан, Пётр I урисларни қанчалик асрий қолоқликдан чиқазган бўлса (ҳа, чиқазган бўлса, башарти...), Амир Темур ҳам туркий қавмларни бирлаштириб, уларни рушноликка чиқазди ва буюк бир салтанатта асос солди. Бас, биз уни нафақат Узбекистон, балки бутун туркийзабон ҳалқларнинг ҳомийси ва пушти паноҳи эканлигидан таҳлашдик. Бошқача айтганда, тарихда муҳим роль уйнаган шахсларнинг қилган ишларига холисона баҳо бериш лозим. Зоро, Пётр биринчи — фақат музaffer, Амир Темур — нуқул фотиҳ булиб қолмаслиги лозим. Шу маънода «СССР тарихи» деб аталмиш фан бирёклама, соҳтакор, қаллоб эканлигидан баҳс юритдик.

Шундоқ атоқли шарқшунос олим В. П. Челишев билан устод Матёкуб Қўшжоннинг ўз даври учун ниҳоятда қалтис ҳисобланган мавзуда бир тўхтамга келганимиздан бениҳоя завқланиб кетдим. Менга шундай туюлдики, уша ерда, уша заҳоти, уша даврда Темур руҳи барҳаст эди. Кайфим жуда чоғ бўлди. Шунда мисли кўрилмаган бир рағбат сездим ўзимда ва дедим:

— Хозир мен Темурий рақсни ижро этаман!..

«Темурий рақс»? Ҳа! Ҳа, уна топда бутун вужудим жиубушға келиб, гайрат-шижоатим қулғұрды. Үмримда ҳеч қачон рақс нималигини билмаган бир бандан ожиз шижаатлы «жанговар раққос»ға айланиб, үрнімдан даст турдым, аллақаңдағы телба, жангари үйніга түшдім. Құлшарым мүніт қилиб тутилған зәді. Ҳудди өн билан іозма-юз турған синюйій синигары, рақибларни маҳв этағтаған жангчидай ҳавони сермаб ҳаракат қылар әдім. Қизиги, ресторанды қалынағтсан мусиқа ҳам аллақаңдағы уқтам рұхда жарандылар, менинг уқтам ҳаракатларимға жуда мос әді...

Орадан стти-саккиз йиллар үтиб, бизшінг үлкамізда буюк саркарда Амир Темур, темурийлар авлодишиң іомлари таҳқи्र ва ҳақоратлардан поклана болплады. Бобокалонимиз сохибқорын Темурийнің музaffer номлари ва голиб руҳлары үз она дүсірмізга қайтади. Үз тарихимизде аллақаेңқлардаги сохтақор тарихчишілер үйдірмасидан әмас, бақы үз бирламчы, табарруқ майданаримиздан үргана болплады. Аммо буңдай мудроқ ҳолатдан, гафлаг да «илгор» жаһолатдан үйтогониши мізға ҳали етти-саккиз йил бор. Бироқ үн тұрт йыл ишлары — 1982 йылда ҳали бу гаилар учун сиесінің ва фирмәсінің «тус» бериліб, қамалишінг, сурғын қилинішинің ва ҳатто бемаюол өзінінг құрғонын қуїлышини ҳам мумкін әді.

Худога шукр, буңдай бұлмади. Бұлғани фақат шу бұлдықи, докторлық диссертациям тасдиқдан... үтмай қолди! Ұша туғы сухбатдан кейин, әргаси күни Владимир Петрович менің құнғироқ қылды ва иохуш хабарни жуда қиіналиб айтады. Тасодиғінің қарандыры, менинг ишимға қора тақризін айнаң у кишишінг бұлымиша хизмат қилиб турған бир одам өзған бўлиб чиқди.

Тасодиғмикин?

Тасодиғ да тасодиғ әмас!

— Эсіз, яхни бұлмади, — деди Владимир Петрович хазин оханғда. Үйладықи, мен, жүшқиң табиаттың осиёвий хилқат бирдан қайнаң да түпкүнлилікка түшиб кетаман. Зотан, буңдай вақтда ҳамма нарса бўлиши мумкін.

— Ҳечқиси йўқ, — дедим мен үзимни ҳам лол қолдириб, аллақаңдағы савдоин одамдай. — Доктор бұлмаганин қўймантими... Мана Амир Темур ҳам доктор бұлмаган, — дедим истеҳзо билан. Бу билан чиқонининг бошини юлган әдім. Академик үсал бўлди.

Телефон гүшагидан аниқ куриб турардим: у пешонасини тириштириб қашлай бошлади. Асабийлашашыпты. Аслида, мен аламидан бир-бирига алоқаси бўлмаган нареаларни мошкичири қилиб юбораётгандим. Вазиятни юмшатиш зарурати пайдо бўлди ва шу ўртада ҳазил ҳам кўнглимга сигди:

— Дарвокे, докторликни ёқлашимдан олдин доктор эмасдим-ку...

Ҳар қалай гапларим академикка пичинг бўлиб туюлмасин тагин деб, унинг кўнглини кўтарган бўлдим:

— Биласизми, Владимир Петрович, кўнглим шундек сезиб турибдики, ҳақ ўз жойида қарор топади. Барibir ишим тасдиқланади.

Дадиллигим унга ёқди ва укта овозда деди:

— Мен ҳам шундай деб уйлайман.

Шу ўринда жуда қизиқ бир тафсилот. Орадан кўп ўтмай, мен ўз бадкирдор рақибим — «қора тақризчнинг» номини билиб олдим. У одам буёқда, Тошкентда кимларнинг тузогига илинганини ҳам аниқладим. Лекин В. П. Челишев уша мен учун (гу) номаълум булиб қолаётган тақризчи ҳақида ёмон уйламаслигим кераклигини қайта-қайта уқтирас эди. Иш ёқмаган булса — салбий тақриз ёзган-қўйган. Вассалом. Аммо менга ҳеч қандай шахсий ганимлиги йўқ.

Хуш, башарти, мен уша шахс ҳақида билганиларими бирма-бир академикка айтиб, у янгилаётгани, мен жуда пухта уйланган хусумат, гараз ва фитнанинг курбони бўлаётганимни исботласам-чи?

Йўқ, фойдасиз. Аммо заари накд. Аввало, барibir тушунтирмайман. Асло! Негаки, йирик олимлар бу сингари майда-чўйда гаплардан беқиёс устун буладилар. Улар одамларнинг бу қадар маккор, галамис ва нобакор булишини тасаввур ҳам эта олмайдилар. Худди шунинг учун ҳам улуғлар улуғ-да! Қолаверса, борингки ишонтиридим ҳам дейлик. Нима фойдаси бор! Ўзим маломатга қолардим, холос. Мантиқ шу: бирор сенга ёмон ниятда хусумат қилган бўлса-да, сен уни яхши ниятда қабул қилавер. Ана ушанда тўгри булиб чиқадир. Ўзимизча айтганда: унг бетингта урслар, чап бетингни тутиб тур.

Баъзан ўз толеимдан шиква-шикоят қилганимда, дўстларим юз-хотир қилмай дейишади:

— Тақсир, ишларингиз юришмаганига ўзингиз ҳам айбдор экансиз-да. Нима, комфирқага аъзо булиб қўя қолсангиз бўлмасмиди?

— «Пекин» мәжмөнхонасида... Амир Темур ҳақида баҳс қилиш шартмиди? Бемаврид. Индамай қүя қолинса ҳам булармиди.

— Ҳамма бирорнің әмон деса, сиз — яхин дейсиз. Екін ақсинача. Оқимга қарши сузин шартми?

Бундай муҳокама менинг мижозимга түгри келмайди. Түккүйта нокас тиіл бириктириб, бир олий жаңоб инсоннің гүмдөн қилаётгай бұлса, кишин үзини әшитиб әшитмасликка солиши керакми? Оқимға қараб сузіб, ботқоқлик әки жарлыққа қойилиб кетсанғчى? Үз тарихинг, она тиінің, устозинің, аждодларинг, сени оқ ювіб оқ тараган халқынг ва Ватанингни таҳқиrlаш әвазига орттырган сохта ва муваққат обру-эътиборингу, нұфуз ва матлабиңг кимға керак!

Аслида, менинг докторлық ишімниң рад этиш осон әмасди. Чунки жанобингиз бу соҳада юксак илмий даражанни хатм қылған өнімдем «хаваскор тадқиқотчи» әмасдим. Номзодлық тадқиқоти биләп докторлық химоялари орасида үн саккыз йыл үтгап булиб, бу вақт орасида өзін әттирган түрттеги йирик китобымдан учтаған, ҳар бири алохидә-алохидә докторлық даражаси ва профессорлық үнвонига мүносіб мустақил, жиіддій тадқиқотлар әди.

Қолаисе, бутун бир нарсанни фахр билеп қайд этаман. Мен бетайини, беватан, кимсасиз бир шахс әмасман. Аллақаेңлардан болни оғиб келиб қолған әки ҳаловат, бошиана истаб қаеңлардан дір «жаният» истаб юрган. Ортимда үз Ватаним, халқым, устозу шогирдларим бор.

Барибир... Үн йыллар мобайнида илмий иш өзөвсіріб ва ҳимоя қылаверіб күзим пишиб қолғани боең биламаққи, тафтишона (ВАК) деганингиз шундай жой әканки, истаса — ҳар қандай һинни үтказади, истамаса — ҳар қандай қашфиётни ҳам рад-бадал қиласы. Бүншіг бир минигу биттә йүли бор. Эхтимол, бор нарсанни буткүл ішүққа чиқарыш амри маҳолдір. Бирок то ҳақиқатини рүебға чиқараман дегуңча батъзан тадқиқотчи қаріб-чүриб кетади, соглиғини йүқотади әки иниға яроқсиз ногирон булиб қолади.

Дүнеда нима әмон, ҳасад, мубхамлик, ҳақсизлик, тұхмат ва ногаҳон мусибат әмон. Бөшімдә ҳар хил таҳликалы ғикрлар өзар үра бошлади. Менинг ишімни олий тафтишона... хитой тиилидан мутахас-сис бұлған бир шахсга әпік (қора) тақризга берган

бұлиб, у бизни киларнишг «ілтимосига» күра үзіча боллаб раддия өзған ва ишимни бусбутун йүққа чи-казған эди.

ИККИНЧИ МАКТУБ

Хуллас, содир булған воқса хусусида Шароф аканы хабардор қылсаммикан, деб үйлаб қолдым. Аввал андиша ғолиб келди: улкан давлат иши билан бұлған бир улуг инсонни беゾвта қишлиш одобданмикан? Бүннинг устига, күрниси турнибди, сиҳати яхшимас. Республикада ва уннинг ташқарисида галамис одамлар борға үхшайды. Вазият отыр. Ҳаво рутибатли. Нима қишлиш керак? Борнигки ишим үнгидан келмай, рад этилған тақдирда, яғни менға жуда әмбон бүлгандада нима бұларды? Доктор, профессор бүлмаганини қўймабдими? Үлиб қолмайман-ку. Кел, дин кестса кетсан, иймон кетмасин. Үёги бир гап бұлар. Хуллас, каттага айтмасликка жаҳд этдим.

Бироқ.. Башарти айтмасаму, иш пачава бүлгандан кейин у киши әшигтиб қолса нима бұлади? Ҳафа булмайдими, дили оғримайдими? «Қачон бирон қиийинчилик туғылса, тортиймасдан кславср» демагаимиди?..

Қўйингки, ортиқча мижговланиб утирмасдан, бир тахта қозозга арзи ҳол өздім. Ҳеч кимдан шиква-шикоят ҳам қилиб утирмадим. Жиним ёқтирмаиди ҳар хиљ ургочи гапларни. Нима кераги бор? Турфа шубхаю гумонлар, куз ешлари, оби-дийда билан уннинг бошинни қотириб утириш не ҳожат! Фақат: ВАҚ менинг проблеммани тушунмаяпты чоги. Қора тақриз өзған киши ҳам биздан мұтлақо йироқ, үзиям... хитойшунос экан, деб воқиғ этдим. Сүнгтида, агар лозим тоңсанғиз, башарти малол келмаса... у ёқдагылар менинг тақдиримга холис ва ҳалол муносабатда бўлишса... мазмунида бир нарсалар деган бўлдим.

... Бир куни домла Матеқуб Құшжон менинг ишимга катта хужайицілар аралашаётгани, Оқілхон Салимов олий тафтии маҳкамасынға қўнгироқ қилиб, тадқиқотим тақдирини илмий-холисона ҳал қишишларини сўрабди, деган ганини айттиб қолдилар.

Қисқаси, диссертацияни иккинчи марта, бу гал чистга тақризга юборишган. Таниқли таржимашунос мутахассисдан катта исжобий хulosса келибди. Аммо Эксперт кенгашида мархум Л. Бархударов яна хархаша қилиб, учинчи тақризга беришини талаб қилибди.

Ниҳоят, учинчи ҳакамнинг иродаси билан мушкулим осон бўлди: ишм сўзсиз тасдиқланди.

Шундай қилиб, бутун 82-йил ташвиш, таҳлика ва саросималар билан ўтиб кетди.

Узбек мардумда орият кучли бўлади. Яшириб нима қилдим. Ўз иродамга қарши бориб, бутун йил давомида майхўрликка берилдим. Кайф-сафо! Дунёни сел босса тўпигимга чиқмайдиган бўлди. Уйлайманки, шу бадмастлик мени нақд ҳалокатдан сақлаб қолди. Акс ҳолда, мудҳиш хусуматга чидаслмай, юрагим таре ёрилиши турган гап эди (бу даҳшатли ҳодиса — иккимарта устма-уст қамровдор инфаркт олти йилдан кейин барибир содир бўлади).

Роса бир йил деганда ишм тасдиқланиб, юзим ёргут бўлди. Уша кун, уша соатданоқ ширакайфлик балосидан яна халос бўлдим. (Май ичишини макрух деб биламан).

Ниҳоят, олам гулистон бўлиб, Тошкентга қайтганимда... маънавий валинеъмат, покдомонлик тимсоли бўлмиш улуғ инсон Шароф Рашидовнинг тобут узра ётгани устидан чиқиб қолдим. Э аттанг. Сунгти маротаба бир обизгина ташаккур сузини айтишга улгурмадим. Кечикдим!..

ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Шароф Рашидов вафотидан кейин одамлар орасида ҳар хил миши-мишлар тарқалди. Эмишки, бу мұътабар зот ҳечам улмаган, балқи хорижга бош олиб чиқиб кетган. Қачонки ўлкамизда омон-омонлик бўлиб, жумҳуриятда хуррият қарор топса, ана ушанды у бошнини магрур кўтариб, ёргут юз билан Ватанга қайтиб келаркан.

Шахсан мен бу гапга ишонаман. Зеро, ҳалқ ҳеч қачон ўз севган қаҳрамонини «улдиргиси» келмайди. Галат: ҳалқ оғзаки ижодиёти, ҳалқ тахайиулоти (фан-тазияси) билан тақдирни азалий ва абадий — инсоннинг бу дунёдан муқаррар кўз юмиши сира бир-бири билан муроса қила олмайди. Зотан, ҳалқ даҳоси қаршисида таъзим қўлмай иложимиз ҳам йўқ. Офарин! Дарҳақиқат, жонажон Узбекистонимизнинг бир йиллик мустақиллик байрами Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига уланиб кетди...

ЯХШИДАН ШАРОФАТ

Умр бўйи шундай кишини учратмадимки, уни кат-

таю кичик, ёшу қари барча бирдай яхши инсон деб таниса. Мабодо, фараз қилаўлик, дунёда лоақал бир дона шундай зоти пок топилган тақдирда ҳам, у наинки яхши одам, умуман одам эмас. Балким, авлиёдир у? Йүқ, авлиё эмас. Авлиёларнинг ҳам рақиби бўлганда. Ажабмас, пайғамбардир? Йүқ, пайғамбарларда ҳам ганим бўлган. Эҳтимол, астагфирилло... худодир? Ё раббий, Парвардиғорнинг ўзига ҳам мункир бўлгандар оз эмас. Воажаб: инсоний салоҳияти ва илоҳий мавқси қанчалик юксалиб боргани сайни уларга нисбатан гаразли шахслар, тұдалар өки маслаклар камайиб ёхуд йўқолиб бориши ўрнига, билъакс, душманлар сафи ортиб боравсаркан...

Қайсиdir бир улуг зот деган эканлар: кишининг нечоглиқ улуглиги унинг душманлари сони билан белгиланади.

Агар мен бутун узбек ҳалқининг севимли фарзанди, атоқли давлат ва жамоат арбоби, ғузувчи Шароф Рашибов ҳақида ўз билганиларимий ғзиш учун қўлимга қалам олган эканман, бу инсонни ҳаммадан кўп билганим учун эмас. Йўқ, қарийб эл қатори танирдим у кишини. Мени хайрон-лол қолдирган нарса шу бўлдики, у ҳазрати инсонни жуда яқиндан билган, ҳаминафас ва сирдош бўлган кимсалар... жим қолишиди. Бунинг сабаби маълум, албатта. Унинг номини, вафотидан сўнг, қалин, мубҳам, кўргошиндай оғир сирлар пардаси билан ураб олишиди. Вактида ундан кўп марҳаматлар кўрган, кўзишишт ғенини сган, барчага отништ қашқасидай маълум бир бетавғиқ шахс эса «рашидовчилик» деган чучмал бир уйдирмани тўқиб, ҳамма өққа жар солди. Бошқалири ҳам, хоҳ фирқа раҳбари өки маҳкамачи бўлсин, хоҳ ҳаётлигига унинг атрофида гиргиттон, ялтоқланиб юрган шоири шуаро бўлсин, хоҳ олиму олимвачча бўлсин, марҳумга кетма-кет тош ота бошлилди. Улар уша отилаётган тошлар, водариг, ўзларига ва, охир оқибатда, бутун узбек ҳалқига келиб тегаётганини ҳам пайқамади. Фисқ-фужур бозори қизингандан қизиди. Фараз ва ҳасад бир даҳшатли юҳо экан. Афсус ва надоматлар бўлсинки, баъзида баҳарниаузининг лафзи ҳалоллиги билан танилган кишилар ҳам, иймоини ютиб, оқни қора деб кўрсатишга уриниб қолди. Кимдир ўзини нимадандир оқлашгага өки муҳофаза қилишга, кимдир қаицайдир янги унвону лавозимдан умидвор булиб, яна кимдир балким «ҳар эҳтимолга қарши», гўё бало-қазоларнинг олдини олиши учун дегандай...

Бу ургада яна бир тоифа одамлар бор. Эл-юрт ҳурматида булиб келган, Шароф акани жумхурият оқсоқоли сифатида билган, у билан елкама-елка хизмат қылғанларни назарда тутаман. Буларга нисбатан: бир оёги түрдә, бир оёги гүрда, дейди халқимиз. Бундай олганда, уларнинг йўқотадиган нарсаси ҳам йўқ. Айтиб булмайди, ким билсин, иссиқ жон, уларнинг марҳум билан ораларида хизмат юзасидан паст-баланд гаплар утгандир ҳам. Бироқ! Раҳматлик Шароф Рашидовдан улар марҳумнинг то сўнгги кунларигача барibir рушнолик курганини одамлар билади, ахир. Бу тоифа кишилари ҳаммадаң қизиқ «хунар» кўрсатди. Чунонгни: давр шамоли қаёққа қараб эсса, уша ёққа стти букилиб таъзим қиласди. Агар юқори мансабдор доираларда марҳумнинг номини булғаётган булишса — шайтон томонидан туриб зикр қиласди. Мабодо иносиф-адолатнинг қули балаңд кесла, дарҳол раҳмон томонига утиб олишади. Хуллас, голиблик ҳамма вақт уларнинг томонида бўлади. Шўрлик Шароф Рашидов. Бунчалар тошингиз сингил бўлмаса! Айни бир одам Сизни маломат қилиб ҳам, маҳобат қилиб ҳам кун куради. Қангчалар тубанлик, мутелиқ, майфурлик. Ер остида сукут сақлаб ётсангиз ҳам улугсиз, бу тирик муртадлардан бекиис устунсиз, устунсиз.

Сиз ҳамма утун ҳурматли эдингиз. Ҳатто халқининг тилига ва дилига тушиган шу иборани ҳам таҳқиқ қылмоқчи бўлдилар. Йўқ, қанчалик чираннишмасин, Сиз ҳаммамиз учун ҳурматли эдингиз ва шундай булиб қолдингиз. «Яхшидан шарофат, ёмондан касофат» дейдилар. Сиз элимиз-юртимиз учун шарофат тимсоли булиб қолдингиз.

Ёшим бир жойда. Узим катта сиёsat ёки раҳбарликдан йироқман. Мана роса қирқ йилдан буён академия ва доријфунун тупрогини ялаб, илм-урфон, ёзув-чиズув, домлачиликда юрган одамман. Фирқа аъзоси ёки «рашидовшунос» ҳам эмасман. Бас, марҳумни маҳобатлаштиришдан манфаатдорлик жоийм йўқ. Катта раҳбарият даргоҳида салкам чорак аср давомида жумхуриятимиз ва халқимизга бош-қош булиб келган бу инсонни яқиндан билмайман. Бироқ, бундай ўйлаб қарасам, икки маротаба Шароф ака билан юзма-юз туриб гаплашганман, каминанинг у киши ҳакида билғанларим ҳам унинг арвоҳини шод этиш, «узбеклар иши» журигида минглаб жабрдийда одамларимизнинг синиқ кўнглини кўтариш учун аскотади-

ган баъзи нарсалардан воқиф эканман. Зеро, таниқли табиб, мумиёшунос ва олим Одил Шокировнинг китобларида уқиганим бор:

*Синса кунгил шишаси тадбир ила бўлмас бутун,
Устухон эрмаски они рост қилса мўмиё.*

Нима?! «Кунгил шишаси»? Кунгил қолдими... Нене шохлар, бошлар, устухонлар синиб кетди. «Пахта иши» деб Рашидовни, Рашидовни деб меҳнаткаш ўзбек халқини бадном қылдилар-ку. Бутун бир халққа қора юрагида қора ҳasad ва оғу, пинжида ханжар яшириб юрган Гдлян билан Ивановларни-ку «тушунса» булар. Узимизнинг буёқдагилар, узларини «халқчи», «адолатпеша», «жабрдийда» деб юрган, билибмийламайми, ўз халқининг юзига оёқ қўйган падаркуш, мунофик, кўрнамаклар ҳақида нима деймиз энди?..

ТАВАЛЛО ЁКИ ТАВАККАЛ

Низомий кўчасида турган маҳалимизда (бу етмишингти йилларнинг охири бўлса керак), бир куни уйимизга Мұхаммадали Қўшмоқ келиб қолди. У яхши шоир ва зукко тадқикотчи бўлишидан ташқари, дилбар ҳам сұхбати ширин бир инсон. Бунинг устига шоҳмотда зийрак рақиб. Аммо шуниси борки, кейинги вақтларда уйинда маҳорати жуда ошиб кеттанидан шоирона лоф урса-да, менга нуқул чап беради... Уни куриб қувониб кетдим. Роса мириқиб дона сурарканмиз деб.

Аммо бу гал у сал паришонроқ куринди кўзимга.

— Қани, баҳайр, шоир? Тинчликми? Ҳомушроқсиз? Лофни қўйингу, мияни пешланг. Қўлга тушдингиз. Баҳона инобатта олинмайди. Рухни отга қурбон қилиш нималигини бир кўрсатиб қўяй! Ҳаддингиздан ошаяпсиз, иним. Ҳой, шоҳмотни олиб чиқ! Даствархон, дегандай...

Қарасам, чирог ёқсаям кўнгли ёришадигантга ухшамайди.

— Ишлар чатоқ, — дейди у «ёрилиб». — Хабарингиз бор, беш хоналик уйда тураман...

— Беш хоналик? Буюрсин. Ошигинги олчию...

— Унчаликмас. Гап шундаки...

Хуллас, маълум бўлдики, бир хонадонда уч оила: Мұхаммадали ўз бола-чақалари, кекса ота-онаси ҳамда мусибатта учраган муштипар синглиси бир этак чурва-

қалари билан тиқилишиб қолган экан. Начора, ҳамдардлик билдиришдан үзга чора йүқ.

— Мснимча, чораси бор, — деди у. — Беш хоналик уйни битта икки хоналик ва бир уч хоналик квартирага алмаштирса булади. Уйниг сатҳи торайса ҳам майли.

— Жуда соз. Уй алмаштириш билан шугулланувчи маҳсус идора бор. Үшаларга ариза ташланг. Биласизми, иккита кігізкік квартираны битта катта уйға алмаштиrolмай сарсон булыб юрганлар ҳам кам бұлмаса керак. Шарттга...

Менинг жүяли тадбирим нима учундыр суҳбатдошимга өкінкірамади.

— Домла, үзинギз өрдам бериб юборсанғиз бұлмайдими?

Мен ҳанг-манғ булыб қолдым. Қандай қылаб? Ие, даалолманмі? Үзимнинг турған ҳовлим манови бұлса. Дсворлари өрилиб кетған. Устимга аганай деб турибди. Осмондан өкқан бир ҳовуч Әмғир устимизға уч ҳовуч булыб тушади: томлар илма-тесік. Қүйинеки, күлбамизға киришга күркәди одамлар.

Бу гаплар!!! айтсам, мине андиша билан қадам ранжийда қылған бир ҳожатманқ шүрлікнинг дилем оғрийди. Нима қылсам экан? Бироз пишакка кетған бұлдыму, гаппен ҳазылға йүйіб юбордым.

— Ох, бегубор иним-а, қанийди құлымдан келса. Бир Сиз эмас, бутын дүнәлдеги бесхонумон шоирларни үйлік-жойлік, ватақылқ қылаб юборардым.

— Қулингиздан келади.

— Нима бу, ҳазылмі, дүстім? Мендан уй-жой илтимос қылыш бирон нотавондан илмін рисола сқи шсър өзиб беринин илтижо қилишдай, ақл бовар қылмайдиган бир нарса. Үндән ·құра, бир құл шохмот...

— Йүқ, домла, ҳазыллаштаётганим йүқ. Жицдий.

Сал энсам қотди. Пешона тиришди. Қаршимда утирган одам бир сипо, фозыл, бунинг устига шоир ва яна мәхмөн бұлса... Мен ҳамон унинг илтижосини жиддий қабул қылмаётгандың зәдим. Үзи шунақа галатироқ йигит. Ҳазылни билан чинини ажратиш амри маҳол. Гаплары алланесчук тәгдор. Коса остида ним коса, дегандай... Мұддаосини англаб еттүнгі паққос өрилиб уласиз. Соқовни түшүнса булади, имо-ишорасидан. Аммо Мұхаммадали Құшмоқни уқиши учун құшалоқ фаросат ҳам камлік қиласы.

— Құлингиздан келади, домлажон. Йүк, деманг. Бир озиб-өзис...

— Хой афандим, мени қасамга тираманг. Ундан кура, мана, шоҳмот ҳам келди. Бир қургина. Қурқаяпсиз, а? Кейинги вақтларда жуда ҳавосини олғанманда...

— Майлию, аммо ҳалиги гапга хұп деб юборинг.

Рости, нима деб вах күрсатишни ҳам билмай қолдим. Жудаям бунчалик шилқым эмас эди-ку. Нима бало, сал ҳалигидай... Кайфи бор десам, үхшамайды. Е шеър өзвериб ҳаёли паришин булиб қолғанмикан шүрліккінг?

— Менга қаранг, Мұхаммадали, — дедим ахийри сабрим чидамай. — Сиз мсни шаҳар ҳокими билан алмаштириб құймаяпсизми? Е уй тақсимловчи бирон тұра билан. Битта-яримтаси ё лаққилатдими Фалончининг қулидан келади шу иш, деб. Ишонманг. Нима, битта-яримта одамга уй олиб берібманми?!

— Ҳа-да.

— Еңирай, қачон, кимга?

— Менга.

— ...Сизга?! Қандай қилиб? Бириңчи марта эши-тиб туришим.

— Оббо, домласи тушмагурей... Едингиздан чиқибди-да.

Шундан сұнг у тұрт-беш йил муқаддам қандай қи-либ унга «уй олиб берганимни» эслатди. Маълум бұ-лишича, бу гап шундай кечгән экан:

— «Бир куни уй-жойим йүқлиги боис (биласиз, үзим Құқон музофотидан бұламан), үнгілдегідей булиб, сизге ҳасрат қилиб қолдим. Мендан райиқроқым қол-мади, туман ва шаҳар катталари қолмади, ҳокимга ҳам шахсан учрашиб арз-хол құлдим, аммо ҳеч ким-дан најжот йүк. Нима қыларимни билмай бошим қот-ди. Бор-еý деб Құқонға кетиворай ҳам дедим.

Шунда сиз айтдингизким: хизмат погоналаридан қанчалик қуи түшиб борган сайин одамлар шунчалик майдалашиб боради... Юз таваллодан бир тавак-кал яхши! Сиз түппа-түгри Каттаконнинг үзига мурожаат этинг. «Қандай қилиб?» десам, менга у киши-нинг уй манзилгоҳларини бердингиз. Мен уша ку-ниәқ Шароф Рашидовнинг уйларига хат өзис, ахво-лим noctor эканини батағсыл баён этдім. Орадан үн күнлар чамаси үтар-үтмас, шаҳар ҳокими хизмат жойимга хат йұллабди — «Сизга ажратылған уйнинг

калитини олиб кетсинг» деб. Шундай қилиб, шарофатингиз билан камина беш хоналик уй олганман».

— Ҳим... Ғалат. Кошкىйди өдимда бұлса бу гап. Аммо менинг шарофатим эмас, Шароф аканинг шарофати билан бўлибди бу иш, — дедим.

— Йўқ, сизнинг ҳам шарофатингиз билан, — эътиroz билдириди бу «галат» сұхбатдошим. — Гап шундаки, яхшилик ҳар хил бўлади. Бирор қўлидан, бирор тилидан, бирор дилидан яхшилик қиласди. Қўлдан бирорнинг ҳожатини чиқазиш қўлингиздан келмаслигини биламан. Яшаб турган жойингизни кўриб турибман. Лекин сиз менинг тилингиздан ва дилингиздан яхшилик қўлдингиз. Ва уни унудингиз! Мен буни ҳеч қачон унутмайман.

Оббо мугамбиреи! Нега бунча чайналади десам, бүекда гап бор экан-да.

— Ҳа, энди, карнайчидан бир «пуф», дейиниади. Бир «пуф» леб қўйған эканман-да. Шу ҳам гап бўлибдими...

— Фаъсафа шунда-да. Кошкىйди барча дунё «карнайчилари» уша бир «пуф»ни бирордан дариг тутмаса. Бу ёргу жаҳоннинг қиёфаси яна ҳам ёргу, муниаввар, олам гулистон бўлиб кетарди-ку. Бирорлар пуфлаб, сұнаётган чўғни яшиятади. Бошқа бирорлар пуфлаб, сингини баттар аланга олдиради.

Муддао якунга оққан эли. Гапнинг буёгини ҳам ҳазил-мутойибага бурдим.

— Мен шониренз десам, Сиз файласуф ҳам экансиз-ку.

У ҳам ҳазилга ҳазил қилди:

— Ҳуш, нима қылдик энди?

— Нимани нима қылдик?

— Нимани бўларди. Алмаштиришни-да.

— Ҳа-а. Йўқ, бутам. Бу гал кечикибен. Билсан, мен Сизга яхшилик қилиб бўлибман. «Мурувват халтасида» узларига ҳеч вақо қолмабди энди. Буёгига маъзур тутгайлар.

Роса кулишдик. Менинг бир нарса нашъя қилди. Аслида, Мұхаммадали Құшмоқ бизнисига бу сафар најот истаб келгани йўқ. Эҳтимол, эсле ёлмайман, уша кезлар бошимга бирон оғир мушқулот туниб, тангу тор ахволда турғандирман. Шонир менинг «яхши инсонлигимни!» иқрор қилиш, далда берин учун атайини уша «тадбирин» ўйлаб топғандир. Ҳафсалани қараанг. Нима бўлгаңдаям, мен бу катта мурувват ва

одамохуңликтин Шароф ақага нисбат берманан. Инсонни, айниңса noctor, ҳалол-покиза инсонни, қаламкаш, истедод соҳибини, унинг чеккан заҳматини эъзозларди худораҳмати Шароф Рашидов.

Дунё остин-устун бўлиб кетар балким, аммо бундай нарсалар унутилмайди. Тоабад.

Бизга бу улуғ инсондан энг мұтабар мерос булиб қолган нарса — эзгулик.

НОМИ ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ ЭДИ

Етмиш туртинчи йиллар бўлса керак. Дорилфунунда қуним кун, туним тун. Журналистика факултетида таржима назарияси минбаргоҳи (кафедраси) очилган. Уша собиқ Иттилоқда биринчи. Тўгриси, бутун соглигимни уша срда йўқотдим. Минбаргоҳдошлар Нажмиддин Комил, Тилак Жўра, Маъфирият Шомансур қизи ҳам. Ўзим ушандада икки қултиқтаёқда юраман. Вақт зиқ. Университет кутубхонасида мавлоно Сотимовнинг марҳамати билан каминага бир хона ажратишган. Уша срда яшайман ва ишлайман. Ўзимнинг уй кутубхонамни ҳам кўчириб обориб беришган. Ишқайнайди.

Қисматимни қарангки, ҳаётда, илмий ва маданий жабҳада қуриқ очиш менинг чекимга тушади нуқул. Ҳеч қачон бирорнинг насибасига шерик бўлмаганман, бирорнинг ўрнида ишламаганман. Қандай соз, деб ўйларсиз, ҳурматли ўкувчим. Соғлиқка-ку соз-а, янгилик ҳеч қачон узига осонликча йўл очганмас. Ҳар гал уз киндингигни ўзинг кесишининг тўғри кслади.

Агар бутун муаммо фақат шунда бўлсайди! Бунинг устига одамлар ўртасидаги баҳииллик ва ҳасад ҳам қушилиб кетди. Баҳииллик «умуминсоний» чиркин ҳодиса. Унда на мазҳаб, на мииллат, на инсоф, на жинс ва на диннат бор. Мен йўқотган соглигим, бир исча навқирон фасллари зос кетган умримга ҳам ачинмайман. Эсизки, уша стмишиш йилларда уз азамат ва содиқ сафдошлариму шогирдларим билан бошлаган ишларимизнинг қанчалар долзарб ва нечоғлик мухимлигини журналистика куллиётининг уша даврдаги раҳбарияти тушуниб стиши учути нақ йигирма йил керак бўлди. Тўрт карра беш йиллик-а! Ҳозир ҳам уша эски «фаҳрийлар» таржимачилик таҳсилтининг қанчалик кераклигини англаб стдијлар, деб ўйлайсизми? Қаёқда! Фақат яккаш ҳаётнинг ўзигина қозилик қииди. Мана

Энди ҳүрриятта асосланған құпмиллаттың жамиятимизга, давлат маңыздырылған тортыбы, турлы завод, корхона, национальный музей и т.д. маданий мұассасаларға тиіл биілгіч таржимонылар қаңчалик зарур эканлығы ошкор булып қолди.

Йиғирма йыл! Қаңчадан-қаңча рағбат, янги гоя, тархі тоза фикрлар, тадбири тадорикларға зомин бүлділар. Бир вакыттар біз талабалар шаҳарчасыда содир бұлған гала-шынларнинг ташаббускорлари, өвуз ниятли бадкирдор одамларни күндүз куни чирог өкіб қидирдік... Наҳотки бу факат студенчларнинг кирдикори, ә бұлмаса фақат нон ва маблаг тақчиллігіннің оқибати булса? Шундаймікан? Лескін булардан ташқари, балқи булардан ҳам олдин өшларнинг зардасинш қайнастағтан дахшатлы бір күч борқы, бу уларнинг таълим ва таҳсилдан ялпи норозилиті әди. Құйингкі, ижтимоиј фаяшардан үкүв тархлары аллама-жылғача эскітча қолиб келди... Сийқаси чиққан галға тафаккур («пульт-мол-пул»), 1905 йыл үргіс инқілоби, Ақраб тұнгаришиннің жаһоншумул ахамияти ва ҳоказо) ҳар қандай қыдамлы азаматни ҳам тарс ёриб юборадиган үлгүндай зерикарлы чучмал чұпчаклар... Илм бопқа, ҳаёт бошқа!

Уша стмишпенчи йылларда биз ишлаб чиққан иизом, тиизма, дастур ва құлланмалар, янги маңыздылар, машварат (семинар) машгүлолтари, амалий сабактар күллиет раҳбарларнинг күзини қамаштира бошлади. Қаңдай қылыш бұлмасын, бизнинг «дүмимизни түгушігө» қасд қилишди. Комиссия тузылды. Асаб-бузарлық бошланды.

Мен ҳар хил тұхматларни бошимдан кецирган одамман. Лескін бу галгиси сурбестларча қилинған ошкорға тұхмат бұлды. Олти кишидан иборат «комиссия» олдіца утирасқа үпоқ, тұрсақ супоқ булып қолдик. Қилинған ишларнинг барчасини қилинмеганға чиқазылды. Епірай! Одамлар намунча без бұлмаса-я. Осмон узоқ, ер қатты.

Хұллас, «комиссия» аталмыш ашаддий бадният тұданнің 7 сақиғалик гірт әлғон холосасига қарши 43 беттік раддия өзіб, уни чиройлы мүқовалаб, проректор Э. Н. Күценкога киритиб бердім. Инсоф іюзаидан айтиш керакки, мархұм Николай қызы Элеонора опа үзи бесүнақай вазыдор асіл бұлғаны билан, анча тадбиркор, гапга тушунувчи, қув ва мард асіл әди. Дориофунда у үзини қарийб якка-ҳоким ва үктам сезарди.

Биринчи проректор билан иш юзасидан гаплашиб үтириб шу нарсаны тушундимки, беканинг мени ту-шунгиси йүк. Шамол эсадиган томонга қараб бақирма, овозинг зое кетади, дейдилар. Уни ҳам тушуниш ксрак. Менинг мухолифларим белги бақувват одамлар: ҳар бирининг орқасида филдай амалдор қариндошли-ри бор. Наинки ректор, улардан вазирнинг ўзи ҳам ҳадик олади. Мен кимман? Университетдаги юзта минбаргоҳдан биттасининг мудири, атиги фан номзо-диман бор-йўғи. Шунда бир ҳийлаи шаръий миямга келиб қолди. Гап орасида, узимни анойига солиб, жайдари бир ҳолатда, билинар-билинмас мингиллаган бўлдим:

— Дарвоқе, нега айтмадинг деб үтируманг, менинг Шароф Рашидовга ҳам қўлим стади...

Тавба! Интиҳоий беозор бир луқмадан опанинг бирдан авзойи ўзгарди. Менга тўпос анграйиб қараб турди-да, ҳеч нарса демади. Факат: иккала кўзини маъноли қисиб қўйди. Бу «тушундим» дегани.

Үқ мулжалга тескан эди. Чиқиб кетдим. Сувга чу-кастган хасга ёпишади, деган гап бор. Мен хасга ёпишганим йўқ, подшоҳи аъзамнинг ўзларига ишора қилган эдим. Бошқача айтганда, бу гапларнинг теги охир-оқибатда пошшоликка бориб стиши мумкинлиги журигидан уни огоҳлантириб қўйдим. Тўгри қўлдими? Рашидовнинг номини шафс келтиришга маъна-вий ҳаққим бормиён? Ким менга бундай ҳуқуқни бер-ган.

Ҳа, тўгри қўлдим. Гап ҳақ-ҳуқуқда эмас, балки ҳаст-мамот устида бораради. Нега эндиг мен куз нурла-рим билан сугориб парваришилаган илмий ҳастим, ор-зу-армонларим, кслажагим, шогирдларим, мактабимни қандайдир галамисларга қурбон қилишим керак? Йўқ, ҳақиқат букилади, лекин синмайди. Менинг эътиқодим эса бунинг акси: ҳақиқат синади, лекин букилмайди.

Узим ҳақимда жиҳдай. Камина тоғдай ноҳақлик, булутдай зулмат остида қолган кезларимда, иссиқ жон, ниҳоятда тушкунликка бериламан. Қабоҳатни «қабул» қила олмайман. Аслида, дунёнинг ишлари муросайи мадора. Аммо мен муроса қила олмайман. Узим билан, виждоним билан. Шуниси борки, дилимнинг таг-тагида барибир ҳақиқат, тўгрилик чироги милтиллаб ёниб туради. Эътиқодим шуки, барибир тўгрилик сиғиб чиқади. Худога шукр, бошимда тегир-

мон тоши бүгдойдан ун тортган маҳалларда ҳам чида-
ғанман. Чидаганман ва ёргу ниятимга стганман.

«Рашидовга ҳам қўлим етади» деганимда, мен Кү-
ценкони алдадимми? Йўқ. Чиндан ҳам, у соғ ниятли
барча кишиларнинг тоги эди. Унга ҳамманинг қули
старди. Мен ўнгимда ҳам, тушимда ҳам у билан дий-
дор куришганман. Ҳаслимда у билан доимо «гапла-
шиб» ва «маслаҳатлашиб» юрар эдим. Эл-юртга шун-
дай улут инсон раҳнамо экан, иймоним комил эдикى,
ҳар қандай аждаҳо ҳам охиз, ҳар қандай деб ҳам
чумолидай «бозор», ҳар қандай фосиқнинг ҳам тили
гўлдираб қолади.

Элеонора Николаевна қабулига кириб чиққаним-
дан сўнг бўғи тагин ҳам қизиқ. Бадкирдор комиссия
ҳамон шаштидан тушмаган, пичогини қайраб турибди.
Улар биби проректорни ҳам ўргумчак уясидаи
ураб олган, лақиллатиб юришибди. Дуппимиз тор. Ит
бул, бит бўл, кўп бўл, дейишади. Улар кўп...

Ниҳоят, галвирни сувдан кўтарадиган кун стиб
келди. Ректорхонага худди жанозага бораётгандай қа-
дам ташлаймиз. Кузимиз стиб турибдики, боришимиз
билан кафанимизни бичадилар. Чироғ ёқса дилимиз
ёришмайди.

Шу пайт йўлакдан Несматиyllа Отажонов деган
бир наманганилик аспирантим учраб қолди.

— Қаёқа бораяпсизлар, домлайи киромлар? — дес-
ди у ишишайиб. — Нима гап, тинчликми? Намунгча
авзойинглар бузуқ? Билсак буладими?

— Билганингда қулингдан бирон нарса келармиди?
Ураган жойинингни қараю! Ҳе кепатангдан ўргилдим.
Лаҳадга кетаётубмиз! — дедим заҳаримни сочиб, худди
у айбдордай. — Мана ҳозир Элеонора хоним чақирган
қулимизга наттамизни бериш учун. Яна саволинг бор-
ми? Хурсандмисан? Ана энди Наманганингта бориб
диссертациянгни ёқлайверасан маззә қилиб...

Ҳайронман, намунча у шурликка заҳар-заққум соч-
масам. Ноурин пичинг-истеҳзолар Несматийни ўқдай
тешиб юборди. Йингламоқдан баттар булиб, «ҳозир!!!»
дедиую, ўзини чеккага олди.

Биз Күценконинг қабулхонасига кириб боргани-
мизда, учта декан, икки проректор ва беш-олти чоғ-
лик комиссия аъзолари ҳозир нозир бўлиб, мени ку-
тиб туришган экан. Рангим қув учеб, охирги ўринди-
лардан бирига чўкдим. Мажлис энди бошланай деб
турганда, телефон ногаҳонда жиринглаб қолса булади-

ми. Юрагим «жиг» этиб кетди. Ераббий, қандайдир бир яхшиликни күнглим түйгандай булди. Нима гап экан? Бизга тегишли булса-я, деб уйлайман.

— Алло, ҳим... Хүп бүлади. Йүг-э... Хотиржам бүлинт.

Бу антиқа сим қоқишдан сүнг, Күценко бирдан жиддий тусга кирди. Түпланғанларга юзланиб, қатый ва чурткесар оҳангда деди:

— Маълумингизким, масала таржима назарияси кафедрасини... мустаҳкамлаш ҳақида. Ҳар бир одам мана шу курсатмадан келиб чиқиб нутқ ирод қиласин. Тушунарлимни? Башлаймиз...

Томдан тараша тушгандай, ҳамма ҳайрон. Нима гап узи?! Топшириқ бутунлай бошқача булғанди-ку. Менинг эса оғзим қулогимда. «Эҳ, Худонинг даргоҳи кенг-да!» деб уйлайман. Комиссия кўз ўнгимда лой булди-қолди. Ҳеч ким «миқ» этолмади. «Миқ» этганлар ҳам каминанинг фойдасига булбули гуё булиб чунонам сайраб кетдики... Биринчи булиб проректор Шоислом Шомаҳмуд угли Шомуҳаммад таржима назарияси минбаргоҳини асло ёпиб булмаслигини айтди. Минг бўлсаям хушёр одам-да. Журналистиканинг декани ёлғизланиб қолиб, узини панага урди: бетарафга чиқди. Бу ургада роман-герман филологияси кулистицининг декани Ваганов ҳеч бир кутилмаганда, комиссия аъзоларини лол қолдириб, мени чунонам мақтаб кетдики. Маълум булишича, мен «ноёб искеътодд эгаси», астагфирилло, «олим» эканман...

Ис, уйлайман узимча, шундок топилмас матоҳ эканману, булар мени исга шунча қалака қиласиди. Борингки, «муҳокама» йигирма дақиқа ҳам давом этмади. Упкаси шишган комиссия аъзолари ич-ичидан ча-пак чалиб қолаверди.

— Етарли, — деди Күценко опа муаммони хамирдан қил сутургандай ҳал қилиб. — Саломов, табриклийман сизни. Боринг, ишингиздан қолманг! Омад ёр булсин! Қандай яхши. Ҳамманинг гапи бир жойдан чиқди. Барчага жавоб.

Хоҳ кул, хоҳ ўл.

Чиққандан кейин маълум булдики... Бир вақт қарасам, қорамагиздан келган, буйчан, лўливш Нельматий биз томонга ҳаллослаб келаяпти.

— Натижা нима булди? Яхшими?

— Яхшимас, атьло! — дедим мен уни қучоқлаб. — Нима булди узи?

... Ҳа, маълум бўлдики, биз маҳкамага кириб кетишимиш ҳамони у Марказқўмга, таргибот ва ташвиқот булимининг мудири раҳматлигик Искандаровга қўнгироқ қилиб, ахволимиз ишҳоятда танглиги, хусумат юзасидан, шундек ишлаб турган минбаргоҳин тутатишашётганини айтибди. Барака топкур Искандаров (гурига нур ёғилсан унинг) ўши заҳотиёқ Элеонора хонимга сим қоққан. Ҳув ҳалиғи қўнгироқ-да!

Ҳа, омад деган нарса ҳақиқатан ҳам бор экан. Йигитдан омад юз ўғирмасин, илоҳим. Омадсизлик ёмон.

Албатта, амал киписи сифатида Күценконинг жони Секанинг қулида. Кимсан Искандаровдай одамнинг гапини иккита қилиб булибди. Бироқ у (меннинг ҳув унлаги «иниорам» ёдида эмасми!..) бу масаланинг иллизи чуқурроқ, Худо кўрсатмасин, худди Шароф Рашидовнинг узига бориб тақалади, леб ўйлаган. Шу боис, гапни юмалоқ-ёстиқ қилиб қўяқолган. Илалоқибат, камнина камтарини комиссия галаси ҳузурига бадбин «жиноятчи» бўлиб кириб, салқам «қаҳрамон» бўлиб чиқиб кетдим...

ТАСОДИФМИ ЁХУД ҚОНУНИЯТ?

Бадбинлик нақадар манфур ва жирканч. Одамлар орасида намунича ифтиро, фисқ-фужур. Биз-ку дорилғу-иунда бирояларининг ҳақига жаир қиласак. Аксинча, иштимализ ेруг ва холис бўлса. Энди билсак, худди шу рўниолигимиз айримларни қаттиқ безовта қиласар, ташвишига солар, уларга ҳалақит берар экан. Ергулликдан кузи қамашадиган кимсалар ҳам кам эмас экан-да.

Бўлиб утган воқсалар тасодифийми ёки қонунийми? Шубҳасиз, тасодиф унсурлари ҳам йўқ эмас. Ҳар қандай қонуният замирида тасодифлар ҳам мавжуд бўлади. Аммо муҳими, ҳар қандай тасодифлар замирида ҳам муайян мұқаррарлигу қонуният бор.

Неча мартаиаб шоҳиди бўлдик: ёмонлик яхшиликка ҳомила бўлолмайди ёки аксинича. Ёмон нарса бошқа бирон нарса туфайли эмас, асли узи ёмон. Ҳар қандай эзгулик мұқаррар бошқа бир эзгуликни чақиради. Ҳар қандай өвузликнинг ҳам «мукофоти» өвузлик бўлади. Мұқаррар. Олайшик, кимки марҳумга тош отса, хусусан агар у мусулмон бўлса, уча тош узига ва наслига, авлод-авлодларига замбарак уки булиб тегади. Отасини ўлдириган қотилнинг авлодлари тоабад

«падаркуш» деган иснодга қолади. Ахийри тавқи лаънатта учрамай иложи йўқ. Икки дунёда ҳам қисматдан қочиб қутуломайди.

Бирони ноҳақ улдирган одам ўзи қотилнинг қўлига тушаяпти. Бироннинг гўрини кўчирган мурдор ўзи икки газ жойга зор. Бирони тухмат билан қаматган нокас ўзи ҳам ифтирога учраяпти-ку! Таъна эмас тавба: шундоқ куз ўнгимизда содир бўлиб турибди-я булар барчаси. Нега қалтабинмиз ва кечмиш ноҳуш воқеалардан хулоса чиқариб ололмаймиз?

Таржима назарияси минбаргоҳига уюштирилган фитна совуннинг пуфагидай ёрилгандан сўнг... Айтишга ҳам тилим бормайди.

Бир куни Нажмиддин Комил билан бирга роман-герман филологияси факултетига бордик. Таржима соатларини олиш учун. Декан Ваганов бизни айрича бир хушиудлик билан қаршилади.

— Келинглар, хизмат? — деди табассум билан.

— Дарс соатлари керак эди.

— Қанча?

— Кўп!

— Оғзингларга сикқанча айтаверинглар.

— Саккиз юз соат.

— Йўқ, бўлмайди. Бир ярим минг соат бераман. Ўйлаб қарасам, бизнинг факултетга узбек тили дарсларини ҳам қўйиш керак. Унинг соатларини ҳам сизнинг кафедрангизга бераман. Истаганча олинг. Бош устига. Фақат... қарғамасангиз бўлгани.

— Йўғ-э... Нима деяпсиз? Нега қаргар эканман?

— Жиддий айтиётиман, жон дўстим. Мени дуоибад қилманг. Бўлган иш булди. Қаршингизда айборман. Фақат қарғаманг. Тавба қилдим.

Ҳайрон бўлиб қолдим. Нега бу одам бунчалик довдираб ётиби? Хатосини гарданига олиб турибди. Шунинг ўзи кифоя-ку.

— Менинг бирони дуоибад қиладиган одатим йўқ. Ўзим қаргиши ёмон кўраман, — дедим уни астойдил ишонтиришга ҳаракат қилиб.

— Шафран кетди, — деди у қўлини шоп қилиб.

— Қайси Шафран?

— Ҳалиги-да, баттол. Комиссиянинг раиси-чи.

— Ие, қаёққа кетди? Истроилгами?!

— Қанақа Истроил! Анов ёққа... Нариги дунёга риҳлат қилди.

— Нечук, бетобмиди?

— Йүк, соппа-сөг, отдай эди. Масков дорилғунунита тұрт ойлик малака оширишга юборувдик. МДУ етоказпасыда узини осиб қойибди.

— Ана холос! Вос-вос экан-да.

Ваганов менің шубхали қаради. Гүс уннинг улимиға... мен айбдордай.

— Бояқишининг ажали етган экан-да.

— Йүк, дуоибад олди, — деди декан. — Мениң маъзур тутиң.

Аммо иши үигидан келмади шүрликтининг. Назаримда, ёмон одам әмасди. Хатосини аяллаган кишини ёмон деб буладими. Орадан бир йил үтар-үтмас вазифасыдан бушатылып, күн ағбор булди. Шундан сунг мениң нечуккір бошқача қарайдынан булып қолди. Катта күчтегінинг нариги томонида кетаётган булса-да, худи боладай югуриб келиб, камоли хурмат билан күришиб-сурашади.

Орадан яна бир йил үтар-үтмас... Улди.

Уша маңыпум комиссия альзоларидан яна бирори тиңнинг күп үтмай қули синди. Бошқа бири — энг ашадий фирқәт котибасы булған асланинг онаси Бешкек шахрида нора билан құлға тушиб, үн йилга қамалып кетди. Номард ағлғинаны қарангки, үз фирмәвий шағыннин үйлаб, онасыдан расман воз кечиб юборди.

Қүйингкі, Э. Н. Күценконың ҳам вафот этганиға үн йылдар булди.

У толлар кесишлип кетди. У мансабу лавозимларда у одамлардан биронтаси ҳам йүк. Қиссадан ибратли ҳисса шуки, таң мениң «менлигимда» ёки бирори тиң «бирорлигіда» әмас. Биронга ёмонлик согингац, унга чох қазиган одамга яхшилик раво булмайди. Даставвал бадкирдор кишининг узига іюк түнади, қылған қылмишлары ҳасрат булып, узини таъқиб эта бошлиға. Сени қақшатған, дилингга озор берған бадгумон ва бадаҳлоқ кимсаны дуобад қилемш шарт әмас. Ҳар бир нараса үзи ҳисоб-китоблик. Виждонға, инсофта, диёнату-иім онанда хилоф ҳеч бир иш шундоқ қаралған. Қонуният шу.

БЕЛІБ ПАРВАРДИГОР ЕКИ БАНДАЛИК

Таниқли сұзучи Мирзакалон Исмоилий билан Ша-

роф Рашидовнинг муросаси келишмайди, деб эшишиб юрардим. Кимдан утган, нимадан бошланган, буёғидан куп-да хабарим йўқ. Элас-элас ёдимда қолгани шуки, Шароф ака эллигинчи йилларнинг бошларида маълум бир муддат «Қизил Узбекистон» рўзномасининг муҳаррири бўлиб ишлаганида, Мирзакалон масъуль котиблик қилган. Нима бўлган бўлса ушанда бўлган. Ҳар қалай, хизмат юзасидан.

Узбекистон тупроғида энг жабрдийда кишилардан кимни биласан, дессангиз, шу Мирзакалон Исмоилий эди, уйлашимча. Узоқ муддат урушда зобит бўлиб хизмат қилган ва то Берлингача фашистларни таъқиб қилиб борган. Жангдан қайтгаč, узоқ муддат узимизнинг шуро турмаларида сиёсий маҳбус бўлиб ётган. Қўйингки, дўзахий азоблар тирдобида руҳан қаттиқ эзилган, мазлум бир инсон эди. Баидаси қисгани-ку қисган, Худойи таолодан ҳам бу ёргу жаҳонда марҳамат кўриш қисматида йўқ экан раҳматликнинг.

Аммо истесъодли адаб ва зукко мураббий бўлишидан ташқари, ниҳоятда моҳир, билагон, туғма таржимон эди. Шеърий таржимада Миртсмир бўлса, насрый таржимада Мирзакалоннинг олдига тушадиган булмаган. Бу икки адабимиз мактаб яратган мутаржим бўлиб қолди. Ҳар иккала ҳазрати инсон камоли камтарини ва камсуқум бўлишганидан ҳаётлиги чогида уларнинг узбек адабиёти олдиаги хизматлари узоқ йиллар муносиб тақдирланмасдан келди. Ҳамма замонларда ҳам узи шу: ҳалвони ҳоким, қалтакни стим сиди. Ялтоқ сарой шоирлари, мутсье адibu удаво, мунофиқ мунаққидларнинг ҳамма вакт ошиги олчи.

Шароф Рашидов «бу дунёдан ҳеч ким норизо бўлиб кетмаслиги керак» деган эътиқод билан яшайдиган киши эди. Билмадим, мана шу мислсиз оғир ақидага охиритача содиқ бўлиб қололганми ёки йўқми. Ажабмас, унинг эътиқоди, ихтиёри ва имкониятидан ташқари нималардир бўлганцир. Чунки манифур ҳуқуқсизлигу яккаҳокимлик шароитида бундай миқёсдаги раҳбарларнинг ҳар бир қадами улчангандар бўлади. Уларнинг нима деяётганию, нима қилаётгани иари турсин, иложи топилса, нималарни уйлаётгани ҳам қаттиқ кузатиб ва таъқиб қилиб борилади. Узи хоҳлаган ишини қилолмайди. Нимаини қилган бўлса, йўлини топиб, азбаройи соҳиби тадбиркорлик ва доимий хавф-хатар остида яшаб қилди.

Лескин унинг юрагида орзу-армонлари қат-қат эли.

Қанийди ихтиёри үзида бұлса! Эх, уша гап-да: нақадар чексиз ҳокимият қулида мужассамланған. Десярли ҳокими мутлақ. Жумхуриятта гапини иккى қыладиган күч йүқ. Қули узун. Айни вактда ундан-да тутқунроқ одам йүқ. Аңчайин бир гап учун ҳам Масков олдида жавобгар. Атрофини үраган күпчилик казо-казолар кимлар эканини у вафот этганидан кейин ҳамма билди, тушунди...

Уша даврнинг хүшөр кишилари шу нарсани англаб қолдиларки, Шароф ака олтмишдан ошганидан кейин одамлар тақдирига янада зийракроқ булыб қолди. У жумхуриятта эътиборга лойик ишлар билан банд деярли ҳаммани: оддий сувчидан тортиб то ҳофизгача, ишчидан то вазиргача, қоровулдан то олимгача таниб, минглаб одамларни номма-ном билар эди. У ҳсч кимнинг тақдирига бефарқ эмасди. Шунинг учун умринг сунгти палласида бир вақтлар қандайдир сабаблар билан аразда бұлган, ҳиммат күрсата олмаган, күнгіл сүрашга вақт тополмаган одамларни суриситира бошлади. Жиyllа бұлмагаңда, қабулига келгандың бирорлар орқали бұлса ҳам Катта салом топширадиган бұлды. Лекин биргина Мирзакалон Исмоилий өңде қаторда, өңде саноқда күринмесди. Жуда қаттиқ күнгли қолған экан-да, деб үйлардим үзимча. Нимадир қилиншым керак эди. Бироқ... Қулимдан нима келади? Оддий бир зиәли бұлсам.

Саксонинчи йил бұлса керак, оббаҳолам. Бир күннүү ү кишиига хат өзиб, Мирзакалон ҳақида үзимча фикр билдирмөкчі, унга каттаконнинг эътиборини қаратмоқчы бұлдым. Бордию, ораларида қаттиқ ганимлик бұлса, унда үзимнинг тақдирим қандай бұларкин, деган бир даҳшатли аңдиша ҳам йүқ эмасди. Э, бұлғанича бұлар. Ахир, одамларнинг тақдирига бефарқ қараб бұлмайды. Жуда өмөн бұлганда нима ҳам бұларди! Қатордаги оддий одамман. Бунинг устига фирқасизман. Нимам бору, нимамдан маҳрум бұламан. Қаловини топса қор әнади. Етиги билан масалани күйса бұлар. Яхши одамнинг дилдида гина оз бұлади. Дарвөңе, охир-оқыбатда мен фақат жабрдийда Мирзакалон Исмоилийнин гана эмас, Шароф аканинг үзини ҳам үйлагаяпман-ку. Наҳотки шуни тушунмаса...

Күнглем сезиб турибди, ҳұрматли китобхон. Менинг мулоҳазаларимни дил-дилдан маъкуллаб турибсиз. Аммо ишлар мен үйлагандай булыб чиқмади. Йүқ, яхшиликка йүйверинг. Мен үйимни үйлаб бұла-

ман дегунимча... Бир куни не куз билан газета саҳи-
фасига боқайки, өзувчи Мирзакалон Исмоилийга «Уз-
бекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» узвони
берилибди. Оббо! Кимдир мендан олдинроқ улгурниб-
ди-да, деб ўйладим. Балким Рашидовнинг ўзи қилган-
дир шу ишни. Нима бўлгандаим мен катта бир савоб
ишдан маҳрум булиб қолдим. Узимнинг-ку ақидам
шу: ёмонликни орқага ташла (то йўқ булиб кетгунга
қадар!..), аммо яхшиликка шошил ва бошқаларни ҳам
шунга қиста. Майли, ўша эзгу бир иш менинг номим
билан бօғланмаса ҳам, ишқилиб амалга ошибди-ку.
Хайрият! Икки мусулмоннинг ораси муросага келиб,
яхшилик томонга оғибди, бас, бундан-да улугроқ са-
воб иш йўқ дунёда!

Бир куни Зуҳриддин деган шогирдим билан домла-
нинг уйларига муборакбод қилгани бордик. Аммо ус-
тодининг авзойи, гап-сўзларидан бирон мамнуният
аломатини сезмадик.

— Курмайсизми, домла, шу ерда ҳам қалака қи-
лишди-да бизни! — деб қаттиқ гина қилдилар у киши.

— Нечук бундай ўйлайсиз?

— Қанақасига камина «санъат арбоби» бўлайин.
Нима, мен артист ёки... отарчимицдим!

— Йуг‘о, санъат арбоби булиш учун театр ёки сирк
артисти булиш шарт эмас. Аввало, бадиий адабист
ҳам суз санъати. Актёр ҳам сўзини өзувчи, драматург-
дан олиб уз санъатини ошкор этади. Қолаверса, бу
жуда катта ва табаррук узвони. Мана Иззат Султон. У
киши фан арбоби эмас, гарчи академик бўлса ҳам.
Санъат арбоби!

— Э, шундай дениг ҳали. Ҳим... Ҳали мен тушун-
май хафа булиб юрибман экан-да...

— Албатта-да. Узбекистонда хизмат кўрсатган ма-
даният ходими бўлгингиз келувдими? Бу узвони кутуб-
хона ходимлари, ҳаваскорлик тугаракларининг хиз-
матчилиарига берилади.

— Э-ҳа... Тўгри айтасиз. Бундай тушунтириб ҳам
кўйишмабди-я.

— Шундай. Каттаконнинг Сизга ҳурмати баланд
екан-да, бундан чиқди, — дедим узимни ҳеч гапдан
воқиф бўлмаган айойи одамдай кўрсатиб.

Бу гаплардан кейин раҳматлик Мирзакалон Исмои-
лий хижолат чекди. Унга боқиб мен ҳайратланардим:
инсон қанча буюк бўлса, шунгчалик содда бўларкан-да.
Назаримда, уч-тўрг оғиз гап билан унинг қўнглида исча

ун йиллар мобайнида ин қүйиб құлған оғыр гина-
гудуратлар бир зумда күтарилиб кетди. Эхтимол, маж-
рух дилинни құрғошиңидай әзіб өтгән шубхалар учун үзи
ҳам пушаймон бұлғандир. Зеро, Шароф ака билан
ораларыда булиб үтгән қандайдир нохуш гаплардан
чүрк этмади. Аксинча, илиқ гапларни айтди. — Улут
одамлардан улуг ишлар содир бұлади-да, домла, — деди.
— Нокаслардан нимани кутиш мүмкін. Нима бұлсаям,
ескідан қадрдоңғылғимиз қалған зди. Ҳим...

Кейинчалик устоз Мирзакалоннинг иқрори қанча-
лик самимий эканига иқрор бұлдым ва Зухридинидан
ҳам әшиетдім.

Шароф ака вафот этгән күни Исмоилийга күхна
қадрдоңлардан бири құнғироқ қилиб... «суюнчи»
олибди:

— Табриклайман, Мирза ака, мана рақибингиз
Фалончи улибди! Нихоят...

Мирзакалон титраб кастади.

— Ҳс бадбахт, эси паст одам. Бирорвииң вафоти
билан ҳам «табриклайдими?» Эсиз. Кім айтүвди уни
меннинг душманим деб! Ажали стганда ҳамма ҳам
улади. Бандалик бу. Таъзия билдирадылар бүндай
вақтда. Ҳе сени қараю!

...Шароф Рашидовнинг жасади солинган тобут ви-
долашиш учун Сағыт саройи сақнига қүйилған. Бул-
дай катта мотамни курған әмасман. Куча ва хиёбонга
ср өрілиб одам чиқкан. Тумонат. Шунда оломон игни-
да, тұртылып-сұртылып, ағбор ҳолда Мирзакалон Ис-
моилий сел бұлиб йынглаб борар зди...

Қаттық ҳомуш тортдим, ачиндім ва дилимнинг
қаериададир үзимнинг ҳам бир мискин инсон эканли-
гимга Ҳақ таолога муножот айтиб, шукроналиклар
қылдым. Агар ҳаётлик пайтларыда одамлар бир-бирла-
ридан узрхохлық қилишга, рози-ризолик тиляшга ул-
гурмаган экайштар, лоақал вафотларыдан кейин инсон-
нинг ортидан тош отmasниклари фарз. Мана иккى
ҳазрати инсон: Шароф Рашидов ҳам, Мирзакалон Ис-
моилий ҳам үтиб кетділар. Тоабад ибрат бұлгай: биз
ҳам бу өруг дүнәда омонатмиз. Шунга қараб иш қили-
шимиз керак. Токи, рўзи маҳшарга «бүсқдан» орттире-
ган тавқи лаънатларни үзимиз билан биргә олиб кет-
майлик. Кім бұлмайлик, хоҳ шоху, хоҳ гадо, үзимиз-
нинг фоний хилқат эканлигимизни унұтмайлик. Мар-
хұмлар ортидан кулишлик, уларни таҳқир қилишлик
фосиқлик ва бадкирдорликдір.

Начора: ҳаётлик чоғларида одамлар бир-бирлари билан довлашади, баҳслашади, курашади, ҳар хил гина-гудуратлару адоватларга гарқ булади. Афсус! Лескин қабр ичра майит тинч ётсайди, кафанидан дуд чик-масайди. Мархұмлар тирикларнинг хуружидан холи булмоги даркор. Уларнинг хотирасига энг муносиб мукофот бу бегараз, самимий хотира, дуойи фотиҳадир. Вассалом.

Шароф Рашидов билан Мирзакалон Исмоилий муносабатларида улар ҳаётида рўй берган дилсиёхлиги тушунмовчилик яхшилик ва рўшнолик билан якунлангани марҳумларнинг рўхи покларига интиҳойи раҳмат ёғдиради, бизга эса таскин беради.

УЛМАСАНГИЗ БУЛМАСМИДИ!..

Шароф Рашидов тургунилик даврининг арбоби ва худди шу тургунилик даврининг курбони бўлди. Унинг вафотидан сунг кўхна аламзада Қони бузуклар янги мустамлакачи ҳокиму мафкурачилар билан тил биритириб, жумҳуриятимизга қарши қутуриб ҳужум қилди. Улар жон-жаҳди билан «рашидовчилик» или «ўзбеклар иши»ни бир жиноятнинг икки палласи қилиб курсатишига уринди. Холисанлилоҳ айтганда, «ўзбек» билан «Рашидов» тушунчалари бир-бирига ниҳоятда қойим ва қарин, аслида бир тушунча. Чунки Шароф aka чорак аср давомида республикага раҳбарлик қилган гоят оғир, ниҳоятда мураккаб бир даврда она дисримиз ва пойтахт Тошкентни бутун Марказий Осиёда ҳамда Шарқда уз даврининг мавқею мантиқига кура машъалага айлантира олди. Шароф Рашидовнинг узи атоқли давлат ва жамоат арбоби сифатида шарафли ном қозонди. Мен шу уринда жузий бўлиб кўринган, лекин жуда муҳим айрим эътирофу икрорлар, жамоатчилик фикринга оид далилларни келтираман.

1982 йилда Олмаота шаҳрида Қозогистон Фанлар академиясининг вице-президенти, академик Закий Аҳмад билан учрашиб сұхбатлашгандим.

У шундай фикрни билдирган эди:

— Биласизми, биз қардош Узбекистонга ҳавасимиз келади ва, тұғриси, бироз рашқ ҳам қиласымиз, — деганди Закий Аҳмад. — Чет эллардан, айниқса Гарб давлатларидан бизга ташриф буюрган одамлар Узбекистондан бошқа жойни танимайдилар. Улар билан сұхбатимиз жуда қизиқ кечади:

«— Бу юрт Ўзбекистон эмас, Қозогистон, уқтирамиз уларга ҳижжалаб.

— Ҳа, тушундим: Ўзбек, Ўзбек! Тошкент!

— Йүқ, Қо-зо-гис-тон. Пойтахтимиз ҳам Тошкент эмас, Олмаота. Қозогистон — Олмаота.

— Энди тушунарлы бўлди. Ўзбек-Тошкент-Рашидов!»...

Закий Аҳмадий завқ қилиб кулади. «Э майли, шундаёқ бўлақолсин: Ўзбек-Тошкент-Рашидов. Қандай фарқи бор? Ўзбек киму қозоқ ким, бари бир эмасми деб ўзимизни ўзимиз овутамиш.

— Харковга кетаётганимда поездда бир украин билан ҳамроҳ булиб қолдим, — деб эслайди «Правда» рўзиомасининг ўша вақтлардаги Ўзбекистон бўйича муҳбири Йўлдош Муқим. — Ҳамроҳим менинг қасрлик эканимга қизиқди. «Тошкентликман», дедим. У қизиқсиниб қолди. «Ҳа-а, Тошкент Туркманистонда жойлашган-а?» «Йўқ, Тошкент Ўзбекистоннинг пойтахти бўлади, биродар». «Э, эсим курсин... Ўзбекистон дедингиз, а? Дарвоқс: Рашидов!!»

Узоқ Шарқ улкасида бир ўрис бошлиги билан санманга бориб қолгапида, даргазаб бўлган экан:

— Ҳой, устингдан нақ Рашидовга никоят қиласман!

«Ўзбеклар ини», «нахта найранги», «рашидовчилик» ҳақида ҳар хил уйидирмалар бозори қизиб ётган ўша саксон бешинччи йилларда киракаш манина (такси)да бораёттанимизда ҳайловчи сұхбатга аралашди:

— Бир лули манинамга чиқиб қолувди. Матбуот ва овозинигор (радио) да Рашидов ҳақида айтилаётган ҳамма гаплар гирт сафсата, — деди у. Маълум бўлишинча, ўша одам лўлиларниңг оқсоқоли экан. Унинг ҳикоя қилишича, Марказқўманинг қарисидаги Гагарин богоида лўлилар йўлакда саир этиб юришганда, бирдан мелисалар уларни таъкиб этиб, кўкракларидан итариб ҳайдай бошлаган. Шунда йўлакка яқин жойда бирдан машина тўхтаб, ичидан Шароғ Радишов чиқибди ва мелисалардан «нима гап?» деб сурабди. Ахволини билгач, лўлиларниңг ҳалиги оқсоқолини ҷишига чорлабди.

— Нега брезорилик қиласизлар?

— Брезорилик қиласётганимиз йўқ. Богда саир қилиб юрибмиз, холос.

— Э, шундайми? Ундаи бўлса бемалол саир қилиб юраверсинглар. Фақат тартиб бузилмаса бас, — дебди-

да, Шароф ака ҳалиги зобитнинг ўзини қаттиқ огохлантирибди:

— Халақит берманг буларга. Истаганча сайр қилишсин.

«Бизга бирон давлат бошлиги бунчалик меҳрибончилик қилган эмас. У ҳақиқий инсон эди», деб иқорор булган экан лули.

Шароф Рашидовнинг номи ўша оғир йилларда ҳалқ најоткори, суюнган тоги, ёргу орзу-умидларнинг тимсолига айланиб, ҳалқ оғзига тушди. Мазлум кишиларнинг гам-андуҳлари ифодачисига айланди.

Ҳалқ даҳоси, унинг ишонч ва эътиқоди, самимий тилак-истаклари, орзу-умидлари, тахаййул олами қаршиисида ҳайрат бармогини тишлайсан киши. Юқорида айтдик. Яна бир карра эслайлик. Ривоят қиласидарки, гүё Шароф Рашидов тирик, чет элга чиқиб кетган, кирқ кунлардан кейин ёки фалон вақтда яна Ватанга қайтиб келармиш. Одамлар бу гапга астойдил ишонади. Уларнинг ишонганини кўриб, сенинг ҳам ишонгинг келиб кетади. «Шояд!», «Қанийди!», дейсан киши. Зотан, бу табиий ҳол. Ҳалқ узи севган, муруват курган ўғил-қизларини сира «ўлдиргиси» кслмайди. Уларни қора тупроққа қўйишдан огринади. Балки ганимларнинг хуружидан асраб-авайлаб, ўз қалбига кўмади ва доимо узи билан бирга олиб юради.

Бу чўпчак ва ривоят. Чўпчак ёхуд ривоят эмас ҳам. Яхшилар ўлмайди.

БОРАДИГАН ЖОЙИМИЗ БИР

Саксон саккизинчи йилнинг ёз фаслида Ёзувчилар ўюшмасининг Дўрмондаги ижодхонасида яшаб, «Кечиккан чечаклар» деган хотираларимни ёзиб юрган кезлар. Бу менинг учун ниҳоятда қадрли булган азиз инсон, ўн беш йил машъум ўттизинчи йилларнинг тутқунида булиб қайтган устозим Аҳмаджон Ёқуб ҳақидаги воқеаларга дахлдорлиги боисе, ҳар кун уни эслаб, йиглаб ёзардим.

Бир куни, кечқурун сайрдан қайтиб хонамга паришон кириб кетаётган эдим, ҳовли саҳнида ўн беш чогли адид гурунглашиб утиришибди. Бирор мени чақириб қолди. Қарасам — У. Қадрдон, дорилғунундош, машхур узбек танқидчиси. Одамлар билан дурустроқ сўрашиб ҳам ултурмай, мени «ўқقا» тута кетди.

— «Огонек» журналининг янги сонини ўқидингизми, мулла? — суради мендан. — Темур Пулат «қонхұр» (садист) деб атабди Рашидовни.

Ана холос! Бирмуңча муддат илгары, ҳаєтлиги чоғида-ку Шароф акани күккларга күтариб мақтаб, уни авлиє қаторида курган, оғзидан бол томиб мақтаган худди шу одамнинг узи эди. Энди бұлса... Гапини қаранг. Э аттанг.

— Қулогимга чалингаңдай бұлувди. Аммо журнални ўқиганим йүк, — деб құя қолдым гапни мухтасар қилиш учун.

— Тушунмадингиз укам, — эътиroz билдириди Усмоқчилаб. — Рашидовни «қонхұр» дебди, біләйп-сизми?

Университетдош биродаримнинг шундай касалии борлигини билардым. Ҳозир ким биландыр уришгиси келаянты. Шу бойе гирт бемаъни баҳсга аралашып қолишидан узимни олиб қочдым.

— Десса дебди-да. Түнгі нималар кирмаиди, душман нималар демайды. Темир Пулатни ҳамма таниб қолган. Отнинг қашқасидай.

Орқаси тута бошлаганида, ранги үчиб, афт-ангори қийшайып көстарди Унинг.

— Тушунмадингиз... Рашидов... «Садист»...

— Хуш, Темир Пулат-ку у кишини «қонхұр» дебди. Лескин... Сизга нима?! — эътиroz биллирдим Унга.

— Айнан Сиз шуни билиб қўйишингиз керак, десянман-да.

— Сабаб?

— Мен ҳам уша Рашидовдан жабр кўргаиман. Биласизми...

— Биламан! Сизга қылган жабр-ситами шу бўлганини, кулиёт, дориғи туун, туман ва шаҳар қўмиталарни бир овоздан партия сафидан учирганида, уша одам, Шароф Рашидов, Сизни партияда олиб қолган. Шу менинг билганим. Бунидан ҳамма воқиф. Энди узлари ҳам «жабрнийдалар» қаторига қўшилиб, бирон нарса тана қилаётисиз шекишли ҳозирги раҳбарлардан. Кунни кечада Сиз эмасмидингиз У одамга сиғинган! Ҳайф-Э...

Шундан кейин У портлаб кетди. Тўгрироги, чина-кам портлаш сал қейинроқ юз беради. Ҳозир эса жазаваси тута бошлади. Сұхбатдошимнинг тасвирлашича, Шароф ака Унинг факултетдаги булмагур ишлар юзасидан сэзган шикоят хатини ўқиб чиқибди-да, худ-

ди захарли илон чаққаңдай, «мана бундай қилем» хатни иткітибди.

— Тұгри қилемдилар. У кишининг үрнида бұлғанимда, мен ҳам шундай қылған булар эдим, — дедим мен.

— Сабаб!?

— Сабаби, ифлос хат эди.

— Нега мени ифлос дейсан?!

— Сизни әмас, хатингизни ифлос дедим.

— Мени...

— Йүқ, хатни...

— Ифлос хатни ифлос одам өздән.

— Шундайми? Баракалла. Үндай бұлса — үзингиз ҳам ифлоссыз.

Бошланғыс. Үзига үзи гапни «сотиб олғанига» чи-дағымай, оғзидан боди кириб, июди чиқа кетди. Расми шундай бұлади үзи. Дағыл-исбот топылмай қолғаница өкескіртак ишга тушади, ө мушт. Баъзан ҳар иккаловиям. Ҳозир эса У, үзича, менинг учун жуда қалтис бир тадбирни ишга солди. Тұхматтаға үтди.

— Дарвоңе, уша хатдан үзлариниям хабарлары бор эди, өзгімдә. Үқиб берувдім.

— Офарин, үқиб берувдингиз. Мен нима дөвдім үшанды Сизге? «А» дедингиз, энди «Б»ни ҳам айтингда.

— Едимда йүқ.

— Жудаям ёднегизда бор. Айтудимки, агар танингизда жонингиз бұлса, зинхор-базинхор мана шу хатни у кишининг қулиға бера күрманг. Еннегиздан пул тұлаб, балони үзингизга сотиб олған буласиз. Юбора күрманг, жон ака. Үнгер Пришибесвасынға, үттисиңчи йиллар услубида өзилған бориб турған иғвогарона нарса. Дағыллар, аксарият, тұгри. Аммо иниші ва ният бузук.

Энди, навбатда, мени қаңдай бұлмасын әлғончига чиқазиши тадбири қолған эди Унинг ихтиєрида.

— Үндай бұлса, уша хатнинг нусхасини олиб келиб, үқиб бераман шу ерда йигилған одамларға.

— О-о-о! Қачон? Қачон олиб класиз?

— Эртага.

— Йүқ, эртага гап совиїди. Шу бутуноқ бориб олиб кслинг. Тарқалмай тұрамиз. Масала фош бұлади-қуяди. Ҳамма билсін-да, ифлос хатми үша өки ифлосмасми...

Уша күн үтди. Орадан яна үн күйлар үтди ҳамки, хат келмади. Зеро, олиб кслолмас эди ҳам. Чунки... мазмунни палагда бұлиши устига, хат бошдан-оёқ Шароғ акага ҳамд-сано үқиши руҳида битилған эди-да. Эндиликда, ҳалиги «қонхұр-понхұр»лардан сұнғ,

қайси юз билан үқиб беради. Хуллас, үзи қазиган чохга үзи түшди, үз тузогига үзи илинди, шүрлік.

Туриб-туреб ҳайрон буламан. Сұхбатдошим бенихоя зукко, соҳиби иншо ва соҳиби мантық, не-не өзүчи-ю шоирларни дарға сувсиз олиб бориб, сувсиз олиб келган забардаст мунаққид. Катта минбарлардан туриб минглаб шоиру шуаролар, шогирду талабалар, афкор омманнан үзига қаратған нотиқ. Фақат нотиқ эмас, бастакрор ижодкор ва олим киши эди. Буни қандай шархласа бұлади? Шундоқ терән фикрловчи бир мутафаккир... жиркәнч хат өзіб үтірса. Бунинг устига ута қайсаңлар билан үз иүқсонини англашни истамаса. Эй Парвардигор! Несчук қүйларга соласан бандангни. Үнга тенгсиз ақл-идрок билан бирға, зуваласи, жисму жонига тубанлық ва жаҳолатни ҳам құшиб ҳадия этасан. Бир терининг ичида баайни иккі мавжудот яшайды: инсон ва йиртқиң.

Галат. Катта мавзуларда юрак ютиб, оғиз түлдириб катта ган айта олган одам майданда мавзуларда, майшій икір-чикирларда фикричувалашиб, тубаилашиб, үзи ҳам майдалашиб, ійүқ бұлиб кетар эканмы дейман. Бу ҳам бир қонуният шекишли. Қиңиқ юмушларда гимирлаб юрган одам катта ишларни үхдалай слмагани сингари, катта қозоңларда қайнаган киши товага тушиб қолганида күйіб, жингиртоб бұлиб кетаркан. Ишқириб, оламшумул гоялар соҳиби майдап-чуйда әхтиросларға берилемасин экан.

БЕБАҲО НАРСАНИИГ БАҲОСИ ҚАНЧА?

Дүрмоң сархадида У билан йүлімиз айру түшди. Орадан бир йыл ҳам үтмади, мен оғир хасталикка учраб етіб қолдым. «Е ҳаёт, е мамот, масала шундоқ» бұлиб қолди. Қызиги, буідай вактларда фақат дүстү биродарлар эмас, үз рақиблариннега ҳам күз тутасан киши. Нима учун? Билемдім. Балқым узрохолик қылышни қунглиниң тилар. Ажабмас, мухолиғ құлмишидан пушаймон булиб, қаршингда бүйин әгар. Ҳар иккі ҳолда ҳам, сархадсіз, абадий «сағат»га чиқыш олдидан бир-бираидан рози-ризолик тилаб қолади одамлар.

Келармикан У десб құз тутдым. Келишига шубха ійүқ эди. Лескин... келмади. Ва түгри қылди!

Биз ҳар хил одамлар бұлғанимиз болысқандар балқым, бир-бираимизге «етищмас» эдик. Ҳар гал учрашғанымизда баъзан уззукун сұхбатлашар әди-гу, күпинча гапимиз росмана жаңжал-можаро билан якун топар-

ди. Таъбир жоиз булса, у гоя, руҳ ва мантиқ кишиси эди. Бироқ айни бир хил мантиқ ҳамма замонларда ва ҳамма шароитларда ҳам бирдай түгри булиши мумкин эмаслыгини тушунмасди, чөгимда. Үйлаб күринг-а: «Ер үз үқи ва Қуёш теграсида айланади» деган ҳукм Галилео Галилсі замонида мантиқсиз даъво ҳисобланған. (Ва худди шу ҳукми учун уни қаттиқ жазолашған. Жонини Азройилга топшириши олдидан, эңг сүнгти дамда ҳам у: «барибир айланади!», деб күз юмған).

Яна бир қызық жиҳати: баъзан бүш бадиий нарсаларни ҳаддан ташқари мақтардию, узбек адабиеттинг шак-шубҳасиз ютуғи бўлган асарларни рад этиш даражасида танқид қиласарди. Чунки у адабиёт ҳақида марксча-лснинча таълимотни бениҳоя чуқур узлаштирган эди. Гоя бирламчи эди Унинг учун. Бадиий асарни бадиий асар қиласиган шира, фасоҳат гүс ахамиятга молик эмас.

Хўш, бундай фикрловчи одам билан мусоҳаба қилишнинг қандай қизиги бор? Гап шунда-да! Худди шу баҳс жараеннида тобланасан киши. Уйининг деворида биргина В. Г. Белинскийнинг сурати илиниб туришдан ҳам билса бўлар эдик, у муросасиз мунаққид эди. Менни доимо Унга жалб этиб турган яна бир нарса ҳалоллиги. Бизнинг замонамизда ҳалол-покиза яшаш қарийб ноимконий нарсадай туйилади кишига. Қаноатга бўйин этган ана шундай ноёб кишилардан бири эди. Мен жиндай муболага билан айтгаб юрадимки, тагига газета қатламларини тушаб, устига газета спинниб стадиган йўқсил эди. Ҳатто дастурхон урнида ҳам — газет «ўзиларди». Жазава ва уз муҳити еди Уни. Фақат Унигина эмас.

Гапимиз купинча түгри келмас, лескин барибир бир-биirimизга интилар эдик, дедим. Рост-да: муттасил қўл қовуштириб, фикрингни бош иргаб маъкуллаб турадиган, гапингдан шубҳаланмайдиган одам билан сұхbatлашишнинг қандай қизиги бор. У муросасиз эди. Баъзан гап мухолифларга кўчганда, уларга руй-рост ўлим тиларди. «Булар одам эмас, ўлиб кетишини хоҳлайман уларнинг!» дерди. Астагфурулло. Бу мусулмончиликка асло сигмайди.

(Түгри, гарчи рақиблари ҳам Унга умр тилаган булмаса-да, бундай бад ният яхши эмас). «Бирорга ўлим тилагуича, ўзингизга умр тиланг. Ундай десманг, азизим. Бу сўзингиз куфр», десам, мени «сўфиликда» айблаб кетарди.

Хуллас шафқатсиз эди. Аммо бу гал, ҳаётим қилға

илиниб қолганида иймон келтирдимки, билмалим, құришга келмади. Раҳми келди, өзінде. Чунки илгарилари, касалхонада өтгән өзгәримдә күргани келиб ҳам, үсқ-бүекдан гаплашиб үтириб, ногаңдан қаттиқ уришіб қолар эдик.

Хуш, нима учун кейинги вактларда Шароф Рашидовнинг номига осилиб қолди? Чунки, саксонинг йилларнинг урталарида, уша телба даврда умумий жазавага берилиб кетди. Қарасаки, рост гапни айтib калтак сғандан кура, Әлғон айтib сийланиш маъқулроқ. Ахир, бир күнмас бир күн бу уйдирмаларнинг миси чиқиши мумкінлиги уша «бир-күнмас бир күн»нинг тез күнларда келиши мумкінлигини англай олмади, өзінде. Юз тағбаю ибодатдан бир күнлик майшат яхши күринди. Марказкүндеги уша бетавғиқ «Опага» ишоиб анчамунча ишларни «ташқыл этишиб» ҳам юборувди-св, өзінде. Хуллас, қандайдир йўллар билан унинг «ишенчи»га кирди. Натижада навбатдан ташқари китоби босилиб чиқди. Уч-түрт күн оёғи олти, кўли етти булиб юрди. Унинг ва атрофида уралашиб қолган гумаштадарнинг «катта ҳақиқати» ҳам то бирон шахсий манфаатга стиб боргунча экан. Ундан нарғи майдалашиб, чучмаллашиб кетаркан... Эсиз.

Бу ўргада камина Ҳулонинг магъамати билди ту залган булиб, оёққа турдим. Ишга ҳам чиқдим. Аммо мендан жуда катта нодонлик утди. Бир күни факултет йулаги буйлаб кетаётган эдим, У қаршимдан чиқиб қолди ва үзига хос самимий табассум билди, оқ слкали кесма сингари мен билан куришиб-сурасишига интилди. Мен бирордан жишла кек сақламайдиган одамман, аслида. Бироқ бу гал Дурмон воқаси куз олдимга келиб, нафратландим ва сидан без булиб үтиб кетдим. У булса... ботинолмай қолди. Катта бир йигинда бизнинг минбаргоҳ муҳокама қилиниб, масала қалқиб турганида, суз олди. Яна бир дилсиҳлик буларкан-да, деб кутиб турганимда, У үзидан устун келди. Мен билан муносабати яхши әмаслигини писанды қылдио, фаолиятимизга, кафедранинг ишларига ҳар галгишай катта ижобий баҳо берди. Эски душман дуст булмас экан кишига. Охир-оқибатда барибир қайишаркан, тарози палласига дүстлик посангисини қўяркан.

Шу орада Унинг үзи ҳам бетоб булиб қолди. Эши-тишимча, чукаётган одам хасга ёпишади деганларидай, ниҳоятда довдирағ қолган. Фолбин, дұхтири, күшноч... Ишқилиб, күрсатмаган одами қолмаган, ни-

ҳоятда иродаси мустаҳкам, узига қаттиқ ишонган, фиддай залворли инсон эди. Мени гафлат босди. Бирров бориб күнгил сұрашға ярамадим. Үзимни кечи-ролмайман. Худоे үзинг магфират айла, шафоат қил мен осий бандангни.

Дунёдан «хув» деб үтиб кетди У. Үзинг бандам де, илоҳим. Иймонини бер. Ҳаммамизнинг борадиган жойимиз бир. Дийдор қиёматда қолди.

Инсон бу дунёда фоний, үткінчи. Шу беш күнлик ҳою ҳавасни деб боқий иймонга, Ҳақиқат жаноби олийларига хиёнат құлмайлық. Биз-ку үтиб кетамиз, алқол ортимиздан турнақатор булиб авлодлар карвони таъқиб қылғында... Уларнинг күнғироқ садолари құлоқларим остида жарапнаб турибди. Ана үшалар олдида үз құлмишларимиз билан юзимиз шувит булиб қолмаслиги керак. Зеро, бу дуне ҳисоблик дуне. Жон бериш нақадар осон. Бир нафас! Бироқ зохиран шундай. Аслида, жон таслим қилиш... Э... Нақадар қийин. Яна У күз олдимда гавдаланади. Энг сұнгити дамда құнглидан нима кечдийкин, деб үйлайман.

Балким Шароф Рашидовнинг пок хотираси эмас-миカン?..

Унинг вафотидан кейин күллиёт әгаси құчиб кетген ҳөвлидай ҳуввилаб қолди. Файз күтарицди. Ұша томонларга үтишгаям юрагим безилдайди. Вафотини күрмаганим учунми, У худди тирикдай, күллиёт йулагидан салмоқ билан гурс-гурс юриб келаётгандай күринади күзимга.

Үлим ҳеч кимга жазо эмас, балки қисмат. Езуучи Одил Еқуб билан бир-иккита шогирдларини демаса, ҳеч кимдан, мутлақо ҳеч кимдан рүшнолик күрмади. Беш-олтита ҳамкасаба ва шогирдларидан ташқари факультет ва дорилғунун ҳам деярли оқибат күрсатмади. Бир қанча нокас ҳамкасабалар эса Унинг вафоти күнини... байрам қилищи. Ҳали тупроғи ҳам совимасдан туриб, үз қули билан фан доктори, пресфессор қылған бир ношуд дарҳол Унинг үрнини эгаллаш учун ариза күтариб келибди, қаранг.

Ераббий!

Әхтиёт булингиз, мархұмлар! Тириклик чөгингизда думини қисиб юрган баъзи бирорлар үлганингиздан кейин Сизлардан марди майдон булиб интиқом олишлари мүмкін. Құлмиш-қидирмиш эканини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Инсон бебаҳо хилқат. Бебаҳо нарсанинг баҳоси қанча? Баҳоси йўқ.

КИТОБИМ – МЕҲРОБИМ

9-фасл

ТАРАҚҚИЁТ ДОЯСИ ВА ТАНАЗЗУЛ ҲАМШИРАСИ

ИСТИҚЛОЛ ЯХШИ КИТОБГА МУҲТОЖ

Беш-олти йил илгари қандайдир тараққиёт ҳақида ганиришнинг ўзи ҳам эриц тууларди. Ислаки, юксалиши нари турсин, қандай қилиб таナzzулдан чиқиб олиш, «қорин муаммосини» ҳал қилиши ҳақида ўйлайдиган бир даврда эдик. Хун замонларни бошдан кечирдикми? Утган кунларимиз сароб ва тушга ухшайди. Мустабидлик, қизил жоҳилият замонларида жар өқасида турган эканмизу, узимизни арши аълодамиз деб дунёга жар солаверибмиз...

Бу гаплар чаңдои түғри. Лекин кўриб турибмиз, етмини йил бизга карвоно боши бўлиб келган, дунёни сувсиз қимирлатган «улуг оғаларимиз» сингари, «аҳволим почор, раҳм қўйинилар, эй мусулмонлар!» деб дунё афкор оммасига ёлвара бергандан, оби-дийда қилавергандан нима фойда? Ҳар бутага ўт тушса – ўзи сиади, ўзи учади. Шукрлар бўлсинки, бизникилар ориятини қўлдан берисимади.

Ҳар бир даврда уша даврининг моҳиятини ифодалайдиган сўзлар булади. Ҳозир биз учун ушашдай камлом – «мустақилик», «истиқлол». Аслида, мени муқаддас тушучалар ва иносоний қадрияtlарни ифодалайдиган бундай сўзларни сунистсемол қилишга, ўйлаб-ўйламай шиста пўчогидай чақиб ташлайверишига қарашман. Чунки улуғвор мақсад майдаланиб, сийқалашниб, чучмаллашиб кстади. Бизда коммунизм гоясини ўлдирган нарса айнан «коммунизм» сўзининг фавқулодда чайпаб юборилганидан бўлди, деб ўйлайман. Сир эмас, баъзан қабристонлар, ахлатхоналар, вайроналар, харобазорлар тенасига ҳам «Коммунизм галабаси сарни олға!» деган ишиорларни илиб қўйдик. Ҳуш?..

Бундай олганда-ку, ҳаётимизнинг тамал тоши, чиндан ҳам, шу истиқлолдир. Зоро, олтии қарамалик шароитида яшагандан кўра мустақил ҳаётининг қаттиқ қора нонини еган афзал. Афзал бўлганда қандоқ! Қул-

Бозор иқтисодиётининг юҳо иштаҳаси китобчилик хўжалиги қароргоҳларини ҳам сриб кириб келди. Қоғоз баҳоси осмонда. Унинг калити бой қоғоз-урмончилик хўжалигининг эгаси бўлган Русиянинг қулида эди. Ўзимизда, ўз маҳаллий хом ашёмиз негизида қоғоз ишлаб чиқазишини йўлга қўйиш учун эса камидা ўн йил вақт керак бўларди. Хуш, ҳозирги «отанг бозор, онанг бозор» сиёсати шўрлик китоб тақдирни учун яхшими ёки ёмонми? Агар соглом бозор бўлса — ақлли китоблар учун яхши. Харидоргир нарсаларга йўл очилади. Палағда гоя, зерикарли услугуб, ҳашаматли, ялтироқ иншоларнинг бозори муқаррар касод булади. Энди муаллифнинг қизил фирқавий мансублиги, «илгор» гояси, унвони, мартабаси, соврин-повринлари иш бермайди. Бусқда чўнтак узи илма-тешик бўлиб ётсано, уқувчининг кўнглига китоб сиғсинми! Йўқ, ҳаёт кўрсатаяптики, дилбар ва дилкаш, маъсум ва пок алфозли, дил чуги билан сел бўлиб ёзилган асарларни ҳар қалай китобхон истаб, қидириб, топиб ўқиркан.

Олийжаноб киши тўгрисида, урнига қараб, «диснатли», «инсофли», «шафқатли», «ориятли», «муруватли» сингари сифатларни тиркаб гапирамиз. «Ўқимишли» деган сўз ҳам шулар қаторида туради. «Ўқимишли одам» дегандан дафъатан кўз ўнгимизда хурматли бир инсон қиёфаси гавдаланади. «Ўқимишли халқ», «китобхон халқ» ҳам гоятда пурмаъно тушунчалардир. Шу уринда баъзи мулоҳазалар бор.

Китоб нашр этиш режалари билан танишар эканман, уйланиб қоламан. Илгари, уша тургунлик йилларида узбек тилида босилаётган китоблар сони кам деб бонг урадик. Энди-чи? Китоб пештахталарида ва сўймачи чайқовчиларнинг дўконларида фалон пулга сотилаётган асарлар... рус тилида! Уларнинг бозори чақон. Бу китобларни кўриб суқланиб томоша қиласан, ҳавасинг келади. Чиройли безалган, қалин, энг сифатли қоғозларда босилган, кўп жилдли... Нега бундай? Бу ср Узбекистон тупрогими узи? Балким узбек ёзувчилари ёзмай, узбек уқувчилари ўқимай қўйгандир? Муаллифлар нашриётларга узбек тилида қўлёзма кутариб борса, ҳамма даг-даг титрайди. У срдагилар қоғоз ва матбаа харажатлари хусусида шундай ҳасрат қилишиадики, шўрлик муаллиф уларнинг чиндан ҳам ноchor аҳволига раҳми келиб, қўлёзмасини топширмай қайтариб олиб кетади. Жаноб ноширларни безовта қилгани учун узр ҳам сўрайди!..

Китоб расталарида бўлса аҳвол тамомила бошқача.
Нашриётлар ҳам, босмахоналар ҳам, расталар ҳам
тирандан. Жарақ-жарақ пул, жарақ-жарақ мукофот.
Уша-уша! «Ушандан» ҳам сарбаланд. Сара қоғозлар
оқиб кслаяпти, яхши ва палағда, мароқли ва зерикарли,
ҳалол-ҳаром китоблар босиллаяпти... Жуда кўпчилиги
рус тилида. Улар қаршисида узбек тилида чоп этилаёт-
ган ишлар ҳажман ўндан бир миқдорни ҳам ташкил
этмайди. Э, қаёқда!.. Бамисоли бой амаки қаршисида
фақир жиян тургандай. Бундай шаронгта узбек тилида-
ги нашрларнинг рақобат қила олиши — анча душвор.
Ёлгон мусобақадан кутулиб, шафқатсиз рақобатга тути-
лаётганимиз. Рақобат бўлмаса усииш, сифат бўлмайди,
дейишади. Буёги ҳам рост. Рақобат жаноби олийларига
салламно!

Қизиги шундаки, атиги бир хорижий ёки рус муал-
лифининг рус тилида босилған асарларига сарғланган
қоғозга йигирма-үттиз узбек адабининг бисотини чоп
этса булади. Аҳволни бир тасаввур қилиб кўринг-а!

Бир нашриёт раҳбарининг шикоятига қараганда,
Абдулла Қодирийнинг асл қулёзма-дастхати асосида
тайёрланган «Утган кунлар» билан «Мехробдан чаён»
романларига ҳам беш-ун мингдан зиёд буюртма туш-
мабди. Ана холос. Абдулла Қодирийдек ардоқли ёзув-
чимизки касод бўлган экан, бошқаларга йўл бўлсин.
Адид афаидилар! Оғингиз остида замин ҷнаётиди.
Нашриётларга қатиаб овора бўлманг. Яхшиси... Ҷизмай
турнинг ёки келажак авлодларга васиятнома қолдириб,
кулёзмаларингизни бисот сандигингизга солиб яши-
риб кўйинг, дейишга мажбур буласан киши гоҳида.

Нима гап узи? Иллатнишг уқ илдизи қаёқда? Е
бўлмаса бозор савдоси кулфатлари рус тилидаги ки-
тобларга дахл қилолмаяптими?

Аччиқ бўлса ҳам иқрор булайлик. Бизда, узбек
оилаларида мутолаа маданийти наст. Узига тук, бадав-
лат оилалар баъзан қимматли нашрлар, жаҳон фани
ва маданийти, адабиёт дурдонларини, баҳраманд бу-
лицикдан кўра, ҳашам сифатида оладилар, холос.
Ҳатто зиёлилар орасида ҳам ўқимишли кишилар кам.
Жуда кам! Ҳолбуки, нашриёт маҳсулотига талаб ва
баҳони харидорнинг буюртмаси белгилайди. Айни
бир асар, айтайлик, минг, ўн минг, юз минг ва мил-
лион ададда босилганида, унга ҳар хил баҳо тайин
етилади. Қанийди, «Зафарнома»лар билан «Бобурно-
ма»га, «Темур тузуклари»га ёки бирон узбек ёзувчиси-

нинг бирон мароқли рўмонига беш юз мингдан буюртма тушса. Ёдимда, салкам йигирма йил илгари тўрт жилдан иборат «Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати» атиги икки минг нусхадан босилиб чиқкан. Ахир, бу мўтабар лугатлар ҳар бир узбек хонадонида сақланниши, урганилиши лозим бўлган олтин хазина эди-ку. Икки минг агад эмас, камида икки миљион нусхада чиқса ярашимасмиди?

Узбек тилига давлат тили мақоми берилган экан, жумҳуринятимизнинг олтин баҳосига олаётган ўз қофозига биритич галда унинг ўз давлат тилида ёзилган илмий, техникавий, сиёсий ва адабий асарлар, жуда куплаб янги дарсликлар чоп этилмоги зарур. Аввал ҳенш, сунг дарвеш. Бунинг утун босма нашрларнинг баҳоси уларнинг микдорига (тиражига) боғлик қилиб қўйилмаслиги керак. Бундай тақдирда катта иқтисодий зарар кўрамизку, деб эътироz билдиришлари мумкин. Аввало, бизнинг билагони, тажрибали ноширларимиз, матбаачиларимиз, иқтисодчиларимиз ва эътиборли маҳкамачиларимиз бир ёқадан бош чиқазиб, бу муаммони ҳал қила оладилар. Бундай ута муҳим ишда давлатимиз ҳам қараб турмас. Қолаверса, ҳар қандай иқтисодий зарарнинг ўрнини қопласа булар, улкан маънавий зиёнини эса ҳеч нарса билан «қоплаб» бўлмайди. Охир-оқибатда бу илм-фан, мактаб-маориф ва маданиятимиз учун ута таҳликали булиши мүмкин.

Албатта, рус билан узбек ўртасида мутолаада тафовут катта. Бунинг сабаблари кўп ва ҳозир мазкур масалани мұхокама қилиб ўтиришнинг ўрни эмас. Бу алоҳида мавзу. Аммо ҳар қандай жаҳолатни оқлайдиган сабаблар ҳамма вақт ҳам топилади. Керак бўлса. Тушунарли: эртаю-ксч билагининг кучини срга бериб, саккиз-унгалаб бола боқишининг, рўзгор тебратишнинг узи бўлмайди. Муҳими, биз узбеклар бу масалада: ўқимишлиликда русларга ва русийзабон фуқароларга ҳасад қилмаймиз, ҳавас қилишимиз керак! Мунтазам мутолаа маданиятини эгаллашимиз лозим. Аждодларимиз, бобокалонларимиздан бизга мерос бўлиб келаетган муazzзам Узбекистон диёрининг келажаги маърифатли авлодлар қулида булиши керак.

УЗЛИГИМ, УЗБЕКЛИГИМ

Олдига келганни смак — ҳайвоннинг иши, оғзига келганни демак — нодонининг иши, дейдилар. Сара-

лаб, фарқлаб, танлаб тановул қилиш китоб мутолаасига ҳам дахлдор. Дунёдаги ҳамма асарларни уқиб адогига етиб булмайди.

Бизнинг давримизга келиб ниҳоятда чуқурлашиб, бойиб ва кескинлашиб кетган азалий ҳамда абадий Шарқ-Гарб анъаналярининг кессишигани чизиги китобнинг сийнаси орқали сизиб утса керак. Умуминсоний, муштарак қадриятларининг ҳам, ирқий, диний, миллий тафовутларининг ҳам маънолари шу срда зухур кўргазади.

Турли ҳалқларда одамлар уртасицаги ахлоқ, одоб, маслак, ҳаҷ, шарм, ибо, пардали ва бесарда нарсалар ҳар хил талқин қилинади. Замонавий техника ва илм-фан тараққиётидаги Гарбнинг Шарқ устидан ҳукмфармолик қилаётганилиги, барча соҳаларда ўз шартларини ўтказаётганилиги шубҳасиз. Ҳозирча шундай. Бундан кейинги асрда аҳвол қандай булишини олдиндан айтиш қийин. Офтоб ҳали у томда, ҳали: бу томда... Ҳар хил башоратлар бор. Аммо бир нарса ҳозирданоқ аён булиб қолдики, гарбона ахлоқий муносабатлар, уларда одамларнинг бир-бирларига оқибати аксарият хийла тубанлашиб кетган. Оврупо ҳалқларида одамшавандалик талқини биздагидан бутунлай фарқ қиласди.

Бир неча йил илгари ойинап жаҳон орқали сурункасига кўп қисмли Мексика фильмлари («Бойлар ҳам йиглайди», «Шаддот Мария») намойиш қилиниган эди. Тальқиқланган нарса мазали бўлади, дейдилар. Бизни-килар бу фильмларга мазахурак булиб қолиши. Чиндан ҳам, уларда одамларни ўзига ром қиладиган ниҳоятда ибратли жиҳатлар кам эмас. Аммо жиҳдий эътиroz тугдирадиган тарафи шундаки, Мексика одамларида шаҳвоний парда, шарм деган тушунчалар жудаям «ўзига хос» экан, шекили. Ёнирай, уларда одамлар... упишмай туролмайди! Буса эҳтиёжга айланниб қолган куринади. Воқсалар упишиш билан бошланиб, упишиш билан тутайди. Маврудсиз, месъёрсиз ва ҳаёсизларча қовушиш манзаралари дилни лоҳас қилиб юборади.

Телевизорнинг қулогини бураднинг дегунча — уша гап: чўлл-чўлл... Саккиз яшар набирим Нозима «жарён» бошланди дегунча шоша-пиша кафтлари билан маъсум, ҳасли бетини беркиттиб, бирон жойга худди ўт кетгандай, биз катталарни огоҳлантиради:

— Ҳе юзинг курсин! Қарамантлар, ҳозир упишади!..

Орадан бироз фурсат утгач, бармоқларини кериб, муралай бошлайди — қани, «чүлл-чүлл» тутадими ёки йүкми деб.

Ваҳоб ака деган бир Бодомзорлик маҳалладоши мизнинг уйида ҳам аҳвол шу экан. Айниш бошланди дегунча, ёш набираси апил-тапил... огоҳлантириаркан:

— Дада, қўзингизни юминг, ҳозир упишади!..

Кейинги йилларда ҳинд кинолари ҳам айний бошлади.

* * *

ҲОРДИҚ ҚЎНАЛҒАСИ

ШОЯД

«...Тинч сақланган мамлакатда (Худо оғат ва хавфлардан омон сақласин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, узида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: «Ичкиликтан қочинглар, шоядки најот топсанглар».

Заҳириддин Муҳаммад Бобур фармонидан

АЖДАҲО

Хобгоҳим арш эди, мунда галат
туштум, дариг,
Нур бўлур эрдимки, нафс
аждаҳоси бўлмаса.

Бобораҳим Машраб

МАТЛАБ

Инсоннинг матлаби бу ёргу дунёда эзгу ишлар барпо этиш, Аллоҳнинг раҳматига қовушишга интилишдан иборат. Бу эса уни ҳаётни севишга, бунёдкорликка, яхшиликка, шафқат ва муҳаббатга даъват этади. Тангри таоло уз бандаларини азизу мукаррам қилиб яратди. Бадан берди — жон учун, жон берди — иймон учун, иймон берди — икки олам учун, онг берди — ўйлаш учун, муҳаббат, ахлоқ-одоб, куч-кудрат берди — узини ва узгаларни бошқариш учун.

Туядан сұрашибди: — Ссига қай бири қийнироқ, эй найнов? Тоққа үрлаб чиқишиңи әки уйдан тушиш?

Туя жавоб берібди: — Ҳар иккаласы ҳам бир-биридан баттар. Шүлиси боркі, тогдан пастта энастганингда мунқіл кестішдан Худонинг үзи арасаси!..

Туя хуб ақсли жонивор-да.

* * *

Русия телскүрсатуви бот-бот дүнәда энг тоза спирттік ичимлик «Смиринофф ароги» эканидан лоф уриб, жаҳонга жар солади. (Үйлайспеки, бу азamat үлкада ичкіликтөзілік болған гүс бирдан даҳшатли бир тарзда камайиб кетгән!) Гирт слгон. Ароқнинг ҳам «тозаси» бұларқаим! Агар дүнәда инсонға тиқиулған иккіта оғат бұлса, бири ароқ. Битта бұлса ҳам шу ароқнинг үзи. Оти үснин. «Тоза арогининг» үзларынг пишириб ич, лофчилар!

Айрим ойлаларда эмас, борнигки, бутун дүнәда ах-вол шу. Бу кітчік масала эмас. Бир вақтлар адабиёт ва санъат асарларыда уруштың тарғиб қилиш жиноят деб эълон қилинганды. Эйди-чи? Ойнаан жаҳонда Москвадан намойиш қилиниаётған биронта гарб әки рус киноси йүқкі, унда қотиллік, қон тұқиши, зұрлаш, кашандалық, таҳқырлаш, үғирилік қилиш, фириб-гарлик ва төвламачилік сипары ҳодисалар намойиш қилинмаса. Қачонғача бу гайриминесоний ишлардан күз юмиш мүмкін? Ҳеч кимга сир эмас: адабиёт ва кинода бу қаңғалик күп тарғиб қилинганиң түрги мутаносиб ҳолда, шундай даҳшатли ҳодисалар кундалық турмушнишіг үзінде ҳам күпайиб бормоқда...

Фарбдан оладиган сабоқларымиз жуда күп, минбауд олмаслигимиз лозим бұлғанлари эса ундан ҳам зиёд.

Эси-хуши жойида бұлған ҳар қандай одам күриб турибдикі, ахлоқсизлик, шаҳвоний, фаях шиіларға одамлар тамомиля бесфарқ булып кетгәнні Таңгри таолонинг ҳам ғазабиниң келтирді: вабога тенг даҳшатли оғат — СПИДнін юборди. Шундан кейин ҳам бу ишлардан тиийлемаслик инсониятнинг ҳеч қандай урушсиз үзінгә үзи зомин бўлишига олиб келиши мүмкін. Майли, Фарб ахлоқи бу магрибликларнинг фожсаси ва уларнинг ички иши. Бироқ турли оммавий алоқа

воситалари, биринчи галда ойнаи жаҳон орқали бу «ички ишнинг» бизга «экспорт» қилиниши фақат уларнинг иши бўлиб қолмаслиги керак. Ўзбекистон ҳукумати ўз халқининг муҳофазаси йўригига янада қатъий эҳтиёт чораларини курса яхши бўларди.

ГОФИЛ ОДАМ ТЕЗ АЛДНАДИ

Кейинги йиллар ичидаги улуғларимиз, ота-боболаримиз ва солим фикрли ҳар бир инсоннинг узоқ кутган орзу-умидлари күшойиш бўлди. Қуръони Карим ва Ҳадиси шариф ўзбек тилига таржима қилиб босилди. Аллақанча зарур диний адабиётлар чоп этилди. Дунё юзини курган бу асарлар мажмуасини халоскор адабиёт деб аташга арзигулик.

Билмасликдан жаҳолат, жаҳолатдан мугаассиблик келиб чиқади. Мугаассибликни узоқ давргача фақат динга нисбат бериб келинди. Мана шунинг ўзи ҳам мугаассиблик, яъни динни билмай туриб, кўр-курона инкор этишдир. Бас, диний мугаассиблик, илмий мугаассиблик ва миллий мугаассиблик бор. Биз яқин вақтларгача кўр-курона сигиниб келган марксизм-ленинизм динни мугаассибларча инкор этган бўлса, ҳозирги вақтда жуда кўп одамлар, аксарият фирмавийларнинг узлари бу таълимотни худди шундай, мугаассибларча рад этдилар. Нима учун? Чунки улар ўз маънавиятини дурустроқ билмайди. Гофил одам тез ишонади. Гофил одам тез тонади. Гофил одам тез алданади. Бу билан мен, фирмасиз бир одам, марксизм-ленинизмни, астагфуришю, ёқламоқчи ҳам эмасман. Тўгри, бу назария Шарққа бутунлай тўгри келмайди. Моҳиятан бизга ёт. Мен, бирон нарса ёки ҳодиса тасдиқланадиган ёхуд рад этиладиган бўлса, онгизларча, кўр-курона эмас, балки билиб туриб тасдиқланмоги ё бўлмаса рад этилмоги даркор, деган фикрдаман. Ижтимоий ҳаётдаги асосий омиллар: синфлар, табақалар, миллатлар, инсоний муносабатлар, жамият, тарих, дин ҳамда кураш ва унинг шакллари, мулкчилик, хусусий мулкка муносабат сингари баҳсларда бу таълимотнинг қарааш ва даъволари баҳсли, зарарли, гайри инсонийдир. Чунки муқаррар равишда турли миллат ва табақа кишиларини ўзаро гижигижлашга, бир-бири билан тўқнаштиришга, қон тўкилишига олиб келади. Олайлик, жаҳон инқилоби гоясини амалга оширишга уринишса, бу ҳозирги вақтда

тўғридан-тўгри учинчи жаҳон урушига, ядроий қиёматга ва бащариятнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келади. Вассалом.

Айни вақтда, гоҳида теслбаларча илгари сурилган даъводардан қатъни назар, ўша марксизм-ленинизм ҳам буш-такир жойда юзага келмаган. Унда мухит, вазият, гоя, инсон руҳияти, жаҳон маданияти тараққиётiga доир, гарчи баъзан бир ёқлама бўлса-да, бир қанча қимматли фикрлар ҳам бор. Масалан, Лениннинг «Фалсафа дафтарлари» унинг ўз асари эмас ва бу мажмуани унинг номига иисбат бериш ҳам тўгри бўлмайди, деб ҳисоблайман. Бу жаҳон (асосан — Оврупо) олимлари, файлласуфлари, адабиарининг асарларидан мутолаа давомида олинган кўчирмалар, уларга муаллифининг тўгри ва мунофиқона ишоралари, чекланган қараашлари, нуктаи назари деган суз. Худди шунинг учун ҳам, бу таълимотдан исериқдан кўрқсан шайтондай кўрқиб, ҳазар қылмасдан, олий мактаб таҳсилла фалсафа ва маданият тарихи, иқтисадиёт, сиёсатиунослик фанлари юзасидан чуқур ылмий холислик ва утқир танқиций руҳда маъруза, баҳс, амалий машварат (семинар)лар олиб боришишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Леақал, давлатни зўрлик, зугум ва ноҳақ қон тўкишлар йўли билан кўлга олиб, стмиий йил мобайнида ҳукм сурған мазкур таълимот тажрибасининг яна такрорланишига йўл қўймаслик учун ҳам унинг ёвуз табиатини билиш, фош этини зарур. Хуллас, ёвузлик билмасликдан келиб чиқса, билмаслик ёвузликнинг илдизини озиқлантиради.

ҚУРЬОННИ ТАРЖИМА ҚИЛИБ БУЛАДИМИ?

Мен ҳар гал Қуръони Каримни варақлаганимда қалбим гурурга тулади. Бу муқаддас китобнинг узбек тилига ўғирилганин кўрадиган кунлар ҳам келар экан-а, деб таскин топаман. Унинг ҳар бир сурасини ўқир эканман, қизил жаҳолатпастлар ва мустамлакачилар нима учун ундан бу қадар чўчиганлиги, не сабабдан менни ундан бездиришга жон-жаҳди билан ўринганилиги сирларини англай бошлайман. Улар бизнинг абадий кўр, нодон, овсар, манқурт бўлиб қолишимизни истаган эдилар. Бўлмади! Кўзим ета бошладики, Истиқлол барҳаёт экан, халқимиз унинг тарихий такомил ўзанига тушиб олади. Ниҳоят, энди биз, кекса авлод кишилари, ўз фарзандларимиз тақдири-

дан хотиржам булишимиз мумкин. Улар биз сингари сохта, ёт маънавият сўқмоқларида адашиб юрмайдилар.

Фақат Аллоҳ бизни Қуръон руҳидан адаштирумасин ва илгари гафлатдан содир бўлган экан, энди саёз билишдан ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган маҳдудлик, бирёзламалик, чаласаводлик, қуруқ қироатхонлик оғатларидан асрасин. Зоро, билмаслик қанчалик даҳшат бўлса, керагидан ортиқ даражада «билиш», яъни бир ёқлама тушунишинг оқибати ҳам ундан кам эмас. Айниқса — ҳозирги шароитда. Ҳа, Қуръони мажид қотиб қолган бир нарса эмас, балки бизнинг кундалик жонли ва онгли ҳастимиз, тафаккуримиз, ҳаракат тарзимиз, маънавиятимиз учун ғоят муҳим дастурдир.

Қуръон таржимасига доир баъзи мулоҳазалар. Китобни изоҳли йўсинада ўзбекчалаштирган мавлоно Алоуддин Мансурнинг хизмати таҳсинга сазовор. Ул зот асарни изоҳлашда ун битта ноҳб, мұтабар манбалардан жуда уринли истифода этган. Ҳуш, нима сабабдан бу изоҳли таржима? Шарҳлаб ўтирумасдан, матнининг узини шунидоқлигича берса бўлмасмиди?

Гап шундаки, Аллоҳнинг инояти ила нозил этилган бул муқаддас Калом «шундоқлигича» ҳозирги ўқувчига тақдим этилса, тушунарли бўлмай қолиши табиий. Сабаби, мазкур мумтоз китоб араб тилида дунёга келган бўлиб, сўзма-сўз ўтирилганда фикр, маъно, гоя ва ифода англашилмай қолади. Дарвоқс, шу маънода Аллоҳнинг Каломи (Каломулло)ни ҳозирги кўпчилик арабларнинг узлари ҳам шаррос билишмайди. Ҳозирги ўзбек ўқувчиси XI аср мумтоз туркий ёзма ёдгорлик «Кутадгу бишш»ни ўқиб тушуна олмагани сингари (ҳатто XVI аср обидаси, жуда сингил тилда битилган «Бобурнома»га ҳам барчанинг тили утавермайди). Ҷемак, изоҳ, талқин ва шарҳ мукаррар.

Иккинчи сабаби, агар таржима бўлмаслик ақидасини исботлаш учун бирон ёрқин далил талаб қилинса — бу мана шу Қуръони Карим. У дунёдаги энг бой, забардаст ва жарангдор тил — араб тилида юзага келган. Оятлар, суралар шунчаки «ўқилмайди», куйланади! Бунинг устига, узига хос қироат, талаффуз, калом, оҳанг... Бинобарин, жаҳондаги бирон бир энг мукаммал таржима ҳам аслият уринни босолмайди. Шундай экан, мазкур таржимадан мақсад нима? Қуръоннинг матний мазмунини стказиши

холосми? Ҳа, «холос»! Айтишга осон! Мазмун ҳам түгри етказылмай қолганда-чи?..

Бундан ташқари, назарияда танқидга учраган яна шундай қараши биламизки, ҳар қандай мукаммал таржима ҳам аслиятнинг урнини қоплай олмайди, бинобарин, яхши таржимадан мақсад аслиятга муҳаббат пайдо қилишидир. Бошқача айтганда, таржима билан танишган кишида асарни уша асл нусха тилида ўқишга шавқ пайдо бўлсин. Бундай қарааш баҳсли ҳисобланса-да, Қуръон таржимасига юз фоиз түгри келади.

Даъвонинг исботи учун шундай далил келтираман. Бирон сурани пухта, билагон қорига ўқитинг-да, кетидан таржимасини овоз чиқазиб ўқинг. Тамом бошқача манзара ҳосил бўлади! Ўзингиз мутлақо билмаган араб тилидаги қироатдан уз тилингиздаги мукаммал таржимадан олгандан кура беқисс чукур таас-сурот оласиз. Таржима ҳам биз учун бенниҳоя қимматли, аммо арабча аслиятда илоҳий руҳ, масиҳий (тирилтирувчи) нафас мужассам. Ҳудди шу боис, арабча қироатда ўқувчида ва тингловчида уша илоҳий руҳ жилваланади. Гарчи арабчани ва матн мазмунини билмасангиз ҳам!

Хонаси келганда, шундай фикрни таклиф қилмоқчиман.

Қуръони Каримнинг Оврупо тилларига таржималари ниҳоятда бой ва чукур тарихга эга. Бу муқаддас китоб тадқиқотлари ҳам куп ва хилма-хил. Рус тилида тўрт таржимаси бор. Чунонгич, Г. С. Саблуков таржимаси уч марта нашр қилинган. Иккинчи таржима академик И. Ю. Крачковский қаламига мансуб бўлиб, 1963 йилда ёргу дунёни курган. Мазкур таржимани 1990 йилда Бокуда қайта босилган. И. Ю. Крачковский таржимаси нашрига қарийб 20 босма табоқдан зиёд қимматли муқаддима, илмий шарҳлар илова қилинган. Каломнинг бундан кейинги узбекча янги нашрлари ва таржималари, энди бошланиб келаётган узбек қуръоншунослигига бу тажрибалардан ҳам фойдаланса бўлади.

Г. С. Саблуков нашрининг айниқса бир жиҳати бизга жуда муҳим. Бунда саҳифанинг ўнг томонида арабча матн, чап томонида русча таржима бақамти жойлаштирилган. Бу аслият ва таржимани урганишида катта қулайлик тугдиради. Менимча, Алоуддин Мансур таржимасининг янги, учинчи нашрини ҳозир-

лаб, саҳифанинг бир тарафида араб ёзувида аслият матни ҳам бсриса-да, ўнг томонида узбекча таржима араб алифбосига асосланган эски узбек ёзувида тақдим этилса. Бундай тақдирда араб ёзувига узбек ўқувчиши яхши кўнишка ҳосил қиласди, кўзи пишади ва аста-сскин арабча аслиятнинг ўзини ўқишга ҳам бсмалол тиши утадиган бўлади. Ўйлайманки, бундай мақомдаги нашр ўзининг яна ўзгача қадрини топади.

1995 йилда Дамашқ-Москвада Валерия Порохованинг маънавий таржимаси чоп этилди. Мирзо Анвар Бухорийнинг «Байту закот» жамгармаси хисобидан. Бош муҳаррир доктор Муҳаммад Саид ал-Рошд.

Ошкоралик шарофатидирким, яқинда маданий ҳастимиизда мисли кўрилмаган бир воқса содир бўлди. Уч муқаддас китоб: Ињжил, Таврот (Мусо пайгамбарнинг биринчи китоби: Ибтидо) ҳамда Забур узбек тилида чоп эттирилди. 896 саҳифадан таркиб топган бу маҳмуани (унга 15 та рангли сурат ҳам илова қилинган) Швейцария пойтахти Стокголмда Библияни таржима қилиш институти 1992 йилда нашрдан чиқазган. Таржима юнон ва иброний тилиларидағи асл нусхалар асосида тайёрланган. Китоб 18 йил (1973-1991) ичида таржима қилиниб, таҳрирдан чиқазилган. Ињжил билан Ибтидони Иброҳим Абасв, Забурни доктор Юсуф Гулкаров узбекчага угирган. Иnjили жадид (янги Иnjил) Хорватиянинг Загреб шаҳрида «Графички завод Хрватска» босмахонасида чоп этилган. Тиник оқ қоғозда босилган, бежирим ишланган 56 босма табоқдан иборат манба бутунти китоб маданиятининг, матбаанашиётчилик санъатининг ҳавас қиласа арзигулик намунаси деса бўлади. Куринг, ўрганинг, ҳавас қилинг! Ҳар қандай қиёс ҳам оқсайди, деган гап бор. Биз ўз тарихимизда иш топқир Қуръони Каримни эндиғина узбек тилида босмадан чиқаздик. Бу чинакам афсонавор бир иш бўлди. Шу ноёб нашрга бошқони бўлган жаноб мутаржим Алоуддин Мансур билан «Шарқ ўлдузи» журналининг таҳрир ҳайъати аъзолари хизматини алоҳида қайд этмоқ лозим. Бу ис саодатким, барча ислом мамлакатларининг ҳалқлари учун ягона, муштарак асос бўлган мазкур тарихий манбага, ўз Қаломимизга эга бўлдик.

Айни вақтда христиан дини бўлган Швейцариядай бир мамлакатда биз узбек ҳалқи учун айлан ўзбек тилида тайёрланган Иnjилининг бизга тухфа қилинishi ҳайратомуз гап. Масала шундаки, мазкур таржима

билин илк танишиш шундан далолат берадики, у тил, баён, услуб, истилоҳот, шарҳ тарафларидан жуда пухта тайъерланган. Ҳали бу нашр илмий тарафдан түқур үрганилади, муфассал таҳлил қилинади ва муносиб баҳоланади.

Энди шундай савол тутилиши ҳам табний. Чунончи, нечук бўлиб насроний (христиан) олами биз мусулмонлар — жаноб Мұҳаммад пайғамбар саллаллоҳи алайхи васаллам умматларига бунчалик гамхўрликни раво куришиб экан? Бундан кузатиладиган асл мақсад нима ўзи? Наҳотки уларнинг бўлак қиласидаган иши қолмаган? Бундан кўра Иижилни Шуролар даврида аксар динсизга айланиб кетган ўз насроний қавмларига сингдиришга зўр беришса булмасмиди? Бизнинг Гарбдаги гамхўрларимиз Иижилни ўзбекчалаштириб бусекқа жўнатишган экан, бу халқимизининг ўз асл диний ўзанинга қайтаётгани, Қуръони Каримининг ўзбек тилига ўғирилиши билан боғлиқ жиҳати йўқми? Айниқса, дунё миқъсида оладиган бўлсақ, АҚШ, Олмония, Япония, қисман Россия ва бошқа улкаларда насронийларининг жуда кўплаб муслим булаётгандари билан боғлиқ тарафлари йўқмикан? Бошқача айтганда, бундан кузатиладиган мақсад биз ўзбекларни шунчаки насроний ва яхудий динларининг асослари билан «таништириш» эмас, балки узоқ йиллик гафлатдан сўнг ҳали ўз динида суюги қотмаган ёшлиларимизни исломдан христианликка оғдириш эмасмикан иш қилиб?

Албатта, кимнинг қандай динни ихтиёр этиши ҳар бир инсоннинг ўз шахсий иши. Бирорвни зурлаб бирон динга киритиш мумкин эмас. Диндан чиқазиш ҳам. Гарчи тарихда бундай ҳодисалар утраган бўлса-да (Иван Грозний — Жангари Иван) замонида бир қисм Эдис бўйи фуқароларининг зутум ва фириб ёўли билан насронийлаштирилиши...). Аслида, бу гайри инсоний ҳаракатdir. Лекин!. Уз диний мухолифларимиз ва муқобилларимизнинг ҳар бир ҳаракатига шубҳа ва гараз деб қарааш ҳам тўғри эмас. Бунинг учун бир қангча далиллар келтириш мумкин.

Аввало, асл муслим умматнинг субутсизлик қилиши қийин. Чунки Қуръони Карим билан Иижилни жадидни ўқир экан, ҳар бир онгли муслимнинг ўз динига — исломга ихлоси ва эътиқоди янада ортади. Бу қандайдир зўравонликка эмас, балки Аллоҳнинг инояти ва марҳамати, илм, мантиқ ва адолатга асос-

ланган дин эканлигига иймон келтиради. Бу жиҳатдан ахли муслимнинг Инжил билан танишуви номатлубгина эмас, балки жониздир. Сабаби, Куръони Карим Аллоҳ томонидан юборилган барча диний китоблар — Инжил, Таврот ва Забурни асло инкор этмайди, аксинча, уларнинг ҳам муқаддас ва устиворлигини тан олади. Бинобарин, бизнинг Калом жаҳолатга эмас, балки маърифатга, билимга, воқиғликка таяниб иш куради ва шунга даъват этади.

Аммо бу срда алоҳида диққат қилиниши лозим бўлган шундай муаммо борким, буни асло унугтиб бўлмайди. Чунончи, баъзи бир анойи, саводсиз кишилар даъво қиластгани сингари, Куръон, Инжил, Таврот ва Забур айнан бир китоб эмас. Гарчи улар орасида муштарак фикр, талқин, даъват, ўғит ва тарихий риоятлар бўлса ҳам. Бош тафовут шундаки, Куръон тавҳидга, яъни Худонинг биру борлигига асосланади. Чунончи, инсонга хос сифатлар: ота, она, ўғил, қиз, қариндош-уругчилик, ака-ука, опа-сингил, эр-хотин муносабатлари Парвардигорга даҳлдор эмас. У яккаягона, устувор, яратувчиларнинг яратувчиси, бирламчи манба... Ҳамма нарса Тангри таолодан. Аллоҳдан бошқа аллоҳ йўқ. Бошқа диний манбаларда эса, аксарият ҳолларда бунинг аксини кўрамиз. Бас, Каломулло билан чуқур, муфассал, атрофлича таниш булмай туриб, узга гайри исломий манбалар билан танишиш кишини жиҳдий бир тарзда чалгитиб юбориши мумкин. Бундан ниҳоятда эҳтиёт булиш лозим. Кош қўяман деб куз чиқазиб қўйиш ҳеч гапмас. Алалхусус, собиқ мактаб, олий таҳсил, ижтимоий муносабатлар ҳамда лисоний тарбия (узоқ йиллар давомида маҳаллий ёшларга рус тилининг «иккинчи она тили» сифатида чуқур сингдирилгани) бу хавфни янада кучайтиради. Миллий мансубликдан кура насроний маданиятга мойиллик ҳеч кимга сир эмас. Рўй-рост айтиш керакки, Инжил қитобини заҳмат чскиб узбекчалаштирган хорижий афандиларимизнинг бош мақсади ма-на шу ва бундан минг маротаба ҳушёр булиш даркор. Эътибор қўлинг-а: уз она тилини билмай туриб, бошқа бирон тилини эгаллаган одам бора-бора уз миллий мансублиги ва миллий қадриятларидан узоклашиб, ҳатто уз онаси билан ҳам она тилида сўзлашолмай қолгани, баъзан аста-секин, муқаррар үз халқига ёт бир шахсга айлангани сингари, узга диний қадриятларга маҳлие булиб кетиш ҳам кишини шундай ўта

иохуши бир аҳволга солиб қўйинши табиний. Шуроларнинг таълим, таҳсил ва тарбия йўриқлари биз учун атчиқ сабоқ булиши даркор ҳамда биз эндиликла тагни ушандай, ўз оқибатига кўра бундан-да бени баттар ҷоҳга узимизни улоқтирумайлик. Ҳали сохта қизил адабиётдан узил-кесил кутулиб улгурмаӣ, думбул ёшиянигларимизни сирли-бубҳам нацирлар ҷоҳига улоқтиришдан тийилайлик.

Айтилган мулоҳазалар шунчаки тахмин, гумон, иучи фараазия эмас. Купчилик билади: Инжил ҳозир бир нусхаси фалон сўмдан сотилимоқдид. Дастьлаб Тошкентга келтирилганида барчага бенул тарқатилган ва китоб орасида маҳсус ёзув-ёрлиги, мурожаатномаси ҳам булиб, ишни уқиб чиққандан сунгра қайси... черковга бориб ибодат қилини мумкинлиги айтилган! Мана сизга — инжилхонлик!

ДИИ ЧАЙҚОВЧИЛИК БОЗОРИ ЭМАС

Умуман, Фарб билан Шарқ, Оврупо, Осиё, Африқо, насроний (христиани), мусуљмон, яхудо, будда динларни ва манфаатлари кесининг ҳамда туташиган минтақаларда жойлашган халқтарнинг тарихи ва қисмати оғир кечар экан. Бу жойларда яшаган фуқароларга дии ҳам, даҳрийлик ҳам, иктиносидёт ва сиёсат ҳам бефарқ эмас. Хоҳ Марказий Осиё билан Ҳиндистонни олинг, хоҳ Ливан ёки Хитойни олинг, ҳамма жойда аҳвол шу. Марказий Осиёда, жумлалади Ўзбекистонда тургунилик деб аталаими даврда худосизликка асосланган уша қизил салтганиат ҳам маҳаллий халқларга рус тиши, маданияти, адабиёти, санъатини мунтазам ва чуқур сингдириб боринидан иборат нардаланган, мунофиқона сиёсати билан улар онгидан ва қалбидан исломни сиқиб чиқазиб, уринига ғайри-мусулмон, насроний маънавияти, мағқураси ҳамда маслатини жорий этишини мақсад қўлиб қўйган ва бу йўлда жуда катта зафар қозонган ҳам эди. Энди-чи? Ушашуна гап. Бундай олганда, машъум худосизликдан кура ҳар қандай динга мансублик бекиёс афзал. Чунки атсизм сўқир, иймон-этиқод эса тийрак. Даҳрийининг қасамедига мутлақо ишониб булмайди, иегаки унинг дилинда нур йўқ. Художий одам эса ёлғон айттолмайди. Гарчи турли дин кишиларининг Худоси гус «бошқабошқа» бўлса-да. Аслида эса, Парвардигори олам барчага бир ва баробар. «Яхши» ёки «ёмон» Худо бўл-

майди. Гап шундаки, маъбудни ҳар бир миллат ва қавм ўз тилида ўзича атайди, холос.

Бироқ, қизиги шундаки, бир-бири билан узаро муроса қила олмайдиган, муроса қилиши мумкин ҳам бўлмаган даҳрийлик билан насронийликнинг мақсади бир: турли йўллар билан маҳаллий халқларнинг вижидони ва нафсониятини срга уриб, уларни христиандаштиришдан иборат. Уларда эътиқод бирлиги эмас, мақсад бирлиги бор. Шунинг учун биз мазлум халқлар ҳар иккаласининг ҳам ўй-ниятидан ҳазар қилмогимиз ва ҳушёр бўлмоғимиз фарз. Майли, тараққиёт ҳамда тинчликка хизмат қиласа, дунё сиёсати бирлашин. Илм, фан, иқтисодиёт, спорт, техника рақобат қилеин. Аммо динлар эмас. Бир дин бошқа бир динни таъқиб этмаслиги, бир-бирини сиқмаслиги, бир дин муҳибига бошқа дин кишиси тазиик ўтказмаслиги лозим.

Турли динлар ўртасидаги муносабатга тинч-тотув яшаш сиёсати муқаддас негиз бўлиб қолмоги даркор. Қолганини вақт ўзи кўрсатади. Дин чайковчилик бозори эмаски, ҳар ким ўз матоҳини кўз-кўз қиласа, мақтаб ёхуд алдаб сотса ёки «ким ошди» бозорига солса. Яхши матоҳга «реклам» чикора.

Биринчи жаҳон уруши, Иккинчи жаҳон уруши, мислсиз қиргин воситалари, табиатни коинот қадар бузишлар, бир хилги мутараққий мінтақаларда инсон наслининг айниб бориши, оммавий майпарастлик, ҳаром-ҳаришни фарқ қилмаслик, танфурушликлар қайси манба: ислом маданиятими ёки бўлак диний иқлиmlар негизида пайдо бўлди?

СУЗ УЗГАЧА, МАЬНО БУЛАКЧА

Қуръони Каримнинг ўзбек тилига таржима қилиниши, ўз-ўзича олганда, эҳтимол, халқимизнинг маданий ҳаётida қандайдир мароқли, ажабланарли ёки ҳайратангиз бир иш ҳам эмасдир. Ҳуш, таржима қилинибди, юз минглаб нусхаларда чоп этилибди... Нима қипти? Ҳа, бу муқаддас исломий манбанинг қури, маъно жилвалари, матн замирида яшириниб ётган сехр, мұжиза, илоҳий жозибани муайян даражада қулоқ эшишиб, кўз кўрсаю, улар онг-шуур ва қалбларга етиб бормаса, маънавиятимизга сингмаса, кундалик ўй-ният ва ҳаракатларимизга эш бўлиб кетмаса, фойдасиз. Ҳатто... заарли деса ҳам бўлади. Нечук?!

Гап шундаки, одамлар, айниқса ёш авлод бизда отабеболаримиз томонидан күзларга суртиб ўқилган манба — Қуръон борлигини эшигтган булишса-да, уни күрмаган эди. Жанинатининг қанчалар зеболигини ҳамма эшигтган, аммо ҳеч ким күрмаган. Ана шу күз билан күрмагаңлык одамларининг ҳаваси ва дикқат-этиборини узига тортади. Узини кургаңда-чи?.. Қуриш насиб этганда инсон рухиятида қандай кечинималар пайдо булишини ким күрибди? Буни ҳамма ҳам тасаввур қила олмайди.

Қуръони мажид... Унинг васлиига стишгунча қанчалар орзиқдик. Бу яқин-яқини вақтларгача афсонавор бир нарсадай түйиларди бизга. Мана, Аллоҳ таолонинг меҳрибончилиги ва марҳамати билан Алоуддин Мансур майдонга чиқиб, қўпчилик жасур, фозий, маърифатпарвар инсонларнинг фидойиларча кураши натижасида узимизнинг йўқотиб қўйган мумтозу муқаддас Каломимизга эга ҳам бўлдик. Хўш?.. Инсон рухияти қизиқ-да. Бирон ёргут ниятга стиб боргунича узини утдан-чўққа уради. «О!» дейди. Уша ёргут манзилга ҳаллослаб стиб борганица эса, баъзан «Ие?..» деб қолини ҳам мумкин.

Қуръонии узбекchalapitiriш тарафдорларининг ҳаммасини ҳам бирдай холис, пок ниятли кинилар деб булмайди. Улар орасида бу муқаддас манбага қарши курашиш учун уни узбек тилига ўтириш жонз деб билгувчи шаккок, шум ниятли мушриклар ҳам борлигини унутмайлик. Қизиқ! Арабий алфозда узининг бутун илоҳий сөхрию жозибаси билан жаранглан, жаноби Расули Акрам Мұхаммад Мустафо алаіхиссаломининг кутлуг нафаслари билан Аллоҳдан ваҳий этилиб, нозиг қилинган нурли Калом истаган бошқа тилга, жумладаң узбек тилига, борингки ҳатто ҳозирги араб тилига таржима схуд табдил этишини билан сўниб қолгандаи булади. Энди жаранг — у жаранг эмас, маънолар — у маънолар эмас, таъсир — у таъсир эмасдай... Ва ҳоказо. Нима гап узи? Бу хусусда юқорида қисман тўхталиб ўтдим. Ҳудди шу сабабдан дини пешиволари, руҳоний арбоблар, қорилар ва ҳофизлар бу Китобни бошқа бирон тилга таржима қилиб булмайди, деб ишонишган. Тўғри даъво!

Бу мулоҳазалардан Каломуллони узбек тилига ўтириш бехуда иш бўлди, деган хулоса келиб чиқмайди. Ҳопю ва куляла! Гап шундаки, Қуръонни таржимадан кўра асл нусхасида ўқиши мароқли ва самаралидир.

Бироқ бунинг ҳам узига хос жуда мураккаб жиҳати бор. Бунда қулоқ билан дил бекиёс баҳра оладио (мириқадио), идрок, тафаккур мудрайди. Олайлик, Робертинонинг италянча дилрабо қўшиклиаридан завқланасизу, бу қўшиклиарниң мазмуни билан сўзларини тушунмаймиз. Қуръон эса бу фақат «мусиқа», «оҳанг», «талаффуз», «муножот» ва «қироат» эмас, балки — илоҳий сўз! Уни шунчаки тўйиш эмас, балки тушуниш лозим. Бас, таржима ўз ишини қилиб булди ҳисоб. Навбатдаги асосий вазифа — Китобдаги ҳар бир сурга ва оятниң мазмунини тўлиқ тушунган ҳолда, уни арабча аслиятда ўқишига рағбат пайдо қилинган иборат. Зеро, биргина асл арабийзабон Қуръон қилиши мумкин бўлган ишни юзга Олтинхон Тура, Аллоуддин Мансур, Ш. Бобохонов ва бошқа билагон содик руҳонийларимизнинг чўқур ихлос билан сидқидилдан бажарган мукаммал таржималари ҳам уҳдалай олмайди. Гўзал меҳнатлари — мислсиз таржималари учун уларни Парвардигорниң ўзи ёрлақасин, илоҳ. Бу ишларниң аҳамиятини баҳолаш учун олтиндан тарози, гавҳардан тош керак. Муazzзам Истиқлол, муборак Қуръони Карим таржимаси муносабатларида халқимиз бутун коммунистик алвон гафлат карахтигию мудроғидан аста-секин уйғониб, қаддини ростлаштган экан, мутафаккир шоирFaфур Ғуломниң ма-на бу пурҳикмат мисралари ҳам тамомийла узгача маъно, нашъу намо билан жарангластгандай бўлади:

*Азиз асримизниң азиз онлари
Азиз одамлардан сурайиди қадрин.
Фурсат ганиматдир, шоҳ сатрлар-ла
Безамоқ чогидир умр дафтариин.*

Ал-Азиз — Аллоҳниң муборак 99 номидан бири. Азиз одамлар, азиз онлар, азиз аср, умр дафтарини беҳаш, қадрият!.. Бу ташбехлар, сиғатлар, башоратлар, ёргу орзу-армонилар бизниң бугунги ҳолатимизни ифода этмаяптими? Бугунги мунаввар кунни, рўшиноликни ўзларининг масиҳий нафаси-ла орзу қилган ва яқинлаштирган кечаги мубҳам куннинг ёргу юлдузларига ҳуда-бехуда таъна тоииларини отишдан эҳтиёт бўлайлик. Буқаламун даврниң тигу парронига дучор бўлган бир мазлум арбобимизни ғойибан сафга турғазиш учун бошқасини қурбон қўлмайлик энди. Кечака вафот этиб кетган ишонларга бугунчи кун мантиқи

былан қатл жазосини чиқазиши фақат заминий мантиққа әмас, илохий закога ҳам, парчалаб юборилған жамият биrlигига ҳам қойим әмас.

КУЛЛАМИ ИНСОН БАҒРИДАЙ КЕНГ

Қуръон қадриятлари бизнинг маънавий-ахлоқий ҳаётимизга қайтишин билан бизнинг Қуръон қадриятларимизга қайтишимиз яхлит бир тушунча булгани билан, улар уртасида ссзиларли фарқлар бор. Аввало, буларнинг ҳар иккаласи ҳам бир йула, буйруқ ёки фармон билан амалға ошириладиган юмуш әмас, балки узлуксиз давом этадиган жараен. Чунончи, бизнинг Қуръон бағрига қайтишимиз ун түрт аср ортга — XX асрдан VI асрға чекинишимиz лозимлигиши билдиримайды. Ислаки, Китоб муайян бир даврнинг ёки шахснинг маҳсул әмаски, унинг ақидалари эскириб қолган бўлса. Бу диний манбанинг муқаддаслиги шундаки, унинг талаб ва тамойилари ҳар бир даврнинг асосий талабларига жавоб беради. Албатта, агар унга оқилона ёндашилса. Башарти, уни қотиб қолгаи бир нарса деб тушунилса, манбани дастуруламал қилиб олганда аллақанча тушунмовчиликлар пайдо бўлиши ҳам мумкин. Инчунин, VI—XX асрлар орасидаги бақт ба давр масофасининг үзига хос табиати орасидаги тафовут нари турсин, ҳатто Каломуллонинг үзидан ҳам бир-бирини гус инкор этувчи фикрлар, қараашлар ва маслакларни анча-мунгча топса бўлади. Айтгайлик, гайри динлар (насроний ва яхудий қадриятлари), кофиirlар, утқир иҷтималикларга муносабат масалаларида ҳам буни куриш мумкин. Шунинг учун уни билиб ва тушуниб УҚИШ ва УҚИШ, унга тұгры амал қилиш жуда мұхим. Умуман олганда эса, бу шундай оқилона илохий ва инсоний заковату башорат билан нозил қылинганки, бутун вужудидан нафақат тарихийлик, балки утқир замонавийлик ва ҳозиржавоблик рухи балқиб туради. Бу жуда қамровдор, бағри кенг манба. Агар бошқа айрим динлар муайян бир қавмлар, ирқлар ёки миллатларга мұлжалланган, уларнинг манфаатлари билан қобиқланган бўлса, Қуръон муайян давр, миллат, жүгрөфий мұхит, салтанатта мансуб әмас, балки том маънода умуминсонийдир. Унга Африқо, Осиc, Америко, Оврупо ва бошқа қитъалар ҳам сигади. Негизида Аллоҳ, Инсон, Табиат ҳамда Махлуқот, Хайвонот ва шунингдек, пок-

лик, ҳалоллик, шафқат, иисоф тушунчалари ётади. Бошқа динилар ва диний қадриятлар иикор этилмайди, балки уларга иисбатан тенглиқ, эътироф ва эҳтиром гоялари ётади.

Қуръон қадриятлари масаласида таъкидлаш ксракки, бу борада биз, XX аср узбеклари олдида муҳим вазифалар туради. Аввало, биргица таржима ёки тафсир билан иш битмайди. Алоуддин Мансур таржимаси нашри билан биринчи босқичда бажариладиган ишлар ниҳоясига ётди. Бундан кейин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар: Китобнинг ҳарфини эмас, маъносини ўқувчига стказиш. Бунинг учун яна янги таржималарни тайёрлаб бориш схуд олдингиларини чоп этиш. Зоро, ҳар бир янги таржима Каломуллонинг янги-янги маънолари ва сифатларини кашф ётади. Махсус Қуръон мутолаасини илмий-лисоний негизга кўчириш. Арабча-узбекча изоҳли Қуръон лугатлари тартиб бериш. Махсус илмий шарҳлар тузиш. (Яқинда босилиб чиққан истилоҳот лугатини табриклиш даркор). Жаҳон тажрибаларидан фойдаланган ҳолда, узбек қуръоншунослиги илмини яратиш.

Мамнуният билан айтиш керакки, илк илмий-тадқиқотчилик ишлари бошлаб юборилди. Олайлик, узбек, араб, инглиз, форс, рус тилларидан яхши хабардор бўлган ёш олим Ҳамидулла Кароматов узининг «Узбек ислом адабиёти матнида Қуръонининг узбекча таржималари ва тафсирлари» мавзуидаги докторлик тадқиқотини ҳимоя қилди. Мазкур мураккаб ва муборак мавзуда унинг китоб ҳамда бир қангча рисола ва мақолалари, маърузалари босилиб чиқди. У Мирзо Улугбек номидаги Тошкент дорилғунунида бир қанчча факултетларда ҳамда Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида таҳсил ва тадқиқот ишларини кенг куламда бошлаб юборди.

УТ БИЛАН СУВ ОРАСИДА

Қуръон таржимасининг мураккаблиги шундаки, бу тарихий ёки фалсафий асар, қомус, воқеанома ё бул маса роман эмас. Аллоҳининг бандаларига айтган Сүзи. Калом. Ҳар бир калимани аниқ ўгириши керак. Суралар ва ояtlар қуйли, жарангдор. Буларнинг қай бирини таржимада бериш муҳимроқ? Аниқлик ифодавийликка, тўғрилик мажозийликка, мантиқ тавси-

фийлилкка, қисқаси, шакл мазмунга ҳадеганда вобаста булавермайди. Уша абадий ва азалий таржимавий қурбон, ниманицир ортириш ва нимадандир маҳрум бўлиш муаммолари ҳар қадамда панд бераверади. Таржимон доимий суратда ут билан сув ўргасида туради. Бири — гарқ қиласи, иккинчиси — кўйдиради. Бунинг устига ўқувчи, таъбири жоиз бўлса, қуръонхон бундай Нарсани ўқишига тайёр эмас. Аждодлар билан авлодлар ўргасида узилиш бор. Етмиш йил бу бир кишининг умри. Ё Қаҳҳор, бутун бир авлод вакиллари уз мұқаддас Китобини умр буйи «қарғаб» кун кечирган.

Қуръонда сирлилик жуда кучли. Уни бир ўқишида «тушуріб», қори бўлиш амри маҳол. Уни ўқувчи ўзининг қалб дафтарига айлантириши ксрак. Ихлосмаид, изчил ўқувчи бу манбадан уз тақдирини, утмиши ва кслажаги, ҳатто кундалик ҳаётидаги учрайдиган ҳар хил муаммолар, турмуш чигалликларига жавоб топа олади. Унда наинки ҳар бир сурә, оят, калом ёки ибора, ҳатто айрим ҳарфлар ҳам маъноли ёки муайян тимсол ўрнида келади.

Бир неча сурә айрим ҳарфлар билан бошланади. Масалан, Бақара сурасининг биринчи ояти алиф, лом, мим деб бошланар экан, мутаржимнинг тушуниришича, булар «ҳуруфи мұқаттаот», яъни маънодан узишган ҳарфлар хисобланади. Бу ҳарфларниң маънолари фақат Яратган Парвардигорнинг ўзига аен. Лекин олимлар орасида, дейди Алоуддин Мансур, «Алиф — Аллоҳ — Жаброил (Аллоҳ билан пайғамбар ўргасидаги воситачи фаришта), Мим — Мұхаммад алайхис-салом», деб мазкур ҳарфларга маъно берувчи-лар ҳам бор¹.

Китобдан олинган мана бу фикрларга эътибор қилинг:

Машриқ ҳам, магриб ҳам Аллоҳни күйдир. Бас, қай тарафга юз бурсангиз, уша жой Аллоҳнинг тарафицир (Бақара сураси, 2, 115-оят, 15-бет).

Узи биладиган говоҳликни Аллоҳдан яширган кимсадан ҳам золимроқ одам борми? Аллоҳ қилаётган ишларингдан гофил эмас (140-оятдан, 17-бет).

¹ Қуръони Карим. Узбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Тошкент, «Чўлпон», 6-бет.

Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор (148-оятдан, 18-бет).

Юзларингиzin Mashriq va Magrib томонларига бураверишингиз яхшилик эмас... (177-оятдан, 21-бет).

(Одамларни) алдаб, фитнага солиш улдиришдан ёмонроқдир (191-оятдан, 23-бет).

Яхшилик қилинг! Албата Аллоҳ яхшилик қилувчи-ларни севади (195-оятдан, 23-бет).

Огоҳ булингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир. (214-оятдан, 25-бет).

Иймон келтирган, (ватаанларидан) ҳижрат қилган, Аллоҳ йўлида курашган зотлар — ана ушалар Аллоҳнинг раҳматидан умидвордирлар. Аллоҳ мағфират ва раҳм-шафқат қилувчиидир (218-оятдан, 26-ет).

Аллоҳ сизларни тилларингиздаги бехуда қасамларингиз сабабли жазоламайди. Балки дилларингиз билан қилган нарсангиз (қасамингиз) билан жазолайди. Аллоҳ мағфиратли, ҳалийм зотдир (225-оятдан, 27-бет).

Аллоҳ зулм қилувчиларни билгувчиидир (246-оятдан, 30-бет).

Агар Аллоҳ одамларнинг айримларини айримлари билан дафъ қилиб турмас экан, шубҳасиз, ер фасодга дучор булади (251-оятдан, 31-бет).

Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир (256-оятдан, 31-бет).

258-оятга мутаржим изоҳи: «Подшоҳ Намруд Иброҳим алайҳис-саломга: «Сен бизларни даъват қилаётган Парвардигоринг қандай зот?» деганида Иброҳим пайтамбар айтдилар: «Парвардигорим ўз бандаларига жон бериб, жон олгувчиидир». Шунда Намруд: «Бу менинг ҳам қулимдан келади», деб икки кишини келтириди-да, бирини улдириб, яна бирини қўйиб юборди. Иброҳим алайҳис-салом унинг аҳмоқлигини кўргач, дедилар: «Менинг Парвардигорим қуёшни Шарқдан чиқаради. Агар сен чиндан ҳам қудрат эгаси бўлсанг, уни гарбдан чиқаргин-чи?!» Ана шундагина Намруд жавоб тополмай лол бўлиб қолди (32-бет).

Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар! (282-оятдан, 34-бет).

Балонинг биринчи зарбаси пайтидаги сабргина чин сабрдир (Юсуф сураси, 12, 18-оятдан, 159-бет).

Барча (кишиларга дилозорлик қилиб, уларнинг обруларини тўкиб юрадиган) бухтончи-гийбатчига ҳало-кат бўлгай (Хумаза сураси, 104, 1-оятдан, 522-бет).

Қуръонда илохий құдрат, инсоний зако ва ожизликлар, табиинің ҳодисалар жарабын үзінгә хос бир таъвили талқында берілгенкі, уннің зоҳирий мазмуниниң аңглаб етгап билан ҳеч қандай мурод ҳосил бўлмайди. Сабаби, инсоният ва ҳайвонот олами, кенг маънода табиатнинг аллақаңча сир-асрорларини илмий асарлардан ҳам билиб олиш мумкин. Аммо Қуръонининг илохий моҳияти, Аллоҳ томонидан вахий этилиши ва нозил қилиниши уннің сирлилик ва мӯъжизавий моҳияти билан белгиланади. Уни шунчаки «тушуниш» мақсадида ўқиган (юзаки мутолаа қылган) киши ёки тушумай, кўр-кўрона ёдлаган одам бу маънавий ҳазиниадан кўп нарса ололмайди. Ҳар қандай мукаммал таржима ҳам, айниқса «аниқликка» даъво қылганида, биринчи гафда аслиятиниг ботиний маъносидан кўра зоҳирий сузини беришгагина эришади, холос. Зеро, сузни суз билан бергандан маънио үзгарди, чунки турли тилларда (ҳатто яқин тилларда ҳам) муайян бир маънио «уша» суз билан ифода этилмайди ёхуд муайян бир суз «уша» маънони ифодаламайди. Демак, сўздан, кенг маънода — матидан «чиқнига» тўғри келади. Шуниси борки, таржимон, айниқса бу сингари муқаддас диний маибани уз тилига угирап экан, ҳамма вақт ҳам бундай қилишга журъат эта олмайди. Шу маънода, энг аниқ таржима айни вақтда энг ноаниқ таржимадир. Гарчи энг поаниқ таржима айни вақтда энг аниқ таржима бўлишига даъво қила олмаса ҳам.

Қуръон ғруг дунёга келган VI асрда ёки бошқа тилларга угириб буладими ёки бўлмайдими деган масала ҳам кун тартибиға қўйилган. Гарчи утган давр орасида уни жаҳондаги уйлаб халқларнинг тилларига угиришган бўлса-да, биронта, ҳатто энг муқобил таржима ҳам аслият ўринини босолмаган ва босолмайди ҳам. Икки-уч воситачи тиіллар оша қилинган таржималар нари турсин, энг пухта ва билагон арабшунос олимлар томонидан бевосита тилдан тилга қилинган таржималар ҳам аслият билан рақобат қила олмаган. Рақобат қила олмайди ҳам. Нега шундай? Гап араб тилининг лугавий-маъновий бойлигидами? Ҳа. Аммо шутина эмас. Модомики, Каломулло, яъни Аллоҳнинг сузи вахий қилинган экан, у кўп маъноли бўлиши баробарида, фавқулодда үзига хос руҳ ва сирлилик касб этган. Таржимадан мақсад аслиятиниг ҳарфини эмас — маъносини, матинини эмас — руҳини, сузини

эмас — ширасини, шаклини эмас — мазмунини бе-ришдан иборат экан, Қуръонни таржима қилишдан кура табдил ёхуд тафсир қилиш хусусида баҳс юри-тиш тұғрироқ бұлади.

ФИКР ГАПГА АЙЛАНИБ ҚОЛМАСИН

Сұзма-сұз таржимада фикр үзининг фикрлилігидан фикрсизланади, маъно ўз маънодорлигидан маъносизланади. Фикр — гапга айланаб қолади. Таржимага қобиқ күчадио, магиз қолиб кетади. Бамисоли пуч ёңгөк пайдо бұлади. Қуръонни фақат оташин муҳабbat, иймон ва ихлос билангина үгириш мүмкін. Чунки муҳабbatдан муҳабbat, ихлосдан ихлос ҳосил бұлади. Совуқ таржима аслияттнинг вужудини музлата-ди. Қуруқ таржима — куритади. Бу нарса таржимоннинг ҳохиш-истагидан қатый назар рүй беради. Бад ният билан, яъни ўзга ҳалқларнинг нондай азиз қадриятлари устидан кулиш, таҳқиrlаш ниятида қилинаётган өвуз уринишларни назарда тутаётганим йүқ. Гарчи, биламизки, бунақаси ҳам тез-тез учраб туради. Қуръоннинг бир талай гарб тиілларига қилинган таржималарида бундай ҳоллар ҳам күп. Аммо улар орасида шундайлари ҳам борки, Қуръонни таржима қилишга бутун умрини, тақдирини багишилаган. Бунинг учун атайин насроний динидан исломга үтиб, мусул-мончилікни қабул қилишган. Уша фидойи, улуг инсонларни худо раҳмат қылсın.

Еш қуръоншунос олим Ҳамидулла Кароматов ни-ма сабабдан бу муқаддас Китоб таржимада үзининг аслиятдаги юксак сеҳрли салоҳиятини сақлаб қолол-майди, бинобарин, бу муаммони ҳал қилиш учун ни-ма қилиш керак? деган масаланы муҳокамага кирита-ди. Икки ҳолдан бири: е бу муқаддас Китобда биз «назарда тутган» уша маънолар йүқ, еки биз уни ту-шунушиб етмаяпмиз. Илло қанчалик «тушунганимиз» са-ри у шунчалик тушунарлы булмаяпты. Масалан, ком-мунизмни етмиш йиіл мобайнида қанчалик тушуниб еттан, унинг бутун дүнёда «тантанаси» учун бир неча үн миллионлаб кишиларни, жамияттнинг энг пешқа-дам, навқирон авлодларини құрбон берган бул-майлик, охир оқибатда маълум бұлдыки, ҳеч нарсаны тушунмаган эканмиз.

Сұзма-сұз аниқ таржимада Қуръон ҳақиқатлари, ҳикматлари, маъноларининг бир қисмини онг-шуури-

миз қабул қиласы, шубҳасиз. Лекин уннинг сөхрли зиёси то қалбни өртмас, уни ҳаяжонга солмас экан, ўқувчидә тұла қониқиши ҳосил бўлмайди.

Аллоҳ қаломини үқишимизга, аввало, вақт ҳалал беради. Китоб нозил қилинган даирдан бўён ўн тўрт аср ўтди. Узининг бузғунчилик, смирувчилик жараёнида сўнгти стмиши йил бил исча асрға татиди. Бу стмиши йил давомида моддий тараққиётда қанчалик олдинга силжиган бўлсак, маънавиятда шунчалик бошиқа ўзанга кўчиб, гоҳо ҳатто ортга қараб оқдик.

Айтилган мулоҳазалардан Алоуддин Мансур таржимаси ўз вазифасини бажармабди-да, деган лоқайщ хулоса чиқиб қолмаслиги керак. Айнаи аксиича! Ул зотининг меҳнати бениҳоя қутлуг. Бу умуман аслият ва таржима баҳсига, умуман Қаломулло таржималарига даҳлдор. Биламизки, Алоуддин таржимаси жўи эмас, изоҳли таржима. Бунда тафсир ва табдил ҳам бор. Бевосита Куръонининг матни таржимасида қавсга олинган сўзларни назардан соқит қилиниб, умумий маъни иқлимига (коинтекстга) қўшиб ўқимай, уз-узича, «соғ» ҳолда, «аслидагидай» олиб қаралса, жумла тўмтотқ, юлиқ, чаля ва мутлақо тушиуниксиз бўлиб қолади. Масалан, «Вас-саффот» сурасида дўзахилар, уларга бериладиган азоб ва заққум дараҳти ҳақида: «Уннинг бутоқлари(даги мевалари хунукклика) худди шайтонларининг бошларига ухшар» (65-оят)... «Сунгра албатта улар учун уннинг (заққум меваларининг) устига қайноқ сувдан аралантирилур (яни уларга мажбуран қайнаётган сув ичирилур)» (67-оят, 327-бет). Бундан таниқари, жуда күп оғларининг мазмун-мундарижаси матни остила маҳсус ишлар — ўн битта тафсирдан олинган маълумотлар билан шарҳлаб борилади. Китоб сунгтида Йўлдош Парда тузган кўрсаткич илова қилинган. Булаар барчаси Китоб мазмунини ойдиллантиришиниг хизмат қиласы. Лекин, фараз қилайлик, Абулқосим Фирдавсийининг машҳур «Шоҳнома»си жарангдор аруздан оддий насрға ўтказилса, ундан нима қолади? Ҳолбуки, Куръон бу шунгачки достон ёки қомус ҳам эмас. Куръон бу Куръон! Уни сўзма-сўз үгирганда аслида ловуллаб яшина б турган чўғнинг тапти суниб, қора кумирга айланиб қолади.

Турган гаи, бу бирламчи узбекча таржима. Бизга айнаи ҳозир айнаи шуңдай таржима керак эди. Шу маънода мавлоно Алоуддин Мансурининг хизматлари ҳар қанча таҳсинга шоен. Дарвоқе, Куръони Карим

шундай бир нарсаки, энг заиф таржимада ҳам ундан нимадир қолади ва ана шу «нимадир нарса» ҳам бугунги ҳушёр, муштоқ ўқувчини сеҳрлайди, мутаассир қиласди. Алалхусус, мазкур таржимани «заиф» деб айтиш камиди инсофдан эмас, куфр. Мен бу билан илк ўзимизнинг ўзбекча таржимамизнинг аслият олдидағи ноҷорлигидан кура (бу табиий бир ҳол!), Аллоҳ томонидан ваҳий қилинган мислсиз, беназир, тақрорланмас асл арабийзабон Қуръоннинг юксаклигини таъкидламоқчиман, холос.

Бундан кейинги таржималарда биз Қуръонни омманинг онги даражасига тушириш эмас, балки омманинг онгини Қуръон ҳақиқатлари даражасига кўтиришга эришишимиз даркор.

Шу маънода Ҳамидулла Кароматовнинг талқинидаги Қуръонни қандай тушуниш борасидаги фикр ва кузатишларини маъқуллаган бўламан. Чунончи, у ёзади: «Қамарий ва шамсий ҳарфларнинг рамзий ёзилишини турли сайёralар ва юлдузлар шакли, осмонда тутган ўрни ва ҳаракат чизиқлари билан боғлаб ўқилса, Қуръон маъноси теранлашиб, ойдинлашган бўлармиди балким».

Дарҳақиқат, ҳарф — товушга, товуш — маънога вобаста. Биз то ҳозиргача мазмунни шаклдан устун қўйиб келдик. Бу умуман тўғри. Бироқ мана бундай илоҳиёт Китобларида шакл ҳам пурмаъно рамзийлик, чукур мажозийлик сифатларини касб этадики, шаклга ҳам маҳсус эътибор қилишга тўғри келади. Зоро, мазмунсиз шакл булиши мумкин, шаклсиз мазмун йўқ. Бинобарин, юқорида айтиб ўтганимдай, Қуръоннинг ўзбекча таржимасини аслият билан бақамти қўйган ҳолда араб ёзуvida нашр этиш жуда муҳим. Бундан ташқари, Олтинхон Туранинг хорижда уч топқир босилган ўзбекча таржимасини ўзимиз ҳам нашрдан чиқазишимиз мақсадга мувофиқ. Икки таржима, иккиманбага эга булиш қандоқ яхши!

Ҳамидулла Кароматовнинг мана бу фикри ҳам диққатни тортади: «Қуръон Аллоҳ таоло томонидан нозил этилган, ўз ичига коинот ва бутун борлиқни қамраб олган экан, демак уни тушунишга ҳам ер тафаккури нуқтаи назаридан эмас, балки борлиқ қонуниятлари асосида ёндашиш лозим. Фақат шундагина биз Қуръонни энг қуий мафкуравий погонада туриб талқин қилишдан юқорироқ погоналарга кўтирила олармилик, иншооллоҳ» (Докторлик тадқиқоти, 35-36-бетлар).

Аллоҳнинг гўзал исмлари зикрида баъзи мулоҳазалар. Яратган эгамнинг 99 та исми борлиги маълум. Булар: 1. ар-Раҳмон, 2. ал-Қудус, 3. ал-Муҳайимин, 4. ал-Мутакаббр, 5. ал-Мусавир, 6. ал-Ваҳоб, 7. ал-Алим, 8. ал-Ҳофиз, 9. ал-Мизал, 10. ал-Ҳакам, 11. ал-Ҳабир, 12. ал-Ғафур, 13. ал-Кабир, 14. ал-Ҳасиб, 15. ал-Рақиб, 16. ал-Ҳаким, 17. ал-Боънс, 18. ал-Вакил, 19. ал-Валий, 20. ал-Мабда, 21. ал-Мумаййит, 22. ар-Раҳим, 23. ас-Салом, 24. ал-Азиз, 25. ал-Холик, 26. ал-Ғаффор, 27. ар-Раззоқ, 28. ал-Қобид, 29. ар-Рафиъ, 30. Ас-Самиъ, 31. ал-Адл, 32. ал-Ҳалим, 33. аш-Шукур, 34. ал-Ҳофиз, 35. ал-Жалил, 36. ал-Мужиб, 37. ал-Вадуд, 38. аш-Шаҳид, 39. ал-Қавий, 40. ал-Ҳамид, 41. ал-Муъид, 42. ал-Ҳай, 43. ал-Молик, 44. ал-Мумин, 45. ал-Жаббор, 46. ал-Бориӣ, 47. ал-Қаҳкор, 48. ал-Фаттоҳ, 49. ал-Босит, 50. ал-Муъизз, 51. ал-Басир, 52. ал-Латиф, 53. ал-Азим, 54. ал-Али, 55. ал-Муқайй, 56. ал-Карим, 57. ал-Восиъ, 58. ал-Мужиц, 59. ал-Ҳақ, 60. ал-Матин, 61. ал-Мұхсий, 62. ал-Муҳаййир, 63. ал-Қаййум, 64. ал-Вожиц, 65. ал-Аҳад, 66. ал-Муқтадар, 67. ал-Аввал, 68. ал-Ботин, 69. ал-Бар, 70. ал-Ҳафву, 71. Зу-у-Жалол, 72. аз-Л-Икром, 73. аз-Мониъ, 74. ан-Нур, 75. ал-Боқий, 76. ас-Сабур, 77. ал-Можиц, 78. ас-Самад, 79. ал-Муқаддам, 80. ал-Охир, 81. ал-Волиӣ, 82. ат-Таввоб, 83. ар-Рауф, 84. ал-Мақсат, 85. ал-Ғаний, 86. ад-Дор, 87. ал-Ҳоди, 88. ал-Ворис, 89. ал-Воҳиц, 90. ал-Қодир, 91. ал-Муаххар, 92. аз-Зоҳир, 93. ал-Мутаъол, 94. ал-Мунтақим, 95. Молик ул-Малик, 96. ал-Мутанний, 97. ан-Ноғиъ, 98. ал-Бадиӣ, 99. ар-Рашид.

Аллоҳнинг гўзал исмлари ниҳоятда мароқли ва билиш нуқтаи назаридан самарадор мавзудир. Бу номлар фақат илоҳий эмас, балки инсоний ҳодисага ҳам айланган. Чунончи, ер юзидағи барча мусулмон бандалар ва умматларни бирлаштирувчи омил сифатида ҳам диққатга молик. Ҳоҳ араб ёки турк, афғон ёки уйғур, узбек ёки татар, тоғик ёки озарбойжон бўлсин, дунёнинг қайси бурчагида туғилгани, ирқи ёки миллатидан, ижтимоий аҳволи ёхуд касб-коридан қатъий назар, уларнинг бошини қушадиган ва баъзан тақдирини белгилайдиган нарса мана шу илоҳий номлардир. Чунончи, Аҳмад, Қодир, Раҳмон, Раҳим, Га-

фур, Салом, Жаббор ва бошқа шу сингари номлар Жазойир, Яман, Миср, Сурия, Ироқ, Ҳабашистон, Қашқар, Қозогистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон, Кашимир, Малайзия, Индонезия, Эрон, Бошқирдистон фуқаролари орасида ҳам кўзга чалиниб туради. Аллоҳнинг Китобигина эмас, унинг номлари ва сифатлари ҳам дунё мусулмонлари орасида муштарак ҳамда меҳр-оқибат, ишонч, иймон, садоқат рамзи бўлиб қолган. Зеро, дунёқаралии ёхуд манфаатидан қатъий назар, Собирлар, Самадлар, Ваҳоблар, Аҳадлар, Жалилу Воҳидлар бир-бири билан узаро тўқнаш маслиги, бир-бирига озор бермаслиги, жабр қилмаслиги, бир-бирининг қонини тўқмаслиги керак. Ҳар қандай қатагон шароитда ҳам! Мантиқ ва талаб шундай.

Шу уринда Афғонистон муҳорабасида қатнашиб, афғонларга асирга тушиб қолган Нурмуҳаммад деган бир жангчи йигит эътирофи диққатни узига тортади. Чунончи, афғон «дushmanлар» уни номи Нурмуҳаммад бўлгани учун улимга маҳкум этишмаган. Гарчи унинг узи буёқдан Афғон тупрогига душман булиб борган бўлса-да! Зеро, жаноби Муҳаммад пайғамбаримизнинг нурлари ёритиб турган бир инсонни үлдириб булмайди-ку. Ўша йигит кейинчалик тутқунликдан буштилиб, уз ватани Ўзбекистонга согомон қайтарилиган.

Мусулмон мусулмоннинг қонини тўкиши мумкин эмас. Агар кенг маънода олсак, ҳамма ҳам, дини, эътиқоди, тили ва маслагидан қатъий назар, барчага ягона бўлган улуг Тангрининг бандаси экан, ҳар қандай қатагонда ҳам одам одамнинг қонини тўқмаслиги лозим.

Аллоҳнинг 99 гузал исмларини куздан кечирав эканмиз, муайян бир маънога эга бўлган сифат маъноларининг узгариши ҳодисаси жуда қизик. Мусаввир, вакил, азиз, адл, ҳақ, аввал, охир, нур, сабр, муқаддам, муганний, бадиъ сингари исмлар ҳозир караб-кор, хунар, ихтисос ёки ижодкорликка дахлдор оддий сузларга айланиб қолган. Йўқ, аслида, тилимиздаги ҳар бир калимага эҳтиёт билан муносабатда бўлишимиз, уларнинг ортида, негизида муқаддас тушунчалар, илоҳий белги-аломатлар пинҳон эканини эслатиб туради. Уларни худа-бехудага турлайвериб қадрсизлантириш, ҳатто таҳқирлаш дуруст эмас. Куюси тутади. Сўз қадрсизланар экан, қадриятнинг узи ҳам қадрсизланиши мумкинлигини унитмаслик даркор.

Даврлар утиши билан сўзларнинг маънолари янги-

ча қадр топса-ку нур устига айло нур буларди. Таажжубки, гоҳо бунинг акси рўй беради. Ал-Басир деган гўзал илоҳий номни олайлик. Ҳозирги узбек тилида бу — *басир* сўзи — «кўр», «сўқир» деган маъноларни англатадиган булиб қолган. Ё Рабби! оламин! Ушаша сўз уша-уша маънони англатмай, асл маънонинг тамом тескарисини билдирадиган бўлган. Гус оқ ранг... қорага айланган. Чунончи, араб тилида ва қадимда ўзимизда ҳам *басар* — куз; *басир* — курувчи, ўтқир кузли, ута сезтир; *басират* — куриш, курувчаник; зийраклик, сезигирлик, идрок, ўтқир зеҳн маъноларини ифода этган.

Хўш, қачондан бошлиб куз... курга айланиб қолди экан? Ҳар қалай, Уктабр тўнгаришидан олдинги ялни саводсизлик шаронтида эмас, балки Қизил Шуролар хукмонлигидаги эришилган кузнинг курга айланиши чукур рамзий бир ҳодисадир. Демак: уз миллий, диний, маънавий қадриятларни эмасда кур куз очилмаган, балки гоҳо, боягидай, очиқ кузлар кур бўлган.

Ана энди Аллоҳга нисбатан ўтқир кузли, ҳамма нарсанни кўриб-билиб турувчи сифатларини англатган Басир калимасига... тим кур деган маънони тиркасак, астағфуришю, бу бизнинг том маънодаги сўқирлигимизни англатмайдими!

СУРА НОМЛАРИНИ УТИРИШ МУЛЛОМАЛАРИ

Сўз маъноларининг ўзгариши, баъзан «суллашиши», «кіграйиши», торайиши, жўнлашиши Куръондаги 114 суранинг номларини ўтириш палласида ҳам анча жиҳдий душворликларни туғдиради. Чунончи, суралар қўйидаги номланган:

1. *Фотиха*.
2. *Бақара*.
3. *Ол-и имрон*.
4. *Нисо*.
5. *Моида*.
6. *Анъом*.
7. *Аъроф*.
8. *Анфол*.
9. *Тавба*.
10. *Юнус*.
11. *Худ*.
12. *Юсуф*.
13. *Раъд*.
14. *Иброҳим*.
15. *Ҳижр*.
16. *Наҳл*.
17. *Ал-асро*.
18. *Каҳф*.
19. *Марям*.
20. *Тоҳа*.
21. *Анбис*.
22. *Хаж*.
23. «Муминлар».
24. *Нур*.
25. *Фурқон*.
26. *Шуаро*.
27. *Намл*.
28. *Қасас*.
29. *Анка-бут*.
30. *Рум*.
31. *Луқмон*.
32. *Сажда*.
33. *Аҳзоб*.
34. *Сабаъ*.
35. *Фотир*.
36. *Есин*.
37. *Ва-с-саффот*.
38. «Сод».
39. *Зумар*.
40. *Гофири*.
41. *Фуссилот*.
42. *Шуро*.
43. *Зухруф*.
44. *Духон*.
45. *Жосия*.
46. *Ах-коф*.
47. *Муҳаммад*.
48. *Фатҳ*.
49. *Хужурот*.
50. *Коф*.

51. Ва-з-зориёт. 52. Ва-т-тур. 53. Ва-н-нажм. 54. Қамар.
 55. Раҳмон. 56. Воқеа. 57. Ҳадид. 58. Мужодала.
 59. Ҳашр. 60. Мумтахана. 61. Саф. 62. Жумъя.
 63. Мунофиқун. 64. Тагобун. 65. Талоқ. 66. Таҳрим.
 67. Мулк. 68. Қалам. 69. Ал-ҳааққа. 70. Маориж.
 71. Нуҳ. 72. Жин. 73. Муззамил. 74. Муддассир.
 75. Қиёмат. 76. Инсон. 77. Вал-мурсалот. 78. Набаъ.
 79. Ван-нозиот. 80. Абаса. 81. Таквир. 82. Инфитор.
 83. Мутаффифун. 84. Иншиқоқ. 85. Буруж. 86. Горик.
 87. Аъло. 88. Фошия. 89. Вал-фажр. 90. Балад. 91. Вашибшамс. 92. Вал-лайл. 93. Ваз-зұха. 94. Шарх. 95. Ваттийн. 96. Алақ. 97. Қадр. 98. Баййина. 99. Залзала. 100. Вал-одиёт. 101. Ал-қориа. 102. Такосур. 103. Валаср. 104. Ҳумаза. 105. Фил. 106. Қурайш. 107. Мөъувн. 108. Кавсар. 109. Кофирун. 110. Наср. 111. Масад. 112. Ихлос. 113. Фалақа. 114. Ан-нос.

Бу қандай... «таржима»? Түгри, номлар билан болжиқларидан ташқари, Фотиха, Тавба, Анбие, Ҳаж, «Мүминлар», Нур, Шуаро, Сажда, Шуро, Фатх, Қамар, Воқеа, Жумъя, Мунофиқун, Талоқ, Мулк, Қалам, Жин, Қиёмат, Инсон, Аъло, Вашибшамс, Залзала, Фил, Кавсар, Кофирун, Ихлос ва бошқа шу сингари айрим сураларнинг номлари таржималари шундоқ ҳам узбек үқувчисига тушунарли. Чунки бу сўзлар бугунги она тилимизнинг лугатида ҳам бор. Аммо бундай калималар нари борганда ўн-үн беш фойизни ташкил этар. Қолганлари-чи? Бақара, Анғол, Фурқон, Намл, Анқабут, Аҳзоб, Зумар, Фуссилот, Маориж, Таквир, Инфитор, Фошия, Балад, Алақ, Такосур... нима? Таржима бўлса таржима қилиш керак-да.

Ҳуш, бошқа тилларга қандай ўтирилган экан? Масалан, И. Ю. Крачковский билан Г. С. Саблюков: Бақара, Наҳл, Каҳф, Намл, Анқабут, Духон, Фатх, Ват-тур, Ва-н-нажм, Қамар, Ҳадид, Қиёмат, Балад, Ан-нос сураларини — рус тилига Корова (Сигир), Пчёлы (Асаларилар), Пещера (Фор), Муравьи (Чумолилар), Паук (Ургимчак), Дым (Тутун), Победа (Фалаба), Гора (Тор), Звезда (Юлдуз), Луна (Ой), Железо (Темир), Воскресение (Тирилиш), Город (Шаҳар), Люди (Одамлар) деб ўтиришган. Демак, сура номларининг узбекча таржималаридан кура русча таржимаси биз узбекларга ҳам күпроқ тушунарли. Түгри, бу ерда ҳам ҳар хил ўтириш ҳоллари учрайди. Олайлик, Юнус су-

раси Крачковскийда — Йұнус, Саблуковда — Иона; Худ — Гуд; Ал-Исрө — Персонс ночью — Сыны Исраилевы; Тоҳа — Та ха — Та га; Ҳаж — Ҳадж — Праздник; Фурқон — Различение — Фуркан; Рум — Румы — Римляне; Аҳқоғ — Пески — Ахкаф; Ҳашр — Собранис — Изгнание; Қалам — Письменная трость — Нун; Нұх — Нұх — Ноі; Жин — Джинны — Гении; Инфитор — Раскальвание — Растворжение; Мутафинун — Обвещивающие — Обмеривающие; Буруж — Башии — Созвездие зодиака; Аъло — Высочайший — Всевышний; Қадр — Могущество — Определения; Такосур — Охота к умножению — Привязанность к богатству; Вал-аср — Предвечерие время — Вечернее время; Қурайш — Курайш — Корсийшаны; Мөъуви — Подаяние — Размышил ли ты?; Қавсар — Обильный — Кесарь; Ихлос — Очищение веры — Чистое исповедание тарзида ҳар хиң берилган.

Бир қараша ҳамма нарсаны сурункаснга, ялни үгириш тамойили бирдан-бир түгри іўл куринади. Бироқ... Агар Бақара сурасини — Сигир сураси десак нима бўлади? Сигир сураси?! Маъновий қусур ҳосил бўлади. Нуҳ сураси — Нуҳ пайғамбар ҳақида, Юсуф сураси — Юсуф алайҳис-салом ҳақида, Муҳаммад сураси — жаноби пайғамбаримиз Расулулоҳ ҳақларида баҳс юритади. Бақара сураси — ҳазрат си... Астагфирулло! Балким «Сигир ҳақидаги сура» деб үгирамиз? Сура таржимаси, диний истилоҳ қисқалигига хослик йўқолади. Қолаверса, бу сигир ҳақида ҳам эмас.

Мазкур сурага ёзилган қисқача муқаддима-шарҳда айтилишича, қадимда баний Исрөл қавмидан бир одамии улдирадилар. Қотил топилмайди. Шунда Аллоҳ таоло Мусо алайҳиссаломга амр қиласди. «Қавминизга айтинг, бир сигир сўйиб, унинг бир бўлаги билан уликни урснилар». Шундай қылганларида улика жон кириб, қотили кимлигини айтади. Вассалом. 286 оятдан иборат бу сура Қуръондаги энг катта сура бўлиб, унда инсон маънавий ҳаётининг ниҳоятда хилма-хил мураккаб муаммолари ҳақида баҳс юритади.

Хуллас, сураларининг номлари узбекча таржимада айнан арабий лафзда берилishi, үтирилмай қолдирилишини қуидаги мулоҳазаларга кўра тўгри деб тушуниш керак. Бу билан тарихий анъанага риоя қилинган. (Анкабут сурасини «Ургимчак сураси» дейиш гализ. 69 оятдан иборат биргина 41-оятда ургимчак

қиёсса олинади, холос. Шунинг учун унинг номи Анакабуттга (ургимчакка) нисбат берилган. «Аллоҳдан ўзга «дўстлар»ни ушлаган кимсаларнинг мисоли худди (узи учун) уй қуриб олиб, (уша уйидан паноҳ истаган) ургимчакка ухшайди. Албатта, уйларнинг энг нимжони ургимчак уясиdir. Агар улар билсалар эди, (ургимчак уяси каби ожиз бутлардан паноҳ истамаган бўлур эдилар)». Бу ҳашаротга даҳлдор ишора фақат шу. Тарихий анъана деганимнинг боиси шуки, минг йиллар давомида — халқимиз муборак исломни қабул қилганидан буён бу Китобни таржимасиз, айнан ўз иборалари, истилоҳлари, талаффузи ва қироатлари билан укиб (ёд олиб) келган. Бу ерда ворисийлик бор.

Бундан ташқари, сура номларининг ўзидаи сақлашиши ўқувчини асл арабий нусхага кўчишга ҳозирлайди. Матнни жўнлаштиришдан сақлайди. Сирлилик таъминланади. Айни вақтда китобхонда англешимловчилик ҳам түғилмайди. Сабаби, номнинг маъноси дарҳол изоҳда очиб берилади. Бу эса ўқувчида китобни тезроқ муголаа қилишга киришишга даъват этади. Қизиқиш туйғусини пайдо қиласди.

УША ВА УША ЭМАС

Тан олиш керакки, кейинги замонларда оврупомарказчилик гоясининг кенг тарқалиши, дунёning бу иклимида (Оврупода) илм-фан ва техниканинг оламшурумлар ютуқлари оқибатида жаҳон халқларининг моддий ва маънавий ҳаётидаги туб ўзгаришлар содир бўлди. Бир юз ўттиз йил давомида чор Русиясининг Ўрта Осиёни забт этиб, мустамлака ҳолида ушлаб туриши ўз «насроний самараларини» бера бошлади. Чор ҳукмдорлари маҳаллий мусулмон халқларига аста-секин насроний таъсир ўтказишни гўё улар маданиятига ва савдо-тижорат ишларига кўшиш қилиш ниқоби остида олиб бордилар. Афсуски, нуфузли одамларимиз, ҳатто илгор зиёлларимиз, фан ва адабиёт намояндалари ҳам мазкур сиёсатнинг негизида қандай машъум ниятлар ётганини чуқур фаҳмлаб етмадилар. Сунгти етмиш йил мобайнида ҳукмронлик қилган даҳрийлар эса, гарчи ҳар қандай динни (шу жумладан христианликни ҳам) инкор этишган булса-да, собиқ Иттифоқ гирдобига тортилган барча халқларнинг маънавияти, маданий-маърифий қиёфаси ва тарбиясини мунгизам насоровий негизга кўчирадилар. Ўз оқибати ва маккорлиги ётибо-

ри билан бу янги «инқилобий» сиёсат ошкора, дагал чор сиёсатидан ҳам ошиб түшди. Ислом зўр бериб таъқиқлана бошлади. СССР Конституциясида хўжа курсинга ёзиг кўйилган виждан ҳукуки амалда ҳар қандай виждан ва иймонни топташ ва ҳаром қилишга айланниб кетди. Содир бўлган аҳволнинг даҳшати шунда эдик, биз ахли мусулмоњлар ўз миллий қадриятларимизга, тарихимизга «голиблар», «халоскорлар», «кatta оғалар» назари билан «баҳо» бера бошладик, зўр бериб ўзимизни ўзимиз таҳқир ва ҳақорат қилишга берилиб кетдик. Яна даҳшатлиси шунда эдик, исломга, мусулмончиликка насроний (христиан) ақидалари ва талаблари асосида ёндаша бошладик. Бошқача айтганда, ўзимизнинг кимлигимизни қандай бўлсан шундоклигича эмас, балки бошиқалар, аксарият бадбин ва бадният олим ҳамда сиёсатдоилар ясад берган қингир ойнадан кўра бошладик. Епирай! Бу қингир кўзгуларда башарамиз қанчалик қийшиқ ва рудапо бўлиб кўринса, шунчалик запекландик, чапак ҷадик. «Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан упкалама» деган нақл бор. Айни ҳолда эса бунинг акси бўлди: «Ойна қийшиқ бўлса, башарангдан упкалама! Ҳа, ойнага қараб, унда ўзимизни эмас, бошқа бировларни кўраётганимизни ҳатто ақли расо олимларимиз ҳам ҳадсгаңда фаҳмлаб стишмади. Фаҳм-фаросатли, кўпчилик иймон-эътиқодли, фозил кишиларимизнинг эса башараларини боплаб «тўғрилаб» қўйишиди.

Мана қўлимда 1991 йилда Масковда чоп этилган Ислом қомусий лугати. Таҳрир ҳайъатига эътибор қилинг: Г. В. Милославский, Ю. А. Петросян, М. Б. Пиотровский, С. М. Прозоров. Илоҳим холислик туйгуси бизни тарк этмасин. Инсоф юзасидан айтганда, бу ерда Ислом ҳақида берилган маълумотларни ўзимиздаги бирон замонавий босма манбадан тополмайсиз. Чунончи: Одам Ато, Момо Ҳаво, Мусо, Исо, Мұхаммад, Марям, Ҳиэр, Ильеъс, Луқмон, Сулаймон, Боязид ал-Бистомий, ал-Бухорий, ат-Термизий, ал-Фиждувоний, Баҳоваддин Нақшбанд, Мансур ал-Халлож, Фариидддин Аттор; Таврот, Инжил, ал-Куръон; илм ал-Ҳадис, ал-Ислом, Макка, ал-Қаъба, Карбало; бидъат, ваҳдат ал-вужуд, ваҳдат аш-шуҳуд, ад-даҳрийя, жаноза, жизъя, ал-инсон ал-комил, коҳин, мўъжиза, ал-қибла, мазҳаб, мавла (мавлавий), мавлавия, насоро, нур, таъвил, тажалли, таносух, тариқат, шариат, тасаввуф, тафсир, ал-фалсафа, хоксор, хали-

фа, қурайшийлар, хонақоҳ, ханафия, хирқа, хуруфия, хутба, шариф, аш-шиа, ас-сунна, оятулла сингари мингта яқин катта-қызик мақолаларда бошқа манбалардан топиш қийин бўлган ниҳоятда ноёб ва нодир маълумотларни топиш мумкин. Унда исломга дахлдор асосий диний, илмий, фалсафий тушунчалар, оқимлар, ақидалар, йўналишлар, тариқатлар, таълимотлар, номлар, атамалар дарж этилган. Таҳсин ва тасанно.

Лекин булар барчаси насронийлик, яхудолик ва дахрийлик (марксизм-ленинизм) қараашлари таъсирида таҳлил қилинганд. Исломга, унинг бош муқаддас китоби Куръонга, Мұҳаммад пайғамбарнинг ҳаёті ва ишләрига нисбатан тұла ишончсизлик, уларга аксарият үйдирма, күчирмачилдиктан иборат қаллоблик маъносида муносабат билдирилган. Ҳолбуки, Куръони Карим билан танишган ҳар бир киши биладики, исломий манбаларнинг биронтаси ҳам, айниқса Каломулло узидан олдинги биронта дин ёки пайғамбар, аюлиею анбис шаънига куфр гап айтиш уёқда турсин, уларга тенглик, ворисий хурмат, эътироф туйгулари билан муносабатда бўлган.

Тұгри, Таврот, Инжил ва Қуръонда айрим воқеалар, пайғамбарларнинг ҳаёти, тарихий кечмиш ва шахсларга муштарақликлар учрайди (Мусо ва Исо ибн Маріям, пайғамбарлардан Нух, Юнус, Юсуф, Иброҳим ҳамда Лукмон, Искандар Зулқарнайн билан боғлиқ воқеалар, уларнинг тақдирі, түфон ва зилзилалар...) Лекин бу воқеаларнинг аксариети соғ яхудий ёхуд насроний мулк эмас, балки дағънатан арабий, баъзилари ҳатто жаҳоний миқёсдаги маданий мерос, воқеа-ходисалардир. Агар буларнинг қайсибир манбадан иккинчисига кўчганлиги ҳақида гапириладиган бўлса, уларнинг кўпи Таврот ёки Инжилга кучиб утишидан аввал (бир неча минг йиллар муқаддам!) биринчи галда айнан араблар заминида, қолаверса Ҳиндистон, Кашмир, Эрон, Марказий Осиё ва бошқа мамлакатлар халқлари ҳаётида рўй берган ёки пайдо бўлган диний, адабий осори атиқалар эканини инобатга олинса, бу иккى яхудий ва насроний диний китобларга араблардан ташқари будда, зардуштийлик ҳамда жуда кўп бошқа диний қатламлардан олинганлиги ҳақида гапириш мантиқан асослироқ бўларди. Яна бир мұхим гап. Қуръонда унинг гоявий-мағкуравий рақибларига (мухолифларга) қандай шароитларда исчук муносабат билдирилиши лозимлиги ҳақидаги,

ҳозир сал «галатироқ» эшигиладиган таъбир ва талаблар ҳам, орадан ўн тўрт аср ўтгаидан кейин, ўзининг тарихан одиллиги, (тарихан!), табиийлиги ва мантиқан асосланганини эътироф этишга мажбурмиз. Зеро, Аллоҳнинг Каломи тажовузкор эмаслиги, балки доруломонлик, ҳимоя, асло беҳуда қон тўкмаслик ва паноҳ булишлик сифатлари билан ажralиб туради.

ҚАНЧАЛИК МУБОРАК БУЛСА, ШУНЧАЛИК ОЖИЗ

Қуръон нозил қилинган, назмда битилмаган. Бу шеърий обида эмас. Аммо уни оддий «қора» матн деб ҳам бўлмайди. Унда ички оҳангдошлиқ мавжуд. Ўзининг воқсий аслийлиги ва такрорланмаслигидан ташқари, нозил этилган матнининг кучли илоҳий руҳи, сажга ниҳоятда бойлиги туфайли жаранглаб туриши билан «шу сингари» узга ҳар қандай диний манбадан яққол ажралади. Қуръон шунчаки сидирға «ўқилмайди», балки бир қанча қироатлар асосида куйланади, хониш қилинади. Уни араб тилини биладиган ҳар қандай киши ҳам ўқий олмайди, бунинг учун ҳофиз, кори булиш керак.

Биринчи сурә — «Фотиҳа»ни олиб кўрайлик.

1. Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм
2. Ал-ҳамду лиллоҳи Раббил оламийн
3. ар-Раҳмонир Раҳийм
4. Молики явмид дийн
5. Иййака наъбду ва иййака настаъиин
6. Иҳдинас сиротал мустақиим
7. сиротал-лазийна ањамта алайҳим гайрил магзуви
би алайҳим вализ золлийн.
Омин.

Сузларнинг сажъ асосида ялпи уйғунлашиб, жаранглаб келаётганига эътибор қилинг: Раҳийм — оламийн — Раҳийм — дийн — настаъиин — мустақиим — лазийна — алайҳим — алайҳим — золлийн.

Ш. Бобохонов таржимасида:

1. Мсҳрибон ва Раҳмли Аллоҳ номи ила!
2. Барча мақтовлар бутун оламнинг Парвардигори,
3. Мехрибон, Раҳмли
4. ва жазо кунининг эгаси Аллоҳга хосдир.

5. Сенгагиңа сиғинамиз ва Сендангина мадад ти-
лаймиз.

6. Бизларни шундай түгри йўлга бошлагинки,

7. у Сенинг неъматларингта эришганларнинг йули
бўлсин! Сенинг газабингта учраганлар ва адашганлар
йули бўлмасин!

Алоудин Мансур куйидагича ўтирган:

1. Мехрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан (бош-
лайман).

2-3-4. Ҳамду сано бутун оламлар хожаси, меҳрибон
ва раҳмли, жазо (қиёмат) кунининг эгаси —
подшоҳи бўлмиш Оллоҳ учундир.

5. Сентагина ибодат қиламиз ва Сендангина мадад
сўраймиз.

6-7. Бизларни, газабга дучор бўлмаган ва ҳақ йўл-
дан тоймаган зотларга инъом қилган йўлинг
бўлмиш — Түгри йўлга йўллагайсан.

Икки таржима уртасидаги фарқ ва тафовутлар яққол
кузга ташланиб турибди. Сура ягона ва үзгармас. Унда
жами 28 та калима. Бу 27 ёки 29 та бўлиши ҳам мумкин
эмас. Аммо икки узбекча таржима эса сўзларнинг сони
тарафидангина эмас, «сифати», ифодавий шакли, би-
рикмалар ва жумла қурилишининг тарҳ-таровати, узига
хослиги билан ҳам жиддий фарқланиб туради.

Нега шундай? Ахир бу асрлар қаъридан чиқиб ке-
лаётган жиддий бир Каломни эркин талқин қилиш,
унга нималарнидир қўшиш ёки қисқартиришга ури-
нишдан иборат хатти-ҳаракат, узбошимчалик эмасми?
Бу сеҳрли масиҳий нафас, илоҳий ваҳий-ку!

Бари түгри. Жўяли ва ақлга мос гаплар.

Айтганларимиз ҳали сўз, гап, жумла таржимаси ху-
сусида. Маъно ва ифодавий йўсин-чи? Куйли (сажъ
билан сугорилган) ваҳийатни сидирга «қора» матнга
агдарганда шунча муаммо туғилиб турибди. Оҳангни
оҳанг, сажни сажъ, қироатга мос ифодаларни шундай
қироатбоп мақомда утириш талаблари ҳам илгари су-
рилса-чи? Ундан тақдирда умуман таржимани йигиши-
тиришга түгри келиб қолармикан?

Калом таржималари тарихида бундай уринишлар
— муқобил оҳангли (эквиритмикавий) таржима яра-
тишга уринишлар ҳам бўлган. Чунончи, И. Ю. Крач-
ковский таржимасига берилган шарҳлар орасида маш-
ҳур арабшунос олим, 1937 йилда вафот этган шогирди
В. А. Эберман қаламига мансуб ўша 1-сурә таржимаси
учрайди.

1. Хвала Аллаху, который миров Господин,
2. Милостивый, милосердный он один,
3. Дня страшного суда Властелин,
4. Тебе мы поклоняемся,
Помощь дается нам
Тобою одним,
5. Веди нас по пути тех, кто тобою водим,
6. По пути тех, на кого простерлась милость твоя,
7. На кого ты не гневаешься, кто не знает заблуж-
дения кручин.

12. X. 1920

Турган гап, бутун Қуръонни, барча 114 сурани ма-на шу йусинда күйли қылыш үгириш қийин. Душвор-лик шундаки, бундай тақдирда Аллоҳ сүзи ортиқ да-ражада бежамадор бўлиб кетиши ва маънога путур етиши мумкин. Валким Қуръонни умуман шеърий йўлда таржима қилинар? Билмадим. Жаҳон куръонпушносиги бундай тажрибани билмайди ҳисоб. Қийин. Ким журъат эта олади? Диний маҳкама ҳам фатво бермас. (Яқинда рус тилида босилиб чиқсан Порохованинг назм андозасида қылган таржимасини қайд этиш керак).

Бироқ, агар таржимага шундай талаб билан ёнда-шилса, мазкур иккни узбекча таржимани эмас, умуман Каломнинг ўзга тилиларга таржимасини манъ этишга тўғри келган буларди. Чунки, олайлик, қайта-қайта нашр этилиб келаётган мавжуд тўрт русча таржима ҳам бир-биридан анча сезиларли, жиҳдий фарқланади. Хуш? Дунёда қанча таржима бўлса — шунча Қуръон экан-да??

Ҳа, Қуръон дунёда якка-ягона, айло, бекиёс ва беназир. Таржималар эса ҳар бири қангалик муборак бўлса, шунчалик ожиз ва ҳамин қадар. Айтайлик, бир тилга қилинган ўнта таржиманинг бари бир хил булиши мумкин эмас. Агар шундай қилишнинг иложи бўлганида, ўша ўнта таржимага зарурат ҳам бўлмас, атиги бир таржима билантина киғояланса бўлар эди. Аллоҳ Бир, аммо унинг Каломини ҳар ким ҳар хил тушунади, ҳар хил талқин этади. Бас, уни ким қандай қабул этса, бошқаларга ҳам шундай етказади. Бинобарин, ўз маънавий камолотимиизда шунчалик юксалиб-мизки, минг йиллар давомида ҳеч қандай таржима-

сиз, асл арабийда үқиб, баҳраманд булиб келган ўтмиш аждодларимиздан фарқли ұлароқ, бугун аслиятта тишимиз ўтмай қолған, таржималарга үткір әхтиеж сезилған экан, начора, таржима мұжизаси билан бирға, таржима ожизлигига ҳам қидаймиз да.

Диний адабиётлар нашрида истилоҳлар, атамалар, ифодавий таркиблар хилма-хиллигига тезда барҳам берилмаса, бусиз ҳам дудмаллашиб ёттан нарсалар баттар қалкашиб кетади.

Ортиқча зиңалик ва қатагон қанчалик ёмон бұлса, меъридан ошириб юборилған әркинлик ва бошбошдоқлық ҳам шунчалик яхши әмас.

Қизиқ. Бир таржима билан иш битмагани сингари, Қуръонни ўзбек тилига үн марта дүндириб таржима қылғанда ҳам, уларнинг барини йигнаганда битта асл Қуръон чиқмайди. Бу икки талаб ўртасида меъер чизиги қаердан ўтади?

Күп таржима күп тушуниш ва күп талқинга олиб келади. Бұ ҳам яхши, ҳам ёмон. Мақбулліги — ҳар бир таржима бизни Қуръон ҳақиқатига узича етаклади. Бир таржиманинг ожизлигі бошқа таржимани көлтириб чиқазиши, унинг баркамоллігі билан қопланиши мумкин. Шу тариқа биз Аллоҳ Каломининг асл мазмуни ва маъноларига пешма-пеш, босқичма-босқич яқынлаша борамиз. Бошқа хавфли тарафи борки, турлича талқинлар, ҳар хил тушунишлар оқибатида биз турли-туман таржима матнлари орасида, қиёсга берилиб кетиб, аслиятдан қалғишилиз мумкин.

Нима қилиш керак?

Аввало, саводсизликка барҳам бериш даркор. Сунгра, юқорида айттанимдай, таржималар диққатимизни аслиятдан четта тортмай, унга интилиш ва жозбани пайдо қылсын. Үкүвчи тушуниб етсінки, ўнта мукаммал таржимаю тафсирдан кура битта аслият чандон афзал.

Бундан ташқари, Қуръон таржимасидай улкан ишни чукур илмий асосга күчириш зарур. Модомики, Исройл, Швеция, Хорватия сингари биздан йироқ манзилгоҳларки ўзларининг Таврот, Инжилларини бизнинг ўзбек тилимизге шундоқ гүзал таржима қылғыб етказишта эришибдилар, бу ўз-ўзидан булғани йүқ. Қаранг-а, қандай ғамхұрлық! Швеция қаекдао Ўзбекистон қаекда! Бу таржима устида Библия институтининг малакали мутаржимлари нақ 22 йыл мобайнида тинимсиз

иш олиб боришган. Тан олиш даркор: биз узбеклар бундай тиник узбекча таржимани фақат орзу ва ҳавас қилишимиз мумкин.

Яшириш чикора. Биз узбеклар үзимиз бундай ишларда сал беларво, ҳафсаласизмиз шекилли. Зиёлиларимиз аксар ҳавойилик, ваъдабозликка урганиб қолгани. Ҳамманинг оғзи ботир, иш кам. Чунончи, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида не ҳасратда турт-беш йил илгари нечук булиб 17 кишидан иборат Таржима маркази очилган эди (Гуржи斯顿, Озарбойжон, Латвия ва Қозогистонда уша даврда ҳар бирда 80-150 мутаржим уюшган эди). Оқибат нима бўлди? Бир гал таникли адаб, Шарқ адабиётини — форсийдан, Шекспирни — инглизчадан угирган Жамол Камол Ёзувчилар уюшмасига саркотиб бўлдию, Таржима марказида 17 тадан... 2 киши қолди, холос. Бутун жаҳон адабиёти таржимасига — 2 киши! Солим ақлга хилоф иш.

Йўқ, биз алдаганда кимни алдаймиз узи? Швендлар, хорватлар, яхудийларнами? Йўқ! Үзимизни алдаймиз. Эҳтимол, Куръоннинг ҳам бундан кейинги мукаммал таржимасини яхудийлар тайёрлаб беришар?

МУНОЖОТ

Ҳақ субҳонаҳу ва таоло. Үн саккиз минг олам сарвари Расули Акрам, Пайгамбаримиз жаноби Мұҳаммад Мустафо саллаллоҳи алайҳи васаллам, ҳабиби Худо, аввалион-охирин пири комил ҳазрати Ғавсул Аъзам Мұхәйиддин сайдид Абдулқодири Жилоний разияллоҳу анҳу, ҳазрати Баҳоваддин Нақшбанд! Е аслиёю анбислар! Абадий барҳаёт Ҳужайи Хизр, Ильяс, Идрис пайғамбар, Исо Масиҳ! Е Гадой Селкин бувам! Бобо ва бобокалонларим, раҳматлик падари бузургворми ҳамда онайи зоримнинг арвоҳлари! Сизларга муножот айтаман. Мени мағфират қилингиз! Бу умидли бир дунё экан. Мен осий, ожиз ва умидвор бир бандангни узинг кўлла, узинг мадад бер, Аллоҳим. Узинг ал-Воҳидсан, ал-Холиқсан. Узингдан узга Мехрибон ва ҳалоскорим йўқ. Е Раҳмон, ё Раҳийм! Месҳ-шафқатингни мен бандангдан дариг тутмагайсан. Остонангда шафоат тилаб, тиз чўкиб, дуойи хайрга қўл очиб турмакдаман. Ҳар қандай мушкулотни осон қилгувчи Қодир Эгамсан. Сендан ҳеч нарсани пинҳон тутиб бўлмас. Бутун сувратим ва сийратим ила қаршингда

муайянман. Үзинг ал-Ботин ва ал-Басирсан — қуриб турибсан: умр бүйи түгри йүлдан озмай, ҳақиқат саҳросида қулимда асо, девонавор, қаландар булиб кездим... Нафс балосидан үзимни тийиб, қаноатда яшадим. Энг қатагон, қиёмат қойим замонларда ҳам Тангрига ва унинг Расулига, муборак Исломга мункир келмадим. Үзинг ал-Мутакабирсан. Ҳою-ҳавас, кибру-ҳаво, амал, давлат, мулк, пул ҳирсига учмадим. Үзинг ал-Қаҳхорсан ва үзинг ал-Жабборсан. Ҳудбинлик, гараз, ҳасад, уч-интиқомдан йироқ юрдим. Үзинг Ҳақсан. Бироннинг ҳақини емадим, биронга жабр этмадим, хуни ноҳақ гуноҳига ботмадим. Сенга ва Сен вожиб деб буюрган нарсаларингта хиёнат қилмадим. Үзингни, муборак 99 номингни имконим бор қадар дилимда тўқис сақладим. Е Аллоҳ. Үзинг ал-Аҳад ва ал-Рақибсан, ас-Самад ва ас-Саломсан. Иймон келтираман. Ло илоҳа илоллоҳ: Үзингдан узга Аллоҳ йўқ. Бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Илоё мушкулимиизни осон эт. Үзинг ал-Ҳакамсан. Рақибларимизни ақлдан жудо этма. Уларга инсоф ва тавфиқ бер. Мен ожиз банданга сабр ва бардош ато эт. Иблис йўлига солма. Эс-хушимдан тойдирма. Үзинг ан-Нурсан. Зулмат ортидан Тонг келиши ҳақида ваъданг бор. Рӯшнолик, кушойиш, умид ва најот — Үзингдан. Муножотимни қабул айла, шафоат эт.

Омин.

УСТУРЛОБ*

10-фасл

МАВЛАВИЙ

Үтган йылни айни баҳор авжида зебо шаҳар Мадинай Мунавварада булиш насиб этди. Ибодат тарадду-диди мсҳмонхонадан пастга тущим. Бу срларда худди сеҳрланиб қолгандай сезаман үзимни. Торгина кутага, одамларга, уларнинг уст-бошларига, авзойига, фсыл-авторига суклапиб қарайман... Иттифоқо, бир гала ёш болаларнинг шўх-шан овози, ора-чирада бозор сўкиниб қўйишлари қулогимга чалинди. Ҳайратимнинг чеки йўқ эди. Узбек болалари бүекларда ни ма қилиб санқиб юришибди?.. Уст-бошлари сал юпуроқ, кир-чири. Бир-бирларига апелсии пўчоги отиб ўйнаштибди. Тарки одат — амри маҳол. Улардан бир-иккитасини чакириб, танбесҳ бермоқчи бўлдим. Сукинишманг, уят бўлади маъносида. Одатдагидай. Лскин дарҳол фикримдан қайтдим. Бошқа юртга борганинга ўз миллатдошларинг бир-бирларига дагал муомала қилиб, ўз она тилнингда отагури-қозихона қилишса ҳам... хуш кслар экан кишиига. Айниқса, болалар! Нима ҳам дейсан: ҳамма жойда ҳам бола болалигини қиларкан да. Қизиқсиниб қолдим: қани, бу срнинг чапанилари бир-бирини қандай ҳақорат қиларкан? Қанчалик зехи солмайин, уша-уша: ҳс фалонингни, ҳе писмадонингни!.. Аммо шевалари, талафузларида жиндай тафовут йўқ эмас.

Мен кулимсираб, анграйиб туарқанман, бояги тудадан уч-тўртаси келиб, чугурлашиб, атрофимни ўраб олишибди. Баччагарлар-эй (курдингизми, бир пасда мснгаям бу «ёқимтой нутқ маданийти» юқди-кўйди!), улар исчукдир тавр ила ўз одамини пайқашди. Мен сал нарирокда ийманибгина турган бир болакайнин имлаб чақирдим. Қизиқ, унга назарим тушиши билан юрагим «жиғ» этиб кетди. Олти-стти ёшлар чамаси, куринг-кўрманг, фаришта дейсиз. Устида қора мовутдан ёқалик камзул. Озода. Юз-кўзлари мулойим кулиб турибди. Ниҳоятда истараси иссиқ. Гулдай нарса. Бегубор. Қош-кўзлари қоп-қора. Ичимда дуо ўқидим унга

* Устурлоб — Қусш ва юлдузларнинг юксаклигини ўлчайдиган асбоб.

күз тегмасин деб. Иккаламиз ҳам меҳр тўла кузларимиз билан боқиб турар эканмиз; учрашиб қолганимиздан гоят мамнунлигимиз шундок балкиб турарди. Салом-алиқдан сунг сурадим:

— Сизлар шу ерлик муҳожир ўзбекларданми?

— Тақсир...

— Ота-оналарингиз ҳам Мадинаи Мунавварада истиқомат қилишадими?

— Тақсир...

А? «Тақсир»? Мен бениҳоят чуқур мамнуният ҳис этдим. Бола «ҳа», «шундай», «хўп», «тўғри» дейиш урнига, ниҳоятда юксак одоб, камоли хурмат юзасидан «тақсир» деб жавоб қиласар экан, бу билан менга, кекса тилшунос мударрисга чинакам шарқона, ўзбекона нутқ одобидан сабоқ берастган эди. Эс-эс биламан: ярим асрлар мұқаддам узимизда ҳам, кексалар орасида шундай самимий такаллуфларни эшигганман. Ҳозир эса бу учрашувда нақ беш аср ортга, ҳазрат Наувой замонларига қайтгандаи (юксакликка кутарилгандай...) сездим узимни. Болакайдан сира-сира ажralгим келмасди.

— Дарвоқе, исмингиз нима, бутам?

— Абдураҳмон, тақ...

— Баракалла. Дадангизнинг исмлари-чи?

— Даダメиз Фалон мавлавий бўладилар...

— Офарин.

— Сиз қиблагоҳни танийсизми?..

Нима дейишимни билмай, гудраниб қолдим. «Ҳа» десам, ёлғон булади. Танимайман. «Йўқ» десам, менга жовдираб қараб турган Абдураҳмоннинг кўнгли чуқади. Щу боис инкор-тасдиқ маъносида, «йўқ-ҳа» ўртасида бир нима дегандай мижговландим:

— Йўқ, дарвоқе, ҳа, боягидай... нима десам экан... Инчунин, дадангизни бир зиёрат қиласак, Сизга малол келмасмикан?

— Йўқ, тақсир, сира малол келмайди. Марҳамат қиласинлар...

Интиҳойи қизиқсиниб қолдим. У, Мавлавий!! «Мавлога мансуб» маъносини англатувчи бу калима «уламо», «донишманд» дегани. Ким қандай улутсифат, олийжаноб, таг-туглик, доно ва ҳалим инсон, бошига оппоқ дастор ўраган, фусункор, ганимат қария бўлсалар керак, ҳойнаҳой, деб ўйлардим узимча. Мана, кенг, файзли кучалардан утиб бораюмиз. Уша топда хаёлимдан бир андиша кечди... Биронкига қуруқ қўл билан сўлпайиб бориш қандоқ буларкин? «Мусулмонлар бир-бирларига совға-салом қилиб туришсин. Бу меҳр-оқибатни кучайтиради», дейилган

муборак ҳадисларимизда. Йўл-йўлакай, икки кило яхши нақшин олма олган булдим. Қизиқсиниб, ёш дустим Абдураҳмонни тил-савдо муомаласида синаш учун бир қалам-дафтар дўконига даъват этдим.

— Қани, мулла Абдураҳмонжон, манови ручка исча сўм туришини билib беринг-чи.

— «Ручка» дедингизми? У нима, мавлоно?

— Ҳа-я, эсим курсин, манови-да, — дедим бармолим билан керакли ашени кўрсатиб.

Сотувчидан сўраб, менга нархини арабчадан ўтириб берди ёш зукко таржимоним. Мен атайнин гапни яна айлантира бошладим.

— Суранг-чи, нархини бироз тушурмасмиканлар?..

У тагин ўзига хос чучук ўзбекона-арабий лутф-тавозе ила савдолаша бошлади. Сотувчи ҳам боланинг ёқимтой-чучук тилидан бениҳоя завқланиб кетди. Узининг кўпол бармоқларини паншаҳа қилиб, табассум билан унинг момикдай жингалак соchlарини тўзгатиб-тўзгатиб қуярди. Қаранг, шу топда ўзимизнинграйхону жамбилларимиз ҳиди анқиб кеттгандай туййилди димогимга.

Ниҳоят, ҳазрат мавлавийининг дўконига стиб келдик. Қонақа «мавлавий»?.. Қаршимда қотмадан келган, сийрак тўққи соқол совуққина бир савдогар турарди. Абдураҳмон бизни таништирган бўлди.

— Бул зоти шариф, ҳазратим... их, исм-шиарифларини билмамишмен...

Мавлавий жанобларига ўзимни таништира бошладим:

— Ингчунин, мен Фалончи, шаҳри Тошкентда, дорилғунунда мударрислик қўлламан... Бир баҳонайи сабаб билан, десандай...

Абдураҳмон мен «мударрис» билан танишиб қолганидан, бехосдан ўзининг энг яқин одами билан дучлашиб, бу ёққа стаклаб келганидан ифтихор этар ва бунинг учун отасидан илиқ сўзлар кутаётгани балқиб кўриниб турарди. Отаси бўлса ниҳоятда совуқ, лоқайд бир алфозда деди:

— Ҳўш? Ҳизмат?

— «Ҳизмат»? Сизда ҳеч қандай юмушим йўқ. Ҳа, айтгандай...

Мен жуда ноқулай сездим ўзимни шу топда. Болакай ҳам, мен сингари, ҳеч нарсани тушунмай, бошини қўйи согланча, бирон куфр иш қилиб қўйгандай, мустар эди. Танимасни сийламас, деб шуни айтадилар-да. Э, аттанг. Бу одам мени тушунмади-ку, деб изтироб чека бошладим. Фақат ўзим эмас, Абдураҳмон учун ҳам... Вазиятни юмшатиш иллинжида бояги урголиқ олмаларни узатдим.

- Бу нима?
- Арзимас бир нарса. Боягидай...ҳадя.
- Ҳожати йүк.

— Йүг-э. Олинг, иним. Бегараз. Танишганимиз ҳақ-қи-хұрмати, дегандай...

Нотаниш захил «мезбон» одамлар билан савдо-со-тиққа алаҳсигандай, үзини четга ола бошлади. Нима учун үз ҳамюргини күриб мендай қувониш, балким тавоғ қилиш үрніга бундай ётсираяпти, деб ҳайрон бұлдим.

Баҳор фаслида араблар юртінинг нақ 40-50 дара-жали өндірүвчи ҳарорати шароитида дүкон ичи баай-ни музлаб кеттандек түйилди менга. Дүкондорнинг бундай лоқайд-совуқ муомаласидан күра, бояги меҳ-монхона олдица чүвилашиб үйнаёттан ўш болаларни үзбекча сүкінишиб ётгани менға юз топқыр ганиматроқ түйилиб кетди. Бу ерга, ватандошлар сұхбатига, соғ, самимий дийдор куришишга хомтама бұлғын кел-ганимдан озурда бұлдим. Юз жадди жадал, бир рұзи азал, дегенләри шудир-да.

Мавлавий тараффудланғаны, ким билсин дейсиз, менден балким хавфланғаны, унда қандайдыр иш-тибоқ түгилаётганини пайқагандай бұлдим. Рост-да. У қаёқдан билсин. Балким мен бирон тамаъгир, алчоқ, галамис бир нарсадирман. Ё бұлмаса, жосус, айғоқчи бир шахс булыб чиқарман. «Ә, нодон, сираям үндай әмас!» деб ёзіб қуйилмаган-ку манглайимга. «Гумон иймөндан айиради» деб шуни айтадилар-да. Хуллас, уша топда мени аллақандай «мавлавий-павлавий» ҳам әмас, манови бегуноқ құзығы — Абдураҳмон үйлан-тириб қўйди. Мен кетганимдан сұнг, ҳойнаҳой, у ота-сидан танбех әшитади. Кучада дучлашиб қолған «ҳар қандай» қаланғи-қасанғи, нотаниш одам билан алоқа-га киришмаслик кераклиги ҳақида. Умуман олганда, бундай танбех ҳам нодуруст әмасдир... Бу алғов-дал-говли, нотинч замонда нималар бўлмайди дейсиз...

Эй дунёи буқаламун! Бирам жилвадорсанки... Го-ҳида ҳақ сүзинг билан тогу тошларни қоқ өрасан, тап-тақыр ерда гул үндирасан.. Бир қарабсанки, ФИЛНИ сичқонга тиз чўқтирасан, еру қўкни ларзонга соласан, уммон бағрида тўфон қўптирасан, дengizларни чўлу сахрога айлантириб, бир томчи сувга зор қиласан... Бирда меҳрибон волида янглиг бошимни силайсан, бирда шафқат нелигин билмайсан — уриб мунглиг бошимни өрасан, лошимни қора тупроққа қорасан... Бир қарашда ҳозиқсан, бир қарашда тангу тор, зик,

мунофиқ... Намунча нозик әдосан, намунча гарип гадосан, намунча ғаддору, бадкору, бадкирдорсан... Басирга рүшнолик багишлайсан, күрар күзларни күр қиласан... Энг моҳир мусаввир ҳам телбавор туркү тароватингни үзининг қил қаламида тұла ифодалай билмас.

Дарвоқе, күзлар... О, жоду күзлар! Сехри кароматта консиз. Ақлимни үгирлайсиз. Илло, күз инсонга нима учун берилған үзи? Куриш учун эмасми? Күз кишини таңқи дүнғе олиб чықади... Аммо у, ажабки, алдашга ва алданышга мойил. Балқым шунинг учун эмасмикан, айрим күзи ожизлар күзлари тийрак, бироқ ақли қосир одамлардан чаңдон тийрак ва зийрак бұладилар. Эй дүст, билгилки, инсон инсонни үзининг уммонаңдай төран қорачұғи, қалб күзи билан күра билмоги даркор.

... Үзини қаєққа олиб қочмасын, алқисса, маввалий ағанды билан тұрт оғиз үес-бүсқдан гаплашишга мушарраф бұлдим. Маңлумки, ул зотнинг Абдурахмондан бұлак яна сакқизта фарзанди бор экан. Ҳавасим келди. Серфарзанд ойлаларни яхши күраман, хұрмат қиламан. Яна: теги Сурхондаредан экан улар. Тақдир тақозоси билан ота-боболари Афгон диәрига бориб қолишиган. Үесқдан Туркияга, сұнг Саудия Арабистонига күчиб үтишган. Аїтишига күра, анча бадастыр, түқ, тинч яшар эканлар.

— Мұлла Абдурахмон неchanчи синфда үқиідилар?
— сұрадым сохибдан бола томонға ишора қылиб.

— Нима у — «синф»?

— Қандай тушунтырсам экан? Мактабға қатнаїдиларми?

— Йүк, Бачаларни үзим құлда, диний таълимға үқитаман. Биз мусулмон фуқаро. Бизға дунёвий фан керап эмас. «Үесқда» ҳамма түйган! Қариндошларимиз яшайды ватаңда. Эшитиб турғанмиз.

У олазарак бұлиб, үес-бүсига қаради...

— Йұғ-эй, мана мен Тошкент дорилғанунида өшлиарға сабоқ бераман. Наҳотки мусулмон бұлмасам?..

— Шуро бизға түрги келмайди... — деди у гапимни чүрт кесиб.

— Қанақа «Шуро»? Ҳозир Узбекистон Республикасы үзинга мустақил мамлакат, биродар. Сизлар илгари күрган у дараҳтлар кесилиб кетген... Мачитлар ҳам, мадрасалар ҳам, мактабу институтлар ҳам бирдей ишлаб турибди. Ҳаммаси гавжум. Бузилған мачит-мадрасалар, хонақохлар, расадхоналар, миноралар тикланаипти, йил сайин янгилари курилаяпти. Мамлакатта

күплаб диний арбоблар, ўқимишли муллалар керак. Олимларимиз — диёнатли, муллаларимиз — ўқимишли бўлсин, деймиз.

Сузларимни диққат билан тинглаб турган мургак қалб — Абдураҳмоннинг кўз ўнгида ўзи умрида қурмаган, тушига ҳам кирмаган гўзал бир диёр, маҳобатли, маърифатли афсонавор Она Ватан тимсоли гавдаланаётгани сезилиб турарди. Дўкондор эса ўз тахминтасаввури тасдиқланаётгани — менинг «юргузуки», «қизил тарғиботчи агент» эканлигимга тўла иймон келтираётгани ҳам аён булаётган эди. Интиҳойи қизик. Биз айни бир тиљда гаплашаётган бўлсак ҳам, баайни бутуилай бошқа-бошқа тиљда гаплашаётган эдик. Айтайлик, узбек билан узбек эмас, узбек билан узоқ хорижий бир фуқаро, тақрибан, фаранг сингари.

Сарсонлик-саргардонликларда муҳожир бўлиб юравериб, шалаги чиқиб кетган ва, ниҳоят, яхшигина мол-давлат орттириб, дунёнинг бир гўшасида кўним топган бу сингари одамлар ҳаётда кўп алданган, зада булаган. Энди биз ватандушарининг меҳр-оқибатимизга, лафзимизга, даъватимизга уларнинг тоабад ишонмасликка ҳам ҳақлари бордай туйилди менга. Сутдан оғзи куйган қатиқни пуфлаб ичади, дейишади.

— Менга у ватан керак эмас, — дейди зарда билан мавлавий.

— Керак, иним. Ундей деманг. «Эрдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма», дейди халқимиз. Бу муқаддас турроқда яшаётганингиз муборак бўлсин. Сизлар тинч булсангиз, биз ҳам тинчмиз. Лекин Ватан бу Ватан. Сизга Ватан керак, Ватанга сиз ҳам кераксиз. Ватан ўргада, биродар. Ватан — ҳаммамизники ва ҳаммамиз — Ватанники...

Менга ишониайин деса, ишонгиси келмайди. Ишонмайнин деса, ишонгиси келади. Суҳбатдошим қадамба-қадам уз мавқеидан чекинаётган бўлса-да, тан олгиси келмас, менга ётсираб-ётсираб қараб қуяр, «жуда уста фарангини юборишибди», деб уйларди узича. Узим ёгимга қоврилиб, кулишимни ҳам, йиглашимни ҳам билмай қийналаётгандим.

Суҳбат-баҳсимиз дуранг ҳолатга келаётгандай булади. Зарда, гинахонлик, иописандлик билан бирон ишни битказиб бўлмайди. Қалб жавҳари — меҳр ва самимият керак инсонга.

Худо ҳамма одамлар учун ягоналиги, ҳар бир миллатга алоҳида-алоҳида маъбууд бўлмаслиги, барчамиз Тангрининг бандаси эканлигимиз, дийн, диёнат, иймон барча аҳли мўминларга кераклиги ҳақида галирар

еканман, у жимгина тииглади. Биз ҳам «*«Аллоҳ!»* деб келдик бу ёкларга. Лескин Аллоҳ биздан қарздор эмаску, биродар. Нима уун үзингиз, масалаң, шундок маҳобатли ҳарам — Мачити набавиййада ксчаю-кундуз ётиб ибодат қылмайсиз? Саккизта болангизни, оиласын ким боқади? Биласиз: дунё ҳам керак, охират ҳам керак одамзотга. Аллоҳ таоло истайдики, биз унинг иродасини тўқис бажарган ҳолда, бу дунё неъматларидан ҳам баҳраманд булайлик. Билим олайлик, техникани эгалайлик, үзимизни мухофаза этайлик, маданиятли ва маърифатли булайлик, жаҳоннинг илгор халқлари билан тенглик асосида муомала ўрнатайлик...

Вақт намози асрға яқинлашиб қолди. Кетиши олдиндан Абдураҳмон ҳақида отасига иккى оғиз лутф қилиб, Худо хоҳласа, вояга етганида уни Тошкситга обориб, олий мактабларда ўқитишини ният қылганимни изҳор этдим.

— Бекорга үзингизни уринтирманг, — деди кесатиб қалби муз дўкоидор мусоҳиб. — Фарзандларим фақат диний мактабда таълим олади, вассалом.

— Бизда Иzzат Султон деган кекса, таникли олимимиз бор. Ул зот яқида «Баҳовуддин Нақшбанд абадияти» деган бир рисола ёздилар. Ҳазрат Баҳовуддин Балогардонни Сиз яхши биласиз...

— !!

— Шу рисолада қизиқ бир далил эслаб ўтилган. Мәзмунни шуттадай: Умар Шайх ўз фарзандлари Ҳованд Тахурга айттар эканларким, ё Тахур, мулло булманг, шайх булманг, мавлавий ёки сүфий булманг, у булманг, бу булманг, мусулмон булинг...

— Бу қанақаси, оғойи мударрис афандим, — деб тиілга кирди тақсиrim, мени тиілімдан «ильтірганидан» хийла жоқланыб. — Мулло булма, шайх булма, мусулмон бул? Мулло, шайх... мусулмон эмас экан-да, лаббай? Қаєклардан топасиз бундай куфр гапларни! Шотирларингизга шу зайлда таҳсил берасизми? Диинни исломни оқости қылдинглар. Билганингизни қилинг. Лескин бизни тинч күйинг. Айтдым-ку, түйганимиз, деб. Маслаҳатим шуки, бу мұқаддас тупроқда боятидай булмагур, гайри-исломий гапларни тақроран айта күрманг!

Мен мусоҳибни ҳижолат қилиб қуїнишдан үзимни тиийиб, ётиги билан унга эслатдим:

— Бу куфр эмас, тақсиrim. Наузамбилоҳ. Үзингиз тавба деб гапиринг. Маялумнингизким, олиймақом дийн пешвоси, ҳазрат Ҳужа Ахрори валийнинг айтганлари! Инчунин, «Рашаҳоти айнул-хаёт» асарида

дарж этилган, иним. Мазкур фикрнинг шаръийлигига каминада ҳеч қандай иштибоҳ йўқдир.

Дурустроқ хайрлашишга ҳам тоби келишмаган мавлавий ҳалиги мен олиб борган олмаларни қўлимга узатди. Бу, паттамни қўлимга бериш, деган сўз эди. Нихоятда дилим гаш бўлди. Гарчи муқаддас ҳаж сафарида юрибман, бас, бу кунларда бирон нарсадан газбланиш номатлуб ва ношаръийлигини билсам-да, чидаёлмадим. Наҳотки шундай эътиборли дин пешвоси бадбинлик билан такаббурлик дийни исломда ҳаром эканлитини тушунмаса. Минг марта түгри: бу шурлик муҳожирларни бир замонлар қизил босқинчилар кулоқ, душман, дум, золим, ёт унсурга чиқазиб, уз эл-юргидан таъқиб этган, хонумонини бузган, жалойи ватан қилган. Аламзадалик, интиқом ҳисси уларнинг қон-қонига сингиб кетган. Бироқ, бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдириш не ҳожат. Бу даҳшатли кўргиликларда менинг қандай иштироким бор? Узим ҳам аранг елкамдан нафас олиб турибману!

— Бу нима?

— Ҳалиги омонатингиз...

— «Омонат» эмас, совға дедим-ку! Марҳамат, Сиз Узбекистонга боринг. Одамлар қандай яшаётганини уз кўзингиз билан кўрасиз. Эҳтимол, уларда Сизникичалик бойлик, доллар, риёл, динор... йўқдир. Лекин бизниклар ялантуш, танти, ориятли, назари тўқ инсонлар. Киройи узбек экансиз-да... Аммо одамни «хитой» қилиб юбордингиз, рости.

Шу топда шарт бурилиб кетай деб турувдим, эшик олдида ҳамма гапларимизни зимдан тинглаб турган бир норғил одам (амакиси бўлса керак) ёнимизга кслди-да, унга юзланди:

— Ҳе адабсиз! Бир инсон катта бошини кичик қилиб, сени одам деб қора тортиб келибди. Этагини улмайсанми! Ҳозироқ ол қулингта тутунни. Ким айтади сени мумин деб. Узбекчиликни хор қилдинг... Ҳайф...

Мен меҳмонхонага равона бўлар эканман, узимнинг кичкина таржимонимга муҳтоҷ эдим. Унга отаси мсни кузатиб қўйишини буюрди. Икки-уч чақирилар чамаси пиёда босиши керак. Йўлда борар эканмиз, уртамизга оғир сукунат чўқди. Йикковимизнинг ҳам дилимиз вайрон бўлган эди. Ҳуллас, чурқ этмасдан стиб келдик. Абдураҳмон қайтиб кетар экан, унга не тил билан, қандай тасалли беришни билмай лол эдим. Болакай уйига қайтиб кетар экан, у билан дурустроқ хайрлаша олмадим. Қарасам, қоп-қора чарос

күзларида маржон-маржон аламли ёш томчилари ҳал-қаланиб турарди... Эртасига ҳам кун бўйи хомуш булиб юрдим.

...Мана орадан бир йилдан зиёд вақт утаяпти. Маккайи Мукаррамада (Робитайи ислом), Мадинаи Мунавварада ва Жидда шаҳарларида, йўл-йўлакай, Бухоро, Самарқанд, Қуқон, Тошкентдан бориб утроклашиб қолган бир қанча ҳамюртларимиз билан дийдор кўришиб, гурунглашдик. Уларнинг кўтчилиги уша ёкларда туғилишган, иккингчи, учинчи авлод фарзандлари. Бу ёқда, Ватанида бўлмаган. Ҳайрат, ажаб ва ифтихорким, уз она тилини улутиш нари турсин, соғ узбек тилида гоят назокат билан гапиришади. Нафакат тил, барча мислий, диний қадриятларни, асл урфодатларимиз, таомилларимизни, то узимиз аллақачон унтиб юборган ирим-жиримларгача тўкис сақлашган. Аксарияти ҳалқимизга хос месъмондустликни ҳам жойига кўйишиади.

...Инсон қалбан ва шууран шундай яралганки, бора-бора кўп нарсалар, хуш-нохуш воқсалар унуптилиб кетади. Аммо бир нарса менинг хотирамда событ ўнашиб қолди. Бу менинг жуссаси майдагини, мигти таржимоним мавлоно Абдураҳмоннинг хуш сиймоси. Ҳали ҳанузгача мен уни, дадаси мавлавий афандини ўйлайман. Тугри, тижоратчи-дин пешвоси тўнглик қилди. У уз фсъл-атворидан цушаймон бўлгандир ҳам. Бироқ мен ҳозиргача ўзимни койиёман. Нега ушанда оддий бир нарсанни тушуниб етмадим? Ахир, улар бутун дунё мусулмонларининг қибласи бўлган муқаддас тупроқда, дориломон яшавтган бўлишса-да, бир замонлар инсоний қадр-қиммати тоپталган, сурилган, кўпилари отилган, осилган, улдирилган. Кафансиз кўмилганлар, бу ёргу жаҳондан кўзи очиқ кетган мазлумлар кам дейсизим? Муртад тузум уларни «ҳалқ душмани» деб, аксарият, олий жазога маҳкум этса, ҳамма бараварига: тўгри, душманга, босмачига, ватан-фурӯшга, думга, аксилинқицлобчига — улим! деб чапак чалиб юраверган. Ҳеч ким, «Хой, шошма, босмачи, душман, муртад узи — ким?!» дсмаган, дсёлмаган... Мен мавлавий билан уша баҳсада, бир сұхбатдаёқ унга ҳамма нарсанни уқтиromoқчи булдим. Йўқ, улар бизнинг мазлум, таҳқириланган юртдошларимиз бўлади. Ҳоҳ ўзимнинг узбегим, тожигим, қорақалпогим, қозогим, қирғизим... бўлсин, ким бўлмасин — бари ўзимизники. Бутун Марказий Осиё, Моварооннаҳ, Туркестон мұхажиrlари — бари бизники, ўзимизга тан. Улар билан бирон баҳонаи сабаб, сафар-учарлардаги на тасодифан кўришиб қолмай, балки доимий алоқа-

ни йўлга қўйишимиз керак. Бу муҳожирот аҳли бизга, голфстрим оқими каби, янги тадбир ва рағбатларни олиб келиши тайин. Элга эл қўшилса — давлат, элдан эл кетса — меҳнат, дейдилар.

...Менга Абдураҳмонни йўқотиш, унтиши оғир. Уни ҳаётим давомида тагин кўра оламаними-йўқми, Аллоҳга аён. Аммо гойибона у билан тез-тез сұхбатлашиб тураман:

— Сиз кўп нарсани ҳали тушунмайсиз, бутам. Ёшсиз. Мургак қалбингиз ҳали гўр. Ота-боболарингизга жуда-жуда оғир бўлган. Юртма-юрг, элма-эл, чўлу саҳролар оша куч-кўроңлари билан йўл босишиган, сизларни тишлиарида катта қилишган. Аждодларни ҳурмат қилинг. Аммо, ўйламангким, бизникларга ҳам буёқда осон бўлган деб. Уша тургунлик йилларида...

— «Тургунлик» нима, тақсир?

— Тургунликми, эҳ, болагинам бу бояги «ручка» эмаски, мана — тургунлик, деб курсатсан. Билсангиз, бу рудапо турк, маънавий чириш, жамиятнинг инқизозга учраши, шовинизм...

— «Шовинизм» нима, тақ...?

— Мана, Русияда бир талай юртбузуқи нобакор шахслар ўша собиқ СССРни қайта тиклашни ихтиёр этиштастиди. Сиз Мадинайи Мунавварада яшайсиз, бутам. Жаноб пайгамбаримиз Мұхаммад Расулуллоҳнинг мақбаралари сизларга бир қадам. Қул узатсангиз — етади. Шу улуг айём кунларда бизларга қўшилиб Аллоҳга ибодат қилингларким, илоҳим Иблису шайтони лаъянларнинг ёвуз ниятлари тоабад амалга ошмасин!...

— Сабр қилинг, мавлоно мударрис афандим. «Русия», «Дума», «СССР» — нимадир?

— Дадангиздан сўрасангиз — бат:afsил тушунтирадилар. Сизга насиҳатим: диний таълимот, мұқаддас исломий руҳи-ақида ва фарзлар билан бирга, дунёвий илмлар...

— ?

— Бу: риёзиёт, ҳикмат (физика), кимё, илми нужум, фалакиёт, геология (илми табақотул-арз), жүгрофия фанларини ҳам ўқинг. Тиббиёт билан қизиқинг... Буларсиз сизу-бизга тараққиёт эшиклари берк. Доимо эсингизда бўлсин. Шавкатли Амир Темур бобомиз деганлар: «Билаги зўр — бирни йиқар, билими зўр — мингни!»

Янаги сафар учрашгунча, хайр. Худо хоҳласа, кўришамиз. Дадангиз, амаки-бобонгиз, бошқа хеш-таборларингизга мендан дуо айтинг.

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳу ва баракотух.

ЯКУНИЙ ҚАЙД ВА ИЛТИЖО

Марҳаматли ўқувчим. Сиз билан яна юзма-юз сухбатлашиб, гойибона куришиб турганимдан беҳад мамнунман. Дам ганимат, дийдор ганимат. Сухбатимиз боқий бўлсин, илоҳим. Лескин ҳозир эса китобимга нуқта қўяман. Тўғрироги, кўп нуқта чекаман... Кейинги жилларда куришгунича Худонинг паноҳига топширдим Сизни. Сабр-тоқат билан каминани тинглаганингиз, мутолаа қилганингиз ҳаққи, Сиздан миннатдорман ва ташаккурлар айтаман.

Маънавий асоратнинг юз йиллик роҳатидан кўра, бир лаҳзалик ҳурлик, озодлик гашти, маشاқати минг чандон ортиқ. Мен дунёни ўзим орқали идрок этишга ҳаракат қылдим, азизлар. Ўзимга ҳам, одамларга ҳам «ўзимдан келиб чиқниб» сийдашдим. Тушунаман: Сиз мени мен қандай бўлсан, бусбутун шундайлигимча қабул қила олмайсиз. Сабаби, Сиз-Сизсиз, мен-менманда. Э, ўзимни-ўзим гоҳи пайтларда қабул қила олмайман! Ўз теримга сигмай кстаману, Сизнинг дилингизга қандай сигайин. Балким, Сиздаги ақл, салоҳият, бўлим, тажриба, ҳойнаҳоӣ, менда йўқдир. Эҳтимол, мендаги қисмат, мушоҳада, андиша, қалбимда таҳ-батаҳ қатланиб ётган изтироб, юқ, ўзининг жамии хуш-нохуш томонлари билан, Сизда йўқдир. Бошингиз дард кўрмасин. Бироқ мен барчага бирдай ёқишига, «ёқимтой» булишга ҳаракат ҳам қилмадим. Агар шундай қилганимда, ажабмаски, Сиз мени ёқтирумас, гапларимга ишонмас ҳам эдингиз. Илло, менинг ўзим ишонадиган лоақал битта фазилатим бўлса, у ҳам — самимият. Мана шу самимият Сизу бизни бир-биримизга оҳанрабо сингари тортиб туради...

Пайқаган бўлсангиз, китобда панд-насиҳат хийла купдай. Бироқ, ёшим бир жойга борган, шу важдан бўлса ҳамки, насиҳатгўйликка маънавий ҳаққим бўлса-да, бунга раъим им йўқ. Менинг тақдирим, ҳаётим

үзи сабоқ, қай бир жиҳатлари билан ибратомиз бир нарса. Үзининг яхши-смон, нурли-хира томонлари билан. Йуқ-йуқ, «мендай булинглар!» десмоқчи эмасман. Зотан, бунинг иложи ҳам, кераги ҳам йуқ. Үзингиз хулоса чиқазинг. Бовужуд, аминманки, Сиз менга фикран мухолиф булғанингиз тақдирда ҳам, барибир, хоҳланг-хоҳламанг, мендан нималарнидир юқтирасиз. Хайрли ва муборак бўлсин.

Э бас-е! Эзмалик ҳам эви билан-да. Сукут салтана-ти, қаёқдасан, ҳей!..

Ассалому алайкум ва раҳматулоҳу ва баракотуҳ.

МУАЛЛИФДАН

Ушбу китобни нашрга тайёрлашда каминага курсатган ёрдами учун академиямиз нашриёт булимининг муҳаррирлари Абдумалик Ёқубов ҳамда-Муяссархон Умировага миннатдорчилик изҳор эта-ман.

МУНДАРИЖА

Мұқаддима	5
1-ФАСЛ. Менга ишонмангиз, одамлар	8
Яшашым керак. Үзим учунгина эмас	8
Мустақиллик фалсафасидан бир шингіл	15
Түрт саволта түрт жавоб	19
2-ФАСЛ. Қаекларда қолдип, өшлигим	24
Риे қаерда тутади-ю, зиә қаердан бошланди	24
Антиқа мушоҳада	26
Бир чимдим туз, минг аңдиша	30
О, вақт — одамхұр	35
Түй	35
Ўзбекнинг улғани — түяниңг тепгани	37
Кафтта жүп чиқадими?	38
«Қаңон халқ буласан, эй оломон?»	39
Ҳар бир шахсда миллат яшайды	41
Ўзингдан купаявер, ўзбегим!	41
«Ависсна» ким?	43
Бувисига опишиб юрган норғыш йигит	44
Парвоз қылыш учун қанот керак	46
Юзлари ширмой, күзлари чарос	46
3-ФАСЛ. Бир әထиқодки, тапаззулдан қутқазған (Тохир Юнус билан суҳбат)	48
Яхшилик қыл — сувга ташла	49
Хотами Тай қиссаси	55
Афсона-одам	56
Сосо бу Ос-ос дегани	57
Фирқа менга зор эмас эди. Мен ҳам	61
Мени менга «таништирадилар»	62
«Йиқилғанни тепиб үт?!»	66
Тошдан күра пахта қаттиқ тегади	67
Ношудлыгимга... тасанно!	68

4-ФАСЛ. Истиғфор фурсат күтмайды	69
Рокировка, пинг-понг ва чулили қиссаси	69
Мувозанат	70
Бир мантиққи, мантиққа зид	71
Сүнити тадбир ёки қаңд қасали нима?	72
Үнг бетимни жазога ҳозирлаётган әдим	73
Шохман — бандиман. Құлман — озодман	74
Посанги	75
Тупрғим Тошкентдан олинған күринаиди	77
Икки фалсафа, икки маслак	79
Лев Толстой гоясига сүйқасд	82
«Заиғлиғи» — буюклиғи	84
Қуръони Каримдан ҳам бөхабар әди	88
Хордик құналғаси. (Еи дафтардаги битникілар)	92
5-ФАСЛ. Тожи давлатим отам	93
Тиниқ ақл ҳамма вакт ҳам иймон бутунылығига кафил була олмайды	93
Дастор депсалдди. Бошыга чиқди патак	95
Эх, қиблагоҳ, қиблагоҳ!	105
6-ФАСЛ. Какликларни аспрап, одамлар!	110
Күз құрқек, есқ бөтир	110
Пойынгда турибман умиқвор	111
Ёмонаға ёғ ярашимас	113
Күхі балаңд, с шахри азим	115
Ватапим борми менинг?	116
Ҳайвон инсонин түшүніладими?	118
Фашизм ва фаҳшизм	119
7-ФАСЛ. Таржима салтанати	121
Тиңда тұғногиң үшін	121
Жалолиддин Румий буорадилар	123
Таржимон истесьдодиннинг қадри	125
Дыл дилини «таржумон» эттаңда	127
Ворисийлик, узвийлик, давомийлик	129
Әркін — сарбаст дегани. Ва аксинча	131
Нима құлмоқ керак, Ҳамлет?	133
Оқибат нимадан бошланадими?	136
«Традиторе — традутторе» дегани тұғрими?	138
8-ФАСЛ. Үн беш дақиқа ва бутун умр («Мен сув ич- ған даршлар» түркүмидан)	141
Илтимос ҳам шұнақа совуқ буладими?	150